

# МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ  
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ**

# **МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК**

**ТОШКЕНТ – 2025**

КБК 66.4уа73  
УЎК 327(075.8)  
М 95

**Минтақавий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Олий мактаб, 2025. – 250 б.**

**Масъул муҳаррир:** профессор Атаев М.И., Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби бошлиғи.

**Муаллифлар:** Бобокулов И.И., ю.ф.д., проф. (1, 2, 3, 11-мавзулар); Гуламов А.Г., с.ф.ф.д. (PhD), доц. (4, 6, 9-мавзулар); Зоҳидов А.А. и.ф.д., проф. (12-мавзу); Йўлбарсхўжаев У.Ш. с.ф.ф.д. (PhD) (5, 10-мавзулар); Муқимов Ш.А., и.ф.ф.д. (PhD) (7-мавзу); Олимов Ю.Ю., с.ф.ф.д. (PhD), доц. (8-мавзу).

**Тақризчилар:** Исламов И.Н., тарих фанлари доктори, профессор

Гиляждинов Р.Т., ҳарбий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ушбу ўқув қўлланма минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг назарий асослари, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги механизмлари ва ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, минтақанинг иқтисодиёти, ҳарбий қурилиши, шунингдек, транспорт ва сув хавфсизлиги борасидаги ҳамкорлигини ўрганишга бағишланган. Ўқув қўлланма соҳа мутахассислари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, ҳамда халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалалари билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йил 9 октябрдаги 10-сонли буйруғига асосан нашр рухсатномаси берилган.

© Муаллифлар жамоаси, 2025

© Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2025

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
1. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий жиҳатлари.....	6
2. Марказий Осиё – минтақавий хавфсизлик комплекси.....	20
3. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши.....	32
4. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё бўйича стратегияси ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид ташаббуслари.....	45
5. Интеграция – Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигининг муҳим омили.....	64
6. Етакчи давлатларнинг Марказий Осиё бўйича сиёсати.....	76
7. Марказий Осиё давлатлари иқтисодиёти: ривожланиш салоҳияти, муаммолари ва истиқболи.....	99
8. Марказий Осиё давлатларининг ҳарбий қурилиши: ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.....	120
9. Марказий Осиё минтақасида сув хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.....	150
10. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги кесимида Фарғона водийси омили.....	178
11. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги кесимида Афғонистон омили.....	189
12. Марказий Осиё транспорт тизими минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида.....	206
ХУЛОСА.....	239
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	241
ИЛОВАЛАР.....	248

## СЎЗБОШИ

Замонавий давлатлараро муносабатларнинг муҳим хусусиятларидан бири – “минтақавий ўлчов”нинг халқаро майдонда тобора кучайиб бораётгани ва унинг глобал сиёсий жараёнлардаги ўрнининг ошиб бораётганидир. Бу ҳолат минтақавийлашув жараёнини тезлаштирмоқда. Айниқса, бу тенденция муайян географик ҳудудда жойлашган давлатлар фаолиятининг барча йўналишларини – сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва гуманитар соҳаларни қамраб олмақда. Минтақавий хавфсизлик масалалари бу жараённинг марказий йўналишларидан бирига айланиб, давлатларнинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини талаб этмоқда. Хавфсизликнинг минтақавийлашуви – дунё сиёсий харитасида бўшлиқ қолдирмайдиган, яъни барча минтақаларда намоён бўладиган объектив ва универсал жараён сифатида намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, Марказий Осиё ҳам мазкур глобал воқелиқдан мустасно эмас ва ўзига хос геосиёсий, стратегик ва тарихий-цивилизацион хусусиятлари билан бу жараёнда фаол иштирок этмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон – мустақилликка эришгач, янги глобал ва минтақавий воқеликка мос равишда миллий хавфсизлик сиёсатини шакллантиришга ҳаракат қилди. Бунда улар ўз олдига икки асосий вазифани қўйдилар: бир томондан, ташқи таҳдидларга қарши самарали курашиш, иккинчи томондан, ички барқарорликни таъминлаш. Бироқ тарихий, этно-демографик, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу давлатларнинг хавфсизлиги, амалда, умумий минтақавий манфаатлар ва ўзаро ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарди.

Минтақада хавфсизликни таъминлаш масаласида глобал ва минтақавий акторлар, жумладан Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи, шунингдек, халқаро ташкилотлар – БМТ, ШХТ, КХШТ, ЕХХТ ва бошқалар фаол иштирок этмоқда. Ушбу акторлар ўз геосиёсий манфаатлари, иқтисодий мақсадлари ва хавфсизлик концепциялари асосида Марказий Осиёда турлича ёндашувларни илгари сурмоқда. Бу эса минтақада мураккаб ва кўп қутбли хавфсизлик муҳитини шакллантирмоқда. Шу муносабат билан, минтақавий хавфсизлик фақат бир давлат ёки ташкилот доирасида эмас, балки ўзаро интеграция, шериклик ва ишончни мустаҳкамлашга асосланган кенг қамровли ёндашувни талаб қилади.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда минтақа давлатлари ўртасида ҳамкорликка интилиш, ўзаро келишувга асосланган муносабатларни йўлга қўйиш ва хавфсизлик соҳасида умумий ёндашувларни шакллантиришга қаратилган ҳаракатлар сезиларли даражада фаоллашди. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари, “МО+” форматининг кенгайиши, минтақавий сиёсий мулоқот платформаларининг фаоллашуви ана шу жараённинг амалий

тасдиғидир. Бу эса хавфсизлик масаласини фақат ташқи акторлар воситасида эмас, балки минтақавий етакчиларнинг сиёсий иродаси орқали ҳал этиш имкониятларини кучайтирмоқда.

Геосиёсий жиҳатдан стратегик ўринни эгаллаб келаётган Марказий Осиё минтақаси учун хавфсизликни таъминлаш мураккаб, кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ омиллар билан белгиладиган муаммоли жараёнга айланган. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масаласи нафақат сиёсий ёки ҳарбий ўлчамлар билан, балки иқтисодий барқарорлик, сув-энергетика ресурслари, миллий-этник ва диний муносабатлар, чегаралар бўйича келишувлар, трансмиллий таҳдидлар, жумладан, терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний миграция каби омиллар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шу муносабат билан минтақавий хавфсизликка оид масалаларни чуқур ўрганиш, уларни тизимлаштириш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатлар тизимида нисбатан янгилик касб этувчи иштирокчилар сифатида намоён бўлмоқда. Мустақилликка эришгандан сўнг, улар ўз ташқи сиёсатини шакллантириш, халқаро майдонда ўз ўрнини топиш ва миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмоқда. Шу муносабат билан минтақа давлатларининг хавфсизлик соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий асослари ҳали ҳам шаклланиш жараёнида эканлиги кузатилади. Бу эса Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ва ҳамкорлик шаклларини мустаҳкамлашни тақозо этади. Мазкур йўналишда давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини, мавжуд муаммоларни ва истиқболли йўналишларни таҳлил қилиш долзарб илмий-тадқиқот вазифаси сифатида намоён бўлади.

Ушбу ўқув қўлланманинг мақсади Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, мустаҳкамлаш ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларини илмий таҳлил этиш, шунингдек, минтақадаги давлатларнинг ва ташқи акторларнинг ролини ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Ўқув қўлланмани ёзиш жараёнида муаллифлар жамоаси томонидан халқаро ташкилотлар ҳужжатлари, давлатларнинг хавфсизликка оид концепциялари ва стратегиялари, расмий баёнотлар ва статистик маълумотлар, илмий мақолалар ва таҳлил марказларининг ҳисоботлари манба сифатида фойдаланилди.

Умид қиламизки, китобхон ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу ўқув қўлланма Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик муаммоларини чуқур англаш, уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда сиёсий қарор қабул қилувчи доиралар учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилади. Қолаверса, у хавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, янги илмий ёндашувларни илгари суриш ва минтақавий мулоқотни рағбатлантиришга ҳисса қўшади.

# 1. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## Кириш

### 1.1. Минтақавий хавфсизлик тушунчаси

1.2. Минтақавий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омиллар

### 1.3. Минтақавий хавфсизлик тизими

### 1.4. Марказий Осиё тушунчасига оид асосий ёндашувлар

## Хулоса

## Кириш

Замонавий дунёда халқаро ҳамжамиятга аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлашда минтақавий омилнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу тенденция шунчалик аниқки, минтақа ва унда кечаётган жараёнлар хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳудудийлик тамойили давлатлараро муносабатлар тизимида ҳамон устувор ўринни эгаллаб келмоқда. Бошқача айтганда, “хавфсизлик динамикаси қатъий ҳудудийликка эга” – яъни хавфсизликни концептуаллаштириш ва англаш маълум бир географик макондаги ўзаро муносабатлар контекстида амалга оширилади.

Постбиполяр дунё шароитида, кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаганидек, минтақавий даража нафақат давлатлар ўртасидаги можаролар ва ҳамкорликлар учун майдон, балки хавфсизлик муаммоларини таҳлил қилишда муҳим илмий категорияга айланди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хавфсизликка нисбатан минтақавий ёндашувни илгари сурадиган бир қатор назарий концепциялар шаклланди. Уларнинг асосий мазмуни шундаки, ҳар бир давлатнинг хавфсизлигини алоҳида эмас, балки унинг минтақавий муҳитдаги ўрни ва ҳамкорлик даражаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарур. Бинобарин, хавфсизлик – бу изоляцияланган ҳолда таъминланадиган ҳолат эмас, балки умумий ва ўзаро боғлиқ муносабатлар тизимида қарор топадиган мураккаб, динамик жараёндир.

### 1.1. Минтақавий хавфсизлик тушунчаси

Минтақавий хавфсизлик нима? Суверен давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи хавфсизлик даражасими ёки хавфсизликнинг автоном тизими? Умуман, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва тизимлилигини тасдиқлаб, унинг автономлиги ҳақида сўз юритиш қанчалик тўғри? Тадқиқотчи бирор-бир ижтимоий ҳодисани ўрганишга қўл уриши билан юзага келувчи ушбу одатий ҳолат – дилемма билан тўқнаш келади.

Минтақавий хавфсизлик – минтақа давлатлари томонидан мавжуд таҳдидларнинг умумийлиги, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва унинг комплекс табиатини тан олинишидир. Минтақавий хавфсизлик минтақа давлатларининг умумий сиёсат олиб боришлари, давлатлараро ҳамкорликни мувофиқлаштиришнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган эҳтиёждир.

Минтақавий хавфсизлик – хавфсизлик даражалари кесимида миллий ва халқаро хавфсизлик даражаларини боғлаб турувчи бўғиндир. Ушбу ҳолат унинг оралиқ хусусияти ва халқаро хавфсизликка нисбатан тизимости мақомини белгилаб беради. Минтақавий хавфсизлик БМТ маркази ёки тизим яратувчиси ҳисобланган ялпи халқаро хавфсизлик тизимининг таркибий қисмидир.

Хавфсизликнинг минтақавий муҳити халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашда коллектив чора-тадбирларни амалга ошириш макони бўлиб хизмат қилади. БМТ Низомида халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири масалалари минтақавий битимлар ва органларнинг БМТ билан ҳамкорлиги/шериклиги нуқтаи назаридан қаралади. Халқаро хавфсизликка нисбатан тизимости ва миллий хавфсизликка нисбатан оралиқ мавқеи минтақавий хавфсизликнинг автономлиги, бир бутунлиги ва тизимлиги намоён бўладиган муҳит билан ажралмас боғлиқлигини кўрсатади.

Минтақада хавфсизлик сиёсатини моделлаштириш ва тузилишининг ўзига хос жиҳати минтақа давлатлари манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг муайян даражадаги умумийлиги билан изоҳланади. Айнан мазкур учлик минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг мазмуни ва устувор йўналишларини белгилаб берувчи ҳамда хавфсизлик соҳасида минтақавий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлди. Зеро, ушбу омиллар минтақавий ташкилотлар, альянслар ва иттифоқларнинг таъсис этилиши, минтақавий битимлар имзоланиши, тинчликпарвар операцияларнинг амалга оширилиши асосидир.

Минтақавий коллектив хавфсизлик механизмлари, хавфсизлик соҳасида давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар, минтақавий институтларнинг мавжудлиги ҳамда минтақавий муносабатларнинг ихтисослашуви минтақавий хавфсизликнинг бошқа хавфсизлик даражаларига нисбатан муайян мустақиллигини белгилайди.

Минтақавий хавфсизликни тавсифловчи қуйидаги асосий жиҳатларни қайд қилиб ўтиш мумкин. Минтақавий хавфсизлик бу:

миллий манфаатларни амалга ошишини таъминловчи ва минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатини мувофиқлаштирувчи макон;

БМТ универсал, ялпи халқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми;

давлатлараро ҳамкорликнинг мустақил даражаси, хавфсизликни таъминлашнинг автоном тизими.

Шундай қилиб, минтақавий хавфсизлик тушунчасига қуйдагича таъриф беришимиз мумкин: минтақавий хавфсизлик – хавфсизлик даражаси; халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми; минтақа давлатларининг суверен ривожланиши учун энг мақбул халқаро ҳуқуқий, институционал, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш имкониятини берувчи халқаро муносабатларининг ҳолати.

Мазкур таърифда минтақавий хавфсизлик тушунчасининг энг муҳим “ўзак” элементи – “шарт-шароит” ҳисобланади. Шарт-шароитларга хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи барча сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва халқаро-ҳуқуқий куч ва воситаларни киритиш мумкин. Хусусан, хавфсизликнинг минтақавий механизмлари, халқаро шартномалар; таҳдидларга қарши курашни мувофиқлаштирувчи марказлар (ШХТ МАТТ, МДХ АТМ); мулоқот гуруҳлари ва бошқалар минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос асосини ташкил этади.

Одатда, минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлиги, авваламбор, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган минтақа давлатларининг сиёсий иродаси ва икки томонлама алоқаларининг ҳолатига боғлиқ. Минтақавий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини ривожлантиришга оид давлатлар тажрибаси шундан далолат бермоқда. Мисол учун, Европа Иттифоқи доирасида Германия ва Франциянинг етакчилик роли ёки Жанубий Осиёда Ҳиндистон-Покистон қарама-қаршилиги.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий хавфсизлик сиёсатининг мазмун ва моҳиятини минтақа давлатларининг ҳаётий муҳим миллий манфаатлари белгилайди. Ўз навбатида, ушбу манфаатлар тегишли “ҳуқуқий, институционал ва бошқа шарт-шароитларни” яратиш орқали таъминланади. Бундай шароитлар минтақа давлатларининг сиёсий иродаси натижаси ўлароқ, уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлатлараро муносабатлар барқарорлигининг муҳим омили сифатида илгари сурилади. Ушбу муносабатларнинг барқарорлиги, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик сиёсатининг самарадорлиги кафолати бўлиб хизмат қилади.

## **1.2. Минтақавий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омиллар**

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, постбиполяр дунёда минтақа хавфсизликнинг оралиқ даражаси ҳамда конфликт ва ҳамкорлик майдони, хавфсизлик тадқиқотларининг (хусусан, “минтақавий хавфсизлик комплекси” (“regional security complex”), “хавфсизлик ҳамжамияти” (“security community”) назариялари доирасида) муҳим объектига айланди.

Маълумки, муайян ҳодиса, жараён ёки воқеликни тадқиқ этишда унинг асосий тушунчаларига оид билимларга эга бўлиш мавзунинг моҳиятини англаб етишда муҳим роль ўйнайди. Минтақа, минтақавийлашув ва регионализм – минтақавий хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг асосий категориялари сирасига киради.

**Минтақа** – географик, табиий, иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ер шарининг муайян бир қисмини ташкил этувчи макондир. Бу жиҳат минтақанинг фундаментал/асосий хусусиятлари бўлиб, улар минтақа давлатларининг ўзаро фаол алоқалари натижасида намоён бўлади.

Мазкур ўринда минтақанинг табиий-географик хусусиятларидан келиб чиқувчи макон ва масофанинг ўзаро нисбати муҳим масаладир. Агар минтақа ҳудудий ва табиий тузилишни ифодаласа, макон муайян жойда ва вақтда мавжуд бўлган, ўзаро боғлиқ объектларни ифодаловчи тушунчадир. Масофа, яъни берилган макон чегарасида жойлашган таркибий қисмлар ўртасидаги оралиқ маконнинг муҳим хусусияти сифатида намоён бўлади. Давлатлараро муносабатларда масофа омили, яъни яқинлик ва узоқлик муҳим аҳамиятга эга.

Давлатлараро муносабатларда масофа (яқинлик ёки узоқлик) омили икки жиҳатда намоён бўлиши мумкин. Бир томондан, давлатларнинг географик жойлашуви (яқинлик) “ўзаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар”<sup>1</sup> яратади, савдо-иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланишига ва регионализм асосларини мустаҳкамланишига замин яратади. Иккинчи томондан, яқинлик омили ўзаро низоларни келтириб чиқарувчи шароит ёки сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлатлараро, миллатлараро ва динлараро низолар тарихи аксарият ҳолатларда ушбу низоларни муайян географик маконда жойлашган давлатлар, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида юз берганини кўрсатмоқда.

Шундай экан, минтақадаги ҳар бир давлат учун мазкур маконда жойлашган ўзга давлат (давлатлар)нинг хатти-ҳаракати (хоҳ дўстона, хоҳ антагонистик руҳда бўлсин)нинг ташқи ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатини белгилаб берувчи муҳим детерминант бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда “*Халқлар ўртасидаги тинчлик ва уруш*” номли классик асар муаллифи Раймон Ароннинг фикрларини келтирамиз. Муаллиф, Кубадаги инқилобнинг Лотин Америкаси давлатларига таъсирини таҳлил қилиб, қуйидаги саволни беради: Нима учун Хитой инқилобидан кейин эмас, балки Куба инқилобидан кейин Лотин Америкасида ер титради? “Сабаблари оддий ва дунё каби кўҳна: на янги транспорт воситалари ва на янги қирғин қуроллари инсоннинг масофани, тарихий қардошликни ва ҳудудий яқинликни ҳис қилиш туйғусини йўқ қила олмади... Олисида, бошқа ирққа мансуб халқлар томонидан амалга оширилган инқилоблар, худди

---

<sup>1</sup> Starr Harvey. Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict // International Studies Review, Vol. 7, 2005.

шундай оташин ҳис-туйғуни уйғотмайди. Инсоният боғлиқ ва бир бутундир, аммо халқлар ўзларининг бирлигини англамайдилар. Минтақавий ҳамжамиятлар умуминсоний ҳамжамиятга нисбатан мустаҳкамроқ бўлиб қолмоқда...”<sup>1</sup>.

Шундай экан, табиий-географик хусусиятлар муайян минтақа давлатлари учун уларнинг ташқи ва хавфсизлик сиёсатини шакллантириш ва устувор йўналишларини белгилашнинг фундаментал асоси ҳисобланади. Халқаро муносабат субъектларининг табиий яқинлиги икки ва кўп томонлама мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга шароит яратади. Турли даражадаги ўзаро мулоқот ва манфаатли алоқалар қанчалик кучли бўлса, давлатлараро муносабатлар шунчалик барқарор бўлади. Давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги эса, ўз навбатида, минтақавий хавфсизлик муҳитининг барқарорлигини таъминлайди.

**Минтақавийлашу**в тушунчасининг энг холис тавсифи давлатлар ва халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари фаолиятини минтақа миқёсида намоён бўлиши тарзида изоҳланади. Минтақавийлашув тушунчасининг мазмуни, одатда, фаолият, ташкиллаштириш, минтақа давлатлари ўзаро алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни билдиради.

Минтақавийлашув – давлатга оид ички ҳодиса (хусусан, муаммо, таҳдид ёки манфаат) минтақа даражасига кўтарилиши, умумий аҳамият касб этиб боришини англатувчи жараёндир. Шу билан бирга, умумий маънони англатувчи ҳодисага нисбатан коллектив ёндашувни шакллантиришни тақозо қиладиган жараён ҳамдир. Ушбу ҳолат, авваламбор, манфаатдор минтақа давлатларидан умумий тартибни ўрнатиш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқий қоидаларни яратиш, институционал асосларни шакллантириш заруриятини белгилайди.

Давлатлараро алоқаларнинг маълум бир соҳаларини минтақа даражасидаги ихтисослашуви ва муайян тизимга солиниши ҳам минтақавийлашувнинг муҳим жиҳатларини очиб беради.

Минтақавий акторларнинг ўзаро муносабатлари, асосан, уч омилга асосланади: *умумий* муаммоларни ҳал этиш; *умумий* таҳдидларга қарши курашиш; *умумий* манфаатларни ҳимоя қилиш ва эришиш. Минтақавийлашув, охир-оқибатда, минтақа чегараларини шакллантиради, унинг хусусиятлари, алоҳидалиги ва автономлигини кучайтиради.

Минтақавийлашув – якуний натижа эмас. У замонавий халқаро муносабатлар ривожланишининг объектив тенденцияси бўлиб, минтақа давлатларининг яратувчанлик, тартибга солиш ва ривожланишга қаратилган мақсадли фаолиятини ифодалайди. Минтақавий ташкилотлар, минтақавий мансублик, минтақа ҳақидаги билимларнинг шаклланиши

---

<sup>1</sup> Арон Р. Мир и война между народами /Под общей ред. В.И.Даниленко – М.: Nota Bene,2000. – 459 с.

мазкур жараённинг моддий тус олиши сифатида баҳоланади.

Хавфсизликнинг минтақавийлашуви – бу замонавий халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, миллий хавфсизликнинг барқарор (томир отиб улгурган) чегараларининг “емирилиши” ҳамда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим омили ва даражаси сифатида минтақа ва минтақавий хавфсизлик ролининг кучайишини англатади. Мазкур тенденция хавфсизликнинг аъъанавий талқини, уни таъминлашнинг услуб ва воситалари тўғрисидаги билимлар ва қарашларни жиддий ўзгаришига ҳамда минтақавий хавфсизликни суверен давлатлар барқарорлигини таъминлашнинг муқаррар босқичи эканлигини англаб етишга туртки берди. Ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги чегараларнинг емирилиши, трансчегаравий таҳдидларнинг пайдо бўлиши, янги мустақил давлатлар ҳамда улар муносабатларини мувофиқлаштирувчи кўп томонлама институтларнинг яратилишини *хавфсизликнинг минтақалашувини* кучайишига сабаб бўлган омиллар сифатида баҳоланади. Ушбу тенденциялар, ўз навбатида, регионализмнинг шаклланиши ва кучайишига ҳамда замонавий таҳдидларга нисбатан “суверен жавоб”нинг самарасизлиги ва аксинча “коллектив (минтақавий) жавоб”га асосланиш заруриятини белгилайди.

**Регионализм** – *минтақанинг функционал ва институционал намоён бўлиши*. Регионализм минтақавий (умумий) манфаатлар нуқтаи назаридан туриб муаммоларни ҳал этиш, мақсад ва вазифаларга эришиш ҳамда давлатлараро ҳамкорлик механизмини шакллантириш ғояси/ёндашувидир. Тадқиқотчиларнинг ўринли таърифига кўра, “миллат учун миллатчилик нимани англатса, *регионализм* ҳам минтақа учун шуни англатади”. Ушбу мазмунда регионализм бевосита ўзига хослик/мансублик тушунчаси билан боғлиқ. Ўзига хослик минтақавий ёки миллий бўлишидан қатъи назар қайсидир шартли ҳудудда рўй берадиган жараён.

Бошқача айтганда, “хавфсизлик динамикаси муқим ҳудудийликни тақозо қилади” (Б.Бузан) ва уни англаш (хавфсизликнинг концептуализацияси, яъни “ҳодисани назарий жиҳатдан ташкил қилиниши ва тушунчалар боғлиқлигини умумий тарзда баён қилиниши”) муайян ҳудудий модель билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Бу ўринда регионализм минтақавий ўзлик, яъни инсонларнинг муайян минтақага тегишлилиги/мансублик, шунингдек, тарихи, маданияти, аъъаналари, дини ҳамда манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг умумийлигини англаб етишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилади.

Қайд қилиб ўтилган омилларнинг биринчи гуруҳи объектив, иккинчиси эса – ҳосила сифатида белгиланиши мумкин. Чунки цивилизациян омилларнинг шаклланиши билан минтақага мансублик бевосита боғлиқ кечади. Бу икки гуруҳ омиллар йиғиндиси маълум бир минтақани ўзиники деб қабул қилишга нисбатан яқка ва коллектив тартибда одамларнинг фикрини шакллантиришга имкон беради. Бошқача айтганда, регионализм – турли акторлар – давлатлар, халқлар,

миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг маълум бир фундаментал қадриятлар ва қоидаларга риоя қилишга розилигини билдиради.

Шундай қилиб, минтақавий ўзлик ёки “умумий цивилизация” омили маълум бир минтақа давлатлари муносабатларининг мустақамланишига пойдевор қўйиб, минтақавий жараёнларда муҳим хусусият касб этади.

Регионализм иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, шу жумладан, хавфсизлик муаммоларига минтақа манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ёндашишни англатади. Минтақавий ташкилотлар, бирлашмалар, давлатлар иттифоқларининг таъсис этилиши, умумий бозор, эркин савдо маконларининг яратилиши ушбу ҳодисанинг институционал кўринишидир. Гарчи унинг натижасида “давлат қайсидир маънода ўзининг монополлик хусусиятини йўқотади”. Регионализм минтақа миқёсида миллий манфаатларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асосни яратади.

Регионализм – аввало, “*давлат томонидан амалга оширилувчи лойиҳадир*”: регионализм ғоясини амалга оширувчи асосий иштирокчилар – минтақа давлатларидир. Шу билан бирга, халқаро ҳаётда глобаллашув билан боғлиқ ва мазкур жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи муқаррар воқеликни эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Регионализм мавжуд барча минтақавий муаммо ва таҳдидларга “даво ёки малҳами” эмас, бироқ у ривожлантириш ва ички минтақавий барқарорликни таъминлаш салоҳиятига эга. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш орқали давлатлар минтақани жаҳон сиёсати объектдан унинг субъектига айлантириши ва глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатларига нисбатан қарши тура олиш салоҳиятини оширишлари мумкин.

Маълумки, муайян ҳодиса, жараён ёки воқеликни тадқиқ этишда унинг асосий тушунчаларига оид билимларга эга бўлиш мавзунинг моҳиятини англаб этишда муҳим ҳисобланади. Минтақа, минтақавийлашув (регионализация) ва регионализм – бу минтақавий хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишда билиш лозим бўлган бирламчи категориялардир. Қайд қилинган категориялар илмий адабиётларда етарли даражада ўрганилган.

### **1.3. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими**

*Минтақавий хавфсизлик тизими* – халқаро-ҳуқуқий ва институционал асосни яратиш орқали минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро муносабатларнинг ички тузилиши ва ташкил этилиш услубидир. Минтақавий хавфсизлик тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва объектлари, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари мажмуидан иборат.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг мавжудлиги давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги ва минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг изчиллигидан далолат беради. Ўзаро ишонч, мавжуд

муаммоларни ҳал этиш борасида нуқтаи назарларнинг муштараклиги, ўзаро муносабатлар табиатининг узоқ муддатлилиги самарали хавфсизлик тизими яратилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизимининг функционал вазифаси минтақа давлатлари ва ташкилотларнинг БМТ Низомига биноан тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ўзаро чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Минтақада тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи муайян вазият: минтақавий конфликт, қуролли ҳужум, ҳудудий низо ва бошқалар минтақавий тизим доирасида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг бош мақсади минтақавий хавфсизлик объектлари – суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни, яъни минтақавий давлатлар мавжудлигини белгиловчи фундаментал асосларни/манфаатларни самарали ҳимоя қилиш механизмини яратишдан иборат. Бу манфаатларнинг амалга оширилиши универсал ва минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда минтақа давлатлари томонидан тузиладиган битимларда қайд этиладиган халқаро-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими орқали таъминланади.

Ушбу мақсад минтақавий хавфсизлик тизимининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор вазифаларни ўз ичига олади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

*биринчидан*, минтақа давлатларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги миллий стратегияларини мувофиқлаштириш;

*иккинчидан*, миллий хавфсизлик соҳасидаги миллий қонунчиликнинг уйғунлигини таъминлаш;

*учинчидан*, минтақавий хавфсизликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини яратиш, куч ва воситаларини белгилаб олиш ва бошқалар.

Минтақавий хавфсизлик субъектлари асосан минтақа давлатлари (бирламчи субъектлар), минтақавий ва халқаро ташкилотлар (ҳосила субъектлар)дир. Минтақавий хавфсизлик соҳасидаги давлатлараро муносабатлар, одатда, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, аввало, БМТ Низоми, минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ва халқаро шартномаларни киритиш мумкин.

Минтақада хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва устувор йўналишларига оид қарашларини билиш муҳим масаладир. Миллий хавфсизликка оид қонунлар, стратегия ва концепциялар, давлат раҳбарининг баёнотлари ва ташқи сиёсий ташаббусларида давлатнинг минтақавий хавфсизликка нисбатан халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назари ўз ифодасини топади.

Таъкидлаб ўтилган фикрларга қуйидагича яқун ясаш мумкин:

*биринчидан*, ички ва ташқи таҳдидлар орасидаги чегараларнинг емирилиши, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро

боғлиқлиги, трансмиллий таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар давлат хавфсизлигини таъминлашнинг минтақавий ўлчами аҳамиятининг ортишига олиб келди ҳамда уни хавфсизлик тадқиқотларининг устувор йўналишига айлантирди;

*иккинчидан*, регионализм – барча муаммо ва таҳдидларга “малҳам” бўла олмайди. Аммо у ички минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш салоҳиятига эга. Айнан минтақавий ҳамкорлик ва интеграция орқали минтақа давлатлари жаҳонда кечаётган иқтисодий ва сиёсий жараёнларга нисбатан самарали жавоб чораларини ишлаб чиқишлари мумкин.

#### **1.4. Марказий Осиё тушунчасига оид асосий ёндашувлар**

Марказий Осиё минтақасини уч қиёфада, яъни 1) географик минтақа; 2) сиёсий бирлик; 3) цивилизацион макон сифатида кўриш мумкин. Ушбу маънода унинг чегараси/чети ҳар бир алоҳида ҳолатда турлича қабул қилинади. Биринчи ҳолатда *“табиий чегаралар”*: тоғлар, дарёлар, чўллар ва денгизлар; иккинчи ҳолатда минтақани ташкил этувчи янги сиёсий бирликларнинг *давлат чегаралари*; ва учинчи ҳолатда маданий ёки халқларнинг этнолингвистик умумийлиги (муштараклиги) – *цивилизацион омиллар* – ушбу минтақа чегараларини белгилаб беради.

Илмий адабиётларда ва давлатларнинг ташқи сиёсий амалиётида мазкур минтақага нисбатан сиёсий ёндашув, яъни Марказий Осиёни “Ўрта Осиё ва Қозоғистон” деб номланган маконда мавжуд бўлган собиқ иттифоқдош республикалар ҳудуди сифатида тушуниш кенг тарқалган. Марказий Осиё айнан шу мақомда тадқиқот объекти<sup>1</sup> ва халқаро ҳамжамият етакчи аъзоларининг ташқи сиёсий стратегиясининг ажралмас қисмига айланди.

Хусусан, 2007 йилда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси қабул қилинди (*“Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: ҳамкорликнинг янги стратегияси”*). АҚШ ўзининг Миллий хавфсизлик

---

<sup>1</sup> Қаранг.: Centrasia and the Caucasus after the Soviet Union: Domestic and International Dynamics / edited by Mohiaddin Mesbahi. – Florida: University Press of Florida, 1994; Central Asian Transition: Dilemmas of Political and Economic Development /edited by Boris Rumer. - New York, London: M.E. Sharpe, 1996; Касенов У.Т. Безопасность Центральной Азии: глобальные, региональные и национальные проблемы. – Алматы: Университет “Кайнар”, 1998; Olivier Roy. The New Central Asia: the Creation of Nations. - New York: New York University Press, 2000; Central Asian Security: the New International Context /edited by Roy Allison and Lena Jonson. - London, Washington, D.C.: Royal Institute of International Affairs, Brookings Institution Press, 2001; Polat Necati. Boundary Issues in Central Asia. – New York: Transnational Publishers, 2002; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: “Шарк”, 2005; Казанцев А.А. “Большая игра” с неизвестными правилами: мировая политика и Центральная Азия. – М.: МГИМО-Университет, 2008 ва бошқ.

стратегиясида (2006) Жанубий ва Марказий Осиё минтақалари бўйича алоҳида бўлим ажратди ҳамда ушбу минтақалар бўйича давлат котиби ёрдамчиси лавозимини таъсис этди. РФнинг Ташқи сиёсат концепцияси ва Миллий хавфсизлик стратегиясида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бундан ташқари, ЕИ, НАТО, АҚШ, Франция ва бошқа бир қатор давлат ва ташкилотлар Марказий Осиё бўйича координатор институтини жорий этди.

Марказий Осиё дунёнинг кўҳна тарих, бой маънавий ва маданий меросга эга бўлган ноёб минтақаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда геосиёсий омиллар билан бир қаторда минтақанинг углеводород ресурсларига бойлиги, халқаро терроризм ва диний экстремизм таҳдидининг мавжудлиги буюк ва минтақа давлатларнинг Марказий Осиёга оид манфаатларини белгилайди.

Марказий Осиё Евроосиё материгининг ядроси, унинг кириб бориш қийин бўлган ички қисми ҳисобланади. У шарқ билан ғарб, шимол билан жануб ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Минтақа Европа учун Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга кўприк ҳамда Россиянинг Жанубий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатлари билан муносабатларида етакчи мавқе эгаллаш учун ҳақиқий даъвогар саналади. Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиёнинг геосиёсий жойлашуви уни кўшни давлатлар ва минтақалар учун стратегик аҳамиятини белгилайди.

Ушбу ўринда Марказий Осиёни географик макон сифатида тушуниш борасида турли хил фикрларнинг мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, Карл Риттер Осиёдан ярим ороллар ва паст текисликларни ажратган ҳолда материкнинг қолган қисмини Марказий Осиё деб номлайди.

Немис мутафаккири Александр фон Гумбольдт тоғларнинг ички тузилишига кўпроқ эътибор қаратди. У Марказий Осиёнинг шимолий чегарасини  $49 \frac{1}{2}$ , жанубий чегарасини эса  $39 \frac{1}{2}$  шимолий кенглик бўйича ўтказиб, уни кўпроқ геометрик жиҳатдан белгилади. У Марказий Осиё таркибига кенг ясси тоғликлар ва Тибетни киритмади. Фон Рихтгофеннинг қайд этишича, Гумбольдт ўз саёҳатлари натижаларини қайта ишлаш давомида эҳтимол, ушбу бўшлиқни ҳис қилган, чунки у “L`Asia centrale” асарида “Марказий Осиё том маънода жанубий Олтойдан Химолай тоғларининг шимолий ён бағирларигача ястаниб ётади” деган фикрни таъкидлаб ўтади.

Фердинанд фон Рихтгофен Осиё материгининг гидрографик маълумотларига асосланиб, дунёнинг ушбу қисмини анча тўғри бўлиб берди ва Марказий Осиё тушунчасига аниқлик киритди. Хитойга бағишланган асарида Рихтгофен Марказий Осиёни материк ички қисмининг сув оқиб чиқиб кетмайдиган макони сифатида баҳолайди. Унинг чегараси этиб, жанубда Тибетнинг жанубий чеккасини, шимолда Олтойни, ғарбда Помир сув айирғичини, шарқда эса Хинган тоғ тизмасини, худди шунингдек, улкан Хитой дарёлари билан суви оқиб чиқиб кетмайдиган

Тибет кенглиги ўртасидаги сув айирғични белгилайди.

Фон Рихтгофен ушбу асарда суви оқиб чиқиб кетмайдиган ички кенгликка қарама-қарши равишда чекка қисмлар географик тушунчасини, яъни сувлари дарёлар орқали денгизга ёки унинг материкдаги кўлсимон қолдиқларига (Каспий ва Орол денгизига) бориб қўйиладиган ва Марказий Осиё атрофида денгизга қадар ёйилган барча кенгликларни белгилайди.

Марказий Осиёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг чекка тоғ тизмалари билан ўралганлиги ва шу сабаб дарё сувларининг Осиёнинг чекка қисмларига оқиб кетиш имкониятини бермаслиги билан изоҳланади. Ушбу баландликлар жанубда аниқ кўринишга эга. Бу ерда Ҳимолай ва Қорақурум тизмалари улкан, параллель тоғлардан иборат деворни ташкил этади.

Шунингдек ғарбда ҳам Марказий Осиёнинг ўралганлиги (ёпиқлиги) Ҳиндиқуш, Қорақурум, Кунъ-Лунъ ва Тянь-Шанъ тоғларининг туташishi билан жуда аниқ намоён бўлади; бу ерда Помир тоғларининг қудратли кўрғони вужудга келган. Шарқда дастлаб шарқий Тибет, Юннан ва Сечуан тоғларининг жанубга йўналган баланд тизмалари девор бўйлаб хизмат қилади, сўнгра шимолий Хитой ва Мўғулистоннинг чекка тоғ тизмалари, шунингдек, узун Хинган баландликлари уларга туташади. Тоғ девори шимол томондан энг кам ёпилган, чунки Тянь-Шанъ ва Олтой тизимлари худуди, шунингдек, Хинган ва Саян тизмаси орасида Жунғор ҳавзаси (ботиғи) ва шимоли-шарқий Мўғулистон каби бепоён ясси тоғликлар ёйилган. Бу ерда мамлакатнинг ички қисмларидан йирик дарёларнинг, чунончи шимоли-ғарбда Об-Иртиш, шимоли-шарқда Амур, уларнинг орасида эса Енисей-Селенганинг чиқиш имконияти мавжуд.

“Ички Осиё” атамаси ҳам янги эмас. У аввал “Марказий Осиё” тушунчасига синоним сифатида қўллаб келинган. Рихтгофен томонидан ривожлантирилган принципларга асосланган ҳолда, уни бошқа маънода, масалан Ички ёки Ўрта Осиё, яъни Осиё материгининг очиқ денгизга оқиб чиқиб кетиш имкониятига эга бўлмаган барча ёпиқ ҳудудлари йиғиндиси сифатида тушунилади. Ички Осиё чегараларини аниқ белгилаш келажакдаги тадқиқотлар вазифасидир.

1993 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат бошлиқлари *Марказий Осиё минтақаси* деб, юқорида номи қайд қилинган мамлакатлар ҳудудини бирлаштирувчи географик майдонни назарда тутишларини расман эълон қилдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А. Каримов 1993 йил 4 мартда бўлиб ўтган матбуот анжуманида: *“январь ойида Тошкентда пайдо бўлган Марказий Осиё тушунчасига келганда, бу объектив, қонуний жараён. Ушбу минтақада яшаётган халқлар тарихи, маданияти, тили, динининг умумийлиги билан бирлашган. Халқларимизнинг тарихий илдизлари бир-бири билан шу даражада қўшилиб кетганки ва улардаги замонавий воқелик шу даражада ўхшашки биз фақат биргаликда, яқиндан ҳамкорликда ҳозирги инқироздан чиқиш*

*йўлларини излаймиз”<sup>1</sup>*, - деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ҳам президентлик фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишни ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида ушбу соҳада салмоқли натижаларга эришилди. Зеро, Марказий Осиё интеграцияси учун бир нечта табиий омиллар етарли.

### **Хулоса**

Минтақавий хавфсизлик тушунчаси, уни белгилаб берувчи асосий омиллар, минтақавий хавфсизлик тизими ва Марказий Осиё тушунчасига оид асосий ёндашувларни тадқиқ қилиш орқали куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

*биринчидан*, ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги анъанавий чегараларнинг йўқолиши, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик ўлчовларининг ўзаро боғлиқликда намоён бўлиши, шунингдек, трансмиллий таҳдидлар сони ва кўламининг ортиши давлат хавфсизлик сиёсатида минтақавий ёндашувнинг аҳамиятини сезиларли даражада оширмоқда. Бу ҳолат хавфсизликни минтақавий даражада ўрганишга бўлган заруратнинг ортишига олиб келмоқда;

*иккинчидан*, давлат чегараларидан фарқли ўлароқ, минтақа чегаралари, одатда, географик яқинлик, цивилизация умумийлик, тарихий-маданий алоқалар ва табиий ресурслардан фойдаланишдаги ўхшашликларга асосланади. Минтақавий давлатлар ўртасидаги умумий муаммолар, таҳдидлар ва манфаатлар айнан шу умумийликдан келиб чиқади ва натижада минтақавий ечимларни талаб этади. Бу эса давлатлараро иттифоқлар, минтақавий ташкилотлар, ҳамкорлик механизмлари, қўшма сиёсий стратегиялар ҳамда хавфсизлик соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарурлигини юзага келтиради;

*учинчидан*, минтақа хавфсизлик даражалари ўртасидаги макон бўлиб, у давлатларнинг хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш учун самарали майдон вазифасини бажаради. У миллий ва халқаро хавфсизлик ўртасида боғловчи бўғин бўлиб, турли даражадаги хавфсизлик ташаббусларининг уйғунлашувини таъминлайди;

*тўртинчидан*, минтақавийлашув барча муаммо ва таҳдидларга ечим сифатида қаралмаслиги лозим. Шу билан бирга, у ички барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни сақлаш ва минтақадаги ижобий ўзгаришларни рағбатлантириш салоҳиятига эга. Айниқса, минтақавий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини чуқурлаштириш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т.1. –Т.: Узбекистан, 1996. – С. 140-141.

орқали Марказий Осиё давлатлари жаҳон сиёсий ва иқтисодий жараёнларига самарали тарзда интеграциялашуви мумкин. Бунинг учун ўзаро манфаатли муносабатларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишнинг институционал асосларини яратиш талаб этилади. Бундай механизмлар Марказий Осиёни давлатлараро муносабатлардаги ўрни ва ролини сезиларли даражада ошириб, уни мустақил субъект сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Минтақавий хавфсизлик тушунчасига таъриф беринг.
2. Минтақавий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омилларни сананг.
3. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
4. Минтақавийлашув ва регионализм тушунчаларининг нисбатига тўхталинг.
5. “Марказий Осиё”ни тушунишда қандай ёндашувлар мавжуд?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев Э., Ҳайдаров А. “Марказий Осиё хавфсизлиги: таҳдидлар ва ҳамкорлик йўналишлари”. 2021 // Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик, №4, 34-50-бетлар.
2. Арон Р. Мир и война между народами /Под общей ред. В.И.Даниленко – М.: NOTA VENE,2000. – 459 с.
3. Нурланов А., Жанабеков К. Региональные угрозы и политика безопасности в Центральной Азии. – Алматы: Казахстанский институт стратегических исследований, 2021. – 292 с.
4. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: назария ва амалиёт. – Тошкент: Адолат, 2020. – 576 б.
5. Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.
6. Султонов А.Р. Минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон ташқи сиёсати. – Тошкент: Иқтисодиёт ва таълим нашриёти, 2019 – 268 б.
7. Рахимов М. “Марказий Осиёдаги геосиёсий рақобат ва хавфсизлик муаммолари” // Ўзбекистон халқаро муносабатлари журнали, №3, 2020 – 22-39 б.
8. Хавфсизлик асослари [Матн] : дарслик / И.И. Бобоқулов ва бошқалар. – Тошкент: Complex print, 2025. – 280 б.
9. Barry Buzan, Ole Waever. Regions and Powers: the Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 564 p.

10. Barry Buzan. *People, States, and Fear*. – Brighton: Wheatsheaf, 1983. – 262 p.
11. Booth K., Wheeler N.J. *The Security Dilemma: Fear, Cooperation and Trust in World Politics*. – London: Palgrave Macmillan, 2008 – 384 p.
12. David A. Lake and Patrick M. Morgan. *The New Regionalism in Security Affairs* //In: *Regional Orders: Building Security in a New World*. - University Park: Penn State University press, 1997.
13. Diehl Paul. *Geography and War: A Review and Assessment of the Empirical Literature* // *International Interaction*, Vol. 17, 1991.
14. Haas Michael. *International Subsystems* // *American Political Science Review* 64 (March). – P. 98-123.
15. Hurrell Andrew. *Regionalism in Theoretical Perspective* //In: *Regionalism in World Politics: Regional Organization and International Order* /Louise Fawcett and Andrew Hurrell, eds. - Oxford: Oxford University Press, 1995.
16. Starr Harvey. *Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict* // *International Studies Review*, Vol. 7, 2005.
17. *The Penguin Dictionary of International Relations* // Graham Evans and Jeffrey Newnham. – London: Penguin Books, 1998.
18. *The World Order Politics of Regionalization* //In: *The United Nations and Regional Security: Europe and Beyond* /Michael Pugh and Waheguru Pal Singh, eds. – London: LYNNE RIENNER Publisher, 2003. – 309 p.

## 2. МАРКАЗИЙ ОСИЁ – МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК КОМПЛЕКСИ

### Кириш

**2.1. Минтақавий хавфсизлик комплекси назариясининг асосий жиҳатлари.**

**2.2. Марказий Осиё – минтақавий хавфсизлик комплекси**

**2.3. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик комплексининг истиқболи**

### Хулоса

*Комплекс – бир бутунни ташкил қилган предметлар, ҳодисалар ва хусусиятларнинг бирлиги, мажмуидир<sup>1</sup>*

### Кириш

Биринчи маърузада таъкидлаб ўтилганидек, Марказий Осиёни уч қиёфада, яъни географик минтақа, сиёсий бирлик, цивилизацион макон сифатида кўриш мумкин. Бироқ минтақавий хавфсизлик динамикаси таҳлили кесимида Марказий Осиёнинг уч ўлчамли тавсифи етарли эмас. Мазкур ўринда *минтақавийликни* белгилашнинг энг мақбул мезони – бу хавфсизлик ёки хавфсизлик муаммоларидир. Ушбу мезон минтақани хавфсизлик қиррасидан кўрувчи (“regions as seen through the lens of security”) *минтақавий хавфсизлик комплекси назарияси* (МХКН) асосини ташкил этади.

Мазкур назарияга мувофиқ, минтақавий хавфсизлик комплекси (МХК) “ўзига хос, функционал нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланадиган минтақанинг тури бўлиб, у ҳар доим ҳам минтақанинг умумқабул қилинган тушунишга мувофиқ келмаслиги мумкин” (“very specific, functionally defined type of region, which may or may not coincide with more general understandings of region”)<sup>2</sup>.

Демак, хавфсизлик нуқтаи назаридан юқорида қайд қилинган уч ўлчамли ёндашувга қўшимча тарзда Марказий Осиёни “*минтақавий хавфсизлик комплекси*” сифатида баҳолаш мумкинлигини таҳлил қиламиз.

**2.1. Минтақавий хавфсизлик комплекси назариясининг асосий жиҳатлари**

Минтақавий хавфсизлик комплекси ғояси инглиз олими Барри Бузанга тегишли<sup>1</sup>. Аммо унинг кейинги ривожини Оле Вэвер ва Копенгаген халқаро тадқиқотлар мактаби номи билан бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам минтақавий хавфсизлик комплекси назарияси “Копенгаген мактабининг

<sup>1</sup> Современный словарь иностранных слов. – М.: Рус.яз., 2000. – С. 295.

<sup>2</sup> Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. – P. 48.

хавфсизликка оид коллектив назарий ёндашуви” (“part of the Copenhagen School’s collective theoretical approach to security”)<sup>2</sup> сифатида кўрилади.

Муайян структуранинг мавжудлиги (структуралилик), минтақавий хавфсизлик комплексининг моделлари, мезонлари ва турларининг ишлаб чиқилганлиги боис, Бузан – Вэвер назарияси минтақавий миқёсда хавфсизлик динамикасини таҳлил қилишнинг энг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

Даглаб, Б.Бузан хавфсизлик комплексининг қуйидаги таърифини келтиради: *“хавфсизликка оид асосий муаммолари бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқ давлатлар гуруҳи бўлиб, уларнинг миллий хавфсизлиги бир-биридан айри ҳолда кўрилиши мумкин эмас”* (a group of states whose primary security concerns link together sufficiently closely that their national securities cannot reasonably be considered apart from one another)<sup>3</sup>. МХКнинг мазкур таърифи, авваламбор, давлат доминант бўлган хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий соҳасига нисбатан ишлаб чиқилган<sup>4</sup>.

Бироқ хавфсизлик акторлари ва соҳаларининг кенгайиши таъсири остида мазкур таъриф қайта кўриб чиқилди. Янги таҳрирда МХК қуйидагича изоҳланди: *“секьюритизация ва десекьюритизация жараёнлари ёки ҳар икки жараёни бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғланиб кетган акторлар йиғиндиси (set of units) бўлиб, уларнинг хавфсизлик муаммолари бир-биридан айри ҳолда оқилона таҳлил этилиши ёки ҳал қилиниши мумкин эмас”* (2003 йил).

Ушбу таърифларнинг қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда: дастлабки таърифда ҳодисанинг объектив ҳолати, яъни давлатлар “хавфсизлик муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги” қайд қилинади. Иккинчи таърифда эса, МХКнинг ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатига, яъни хавфсизлик соҳасида ҳамкорликда сиёсат олиб бориш зарурияти ва муқаррарлигига урғу берилади. Бироқ таъкидлаш жоизки, хавфсизлик муаммоларини бартараф этишга қаратилган ҳамкорликда сиёсат олиб бориш зарурияти, яъни МХКнинг субъектив жиҳати унинг объектив табиатидан келиб чиқувчи ҳолат ҳисобланади.

МХК назарияси материалистик ва конструктив ёндашувларга асосланади. Материалистик ёки моддийлик нуқтаи назаридан ҳудудийлик (территориальность) ва кучлар мувозанати ғоялари муҳим ҳисобланиб, халқаро муносабатларнинг анархистик табиатига урғу берилади. Мазкур ўринда МХКН неореализмга яқин бўлиб, унинг асосий ғояларини ўзлаштирганлигини кўришимиз мумкин.

---

<sup>1</sup> Buzan B. People, States, and Fear. – Brighton: Wheatsheaf, 1983; Buzan B. People, States, and Fear: An Agenda for international security studies in the post-cold war era. – London: Lynne Rienner Publishers, 1991.

<sup>2</sup> Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. – P. XVII.

<sup>3</sup> B. Buzan. People, States, and Fear. – Brighton: Wheatsheaf, 1983. - P.106.

<sup>4</sup> См.: Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. - P. XVI

Конструктив ёндашувнинг асосини “*секьюритизация*” концепцияси ташкил этади. Секьюритизация, МХК назариясининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у эътиборни сиёсий жараёнларга қаратади ва унинг доирасида “хавфсизлик муаммолари аниқланади”<sup>1</sup> (“security issues get constituted”).

Секьюритизация (инг. securitization) – дискурсив жараён бўлиб, унга кўра, муайян воқеа, ҳодиса ёки жараён жамият аъзоларининг аксарият қисми томонидан тан олинган тақдирдагина *мавжудликка таҳдид* сифатида баҳоланиши мумкин. Секьюритизация, одатий сиёсий жараён доирасидан чиқувчи чора-тадбирлар қўлланилишини оқловчи *сиёсатни амалга оширишнинг кескин шаклини* англатади. Хусусан, “махфийлик” остида сиёсатни амалга ошириш, муайян ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши, жамият ва давлатга тегишли куч ва воситаларнинг алоҳида махсус вазифаларни бажаришга йўналтирилиши ва бошқалар. Фавқулодда чораларни қўллаш зарурияти мавжуд муаммоларнинг ўзига хос табиати билан изоҳланади.

Мазкур концепция доирасида таҳдиднинг объектив табиати инкор этилади ва у субъектлараро фаолиятнинг маҳсули сифатида баҳоланади. Муҳими хавфсизлик объектига “реал” хавф солиб турган қандайдир объектив таҳдидни баҳолаш эмас, балки таҳдид сифатида нимани тушуниш ва унга коллектив жавоб бериш борасида хавфсизлик субъектларининг умумий келишуви шаклланишини идрок этишдир. Ушбу маънода хавфсизлик акторлар томонидан шакллантирилган жараёнлар тушунилади (“security is what actors make it”)<sup>2</sup>. Бироқ энг асосийси, мазкур жараён мавжуд ижтимоий (давлатлараро) муаммолардан “реал” таҳдидларни аниқлар экан, бу орқали МХК чегараларини ўрнатади. Бу чегаралар, ўз навбатида, МХКнинг бошқа хавфсизлик комплексларидан автономлигини белгилаб беради.

Шундай қилиб, мазкур ёндашувнинг ички мантиғи жараёнда мужассам бўлади. Хавфсизлик – энг муҳим муаммони аниқланиши ва уни аудитория томонидан тан олинishi орқали *мавжудликка таҳдид (existential threat)* сифатида баҳоланиши ҳамда *фавқулодда ёки махсус чоралар* қўлланилиши босқичларидан иборат муайян жараён сифатида таърифланади. Шу боис, мазкур концепция тарафдорлари фикрига кўра, *хавфсизлик “на объектларда ва на субъектларда, балки субъектлар ўртасида юз берадиган”* ҳодиса сифатида тавсифланади.

Хавфсизлик “*қатъий ҳудудийликни*” тақозо этади, яъни унинг концептуаллашуви, ҳудудийлик фундаментал хусусияти ҳисобланган, ўз чегараларига эга бўлган муайян минтақада (моддий маконда) амалга оширилади. Мазкур маконда хавфсизлик ҳолати ёки унинг даражаси акторларнинг, авваламбор, минтақа давлатларининг ўзаро алоқаси ва

---

<sup>1</sup> Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. – P. 4.

<sup>2</sup> Қаранг: ўша ерда

муносабати даражаси билан аниқланади. Замонавий халқаро муносабатларда трансчегаравийлик омили хавфсизлик ва таҳдидни баҳолашга сезиларли таъсир кўрсатаётган бўлса-да, аммо муайян минтақа давлатларининг хавфсизлик сиёсатида чегарадош давлатлар омили унинг ажралмас хусусияти бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга давлатлараро муносабатларда масофа (яқинлик ёки узоқлик) омили икки жиҳатда намоён бўлиши мумкин. Бир томондан, давлатларнинг географик жойлашуви (яқинлик) “ўзаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар”<sup>1</sup> яратади, савдо-иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланишига ва регионализм асосларини мустаҳкамланишига замин яратади. Иккинчи томондан, яқинлик омили ўзаро низоларни келтириб чиқарувчи шароит ёки сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлатлараро, миллатлараро ва динлараро низолар тарихи аксарият ҳолатларда ушбу низоларни муайян географик маконда жойлашган давлатлар, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида юз берганини кўрсатмоқда.

МХКН доирасида ушбу ҳодиса (масофа) “хавфсизлик муаммосининг алоҳида омиллари” (as distinct factors in the security problematique)<sup>2</sup> сифатида кўриладиган дўстлик (amity) ва адоват/душманлик (enmity) моделлари билан изоҳланади. Бу модель минтақадаги давлатлараро муносабатларнинг мавжуд ҳолати ҳамда хавфсиз ёки беқарорлик характери тушуниб етишда ёрдам беради. Дўстликнинг сифат кўрсаткичлари давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мавжудлиги, бошқа давлатлар ҳимояси ва қўллаб-қувватлашига ишончи; душманликнинг эса – ўзаро муносабатлардаги ишончсизлик ва қўрқув ҳисобланади.

Ҳар қандай МХК моҳиятан “халқаро тизимнинг тизим ости тузилмаси”<sup>3</sup> (“understructure of international system”) ҳисобланади, яъни уларга мавжуд ва чегарадош МХКлар билан муайян боғлиқлик хос. Хусусан, кучлар мувозанати мантиғи минтақадаги рақибларни доимо ташқи иттифоқчилар қидиришга ундаши сабабли глобал ва минтақавий хавфсизлик даражалари “кириб келиш” (*penetration*) механизми орқали ўзаро боғланади ва шу орқали МХК глобал тизим билан кесишади.

Ўз навбатида, “кириб келиш” буюк давлатлар манфаатларининг минтақа давлатлари манфаатларидан устунлигини англатувчи “қамраб олиш”га (*overlay*) айланиши ҳам мумкин. МХК учун энг номақбул сценарий – бу минтақа давлатларининг хавфсизлик соҳасидаги ўзаро муносабатларини амалда барҳам топишидир. Бу ҳолат минтақада рақобат/қарама-қаршилик, секьюритизация даражасининг сустиги,

---

<sup>1</sup> Starr Harvey. Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict /International Studies Review, Vol. 7, 2005. - Pp. 390-391.

<sup>2</sup> Buzan Barry. People, States, and Fear: An Agenda for international security studies in the post-cold war era. – P. 190.

<sup>3</sup> Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. – P.48.

умумий (минтақавий) муаммоларни ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилмаганлиги, хорижий давлатларининг минтақада узоқ муддатли ҳарбий мавжудлиги каби омиллар таъсирида кучаяди.

МХКнинг географик жиҳатдан белгиланувчи чегаралари “ўзаро алоқа кучсиз бўлган ҳудудлар” ҳисобланиб, бу ҳудудда жойлашган давлат изолятор (ажратиб турувчи)<sup>1</sup> деб аталади. Анъанавий буфер давлатдан фарқли ўлароқ, ажратиб турувчи давлат секьюритизациянинг кучли модели марказида эмас, балки икки МХК кесишган ҳудудда жойлашган (1-жадвал)<sup>2</sup>.

**1-жадвал**

**Минтақавий хавфсизлик комплекси ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизимининг ўзига хос жиҳатлари**

<b>Минтақавий хавфсизлик комплекси</b>	<b>Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими</b>
Давлатлар, халқлар, миллатлар	Давлатлар, халқлар, миллатлар
Хавфсизлик муаммоларининг боғлиқлиги	Манфаатлар, муаммо ва таҳдидларнинг умумийлиги
Объектив ҳодиса	Субъектив ҳодиса
Дўстлик (amity) ва адоват/душманлик моделлари	Дўстлик (amity) модели
Ўзаро ҳамкорлик модели: суқилиб кириш ва қамраб олиш	Ўзаро ҳамкорлик модели: коллектив хавфсизлик ва коллектив муҳофаа тизимлари
Минтақавий хавфсизлик комплекси табиатан географик (regional security complexes are by nature geographical)	Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими табиатан географик ва сиёсий (regional security complexes are by nature geographical and political)

Шундай қилиб, хавфсизлик комплекси муайян минтақа давлатлари гуруҳи хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлигини англатади. Муаллифларнинг фикрича, миллий ва глобал хавфсизлик даражаларидан фарқли равишда, хавфсизлик субъектлари хатти-ҳаракатининг асосий қисми айнан минтақавий даражада юз беради. Хавфсизлик комплексининг ўзига хослиги шундаки, география ва цивилизация каби минтақанинг фундаментал хусусиятлари уни изоҳлашда бошланғич нуқта сифатида қаралмайди. Таъкидланадики, *“минтақавий хавфсизлик комплекслари – бу хавфсизлик қиррасидан*

<sup>1</sup> Қаранг.: Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. – P. 41.

<sup>2</sup> Қаранг.: Ўша ерда

*туриб кўрилувчи минтақалардир ... Бизнинг ёндашув “хавфсизлик” атропофида курилади*”. Шунинг учун, хавфсизлик комплекси минтақага анъанавий ёндашув билан доимо ҳам мос келмайдиган, ўзига хос функционал нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланувчи минтақа тури сифатида намоён бўлади.

## **2.2. Марказий Осиё – минтақавий хавфсизлик комплекси**

Марказий Осиёни МХК сифатида баҳолашда тадқиқотчиларнинг қарашлари бир биридан фарқ қилади. Хусусан, МХКН муаллифлари Марказий Осиёни “кучсиз субкомплекс” сифатида таснифлайди<sup>1</sup>. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё кучсиз давлатлар ва кучсиз қудрати давлатлар минтақаси. Мазкур минтақада минтақавий хавфсизликка оид етакчи роль минтақадан ташқарида жойлашган қудратли давлат – Россияга тегишли<sup>2</sup>.

Шубҳасиз, муайян бир давр мобайнида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик динамикаси постсовет маконидаги секьюритизация жараёнининг таркибий қисми сифатида ривожланиди. Ушбу маконда давлатлараро муносабатларнинг институционаллашуви ҳамда алоҳида МХКларнинг фаолияти “*субкомплекс+Россия*” формуласига мос келди. Аммо, фикримизча, бу ҳолат объектив сабабларга эга эди: Иттифоқ тимсолидаги ягона мудофаа ва хавфсизлик тизимининг инқирози ва юзага келган хавфсизлик вакууми; МХКнинг миллий (ички давлат) асосларини яратиш борасидаги объектив қийинчиликларнинг мавжудлиги.

Мазкур фикрнинг тасдиғи сифатида МХКН доирасида кучли ва кучсиз давлатларни тушунишга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг алоҳида МХК сифатида кўрилмаганлиги, юқорида келтирилган асослар билан бир қаторда, минтақа давлатларининг янги – суверен мақоми билан ҳам изоҳланади. МХКН доирасида кучли ва кучсиз давлатлар ҳодисасини баҳолаш мезони бўлиб давлатнинг ҳарбий ёки иқтисодий қудрати эмас, балки “фуқаролик жамияти ва ҳокимият институтлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ҳамжиҳатлик даражаси” кўрилган<sup>3</sup>. Давлат ва жамоат институтлари кучсиз бўлган давлат, ўз навбатида, ташқи таҳдидлар ва қудратли давлатлар таъсири олдида ҳимоясиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, Марказий Осиё янги мустақил давлатларининг мустақамланиши, улар манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг умумийлигини англаб етишнинг кучайиши, минтақада геосиёсий рақобатнинг авж олиши, хорижий давлатларнинг минтақадаги ва

---

<sup>1</sup> Қаранг.: Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. – P. 423-424.

<sup>2</sup> Қаранг.: Ўша ерда

<sup>3</sup> Buzan Barry, Ole Waever, and Jaap de Wilde. Security: a New Framework for Analysis. – London: Lynne Rienner Publishers, 1998.

Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий мавжудлиги каби ҳолатлар тадқиқотчилар назаридан четда қолиши мумкин эмас. Ушбу ҳолатлар уларнинг Марказий Осиёни МХК сифатидаги мақоми тўғрисидаги қарашларини қуйидаги тарзда ўзгаришига олиб келди:

*“Марказий Осиё+Осиё суперкомплекси”*. Минтақа (РФга нисбатан) янада йирикроқ хавфсизлик комплексининг таркибий қисми. Ушбу қарашга кўра, Хитой таъсирининг минтақада ортиб бориши шароитида Марказий Осиё МХКнинг Осиё суперкомплексига тортилиши эҳтимоли мавжуд<sup>1</sup>.

*Биполяр ёндашув*. Унга кўра, Марказий Осиё мақоми бўйича тенг бўлган икки хавфсизлик комплексидан иборат МХКга тааллуқлилиги эътироф этилади. Бу ёндашувда Марказий Осиё МХКнинг алоҳида, ўзига хос табиати шубҳа остига олинмайди. Аммо муайян шароитларнинг мавжудлиги икки МХКни бир бутунга айлантиради. Хусусан, алоҳида тадқиқотчиларнинг фикрича, Афғонистоннинг Жанубий ва Марказий Осиё МХКлари кесимидаги изоляторлик ролининг трансформацияси икки минтақавий хавфсизлик комплексларининг бирлашувига олиб келиши мумкин<sup>2</sup>. Шунингдек, Марказий Евроосиё МХКнинг бирлигини тасдиқловчи қарашлар мавжуд<sup>3</sup>.

*Марказий Осиё тўлақонли ва мустақил МХКни ташкил этади*. Ҳозирда мазкур тезисни қўллаб-қуватловчи тадқиқотчилар сони кенгайиб бормоқда<sup>4</sup>. Марказий Осиё МХКнинг алоҳидалиги, авваламбор, минтақа халқлари ва давлатларининг умумий география ва тарихга эгаллиги, дўстлик ва душманлик, низо ва ҳамкорлик моделларининг мустаҳкамлигидан келиб чиқиб белгиланади. Марказий Осиё МХК доирасида хавфсизлик динамикаси бир томондан РФ ва ХХР, иккинчи томондан АҚШнинг стратегик ва иқтисодий манфаатлари таъсирида шаклланаётган альянслар ва қудратли давлатларнинг ўзаро рақобати шароитида кучайиб бормоқда. Ҳозирги вазиятда Афғонистоннинг Форс

---

<sup>1</sup> Қаранг.: Лукин А.П. Теория комплексов региональной безопасности и Восточная Азия //Ойкумен. 2011. – №2. – С. 18.

<sup>2</sup> Қаранг.: Приего А. Пакистан между региональными комплексами безопасности Центральной и Южной Азии //Центральная Азия и Кавказ. – Лулео, 2008. - № 6 (60).

<sup>3</sup> Қаранг.: Эйвазов Дж. Центральная Евразия сквозь призму безопасности: региональная система или подсистема? //Кавказ и глобализация. Том 5, вып. 1-2. 2011.

<sup>4</sup> Толипов Ф.Ф. Большая стратегия Узбекистана в контексте геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Т.: Фан, 2005. – С.46; Central Asian Security: the New International Context /Roy Allison and Lena Jonson, editors. - London, Washington, D.C.: Royal Institute of International Affairs, Brookings Institution Press, 2001; Tadjbakhsh, Shahrbanou, 2012. “Central Asia and Afghanistan: Insulation on the Silk Road, Between Eurasia and the Heart of Asia”, PRIO Paper. Oslo: PRIO /<http://www.prio.no/Research-and-Publications/Publication/?oid=3287917>.

кўрфази ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё МХКларининг изоляторлик мақоми сақланиб қолмоқда.

Минтақа давлатлари мустақилликка эришган вақтдан бошлаб, ички минтақавий жараёнлар, шу жумладан, регионализм Марказий Осиёда секьюритизация ва хавфсизликнинг институционаллашувини муҳим асоси бўлиб келмоқда. Гарчи, мавжуд минтақавий хавфсизлик институтлари бевосита жаҳоннинг қудратли давлатлари иштирокида ташкил этилган бўлса-да, аммо бу жараёнда минтақавий шарт-шароитлар ҳал қилувчи роль ўйнади ва моҳиятан, ШХТ ва КХШТ каби минтақавий ташкилотлар “Марказий Осиё лойиҳалари” ҳисобланади.

Хусусан, 90-йиллар охирида Қирғизистон жанубида юз берган “Боткен воқеалари”<sup>1</sup> “Шанхай бешлиги” доирасидаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини кейинги ривожда катализатор ролини ўйнади. Таъкидлаш жоизки, 1998 йилдаёқ бешликнинг иштирокчилари “бу жараёнга минтақанинг (яъни, Марказий Осиёнинг) барча манфаатдор давлатлари қўшилишини қўллаб-қувватлашларини билдирган эдилар”<sup>2</sup>. Бу воқеалар “Шанхай бешлиги” давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва махсус хизматлари раҳбарларининг ҳамкорлик механизмини ишга туширди; хавфсизликка таҳдидлар ва ҳамкорликнинг кейинги тадбирлари белгиланди; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида “Бишкек гуруҳи”га асос солинди ва ҳ.к.

Секьюритизация ШХТ фаолиятида бевосита намоён бўлди. Ташкилот аъзолари МХКН терминологиясига мувофиқ, “*уч ёвуз иллатни*” – терроризм, экстремизм ва сепаратизмни *мавжудликка таҳдид* деб баҳолади. ШХТнинг асосий келишуви – “Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция “ШХТни тузиш тўғрисида”ги декларация билан бир кунда – 2001 йил 15 июнда Шанхайда ташкилотнинг таъсис йиғилишида имзоланди.

МХК, минтақавий хавфсизлик тизимидан фарқли равишда, объектив ҳодиса ҳисобланади. Минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро муносабатларни ташкил этиш услуги ва ички тузилиши сифатида характерланувчи минтақавий хавфсизлик тизими МХКга нисбатан ҳосила бўлиб, у субъектлараро фаолият, яъни минтақа давлатларининг актив фаолияти маҳсулидир. Бундай фаолият асосида муайян минтақада хавфсизликнинг умумийлиги ва ўзаро боғлиқлиги ётади. Улар, ўз навбатида, хавфсизликка эришишнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш, куч ва воситаларни мувофиқлаштиришни белгилаб беради.

---

<sup>1</sup> Ботобеков У. Ситуация в Ферганской долине: религиозный экстремизм, оборот наркотиков //В кн.: Многомерные границы Центральной Азии /Под ред. М.Б. Олкотт и А. Малашенко; Моск. Центр Карнеги. – М.: Гендальф, 2000. – С.52.

<sup>2</sup> Совместное заявление участников Алматинской встречи. 3 июля 1998 г.

Шу тариқа, МХК *ipso facto* мавжуд. Унинг фаолияти асосини хавфсизлик муаммолари ташкил этади. Минтақа давлатларининг фаол ҳамкорлиги орқали муайян муаммо улар томонидан минтақавий хавфсизликка таҳдид сифатида тан олинади. Марказий Осиё МХКга хос бўлган хавфсизлик муаммолари Жанубий Осиё, Кавказ ва Форс кўрфази МХКлари учун доим ҳам хос эмас.

Таъкидлаб ўтилганидек, хавфсизлик муаммолари МХК чегараларини ҳамда минтақавий хавфсизлик динамикасининг моҳиятини очиб беради. Бу муаммоларнинг объектив табиатини очиб берувчи асосий хусусияти – уларнинг субъектлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлишидир. Шу сабабли Марказий Осиё МХКнинг ўзига хос хусусияти бўлган минтақа давлатлари ўртасида умумий таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликнинг зарур даражаси мавжуд эмаслиги, бизнинг фикримизча, МХК автономлигини аниқлашда тўсиқ бўлувчи омил сифатида хизмат қила олмайди.

Марказий Осиёдаги мавжуд хавфсизлик муаммоларини ички (минтақавий) ва ташқи гуруҳларга бўлиш мумкин. Ички муаммоларга Марказий Осиёда давлат чегаралари халқаро-ҳуқуқий мақомини белгилаш жараёнининг ниҳоясига етмаганлиги; трансчегаравий таҳдидлар (диний экстремизм, терроризм, ноқонуний қора дори савдоси) кўламининг кенгайиб бораётганлиги; минтақанинг алоҳида давлатларида фуқаролик жамияти институтлари ва конституционализмнинг тегишли даражада ривожланмаганлиги; трансчегаравий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали икки ва кўп томонлама (минтақавий) механизмларининг яратилмаганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ташқи муаммолар келиб чиқишига кўра, ҳам глобал (масалан, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари), ҳам минтақавий хусусият касб этиши ва қўшничилик омили билан боғлиқ бўлиши мумкин. Афғонистондаги ички сиёсий вазият, минтақа атрофида “беқарорлик камари”нинг шаклланиши (Афғонистон – Покистон – Кашмир – ШУАР), Афғонистонда террористик ташкилотларнинг сақланиб қолаётганлиги Марказий Осиё МХКнинг ташқи муаммолари қаторига киритилиши мумкин. Демак, Афғонистон, ШУАР ва Кашмир атрофида юз бераётган жараёнлар Марказий Осиё минтақасига бевосита таъсир кўрсатади ва мазкур минтақа МХКнинг чегараларини белгилаб беради.

### **2.3. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик комплексининг истиқболи**

Муайян омиллар таъсири остида МХК трансформацияга учраши мумкин. Унинг уч кўринишдаги ривожланиш эҳтимоли мавжуд:

1) статус-квонинг сақланиб қолиши, яъни тузилма таркибида жиддий ўзгаришларнинг юз бермаслиги;

2) ички трансформация – тузилма таркибидаги ўзгаришлар мавжуд чегаралар доирасида юз беради: анархистик тузилмадаги

ўзгаришлар (минтақавий интеграция шароитида); кутблилиқдаги ўзгаришлар (дезинтеграция, бирлашув, нотекис ривожланиш даражаси); дўстлик/душманлик моделидаги ўзгаришлар;

3) ташқи трансформация – МХК чегараларининг ўзгариши, яъни унинг акторлари таркибининг ўзгариши сабаб МХКнинг кенгайиши ёки торайиши.<sup>1</sup>

Марказий Осиё МХК истиқболи тўғрисида сўз юритганда, унинг трансформациясининг *ички ва ташқи* тенденцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. МХК ички трансформациясининг ўзига хос жиҳати ушбу жараённинг динамик ривожланиши ҳисобланади. Шу билан бирга Марказий Осиё янги мустақил давлатларининг минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш борасидаги ўзаро муносабатларидаги ютуқ ва камчиликлар – бу табиий ҳодиса сифатида қаралиши лозим. Бу, энг аввало, бир-бирини такрорловчи институтларнинг таъсис этилиши, бирлаштирилиши (хусусан, Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини, 2006 йил); мавжуд давлатлараро тузилмалар доирасида/негизида янги ихтисослашган тузилмаларнинг вужудга келиши (масалан, МДҲ доирасида КХШТ ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ёки “Шанхай бешлиги” негизида ШҲТ); конфликтли манфаатларнинг мавжудлиги (давлат чегараларининг халқаро-ҳуқуқий мақомини тўлиқ белгиланмаганлиги, трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришдаги мавжуд муаммолар) ва бошқаларда намоён бўлмоқда.

Ички трансформациянинг дастлабки йилларида Марказий Осиё МХКнинг анархистик тузилмасини ўзгаришига олиб келмади. Гарчи, минтақа давлатлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бўлса-да (дезинтеграцион жараёнларнинг мавжуд эмаслиги бунга тасдиқлайди), минтақавий интеграция, яъни Марказий Осиё МХК трансформациясининг янги сифат босқичи ҳақида сўз юритишга ҳали эрта. Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари саммитларининг мунтазам равишда ўтказилиши минтақавий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Мазкур ўринда иштирокчилари ўзаро муносабатларда куч ишлатилишини кутмайдиган ва куч ишлатишга тайёргарлик кўрмайдиган хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги модели сифатида характерланувчи *хавфсизлик ҳамжамияти* асосларининг ўрнатилганлигини таъкидлаш мумкин.<sup>2</sup> Одатда, бундай ҳамжамиятларни ташкил этувчи давлатлар умумий таянч қадриятларнинг соҳиблари бўлиб, уларнинг интеграция

---

<sup>1</sup> Қаранг.: Buzan Barry and Ole Waever.Regions and Powers. – P. 53.

<sup>2</sup>Қаранг.: Political Community and the North Atlantic Area /Karl W.Deutsch, ed. - Princeton: Princeton University Press, 1957; Security Communities /Emanuel Adler and Michael Barnett, eds. - Cambridge: Cambridge University Press, 1998.

даражаси фақат тараққиёт минтақада узоқ муддатли барқарорлик гарови эканлиги тасдиқловчи қарашнинг томир отганлигини англатади.

Ташқи трансформация ҳақида фикр юритганда, Афғонистондаги ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш борасида минтақа ва ўзга давлатларнинг фаол ташқи сиёсати уни изолятор давлатдан Марказий ва Жанубий Осиё МХКларининг боғловчи элементига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, МХК чегараларининг ўзгариши/кенгайиши юз бермоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Нима учун МХКН муаллифлари Марказий Осиёга нисбатан “кучсиз субкомплекс” сифатида қарашган?

2. Нима сабабдан ҳар қандай МХК “халқаро тизимнинг тизим ости” сифатида қаралади?

3. Марказий Осиё МХКнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.

4. Марказий Осиё давлатлари учун замонавий хавф ва таҳдидлар нималарда намоён бўлади?

5. Нима сабабдан секьюритизация жараёни ШХТ фаолиятида намоён бўлди?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010.

2. Бобокулов И.И. Центральная Азия как комплекс безопасности: теория и практика Центральная Азия и Кавказ. - №3, 2012.

3. Загладин Н.В. Глобализация и безопасность: вызовы XXI века. – М.: Международные отношения, 2010. – 320 с.

4. Имомов В.; Алимов Ш. Трансмиллий таҳдидлар ва минтақавий хавфсизлик стратегияси // Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик. – 2022. – №2. – Б. 41–58.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари и тараққиёт кафолатлари. - Т. “Ўзбекистон”, 1997. - 258 б.

6. Лукин А.П. Теория комплексов региональной безопасности и Восточная Азия //Ойкумен. 2011. – № 2.

7. Приего А. Пакистан между региональными комплексами безопасности Центральной и Южной Азии //Центральная Азия и Кавказ. - №6, 2008.

8. Толипов Ф.Ф. Большая стратегия Узбекистана в контексте геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Т.: Фан. 2005. - 154 с.

9. Хавфсизлик асослари [Матн] : дарслик / И.И. Бобокулов ва бошқалар. – Тошкент: Complex print, 2025. – 280 б.

10. Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (центральноазиатский регион) - М.: 2004. - 192 с.

11. Эйвазов Дж. Центральная Евразия сквозь призму безопасности: региональная система или подсистема? //Кавказ и глобализация. Том 5, вып. 1-2. 2011.

12. Buzan, B., Wæver, O. Regions and Powers: The Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 566 p.

13. Adler, E., Barnett, M. Security Communities. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – 418 p.

14. Lake, D.A., Morgan, P.M. Regional Orders: Building Security in a New World. – Pennsylvania: Penn State University Press, 1997. – 308 p.

### **3. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

#### **Кириш**

**3.1. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ташкилий-хуқуқий асослари шаклланишининг шарт-шароитлари**

**3.2. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик механизмларининг таснифи ва улар фаолиятининг замонавий тенденциялари**

#### **Хулоса**

#### **Кириш**

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги масаласи ҳозирги кунда халқаро сиёсат ва минтақавий интеграция соҳасида муҳим ўринга эга бўлиб қолмоқда. Ҳудуддаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар биргаликда минтақавий хавфсизликни таъминлашга янги талаб ва имкониятлар яратиб беради. Шу нуқтаи назардан, минтақавий хавфсизлик тушунчаси нафақат миллий давлатларнинг барқарорлиги ва ҳимоясини, балки ўзаро ҳамкорликка асосланган регионал тизимларнинг фаолиятини ҳам ўз ичига олади.

Минтақавийлашув ва регионализм тамойиллари Марказий Осиёда минтақавий ташкилотлар – жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) – орқали ўз ифодасини топмоқда. Бу ташкилотлар минтақадаги хавфсизликни таъминлаш ва мураккаб халқаро шароитда барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг ташкилий-хуқуқий асослари ва механизмлари ҳудуддаги хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишда амалий имкониятлар яратади.

Шу билан бирга, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик механизмларининг шаклланишида нафақат ички, балки ташқи сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон тенденцияларини ўрганиш орқали ушбу механизмларнинг фаолияти ва самарадорлигини яхшироқ тушуниш мумкин.

Ушбу маърузада, аввало, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ташкилий-хуқуқий асосларининг шаклланиш шарт-шароитлари таҳлил этилади. Кейин эса минтақадаги хавфсизлик механизмларининг турлари, уларнинг хусусиятлари ва замонавий тенденциялари ўрганилади. Бу эса минтақа хавфсизлигининг мустаҳкамланишига қаратилган комплекс ёндашувни таъминлайди.

**3.1. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ташкилий-хуқуқий асослари шаклланишининг шарт-шароитлари**

Марказий Осиёда хавфсизликнинг институционаллашуви бир-бирини такрорловчи институтларнинг ташкил топиши, долзарб

минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал этишнинг самарали халқаро-ҳуқуқий асосининг яратилмаганлиги, минтақа давлатлари ўртасида конфликтли манфаатларнинг мавжудлиги кабиларда намоён бўлди. Бундай ҳолат тадқиқотчилар орасида бой тарихий мерос, тил, дин ва маданиятининг умумийлигига қарамасдан, *регионализм* Марказий Осиё давлатлари/халқлари ҳамкорлигининг характерли жиҳатига айланмади деб хулоса қилишларига сабаб бўлмоқда<sup>1</sup>.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши Совет Иттифоқининг парчаланиши ва икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ҳамда шундан келиб чиққани ҳолда халқаро муносабатлар тарихидаги кескин ўзгаришлар даврига тўғри келди.

СССРнинг парчаланиши ва биполяр тизимнинг яқун топиши оқибатида ягона мудофаа ва хавфсизлик тизими ҳам барҳам топди. Юзага келган ҳолат Марказий Осиёда хавфсизликнинг таъсир кучига эга институционал-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни амалга ошириш заруриятини юзага келтирди. Бундай шароитда Марказий Осиё давлатлари олдида минтақада сифат жиҳатдан янги хавфсизлик тизимини яратиш вазифаси турар эди.

Ўз навбатида, хавфсизликнинг институционаллашуви, яъни хавфсизлик соҳасидаги давлатлараро муносабатларнинг халқаро ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мустақамланиши иккита ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи йўналишларда: постсовет ҳудуди ва минтақавий даражада Марказий Осиёда ривожланди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ташкил топиши суверен давлатлар даврининг бошланиши бўлди. МДХни ташкил қилиш тўғрисидаги келишувда белгилаб қўйилганидек: “СССР халқаро ҳуқуқ субъекти ва геосиёсий реаллик сифатида ўз фаолиятини тугатди”<sup>2</sup>. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида, яъни Марказий Осиё иттифоқи, НАТОнинг Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури, “Шанхай бешлиги” каби давлатлараро бирлашмалар фаолиятига қадар, Ҳамдўстлик Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ягона хавфсизлик тизими бўлиб қолди.

МДХ – ўзига хос давлатлараро бирлашмадир. Жаҳон тажрибасида суверен давлатларнинг “ҳамдўстлик” номи остида бирлашуви, қоидага кўра, умумий манфаатлар негизида собиқ мустамлака давлатларга хос. МДХ таъсисчилари “Ҳамдўстлик давлат ҳам, давлат устида турувчи

---

<sup>1</sup> Қаранг.: Roy Allison. Regionalism, Regional Structures and Security Management in Central Asia; Annette Bohr. Regionalism in Central Asia: New Geopolitics, Old Regional Order; Louise Fawcett. Exploring Regional Domains: A Comparative History of Regionalism //In: International Affairs, 2004. - Vol. 80. No. 3.

<sup>2</sup> Соглашение о создании СНГ // <http://www.cis.minsk.by/webnpa/text.aspx?RN=N09100001>.

тузилма ҳам эмас”лигини тасдиқловчи қондани тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйди<sup>1</sup>.

Минтақанинг ўзига келадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, 1990-йилнинг ёзида Қозоғистон пойтахтида Марказий Осиёнинг беш республикаси етакчилари биринчи “интеграцион учрашув”ни ўтказишди. Республикалар раҳбарлари минтақа миқёсида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурияти борасида ягона фикрга келишди. Шунингдек, иқтисодиёт, маданият, фан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби соҳалардаги мавжуд умумий муаммоларни ҳал этиш бўйича минтақавий кенгашларни ташкил этишга келишиб олинди.

Бу даврда минтақавий муаммоларга алоҳида урғу берилиши бир қатор омиллар билан боғлиқ. Иттифоқнинг сўнгги йилларида марказ республикаларда мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўзининг лаёқатсизлигини намойиш этди. Бундай шароитда Марказий Осиё республикалари минтақавий муаммолар билан юзма-юз келишди ва “маҳаллий ташаббуслар реал характер касб эта бошлади”<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, 80-йилларнинг охирларида амалга оширилган ислохотлар натижасида ички ҳаётнинг либераллашуви жараёнлари миллий ўзликни англаш ва халқларда мустақилликка нисбатан хоҳиш ва ироданинг кучайишига шароит яратди. Кучсизланиб қолган давлатда марказдан қочиш жараёнлари ушбу ҳолатга таъсир этмасдан қолмади.

Марказий Осиё республикалари давлат раҳбарларининг 1991 йил 15 августда бўлиб ўтган Тошкент учрашуви Марказий Осиёда регионализм ғоясини чуқурлаштириш ва регионализация (минтақавийлашув) жараёнини янада кенгайтиришнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу учрашув собиқ Иттифоқда сиёсий ландшафтнинг кескин ўзгаришига олиб келган воқеалар арафасида бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё республикалари раҳбарлари аввалги учрашувда ташкил этилган минтақавий кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилишди. Улар минтақавий ҳамкорликнинг институционаллашувига асос солишди. 1994 йилда Марказий Осиё иттифоқининг таъсис этилиши ушбу ҳамкорликнинг юқори нуқтаси ҳисобланади.

Бу даврда Тожикистонда давом этаётган ички сиёсий беқарорлик мамлакатни уни мазкур Иттифоққа жалб этилишига тўсқинлик қилди. Ниҳоят Тожикистон Республикаси 1998 йилда Марказий Осиё иттифоқи негизида ташкил этилган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирди.

---

<sup>1</sup> Соглашение о создании СНГ // <http://www.cis.minsk.by/webnpa/text.aspx?RN=N09100001>.

<sup>2</sup> Martha Brill Olcott. Central Asia's New States: Independence, Foreign Policy, and Regional Security. - Washington, DC: United States Institute of Peace Press, 1996. - Pp. 52-53.

Минтақа давлатларининг кейинги қадамлари уларнинг объектив манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Орол бассейни зонасига кирувчи Марказий Осиё давлатлари томонидан Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ҳамда сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича давлатлараро комиссиянинг ташкил этилиши минтақа давлатларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижаси ҳисобланади. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган “Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида”ги тўрт томонлама шартноманинг (2000 йил 21 апрель) имзоланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ушбу шартнома тадқиқотчилар томонидан “Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришнинг энг муҳим элементларидан бири” сифатида баҳоланди.<sup>1</sup>

Мавжуд муҳим ички ва ташқи шарт-шароит ва омиллар Марказий Осиё давлатларини регионализм ғояси атрофида жипслашувига ёрдам беради. Минтақавий ҳамкорликнинг замонавий ҳолати, шунингдек, унинг шартномавий-ҳуқуқий асоси мазмунини белгилаб берувчи ушбу шарт-шароитларни эътиборга олиш минтақа давлатлари саъй-ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим интегратори сифатида хизмат қилиши мумкин.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши Афғонистондаги ички сиёсий нобарқарорлик ва Тожикистондаги фуқаролар уруши шароитида кечди. Умуман олганда, минтақада шаклланиб келаётган хавфсизлик тизими айнан мазкур ҳолатлар ҳамда улар келтириб чиқариши мумкин таҳдидларга қарши курашишга қаратилган эди. Ваҳоланки, “Афғонистон ҳудудида тинчлик ва барқарорликнинг қарор топиши бутун Марказий Осиё минтақаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун катта имкониятлар очувчи ҳал қилувчи хавфсизлик омили ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Афғонистон ва Тожикистондаги нобарқарор вазият 1992 йилда МДХ доирасида Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани имзоланишига туртки бўлди. Ушбу ҳужжатнинг Тошкентда имзоланиши фактининг ўзи ҳамда бу масала бўйича мамлакат раҳбариятининг нуқтаи назари Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро ҳамкорликни

---

<sup>1</sup> Алимов Р. Концепция и стратегия безопасности, мира и стабильности в Центральной Азии // Региональная безопасность в Центральной Азии. Материалы международной конференции (23-24 сентября 2004 г., Ташкент). – Т.: “Turon-Iqbol”, 2006. – С. 38.

<sup>2</sup> Выступление Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на саммите НАТО/СЕАП // [http://mfa.uz/rus/prensa\\_i\\_media\\_servis/news/040408r\\_4.mgr](http://mfa.uz/rus/prensa_i_media_servis/news/040408r_4.mgr).

ривожлантиришда регионализм ғояси аҳамиятининг юқорилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари охирларида Марказий Осиёда терроризм ва экстремизмнинг намоён бўлишини Европа хавфсизлик институтлари роли ва ўрнини қайта кўриб чиқиш ҳамда қайта баҳолашга олиб келган “Косово воқеалари” билан қиёслаш мумкин.

### **3.2. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик механизмларининг таснифи ва улар фаолиятининг замонавий тенденциялари**

Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатларнинг суверен субъектлари сифатида минтақавий барқарорлик ва тинчликни қўллаб-қувватлаш ишида барча халқаро-ҳуқуқий воситаларга эга. Ушбу тизимда *минтақавий механизмлар*, давлатларнинг институционал тузилмалари, минтақавий барқарорлик ва тинчликни таъминлашнинг самарали халқаро-ҳуқуқий воситалари сифатида қаралади. Ўзбекистон учун миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи давлатлараро тузилмалар устувор аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Нисбатан қисқа вақт давомида Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти мақомида минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг институционал асосларини шакллантиришда маълум ижобий натижаларга эришди. Ҳозирги кунда минтақада деярли барча кўп томонлама хавфсизлик институтлари: халқаро минтақавий ташкилотлар, парламентлараро ташкилотлар, ҳамкорлик бўйича лойиҳалар, мулоқот гуруҳлари фаолият юритмоқда.

Маълумки, бевосита минтақа давлатлари ташаббуси билан таъсис этилган ташкилотлар минтақавий хавфсизлик соҳасида самарали фаолият юритиши эҳтимоли кучли бўлган институтлар ҳисобланади. Бироқ хавфсизликнинг глобаллашуви, давлатлар манфаатлари ҳамда таҳдидларнинг ўзаро боғлиқлиги шароитида минтақага тегишли бўлмаган/минтақадан ташқарида жойлашган, бироқ ушбу минтақада ўз манфаатларига эга бўлган давлатларнинг муайян минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришдаги иштирокининг кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Шу боис ҳам ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик маконида фаолият юритувчи халқаро ташкилотларни *ички минтақавий, ташқи минтақавий ҳамда аралаш* гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Минтақавий давлатлар томонидан у ёки бу ҳукуматлараро ташкилотнинг таъсис этилиши ҳамда улар фаолиятидаги иштироки (масалан, дастур ёки лойиҳаларда) бундай таснифнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан “Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан”. 26 декабря 1996 г. N 336-І.

Ички минтақавий ташкилотларнинг юридик табиатига хос икки муҳим жиҳатни кўрсатиб ўтиш мумкин: *биринчидан*, бундай халқаро ташкилотлар бевосита минтақа давлатлари томонидан таъсис этилади; *иккинчидан*, бевосита ҳуқуқий таъсир кўрсатиш соҳаси, масшабни ҳамда объекти Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик муаммолари билан чекланади. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти (2006 йилда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан қўшилиб кетган) ёки Оролни қутқариш халқаро жамғармаси шу турдаги ташкилотларга мисол ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ўзига хослиги шундаки, бугунги кунда Жамғарма минтақанинг барча бешта давлати иштирокида таъсис этилган ва фаолият юритаётган ягона ташкилот ҳисобланади. У ўз мақсади ва вазифаларига кўра минтақавий хавфсизлик ташкилоти эмас. Бироқ минтақавий хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий ўлчами доирасидан четга чиқувчи мураккаб ва тизимли табиатидан келиб чиқиб, Жамғармани муҳим хавфсизлик институти сифатида тавсифлаш мумкин. Бундан ташқари, унинг фаолияти фақатгина Орол денгизи муаммоси, яъни минтақавий экологик хавфсизлик масалалари билангина чекланиб қолмасдан, Марказий Осиёда умумий сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишга ҳам йўналтирилган. Бу, ўз навбатида, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга бевосита таъсир кўрсатувчи давлатлараро ҳамкорликнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Аралаш гуруҳни ташкил этувчи минтақавий механизмлар Марказий Осиё хавфсизлиги кесимида энг кўп сонли ҳисобланади. Ушбу ташкилотларнинг муҳим хусусияти шундаки, Марказий Осиё давлатлари бундай ташкилотларнинг таъсисчиси (МДХ, ШХТ, КХШТ), ёхуд уларнинг аъзоси (ЕХХТ) ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ташкилот аъзолари Марказий Осиё маконида фаол бўлиб, минтақавий хавфсизлик соҳасидаги давлатлараро муносабатларга таъсир этишда сезиларли салоҳиятга эга.

Ушбу ташкилотлар халқаро-ҳуқуқий мақомининг ўзига хослиги шундаки, уларнинг таъсис ҳужжатларида Марказий Осиёда хавфсизликнинг замонавий таҳдидларига қарши кураш асосий (ШХТ) ёки улар фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган (КХШТ).

Учинчи гуруҳ – бу минтақа давлатлари таъсисчи ёки аъзоси бўлмаган ташкилотлардир. Бироқ ушбу ҳолат ташкилотларга Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик маконида иштирок этишига ҳеч бир кўринишда тўсқинлик қилмайди. Бунинг исботи сифатида мазкур минтақада Европа Иттифоқи ва НАТО каби ташкилотларнинг фаолиятини келтириб ўтиш мумкин.

ШХТ ташкил топиши ва унинг асосида ётувчи ҳужжатлар таҳлили ташкилотнинг “Марказий Осиё лойиҳаси” эканлигини кўрсатмоқда.

“Шанхай бешлиги” ХХР ва собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги “музлатилган” ҳудудий низоларни ҳал этиш шунингдек, чегара ҳудудларида ҳарбий-сиёсий ва чегара хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга хизмат қилди. Иштирокчилар томонидан “минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муваффақиятли тажрибаси”<sup>1</sup> сифатида тавсифланувчи “Чегара районида ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида”ги (1996) ва “Чегара районида қуролли кучлар сонини ўзаро қисқартириш тўғрисида”ги (1997) шартномаларнинг имзоланишини “Шанхай бешлиги” доирасида эришилган муҳим натижалар сифатида баҳолаш мумкин.

Минтақавий хавфсизлик кесимида ушбу ҳужжатларнинг аҳамиятини куйидагиларда кўриш мумкин: *биринчидан*, “Шанхай бешлиги” масштабини минтақа даражасида кенгайтиришни таъминлади ва кўп функцияли минтақавий ташкилотнинг шаклланишига хизмат қилди; *иккинчидан*, ушбу келишувлар ҳарбий хавфни камайтириш ва ишонч чораларини мустаҳкамлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини яратиб берди.

Ҳарбий-сиёсий хавфсизликни таъминлашнинг ушбу самарали халқаро-ҳуқуқий воситалари илк бор ЕХХКнинг 1975 йилдаги Якунловчи актида ўзининг норматив аксини топган. Ишонч чоралари мажмуи, яъни ҳарбий машғулотларда кузатувчилар билан алмашиш, ҳарбий фаолият ва қўшиннинг кенг миқёсдаги кўчирилиши ҳақида хабардор қилиш, қуролли кучлар ҳамда чегара қисмлари ҳақидаги маълумотлар билан алмашиш кабилар ШХТнинг юқорида келтириб ўтилган келишувларида мустаҳкамланди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 1995 йилдан буён ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлаш бўйича ЕХХТ ҳужжатини ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

ШХТнинг Марказий Осиёда фаолият юритувчи бошқа минтақавий ташкилотлардан устун жиҳати шундаки, унинг фаолияти бир пайтнинг ўзида икки соҳага – иқтисод ва хавфсизликка таянади. Ташкилот доирасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилган. Иқтисодий масалалар бўйича ижрочи директор ўринбосари лавозими жорий этилган, ШХТ доирасида Банклараро кенгаш ташкил этилган. Марказий Осиё давлатлари ШХТ доирасида муқобил транспорт коммуникацияларини барпо этишга алоҳида урғу беришмоқда.

Замонавий минтақавий жараёнлар кесимида икки муҳим ташкилот – КХШТ ва ШХТнинг ўзаро нисбати ҳақида тўхталиб, таъкидлаш жоизки, улардан биринчиси коллектив мудофаа институти ҳисобланади. Ҳарбий-сиёсий иттифоқ сифатида аъзо давлатларни ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва замонавий хавф ҳамда таҳдидларга қарши кураш

---

<sup>1</sup> Совместное заявление участников Алма-Атинской встречи //3.07.1998. <http://russian.china.org.cn/russian/43089.htm>.

КХШТнинг асосий мақсадидир. Ўз навбатида, ҳарбий компонент ташкилот доирасида хавфсизликка эришишнинг асосий инструменти саналади.

ШХТ, КХШТдан фарқли ўлароқ, анъанавий кўп мақсадли минтақавий ташкилот ҳисобланади. Коллектив хавфсизлик тизими сифатида ташкилот “юзага келаётган имкониятлардан биргаликда янада самарали фойдаланиш ва янги хавф ва таҳдидларга қарши курашга имкон яратади”.<sup>1</sup> ШХТ Хартияси ва унинг бошқа таъсис ҳужжатлари трансчегаравий хавфларга қарши кураш бўйича давлатлараро муносабатларни тартибга солади. ШХТнинг таъсис ҳужжатларида коллектив ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи, яъни БМТ Низомининг 51-моддасида назарда тутилган қуролли ҳужумни куч билан бартараф этиш механизми мустаҳкамланмаган.

Шу билан бирга, ШХТ аъзо давлатлари терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш учун қуролли кучлардан биргаликда фойдаланиш имкониятини истисно қилмайди. 2007 йилдан ШХТга аъзо давлатларининг қўшма ҳарбий машғулоти – “Тинчлик миссияси” ўтказиб келинмоқда.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотини (НАТО) Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги жараёни иштирокчисига айлантирди. НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури, ташкилотнинг Афғонистондаги ҳарбий контингент билан бир қаторда, унга аъзо давлатларнинг Марказий Осиёдаги асосий ташқи сиёсий инструментлари ҳисобланади. Мазкур дастурда Марказий Осиёнинг барча давлатлари, хусусан “позитив нейтралитет” мақомига эга бўлган Туркменистон ҳам иштирок этмоқда. Тожикистон ушбу дастурга 2002 йилда қўшилди.

“Совуқ уруш даврида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги консенсуснинг натижаси”<sup>2</sup> сифатида кўрилувчи Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигининг муҳим институти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини ташкил этишда ЕХХТнинг фаол ролини қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ташкилот доирасида ишлаб чиқилган принцип ва қоидалари Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ривожлантиришда ўз аксини топмоқда.

Марказий Осиёда Европа Иттифоқининг иштироки, асосан, минтақавий ҳаётнинг энг муҳим жиҳатларини қамраб олувчи турли дастур ва лойиҳалар воситасида таъминланмоқда. Минтақавий ёки бир бутун

---

<sup>1</sup> Хартия Шанхайской организации сотрудничества // [http://russian.china.org.cn/international/txt/2002-06/12/content\\_2033359.htm](http://russian.china.org.cn/international/txt/2002-06/12/content_2033359.htm).

<sup>2</sup> Eunsook Chung. Multiple Regional Security Frameworks for Central Asia. [http://www.sejong.org/Pub\\_st/PUB\\_ST\\_DATA/kst005-09.pdf](http://www.sejong.org/Pub_st/PUB_ST_DATA/kst005-09.pdf)

ёндашув Марказий Осиёда ЕИ шафелигида амалга оширилаётган дастурларнинг асосий принципи бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>.

Бугунги кунда минтақа давлатлари ЕИнинг БОМКА, КАДАП ва ИНОГЕЙТ каби минтақавий дастурларида иштирок этиб келмоқда. Ушбу дастурлар ЕИнинг “флагман лойиҳалари” сифатида таърифланади. Қайд этиб ўтилган лойиҳалар Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик таҳдидлари таъсирини камайтириш ва олдини олиш бўйича ЕИнинг инструменти ҳисобланади. ЕИнинг етакчи давлатлари ташкилотнинг Европа минтақасининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашда Марказий Осиёнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратишади. Хусусан, Питер Штрук (Peter Struck), Германиянинг собиқ мудофаа вазири таъкидлаганидек, “Германия хавфсизлиги Афғонистон тоғларида ҳимоя қилинади”.<sup>2</sup>

Минтақавий хавфсизлик тизими асосларини яратиш замонавий минтақавий муносабатлар ва Марказий Осиё давлатларининг янги халқаро ҳуқуқий мақоми билан бевосита боғлиқ. Унинг шаклланиш жараёни бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи икки йўналишда: постсовет ва минтақа даражаларида амалга оширилди.

Минтақавий ёндашув Марказий Осиё хавфсизлиги асосларини яратишнинг муҳим элементи ҳисобланади. Регионализм ҳамкорлик ғояси сифатида минтақа давлатлари манфаатлари, таҳдидлари ва муаммоларининг умумийлигига асосланади. Ушбу омиллар Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликка оид ҳамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий асосининг устувор йўналишлари ва мазмунини белгилаб беради.

Маълумки, Марказий Осиёда амалий ва самарали хавфсизлик тизимини яратишдан бирламчи манфаатдор давлатлар – бу минтақа давлатларидир. Бироқ давлатлараро муносабатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, минтақа давлатлари ҳамкорликнинг муҳим масалалари бўйича келишувга эришиш ва умумий муаммоларни ҳал этишнинг коллектив (минтақавий) механизмини яратишга ҳали тайёр эмас. Айнан мазкур ҳолат Марказий Осиё хавфсизлик маконида ташқи кучлар омилнинг кучайишига шароит яратаётган омиллардан бири ҳисобланди.

Бугунги кунда минтақада фақат минтақа давлатлари аъзо бўлган ягона ташкилот бўлмаса-да, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви 5 та давлатнинг доимий мулоқоти учун муҳим платформа ҳисобланади. Мазкур тузилма минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва

---

<sup>1</sup> Алимов Р. Концепция и стратегия безопасности, мира и стабильности в Центральной Азии //Региональная безопасность в Центральной Азии. Материалы международной конференции (23-24 сентября 2004 г., Ташкент). – Т.: “Turon-Iqbol”, 2006. – С. 39.

<sup>2</sup> The war in Afghanistan /Economist. – London, 2009. - March 28<sup>th</sup>-April 3<sup>rd</sup>. - P. 16.

қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масалалари кенг муҳокама қилиш мақсадида йўлга қўйилган учрашувлар формати ҳиосбланади.

Мазкур форматга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуси доирасида асос солинган. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бир йилда бир марта ўтказилади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мазкур форматдаги илк маслаҳат учрашуви 2018 йил март ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган. Ҳозирда ҳар йили бир марта минтақа давлатларидан бирининг мезбонлиги остида йиғилиши ўтказилмоқда ҳамда муҳим минтақавий масалаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасининг фаол ташқи сиёсати натижасида сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилиб, ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмоқда. Натижада, жаҳоннинг етакчи давлатлари томонидан минтақага нисбатан янгича қараш шаклланиб, ўзаро алоқалар кучаймоқда. Шу жиҳатдан қуйидаги форматларнинг ҳам, гарчи улар ташкилот бўлмаса-да, минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашда аҳамияти ортиб бормоқда.

**“Марказий Осиё – Хитой” формати** – томонлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш, транспорт алоқаларини ривожлантириш ва узлуксиз савдони таъминлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва муаммоларга биргаликда қарши курашиш ҳамда иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган формат. Мазкур форматдаги илк учрашув 2020 йилнинг 16 июль куни Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтказилди. 2023 ва 2025 йилларда ушбу формат давлат раҳбарлари миқёсида ташкил этилди.

**“Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” формати** – Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида сиёсий, иқтисодий, инвестицион соҳалардаги барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит, сув манбалари ва хавфсизлик жабҳаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинадиган формат. 2025 йилда ушбу формат биринчи марта давлат раҳбарлари миқёсида ташкил этилди.

**“Марказий Осиё – Корея Республикаси” ҳамкорлик форуми** – томонлар ўртасида соғлиқни сақлаш, масофавий таълим, стандартлаштириш ҳамда атроф-муҳит ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган форум.

**“Марказий Осиё + Япония” ҳамкорлик формати** – Марказий Осиё ва Япония давлатлари ташқи ишлар вазирлари даражасидаги

ҳамкорлик формати. Мазкур мулоқот гуруҳи 2004 йил сентябрь ойида Япония ҳукумати ташаббуси билан ташкил топган.

“C5+1” – Марказий Осиёнинг бешта давлати: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари ҳамда АҚШ Давлат котиби томонидан ҳамкорликда ўтказиладиган дипломатик саммит. Мазкур формат 2015 йилда АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатларини яхшилаш ва мустаҳкамлаш мақсадида АҚШ ташаббуси билан йўлга қўйилган. Унда Афғонистондаги уруш, Суриядаги фуқаролар уруши, терроризмга ҳамда минтақада гиёҳванд моддалар ва одам савдосига қарши кураш каби минтақавий муаммолар, шунингдек, ўзаро савдо муносабатларига оид иқтисодий муаммолар, минтақада иш ўринларининг ўсиши ва атроф-муҳит муаммоларига қарши кураш каби масалалар муҳокама қилинади. 2023 йилда ушбу формат давлат раҳбарлари миқёсида ташкил этилди.

### **Хулоса**

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масаласи бугунги кунда халқаро сиёсат ва минтақавий интеграция соҳасидаги энг муҳим ва долзарб мавзулардан бирига айланмоқда. Минтақадаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жараёнлар хавфсизликни таъминлашнинг янги усуллари ва механизмларини яратишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам минтақавий хавфсизлик тушунчаси нафақат алоҳида давлатларнинг мустақил хавфсизлигини таъминлашни, балки давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва комплекс тизимларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади.

Тарихий жараёнлар, айниқса СССР парчаланиши ва икки қутбли дунёнинг яқун топиши, Марказий Осиёда хавфсизлик институционал тизимини тузиш ва уни мустаҳкамлашга янги чақириқлар келтириб чиқарди. Мустақилликка эришган давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш учун янги ташкилотлар, шартномалар ва ҳамкорлик механизмларини яратишга киришдилар. Бундай жараёнлар МДХ, КХШТ, ШХТ каби минтақавий ташкилотларнинг шаклланиши ва фаолият юритишига олиб келди. Ушбу ташкилотлар минтақадаги хавфсизликни таъминлашда муҳим институтлар сифатида ўз ўрнини топди.

Минтақадаги хавфсизликни таъминлаш жараёни нафақат ички омилларга, балки ташқи геосиёсий таъсирларга ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири минтақавий хавфсизликнинг комплекс ва мураккаб тизимини шакллантирди. Афғонистондаги нобарқарорлик, Тожикистондаги фуқаролар уруши ва терроризм хавфи каби таҳдидлар минтақада умумий хавфсизлик чора-тадбирларини кучайтиришга ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга мажбур қилди.

Минтақавий хавфсизлик механизмлари ва институтларининг турлари, уларнинг ҳуқуқий асослари, фаолияти ва замонавий тенденциялари тадқиқ этилди. Айниқса, минтақада ташкил этилган ички

минтақавий, аралаш ва ташқи минтақавий ташкилотлар хавфсизликни таъминлашда ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи воситалар сифатида фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнаса, ШХТ ва КХШТ ҳарбий-сиёсий хавфсизликни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Шунингдек, минтақа давлатлари хавфсизлик соҳасидаги ўзлари учун мос ва самарали моделларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Бу жараёнда мамлакатлар миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланишга уринмоқда. Халқаро ташкилотларнинг минтақадаги иштироки ва улар билан ҳамкорлик минтақавий хавфсизликни глобал муаммолар билан уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Яқунда таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими мураккаб, кўпқиррали ва доимий такомиллаштиришни талаб қиладиган жараёндир. Бу жараёнда давлатлар ўзаро ишонч ва ҳамкорлик асосида барқарорликни таъминлашга интилиши лозим. Шу билан бирга, минтақавий хавфсизликнинг узлуксиз мустақамланиши минтақадаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳам зарурдир.

Марказий Осиё давлатлари учун ҳозирги ва келгуси даврлардаги асосий вазифа – ички ва ташқи таҳдидларга қарши курашишда, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва халқаро майдонда ўз позициясини мустақамлашдир. Бу эса минтақадаги хавфсизлик муҳитини мустақамлаш, аҳоли фаровонлиги ва мамлакатлар тараққиётига хизмат қиладиган мустақам ва барқарор тизимни яратишни таъминлайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ташкилий-ҳуқуқий асослари шаклланишининг шарт-шароитларини очиб беринг.
2. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик механизмларининг таснифини келтиринг.
3. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик механизмлари фаолиятининг замонавий тенденцияларини очиб беринг.
4. Ички минтақавий ташкилотлар тизимида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ўзига хослигини очиб беринг.
5. ШХТнинг Марказий Осиёда фаолият юритаётган бошқа минтақавий ташкилотлардан устун жиҳатларига тўхталинг.

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Allison, Roy. "Regionalism, Regional Structures and Security Management in Central Asia" //International Affairs. Vol.80, No3, May. 2004.
2. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность - Т.: 2007. - 186 с.
3. Bohr, Annette. "Regionalism in Central Asia: New Geopolitics, Old Regional Order". International Affairs. Vol.80. No.3. May. 2004.
4. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. Монография. – Т.: УМЭД. 2010. – С. 22-49.
5. Бобокулов И.И. Современные тенденции развития региональных механизмов безопасности в Центральной Азии //Центральная Азия и Кавказ. - Швеция.: №6, 2009. – С. 7-21.
6. Бобокулов И.И. Содержание и сущность концепции коллективной безопасности //Бюллетень ТГЮИ. – Т.: № 1, 2010. - С.18-22.
7. Bobokulov I. Central Asia: is there an alternative to regional integration? //Central Asian Survey, Vol. 25, No 1-2, March-June, 2006. - P.75-93.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари и тараққиёт кафолатлари. - Т. "Ўзбекистон", 1997. - 258 б.
9. Касенов У.Т. Безопасность Центральной Азии: глобальные, региональные и национальные проблемы. - Алматы.: "Кайнар". 1998. - 280 с.
10. Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (центральноазиатский регион) - М.: 2004. - 192 с.
11. Олкотт М. Второй шанс Центральной Азии. - Фонд Карнеги за международный мир. - М.: 2005. - 487 с.

## **4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА СТРАТЕГИЯСИ ВА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ТАШАББУСЛАРИ**

### **Кириш**

**4.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва концептуал асослари**

**4.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг Марказий Осиё бўйича устувор йўналишлари**

**4.3. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид ташаббуслари**

### **Хулоса**

### **Кириш**

Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳар томонлама пухта ўйланган, миллий манфаатларга таянадиган ва халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилган йўналишни изчил амалга оширмоқда. Ушбу сиёсат мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, минтақавий ва глобал жараёнлардаги ролини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти давлатнинг сиёсий ва иқтисодий келажагини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шерикликни йўлга қўйиш масалаларини устувор йўналиш сифатида белгилади. Бу жараёнда ташқи сиёсатнинг прагматик, манфаатларга асосланган стратегия сифатида шакллантирилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро сиёсий жараёнлардаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ва жадал ўсишини рағбатлантириш, очиқ ва демократик жамият қуриш йўлида изчил ҳаракатни давом эттириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига қўшиш учун қулай ташқи сиёсий ва иқтисодий муҳит яратиш белгиланган.

Ташқи сиёсатнинг мазкур устувор йўналишлари Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва глобал ҳамкорликда фаол иштирок этишга қаратилганини кўрсатади. Шу билан бирга, мамлакат минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, трансчегаравий таҳдидларга қарши курашишда ҳам конструктив ташаббуслар билан чиқиб келмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ташқи сиёсатининг изчил, мутаносиб ва стратегик мақсадларга йўналтирилганлигини тасдиқлайди.

#### **4.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва концептуал асослари**

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти мамлакат Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепцияси, “Халқаро шартномалар тўғрисидаги”, “Мудофаа тўғрисида”ги қонун, “Мудофаа доктринаси” ва бошқа қонун ҳужжатларига, БМТ ва ЕҲХТ фаолияти принципларига, шунингдек Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалардаги мажбуриятларга асосланиб олиб борилади.

Жумладан, Конституциянинг 17-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади.

18-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши ҳамда республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкинлиги баён этилган<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2012 йилда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ташқи сиёсатнинг концептуал асосларини мукамаллаштириш, яъни минтақада ва жаҳонда намоён бўлаётган таҳдидларга ўз вақтида ва мос тарзда жавоб қайтариш, ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Концепция Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг фундаментал асослари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ва вазифаларини ҳамда ўрта ва яқин истиқболда миллий манфаатларни илгари суриш механизмларини белгилаб берувчи, ягона қарашлар тизимини намоён этади.

Концепцияга кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг *асосий мақсадлари* сифатида давлат мустақиллиги ва суверенитетини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – 80 б.

мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олиш ҳамда Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратиш белгиланган.

Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг *асосий вазифалари* куйидагилардан иборат:

- сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантириш;

- мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни ҳамда жамиятни ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни шакллантириш;

- Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт зонасига айлантириш;

- жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик қилишнинг мутаносиб, кўп қиррали тизимини шакллантириш, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб туриш, Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенг диверсификация қилиш;

- мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун сиёсий дипломатик ҳамда халқаро ҳуқуқий механизмлардан, жумладан превентив дипломатия чора-тадбирларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистоннинг сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳадаги ишончли, масъулиятли шерик сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ташқи дунё учун инвестицион, сайёҳлик, маданий-тарихий жозибadorлигини кучайтириш;

- миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб этиш жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

- халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- Ўзбекистон дунёнинг йирик бозорларига кафолатли чиқишини таъминлайдиган кўп муқобилли транспорт-коммуникация йўллари тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

- хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5-йўналиши ““Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш” деб номланиб, унда мамлакатимиз

ташқи сиёсатини изчил ривожлантиришга қаратилган бир қатор мақсадлар баён этилган. Хусусан, 91-мақсадда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги қуйидаги устувор вазифалари қайд этилган<sup>1</sup>:

- минтақада турли устувор йўналишлар, айниқса, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт-коммуникация инфратузилмаларини янада ривожлантириш борасидаги яқин ҳамкорликни кучайтириш;

- Марказий Осиёда халқаро ҳуқуқ ва минтақадаги барча давлатлар миллий манфаатларини инobatга олган ҳолда кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш;

- Марказий Осиё давлатлари ҳудудида фуқаролар эркин ҳаракати, шунингдек, товарлар, хизматлар ва капиталнинг сунъий чекловларсиз айланишига босқичма-босқич эришиш, шунингдек, умумий сайёҳлик маконини шакллантириш ишларини давом эттириш;

- Афғонистон билан кўп қиррали ва ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш, унинг иқтисодий тикланишига яқиндан кўмаклашиш, транспорт-транзит салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳисса кўшиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида ҳам мамлакатимиз ташқи сиёсатининг айрим муҳим жиҳатлари ёзилган<sup>2</sup>. Жумладан, унда Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат олиб бориши ва ҳарбий можароларнинг олдини олишда фаол иштирок этишни устувор вазифалардан бири деб ҳисоблаши ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириши, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаши таъкидланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсатида хавфсизликнинг бўлинмаслиги, бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, ҳарбий-сиёсий блоklarда иштирок этмаслик, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик, Қуролли Кучларнинг хориждаги тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ операцияларда ва ҳарбий можароларда иштирок этмаслиги каби *принципларга* асосланиши қайд этилган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий ва шартномавий асосларини “Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўғрисида”ги (2019 йил 6 февраль) ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги (2023 йил 13 сентябрь) Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг “Иттифоқчилик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/3495885>

муносабатлари тўғрисида”ги (РФ (2005), Қозоғистон (2022), Тожикистон (2024), Озарбайжон (2024)), “Стратегик шерикчилик тўғрисида”ги (АҚШ (2002), Япония (2002), РФ (2004), Озарбайжон (2004), Жанубий Корея (2006), Ҳиндистон (2011), ХХР (2012), Қозоғистон (2013), Туркия (2017), Покистон (2021), Қирғизистон (2017), Туркменистон (2017), Тожикистон (2018), Италия (2023), БАА (2025)) шартномалари ва декларациялари ҳамда икки томонлама шартномалари ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатларда Ўзбекистоннинг чет эл давлатлари билан ташқи алоқаларининг турли соҳалари – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, ахборот, маданий-гуманитар кабилар ўз аксини топган бўлиб, улар мамлакатимиз ташқи сиёсатини амалга оширишнинг муҳим ва стратегик жиҳатларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

#### **4.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг Марказий Осиё бўйича устувор йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатнинг устувор йўналиши сифатида Марказий Осиё минтақаси белгиланган бўлиб, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқлиги қайд этилган. Қолаверса, Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очик, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолиши, минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилиши ҳамда Марказий Осиёдаги мавжуд муаммолар ташқи кучларнинг аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарурлиги таъкидланган.

Шуниси аҳамиятлики, Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан сўнг, ўзининг илк хорижий ташрифларини 2017 йилнинг март ойида Марказий Осиё давлатларидан бошлади: аввал Туркменистон ва Қозоғистон, кейинчалик Қирғизистон ва Тожикистонга ташрифлар амалга оширилди. Ушбу ташрифлар чоғида юқори даражадаги сиёсий мулоқотлар, бизнес форумлар ўтказилиб, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Шу билан бирга, қўшни давлатларнинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва минтақавий иқтисодий форумлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса Ўзбекистон ташқи сиёсатида яна бир бор Марказий Осиёга алоҳида урғу берилаётганлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг Самарқанд шаҳрида 2017 йилнинг 10-11 ноябрь кунлари бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференциясида сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг

кейинги йилларда Марказий Осиё бўйича устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди<sup>1</sup>:

**Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш.**

Ушбу йўналишнинг амалий ҳаракати сифатида 2019 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғиз Республикаларининг расмий ҳукумат делегациялари иштирокида биринчи “Марказий Осиё иқтисодий форуми” ташкил этилди. Форумнинг ўтказилиши минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация мажмуаси имкониятларини ўрганиш, ўзаро савдо ҳажми ҳамда туризм жозибадорлигини оширишга хизмат қилди. Қолаверса, минтақанинг бизнес ҳамжамиятлари ўртасида бевосита мулоқот ва ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий ва инновацион ҳамкорликнинг кучайишига имкон берди.

Қолаверса, ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари билан саноат кооперацияси ва инфратузилма бўйича йирик дастурлар амалга оширилмоқда ҳамда чегара ҳудудларида замонавий савдо-логистика марказлари ва махсус иқтисодий зоналар барпо этилмоқда. Масалан, 2023 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон Ҳукуматлари ўртасида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги битим имзоланди ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳам қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 50 гектар суғориладиган ер участкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилади ва ушбу ер участкасида “Марказий Осиё халқаро саноат кооперацияси маркази” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади<sup>2</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси кўрсаткичи йил сайин ортиб, унинг ҳажми 2024 йил якунларига кўра 7 млрд доллар (ёки мамлакатимиз умумий ташқи савдо айланмасининг 10,6 %) қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан савдо айланмаси 4,2 млрд долларни (экспорт 1,4 млрд, импорт 2,8 млрд), Қирғизистон билан 846,4 млн долларни (экспорт 513,3 млн, импорт 333,1 млн), Тожикистон билан 702,7 млн долларни (экспорт 552,2 млн, импорт 150,5 млн) ва Туркманистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. 10.11.2017 // <https://president.uz/uz/lists/view/1227>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 августдаги ПҚ-283-сонли ““Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // <https://www.lex.uz/uz/docs/7050360>

билан 1,1 млрд долларни (экспорт 128,2 млн, импорт 1 млрд) ташкил этди<sup>1</sup>.

**Минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш.**

Мазкур йўналишда Ўзбекистон томони бир қанча лойиҳаларни илгари суриб, уларни амалга ошириш бўйича жонбозлик кўрсатмоқда. Хусусан, 2024 йилнинг декабрь ойида **Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли** лойиҳаси қурилишига старт берилди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг узунлиги 486 кмни ташкил этади, шундан тахминан 312 км Қирғиз Республикаси ҳудудидан ўтади, у ерда 18 та темир йўл станцияси қурилиши режалаштирилган, бундан ташқари, тоғли рельефни ҳисобга олган ҳолда, 81 та кўприк қуриш ва узунлиги 120 кмдан ортиқ бўлган 41 та туннельни бурғилаш талаб этилади.

Темир йўл икки қисмдан иборат бўлиб, Хитой чегарасидан Макмал станциясигача (165,5 км) Хитойда қўлланадиган стандартга мувофиқ 1435 мм кенгликдаги из ётқизиш режалаштирилган, кейин Жалолободгача (146,2 км) 1520 мм кенгликдаги из олиб борилади. Бунда Макмал станциясида таркибларни қайта шакллантириш, юкларни қайта юклаш, саралаш ишлари амалга оширилади. Уч томонлама имзоланган келишувга кўра, Хитой қўшма корхонада 51 фоиз, Қирғизистон ва Ўзбекистон эса 24,5 фоиздан улуш олади<sup>2</sup>.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига бўлган йўлни тахминан 900 км, юк етказиб бериш муддатларини эса 7-8 суткага камайтиради. Дастлабки прогнозларга кўра, юк ташиш ҳажми йилига 12-15 млн тоннани ташкил этади. Умуман олганда, ушбу лойиҳа минтақалараро алоқаларни мустақамлаш, транспорт йўналишларини диверсификация қилиш ва Марказий Осиёнинг халқаро транспорт-транзит ҳаб сифатида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Навбатдаги муҳим ташаббус “аср лойиҳаси” сифатида эътироф этиладиган **“Термиз-Мозору-Шариф-Кобул-Пешовар”** трансакфон темир йўли лойиҳаси ҳисобланади. Уни амалга ошириш бўйича дастлабки қадам сифатида 2021 йилнинг февраль ойида Тошкентда уч томонлама учрашув (Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон) ўтказилиб, унинг доирасида қўшма ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) имзоланди. Қолаверса, ушбу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

<sup>2</sup> “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича уч томонлама ҳужжат имзоланди. 18.05.2023 // <https://mintrans.uz/uz/news/xitoyqirgizistonozbekiston-temir-yoli-qurilishi-loyihasi-boyicha-uch-tomonlama-hujjat-imzolandi->

Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида алоҳида таъкидланди<sup>1</sup>.

Қайд этиш лозимки, трансфтон темир йўли лойиҳасининг тахминий қиймати 5 млрд долларни ташкил этади. Лойиҳа нафақат Ўзбекистон учун, балки минтақадаги бошқа кўплаб давлатлар учун ҳам муҳимдир. Узунлиги 600 километр бўлган ушбу темир йўл Марказий Осиё мамлакатлари учун Покистоннинг йирик денгиз портларига арзонроқ ва тезроқ (Ўзбекистондан Покистонга юк ташиш учун кетадиган вақтни 35 кундан 3 кунгача қисқартиради) чиқиш имкониятини яратади. Бу эса минтақавий алоқа ва савдони ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон томони Марказий Осиё минтақасининг транспорт-логистика соҳасидаги реал имкониятлари юқори эканлигини инобатга олиб, минтақада бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштиришга ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий боғлиқликни янада ривожлантиришга интилмоқда.

**Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.**

Марказий Осиё мамлакатлари халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг миллий хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган фундаментал конституциявий ҳуқуқий қадриятлар, хусусан, давлат суверенитети, конституциявий тузум ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада минтақа давлатлари ўзининг ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам бир бутун минтақа миқёсида хавфсизлигини таъминлашга интилмоқда.

Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин. Бу борада давлатимиз раҳбари минтақа давлатлари хавфсизлигига қаратилган таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “хавфсизликнинг бўлинмаслиги” тамойилига асосланиш лозимлигини мунтазам равишда таъкидлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон томони Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришни устувор йўналиш сифатида эътироф этади. Марказий Осиё

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. 16.07.2021 // <https://president.uz/uz/lists/view/4484>

мамлакатлари ушбу ҳудуднинг энг яқин қўшнилари сифатида бу заминдаги барқарорликдан биринчи навбатда манфаатдор эканлигини инобатга олган ҳолда Афғонистон билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақамиздаги иқтисодий жараёнларга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш кераклиги таъкидланади.

**Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда ва узил-кесил якунига етказиш.**

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан чегараларининг умумий узунлиги 7111,62 км, шундан Қозоғистон билан 2356,31 км, Қирғизистон билан 1476,12 км, Тожикистон билан 1304,7 км, Туркменистон билан 1831,49 км ва Афғонистон билан 143 км ташкил этади.

**Ўзбекистон-Афғонистон** чегараси делимитация, демаркация ва редемаркация ишлари Совет Иттифоқи даврида бажарилган. Хусусан, ўзбек-афғон чегара муносабатлари “Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида чегара масалалари тўғрисида”ги Битим (1946 йил), “Совет Иттифоқи Ҳукумати билан Афғонистон Қироллик Ҳукумати ўртасидаги совет-афғон Давлат чегараси режими тўғрисида”ги Шартнома (1958 йил), 1978-1987 йиллардаги редемаркация ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

**Ўзбекистон-Қозоғистон** чегара муносабатлари бўйича делимитация ишлари “Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегараси тўғрисида”ги шартнома (2001 йил), “Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегарасининг алоҳида ҳудудлари тўғрисида”ги шартнома (2002 йил), “Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасидаги уч давлат чегарасининг туташ нуқтаси тўғрисида”ги шартнома (2001 йил), “Ўзбекистон Республикаси, Туркменистон, ва Қозоғистон Республикаси ўртасида уч давлат чегарасининг туташ нуқтаси тўғрисида”ги шартномалар (2017 йил) имзоланиши асосида яқунланган.

Томонлар ўртасида 2003 йилда бошланган демаркация бўйича музокаралар қарийб 19 йил давом этиб, бу вақтда демаркация комиссиясининг 100 та йиғилиши ва демаркация бўйича ишчи гуруҳининг 34 та йиғилиши ўтказилди. Чегара белгиларини ўрнатиш бўйича дала ишлари 2004-2021 йилларда амалга оширилди. 2022 йилда “Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида”ги шартнома имзоланди. Демаркация ишлари натижасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида 2356 км чегара ўрнатилиб, унга 1301 та чегара белгилари қўйилди.

**Ўзбекистон-Туркменистон** чегара муносабатлари бўйича делимитация ишлари “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидаги ўзбек-туркман Давлат чегараси тўғрисида”ги шартномага

(2000 йил) мувофиқ амалга оширилган. Делимитация қилинмаган ҳудуд сифатида “Ўзбекистон, Туркменистон ва Афғонистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси” (умумий узунлиги 4,9 км) қолган. Томонлар ўртасидаги демаркация ишлари тўлиқ якунланмаган бўлиб, улар ҳозирги кунда давом эттирилмоқда.

**Ўзбекистон-Қирғизистон** чегара муносабатлари бўйича делимитация ишлари “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасидаги ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисида”ги 2017 йил 5 сентябрдаги шартномага мувофиқ 1170,53 км узунликдаги масофаси делимитация қилинган. Қолган ҳудудлар бўйича эса томонлар 2023 йил 27 январда “Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида”ги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашишди. Натижада, Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарани делимитация қилиш жараёнини якунлаб, бугунги кунда томонлар ўртасидаги демаркация ишлари амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистон-Тожикистон** чегара муносабатлари бўйича делимитация ишлари “Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисида”ги 2002 йил 5 октябрдаги (1104,20 км қисмига) ҳамда 2018 йил 9 мартдаги (192,3 км қисмига) шартномаларга мувофиқ амалга оширилган. Делимитация қилинмаган ҳудуд сифатида “Фарҳод тўғони” участкалари (2,2 км) ва “Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон давлат чегараларини туташган нуқта” (2,6 км) қолган. Томонлар ўртасидаги демаркация ишлари тўлиқ якунланмаган бўлиб, улар ҳозирги кунда давом эттирилмоқда.

**Минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиш.**

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритганда минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалага алоҳида тўхталиш лозим.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини жадал ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида республиканинг сувга бўлган эҳтиёжининг ҳам кескин ортишига олиб келмоқда. Ўзбекистоннинг асосий сув манбаини Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувлари ташкил этади. Сув ҳўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, Орол денгизи ҳавзасидаги барча манбаларнинг ўртача кўп йиллик сув оқими 116 млрд м<sup>3</sup> ни ташкил этади, шундан 67,4 % Амударё ҳавзасида ва 32,6 % Сирдарё ҳавзасида шаклланади. Ер ости сувларининг умумий захираси 31,2 млрд м<sup>3</sup> ни ташкил этиб, унинг 52,8 % Сирдарё ҳавзасига, 47,2 % эса Амударё ҳавзасига тўғри келади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаси давлатларидаги сувга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бориши натижасида Ўзбекистонда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар

кузатилиб, ўртача йиллик 51-53 млрд м<sup>3</sup> (97,2 % дарё ва сойлардан, 1,9 % коллектор тармоқларидан, 0,9 % ер остидан) сув ресурсларидан фойдаланилмоқда ва ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 %га қисқарган<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш мақсадида минтақа давлатлари томонидан халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг оқилона йўллари қидирилаётган, тегишли таклиф-тавсиялар илгари сурилаётган, турли тадбирлар, конференциялар ўтказилаётган бўлса-да, минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг умуммақбул ечими топилгани йўқ.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқда Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни таъкидлаб ўтди<sup>2</sup>. Мазкур конвенцияларнинг ўзига хослиги шундаки, улар халқаро сув ҳуқуқининг универсал принциплари ва нормалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, минтақанинг юқори ва қуйи мамлакатлари манфаатлари бирдек ҳисобга олинган ҳамда трансчегаравий сув оқимлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича жаҳон амалиётига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, конвенцияларда, бир томондан, уларда ҳавзанинг ҳар бир давлати ўз ҳудуди доирасида ушбу ҳавза сувларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Бошқа томондан, қўшниларга “жиддий зарар етказмаслик мажбурияти” таъкидланган (“БМТнинг Халқаро сув оқимларидан фойдаланишнинг кема қатнамайдиган турлари ҳуқуқи тўғрисида”ги конвенцияси, 1997 йил)<sup>3</sup>.

Ўзбекистон томони минтақадаги трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш билан бир қаторда Орол денгизининг экологик ҳалокати билан боғлиқ энг ўткир муаммоларни ҳал этишда минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни таъкидлаб келмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси // <https://lex.uz/docs/4892953>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. 20.09.2017 // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

<sup>3</sup> Казаков Б.А. Суть и значение инициатив ООН по правовому урегулированию водной проблематики Центральной Азии // [http://icwsc-aral.uz/25years/round\\_table\\_3/kazakov.pdf](http://icwsc-aral.uz/25years/round_table_3/kazakov.pdf)

**Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлаш.**

Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан бири фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, минтақа давлатлари ўртасида маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни “халқ дипломатияси”нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Бу борада “халқ дипломатияси” институти миллий манфаатларни тарғиб қилиш ва минтақавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг ижобий омили сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатлар ва минтақавий ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган жамоат бирлашмаларининг ташаббуслари, шубҳасиз, миллий манфаатларни ҳисобга олиб, халқларни янада бирлаштиришга кўмаклашади.

Шуларни инobatга олган ҳолда, Марказий Осиё халқлари вакиллари – олимлар ва рассомлар, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар иштирокида турли учрашувлар, анжуманлар, видеоконференциялар ва бошқа шу каби тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Умуман олганда, Марказий Осиё минтақаси ҳаётий муҳим манфаатлар билан боғлиқлиги юзасидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятида энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон ўзига чегарадош кўшни давлатларга нисбатан очиқ, хайрихоҳ ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Юқорида қайд этиб ўтилган Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бўйича устувор йўналишлари маълум маънода ўзининг ижобий ечимини топмоқда. Натижада, мамлакатимизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айланмоқда.

### **4.3. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид ташаббуслари**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон томонидан жаҳон ҳамжамиятида бир қатор халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди. Ушбу ташаббусларнинг аксарияти амалда ўз исботини топиб, улар Ўзбекистоннинг минтақадаги ва жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлади ҳамда халқаро майдонда унинг роли ва аҳамиятини оширди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томонидан билдирилган таклифларни шартли равишда икки босқичга ажратган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг

Биринчи (1991-2016 йиллар) ва амалдаги президентлари (2017 йилдан hozirgi вақтга қадар) фаолияти билан бевосита боғлаш ўринлидир.

Биринчи босқичда Ўзбекистон томонидан билдирилган муҳим ташаббуслардан бири **“Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд”** деб эълон қилиш ҳисобланади. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган.

Ядросиз ҳудуднинг моҳияти шундаки, уни ташкил этиш ташаббуси тегишли минтақа давлатларидан келиб чиқиши лозим. Уни тузиш воситаси мажбурий характердаги халқаро шартнома бўлиши керак. Унда иштирокчи давлатлар шартнома доирасида ядро қуролларини тарқалмаслиги бўйича мажбуриятни олишади. Ташкил этилаётган ҳудудда ядровий фаолиятни текшириш ва назорат қилиш тизимини яратиш мажбурий саналади. Мазкур ядро қуролидан ҳоли ҳудуд БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳам эътироф этилиши зарур ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бешта ядро қуролига эга давлатнинг (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия) “ядро қуролидан ҳоли бўлган ҳудудга нисбатан ҳурмат билан қараши, у ерда ядровий қурол ишлатмаслик ёки уни қўллаш билан иштирокчи давлатларга таҳдид қилмаслик” бўйича мажбуриятни олади.

Мамлакатимизнинг саъй-ҳаракатлар натижасида 2006 йил 8 сентябрь куни Семипалатинск шаҳрида минтақа мамлакатлари томонидан “Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд тўғрисида”ги шартнома имзоланди. Бу ҳужжатнинг имзоланиши рамзий маънода Семипалатинск полигонида узоқ муддатли ядро синовлардан азият чеккан Қозоғистон ҳудудида бўлиб ўтди. Ушбу полигонда “Совуқ уруш” йиллари ҳарбий паритетни таъминлаш сиёсати доирасида 459 та ядровий синовлар ўтказилган ва бу моҳиятан Қозоғистоннинг миллионлаб аҳолиси ҳаёти ва саломатлиги эвазига амалга оширилган.

Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланди ва 2006 йил 6 декабрда минтақа давлатлари номидан Ўзбекистон тақдим этган “Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ташкил этиш” бўйича БМТнинг 61/88-сонли махсус резолюцияси қабул қилинди. Бош Ассамблея Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд тўғрисидаги шартномани минтақавий ва халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашда муҳим қадам сифатида эътироф этди. Ўзбекистон минтақа мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд тўғрисидаги шартномани 2007 йил 10 майда ратификация қилди. Шартнома 2009 йил 21 мартда минтақанинг бошқа давлатлари томонидан ратификация қилинган кучга кирди.

2014 йил 6 май куни БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида бўлиб ўтган ядро қуролини тарқатмаслик бўйича шартнома

конференциясига Тайёргарлик кўмитасининг учинчи сессиясида беш ядровий давлатлар томонидан Хавфсизлик кафолати Баённомаси имзолангач, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд тўғрисидаги шартнома *яқуний халқаро юридик жиҳатдан* расмийлаштирилди. Бу орқали АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия МОда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд мақомини ҳурмат қилиши ва риоя этиши, бу ҳудудда ядровий қурол ишлатмаслик, ядро қуроли билан таҳдид қилмаслик бўйича юридик мажбуриятни олди.

Таъкидлаш лозимки, шартнома чекланмаган муддатга тузилиб, у 18 моддадан иборат. Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд тўғрисидаги шартномага мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари қуйидаги асосий мажбуриятларни ўз зиммаларига олишди: ҳар қандай ядро қуроли ёки бошқа ядровий портловчи воситалар бўйича тадқиқот ўтказмаслик, уларни яратмаслик, ишлаб чиқармаслик, захирасини тўпламаслик ёки сотиб олмаслик, уларга эга бўлмаслик ёки улар устидан назоратни амалга оширмаслик; қайси давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар ўз ҳудудида ядро қуролларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш, жойлаштириш, сақлаш ёки қўллашга йўл қўймаслик.

Навбатдаги муҳим ташаббуслардан бири **“6+2 мулоқот гуруҳи”** бўлиб, у Афғонистондаги конфликтни тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан тузилган мулоқот гуруҳи. Унга Афғонистонга чегарадош – Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, ЭИР, ХХР ва ПИР, шунингдек, АҚШ ва РФ кирган. Шу боис ушбу гуруҳ “дўстлар ва қўшнилар” деб ҳам аталади. Унинг доирасида 1999 йил 19 июлда Тошкентда БМТ шафелигида иштирокчи давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари, “Шимолий альянс” ҳамда “Толибон” ҳаракати вакиллари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтган. Конференция яқунлари бўйича Афғон конфликтини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилинган<sup>1</sup>.

Ҳужжатда конфликтнинг ҳарбий ечимга эга эмаслиги таъкидланиб, курашувчи томонларни мамлакатнинг барча этник, диний ва сиёсий гуруҳларини қамраб олувчи инклюзив ҳукумат тузишга ҳамда БМТ шафелигида тўғридан-тўғри сиёсий музокараларни бошлашга чақирди. Шунингдек, конфликт томонларига ҳарбий ёрдам кўрсатмаслик ҳамда ҳудудларидан ушбу мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаслик белгиланди. “Толибон” халқаро террорчилик ташкилотларига бошпана бермасликка чақирилди.

Тошкент декларацияси Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича конструктив ёндашувни таклиф этган муҳим халқаро ҳужжат

---

<sup>1</sup> Бобоқулов И.И. Хавфсизлик. Луғат-маълумотнома /Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи наشري. – Т.: Олий мактаб, 2024 – Б. 67-68

ҳисобланади. Унинг асосий қоидалари БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясида ўз аксини топди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, НАТО Афғонистон ҳарбий-сиёсий саҳнасида етакчи кучга айланди. 2008 йилнинг 4 апрелида НАТО/ЕАҲҚнинг Бухарестдаги Афғонистонда барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланган саммитида Ўзбекистон Мулоқот гуруҳига НАТОни жалб қилиш ташаббуси билан чиқди.

Иккинчи босқичда Ўзбекистон томонидан билдирилган ва амалиётга татбиқ этилган муҳим ташаббуслардан бири **“Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари”** бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуси доирасида асос солинган<sup>1</sup>.

Ушбу формат Марказий Осиё давлатлари ҳудудида навбатма-навбат бир йилда бир марта ўтказилиб, у минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари кенг муҳокама қилиш мақсадида йўлга қўйилган.

Бугунги кунга қадар маслаҳат учрашувларининг олти марта йиғилиши (Қозоғистон (2018 ва 2024 йиллар), Ўзбекистон (2019 йил), Туркменистон (2021 йил), Қирғизистон (2022 йил), Тожикистон (2023 йил)) ўтказилган. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашув натижалари бўйича минтақавий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қўшма баёноти эълон қилиниб, унда минтақавий ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш, мавжуд дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича умумий сиёсий ирода тасдиқланди. Шу билан бирга, маслаҳат учрашувларига пухта тайёргарлик кўриш, уларни тизимли асосда ташкил этиш, келишилган ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишни таъминлаш имконини берадиган маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш Регламенти маъқулланди<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, 2018-2023 йиллар давомида мазкур формат доирасида Ўзбекистон томонидан жами 86 та таклиф илгари сурилган бўлиб, уларнинг 39 таси – иқтисодий, 20 таси – гуманитар, 12 таси – экология, 10 таси – хавфсизлик ва 5 таси – сиёсий соҳаларга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. 20.09.2017 // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёноти. 29.11.2019 // <https://president.uz/uz/lists/view/3111>

йўналтирилган. Билдирилган таклифларнинг аксарияти амалиётга жорий этилган.

Давлатимиз раҳбари Орол масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада **“Оролбўйи минтақаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст фонди”**ни тузиш (2017 йил) таклифини илгари сурган. Бунинг натижаси ўлароқ, 2018 йилда БМТ шафелигида Траст фонд ташкил этилиб, унинг тақдими ўша йилнинг ноябрь ойида ташкилот Бош котиби Антониу Гутерриш иштирокида ташкилот штаб-квартирасида бўлиб ўтди.

Бугунги кунга қадар Траст фонд 16 млн доллар миқдоридagi тўққизта кўшма дастурни қўллаб-қувватлади. Бу дастурлар Оролбўйи ҳудуди қишлоқларини барқарор ривожлантириш, иқлим ўзгаришига мослашиш, қуриган Орол тубида биохилма-хилликни тиклаш, иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, Қорақалпоғистонда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 млн гектар майдонга шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликларнинг экилиши, ўз навбатида ушбу ҳудуддан кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилади.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатлар ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш ва изчил давом эттириш масаласи доимо Ўзбекистон томонининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 2018 йил 22 июнда 72/283-сонли БМТ Бош Ассамблеясининг **“Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш”** ҳамда 2023 йил 19 декабрда 78/147-сонли **“Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик”** тўғрисидаги резолюциялари қабул қилинди<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси БМТ минбаридан туриб глобал ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари бўйича қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил декабрь), “Марказий Осиёда барқарор

---

<sup>1</sup> Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН № 72/283 “Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе” от 22 июня 2018 года. // [https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/a\\_res\\_72\\_283\\_r.pdf](https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/a_res_72_283_r.pdf); Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН № 78/147 “Центральная Азия перед лицом экологических проблем: укрепление региональной солидарности во имя устойчивого развития и процветания” от 19 декабря 2023 года. // <https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n23/418/83/pdf/n2341883.pdf>.

туризм ва барқарор ривожланиш” (2019 йил декабрь), “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида” (2021 йил май), “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисида” (2022 йил июль), “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2022 йил декабрь), “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” (2023 йил декабрь) резолюциялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг фаол ташқи сиёсати ва илгари сураётган ташаббуслари Марказий Осиё давлатлари етакчилари ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига ва сиёсий мулоқотнинг изчиллигига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, минтақанинг барча давлатлари манфаатдор бўлган хавфсизлик, иқтисодий, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, экология ва чегарага оид минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан муҳим ташаббус ва қарорларнинг қабул қилинишига замин яратмоқда. Қолаверса, мамлакатимиз томонидан илгари сурилган экологик соҳадаги таклифлар нафақат мамлакатимиз ёки минтақамиз, балки бутун дунёда глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришларини олдини олиш ва унга мослашиш имконини беради.

## **Хулоса**

Ўзбекистон ташқи сиёсати Конституция, Ташқи сиёсий фаолият концепцияси, “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги ҳамда “Мудофаа тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади. Улар ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, фундаментал принциплари, халқаро майдондаги мақсад ва вазифалари, Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини кўзда тутди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши унинг ҳаётий муҳим манфаатлари акс этган Марказий Осиё минтақаси ҳисобланади. Ўзбекистон қўшни давлатларга нисбатдан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади. Ўзбекистон ўзининг сиёсий, иқтисодий, демографик, маданий ва цивилизацион салоҳиятидан келиб чиқиб Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “Марказий Осиёнинг бугуни ва келажаги, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан умумий саъй-ҳаракатларимизга, яқиндан ҳамкорлик қилиш, қатъий чоралар кўриш ва минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрлигимизга боғлиқ”.

### Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлиги қандай концептуал ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади?

2. “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши нима билан боғлиқ эди?

3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий йўлини тавсифлаб беринг. Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосини қандай тамойиллар ташкил этади?

4. Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш масаласида Ўзбекистоннинг позициясини очиб беринг.

5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, жаҳон ҳамжамиятида юксак баҳоланган ва қўллаб-қувватланган йирик ташаббусларни санаб беринг.

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқлар (75-78-сессиялар). // <https://president.uz>

2. Абдуллаев Э., Ҳақимов Ф. Ўзбекистон ташаббуслари контекстида минтақавий хавфсизлик // Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик. – 2020. – №1. – Б. 19-33.

3. Алимов Ш. Ҳ., Юлдошев А.Р. Минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий устуворликлари. – Тошкент: Tafakkur, 2021. – 234 б.

4. Ахмедов И.Х. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг институционал асослари. – Тошкент: Меҳнат, 2023. – 248 б.

5. Ахмедов Р. Центральная Азия в условиях изменяющейся мировой политики. – Душанбе: Ирфон, 2020. – 210 с.

6. Ганиев Ф.Ў. Хавфсизлик ва интеграция жараёнлари: Марказий Осиё мисолида. – Тошкент: Iqtisodiyot, 2019. – 174 б.

7. Ибрагимов А. Региональная безопасность и интересы Узбекистана // Центральная Азия и Кавказ. – 2021. – №4. – С. 44-58.

8. Мусаев Н.М. Геополитика Центральной Азии. – Ташкент: Fan, 2018. – 320 с.

9. Назаров Б. Геосиёсий таҳдидлар шароитида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати. // Халқаро муносабатлар журнаli. – 2023. – №2. – Б. 12-28.

10. Рахимов М. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик: Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ёндашуви. – Тошкент: Fan, 2022. – 216 б.

11. Султонов А.Р. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва минтақавий хавфсизлик. – Тошкент: Иқтисодий ва таълим, 2019. – 268 б.

12. Тожибоев Ш. Марказий Осиёда ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш: Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти. – Тошкент: TSIU, 2020. – 208 б.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. Ўзбекистон ташқи сиёсати: янгиланган стратегик ёндашув. – Тошкент: ТИВ нашриёти, 2023. – 160 б.

14. Шарипов Д. Минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни мустақамлашда Ўзбекистоннинг роли // Ўзбекистон халқаро муносабатлари журнали. – 2021. – №3. – Б. 42-56.

15. Ҳамидов Б.Ў. Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари ва Ўзбекистоннинг ёндашуви. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2022. – 196 б.

16. Юнусова Н. C5+1 форматида Ўзбекистоннинг иштироки ва минтақавий истиқболлар // Сиёсат ва таҳлил. – 2023. – №2. – Б. 15-30.

17. Cornell, S. E., & Starr, F. S. The Caucasus and Central Asia: Reorienting U.S. Strategy. – Washington: SAIS Johns Hopkins, 2016. – 75 p.

18. Lewis, D. Reassessing Uzbekistan's Foreign Policy: Regionalism and Realpolitik. – London: Chatham House, 2015. – 36 p.

19. Peyrouse, S. Security Challenges in Central Asia. – Brussels: EUCAM Policy Brief, 2012. – 18 p.

20. Stronski, P. Uzbekistan's Foreign Policy: Change and Continuity under Mirziyoyev. – Washington: Carnegie Endowment, 2018. – 24 p.

## **5. ИНТЕГРАЦИЯ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

### **Кириш**

**5.1. Марказий Осиё интеграцияси асосий интеграторлар**

**5.2. Интеграллашиш динамикаси интеграция йўлида  
ҳамкорлик**

**5.3. Ташқи акторларнинг Марказий Осиёдаги интеграция  
жараёнларига таъсири**

**5.4. Марказий Осиё интеграцияси истиқболлари  
Хулоса**

### **Кириш**

Марказий Осиё минтақаси – ўзига хос геосиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тарихий ва маданий жиҳатдан бой ҳудуддир. Бу ҳудуддаги беш мамлакат – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон – мустақилликдан сўнг янги давлатлар сифатида тараққий этиб, минтақавий ҳамкорлик ва интеграция йўлида катта синовларга дуч келмоқдалар. Марказий Осиё интеграцияси ҳозирги кунда минтақанинг иқтисодий ривожланиши, сиёсий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Интеграция жараёнлари минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ресурсларни самарали тақсимлаш, транспорт ва коммуникация йўллари ривожлантириш ҳамда ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги интеграциянинг асосий интеграторлари сифатида миллий ҳукуматлар, минтақавий ташкилотлар ва ташқи акторлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, интеграция динамикаси миллий ва минтақавий сиёсатлар, иқтисодий манфаатлар ҳамда ташқи қўлларнинг таъсири остида шаклланимоқда.

Бундан ташқари, ташқи акторлар – Хитой, Россия, Европа Иттифоқи ва АҚШ каби давлатлар ва халқаро ташкилотлар Марказий Осиё интеграция жараёнларига катта таъсир кўрсатмоқда. Улар минтақада ўз манфаатларини таъминлаш мақсадида инвестициялар, транзит йўллари ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштиримоқда.

Марказий Осиё интеграцияси истиқболлари минтақанинг умумий тараққиёти ва барқарорлигига йўналтирилган янги сиёсий, иқтисодий ва маданий платформаларни яратиш имкониятларини очмоқда. Бу жараёнларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ички сиёсий ирода, ташқи акторлар билан муваффақиятли ҳамкорлик ва минтақавий интеграцияни қўллаб-қувватловчи институционал тузилмаларнинг ривожланишига боғлиқдир.

### **5.1. Марказий Осиё интеграцияси асосий интеграторлар**

Марказий Осиё минтақаси давлатлари мустақилликка эришганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, минтақа давлатлари ҳамон интеграциялашув йўллари қидирмоқда. Ўтган йиллар давомида минтақавий интеграцияни кучайтиришга бир неча бор уринишлар бўлса-да, мазкур ҳолат айрим объектив ва субъектив омиллар сабабли тўлақонли амалга ошишда муаммоларга учрамоқда.

Марказий Осиё давлатларининг кўп қиррали интеграциясига йўл очадиган мустақкам минтақавий ҳамкорлик сиёсий барқарорликка эришиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва демократик суверенитет ғояларини мустақкамлашнинг ягона самарали йўлидир. Кўпгина экспертларнинг фикрига кўра, агар бу йўналишда ҳаракат қилинмаса, бир неча ўн йиллардан сўнг минтақа кўплаб ички ва ташқи муаммоларга дуч келади. Шу жиҳатдан, “интеграция” умумий афзалликларга эришиш ва мавжуд тўсиқларни енгиб ўтишнинг зарурий шартидир. Шунинг учун қуйидаги саволлар юзага келади: Минтақавий интеграция Марказий Осиё давлатлари учун нега бунчалик муҳим? Унинг истиқболли муқобили борми? Марказий Осиёда минтақавий интеграциянинг келажагини белгиловчи омиллар қайсилар?

Қайд этиш жоизки, минтақавий интеграциянинг ажралмаслигини таъкидлайдиган ва Марказий Осиёнинг барча аъзолари учун яқин муносабатлар учун умумий замин яратадиган асосий омиллар мавжуд. Бу омилларни тарихий, маданий, иқтисодий, хавфсизлик билан боғлиқ ва ҳоказоларга бўлиш мумкин.

*Биринчидан*, Марказий Осиё халқларини умумий мерос: уларнинг тарихи ва дини, анъаналари ва урф-одатлари, қадриятлари ва турмуш тарзининг ягоналиги боғлаб туради. Қисқача айтганда, улар цивилизациясининг қирралари бир хил. Цивилизация муштараклиги бутун минтақада икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг барқарор ва изчил ривожланиши учун зарурий шартдир. Бу минтақавий ташаббусларни бирлаштирувчи ва минтақавий сиёсий жараёнлардаги беқарорликни юмшатовчи муҳим мотив – кучдир.

*Иккинчидан*, минтақавий интеграция йўлидаги муаммолар ҳам ечимнинг бир қисми бўлиши мумкин бўлган потенциал интеграторлардир. Чегара масалалари, сув хўжалигидаги дўстона сиёсат, минтақавий транспорт ва коммуникация тармоқларидан биргаликда фойдаланиш, атроф-муҳитни биргаликда муҳофаза қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ерда ҳам оптимизм учун асос бор. Бир томондан, юқорида айтилганлар минтақавий интеграция йўлидаги реал тўсиқлар бўлиб, миллий сиёсатлар ўртасидаги тафовутни кенгайтиради. Бошқа томондан, улар Марказий Осиё давлатлари учун миллий стратегиялар ва устувор йўналишларни шакллантириш ва амалга оширишда ҳамкорликни ривожлантирувчи интеграторлар ҳамдир. Минтақа мамлакатлари фақат минтақавий ҳамкорлик орқали амалга

оширилиши мумкин бўлган ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича сиёсатни самарали тартибга солиш ва шакллантиришдан объектив равишда манфаатдор. Бошқача айтганда, бу интеграторлар келажакда минтақавий даражада ўсиб бораётган жўшқин муносабатлар учун умумий замин яратади.

*Учинчидан*, хавфсизлик масалалари. Умуман олганда, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўз хавфсизлигига бир хил таҳдидларга дуч келмоқда. Диний экстремизм, трансмиллий терроризм, наркобизнес ва ҳоказоларнинг кўшилиб кетиши уларнинг барчасига хосдир. Булар ноанъанавий ёки ноодатий таҳдидлардир. Ушбу таҳдидларнинг трансчегаравий хусусияти минтақа мамлакатларини ушбу таҳдидларга қарши курашиш учун ҳамкорликда саъй-ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Экспертларнинг фикрича, минтақавий барқарорлик нуқтаи назаридан ўзаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятини баҳолашга келганда, интеграцион тенденциялар ва механизмлар минтақавий хавфсизлик тизимини барча жиҳатларда – сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа соҳаларда барпо этишнинг калитидир. Марказий Осиё ягона “минтақавий хавфсизлик комплекси” бўлиб, минтақа мамлакатларининг миллий хавфсизлиги ва ички барқарорлиги бир-бирига боғлиқ ва ўзаро алоқадордир. Хавфсизлик сиёсатидаги бўлинишлар кўшниларнинг барқарорлигига путур етказди. Шунинг учун комплекс хавфсизлик ғояси минтақанинг ҳар бир давлатида сиёсатчилар учун кун тартибидаги устувор йўналиш бўлиши керак.

*Тўртинчидан*, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва қайта жонлантириш, унинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашда Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги муҳим интегратор бўлиши мумкин. Бу кўплаб минтақавий лойиҳаларни – ривожланишдан тортиб, мураккаб ва илғор транспорт-коммуникация тармоғигача, ноқонуний савдо, глобал терроризм ва сув ресурсларини дўстона бошқаришга қарши кураш бўйича кампанияларни биргаликда амалга оширишни назарда тутди. Афғонистон Марказий Осиёнинг бир қисми ва шунинг учун мураккаб минтақавий хавфсизлик тушунчасида иштирок этувчи манфаатдор томон ҳисобланади. Бинобарин, Афғонистоннинг минтақавий жараёнларда бевосита иштирокини таъминлаш Марказий Осиёдаги минтақавий интеграция ва ҳамкорликнинг ижобий натижаси учун жуда муҳимдир.

*Бешинчидан*, Марказий Осиё табиий ресурсларга бой. Бу шуни англатадики, минтақа мамлакатлари ўзларининг иқтисодий фаровонлиги учун ташқи хом ашё импортига тўлиқ таяниши шарт эмас. Марказий Осиёда технологик ва кадрлар салоҳияти, шунингдек, ижтимоий инфратузилма (соғлиқни сақлаш ва таълим тизимлари) яхши ривожланган. Таълим нуқтаи назаридан Марказий Осиё дунёдаги энг яхши минтақаларидан биридир. Минтақада кўплаб юқори малакали ва арзон ишчи кучлари мавжуд бўлиб, улар вақти келиб минтақанинг кўриниши ва таъсирини ошириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

*Олтинчидан*, Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари ҳали халқаро майдонда кучли манфаатдор томонларга айлангани йўқ. Бу аниқ ҳақиқат. Шунинг таъкидлаш керакки, интеграция минтақа мамлакатларига “чет элликлар билан яхшироқ музокара позициясини” таъминлайди. Марказий Осиё мамлакатлари интеграция йўлида ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларни амалга оширмас экан, улар ҳам алоҳида, ҳам минтақавий аҳамияти жиҳатидан заиф ўйинчи бўлиб қолаверади. Худуд билан бирга, самарали интеграция ҳаракати Марказий Осиёдаги геосиёсий ва геостратегик муаммоларга энг кучли жавобдир.

*Еттинчидан*, минтақавий интеграция хорижий инвестициялар учун қулайлик яратади. Иқтисодчилар ва сармоядорлар яқдиллик билан таъкидлайдиларки, “Марказий Осиё давлатларининг алоҳида олинган иқтисодиёти хорижий сармоядорларни жалб қилиш учун жуда кичик ва чекланган. Фақат каттароқ иқтисодий маконни яратиш учун бирлашганда, улар инвесторлар биродарлигида доимий жозибадорликни яратиши ва жуда зарур бўлган инвестицияларни жалб қилиши мумкин”. Таъкидлаш ўринлики, минтақа тарихан ягона бозор бўлган. Совет даврида ва ҳатто Урта Осиё хонликлари даврида минтақавийлик иқтисодий муносабатларнинг асосий ўзгарувчиси бўлган.

## **5.2. Интеграллашиш динамикаси интеграция йўлида ҳамкорлик**

Совет Иттифоқининг парчаланиши Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларига мустақил ташқи сиёсат юритиш, халқаро ва минтақавий ташкилотларда жаҳон ҳамжамиятида тўла ва суверен иштирокчилар сифатида иштирок этиш учун янги имкониятлар очди. 90-йилларнинг бошларидаёқ Марказий Осиёда ягона иқтисодий ва сиёсий иттифоқ тузишга уринишлар бўлган. Чунки Совет Иттифоқидан Марказий Осиё давлатлари барча давлатлар бир-бирига боғлиқ бўлган ягона инфратузилма ва тизимни олган эди (ягона энергия тизими, ягона сув тизими – ГЭС ва каналлар, ягона йўл тизими, хўжалик корхоналари). Янги давлатлар бошқа давлатлардан мустақил, ўз иқтисодий сиёсатини қуришга ҳали тайёр эмаслигини ҳисобга олсак, бу тизимни сақлаб қолиш фойдали эди. Шу жиҳатдан илк вақтлардан бошлаб қатор учрашувлар ўтказилди-ки, улар мавжуд ўзаро боғлиқликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга хизмат қилиши керак эди.

*Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ашхобод учрашуви.* 1991 йил 13 декабрда Ашхободда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди, унда СССР парчаланиши билан боғлиқ вазият ва минтақадаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

*Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви.* Марказий Осиё давлатларининг минтақавий интеграцияси йўлидаги навбатдаги қадам 1993 йил 4 январда Тошкентда бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда Президентлар Н.А. Назарбоев,

А.А. Акаев, С.А. Ниёзов, И.А. Каримов ва Тожикистон Олий Кенгаши раиси Э.Ш. Раҳмонов иштирок этди. Ушбу учрашувда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни атрофлича муҳокама қилдилар. Ўзаро тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар, бир-бирларининг суверенитетига ҳурмат билан қарашларини тасдиқладилар.

Натижада давлат раҳбарлари ҳукуматларга нарх сиёсати, коммуникацияларни ривожлантириш, энергия таъминоти, Орол ва Каспий денгизи муаммолари билан боғлиқ масалаларни минтақа давлатлари манфаатларидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

*Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти.* Марказий Осиё давлатларини иқтисодий ва сиёсий иттифоққа бирлаштириш ғояси мавжуд эди. 1994 йил 10 январда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида ушбу давлатлар ўртасида Ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу бутун постсовет минтақаси учун мисли кўрилмаган воқеа бўлди, шунингдек, минтақадаги бошқа давлатларнинг ушбу ташкилотга қўшилиши ва халқаро муносабатларда янги минтақавий акторнинг шаклланиши учун кучли пойдевор бўлди. Ушбу шартноманинг 1-моддасига кўра, Ягона иқтисодий макон “товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучининг эркин ҳаракатини назарда тутати ва мувофиқлаштирилган кредит, ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини таъминлайди”, деб белгиланган.

1994 йил 30 апрелда Иссиқкўл соҳилида Чўлпон-Ота шаҳрида ягона иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисида уч томонлама (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон) келишуви имзоланди. Кейинчалик Марказий Осиё давлатларининг бу бирлашмаси Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (МОИҲ) деб номланди. Тожикистон Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига 1998 йилда, фуқаролар уруши тугагач қўшилди.

*Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти.* Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграциялашуви йўлидаги навбатдаги босқич МОИҲнинг Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотига (МОҲТ) айлантирилиши бўлиб, у минтақадаги муносабатларни янада чуқурлаштирди ва ўзаро муносабатлардаги барча турдаги тўсиқларни бартараф этишга интилди.

2001 йил декабрь ойида Тошкентда Марказий Осиё давлатлари президентларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримовнинг Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотига (МОҲТ) айлантириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди. МОҲТ ташкил этиш тўғрисидаги битим 2002 йил 28 февралда Олмаота шаҳрида

имзоланган. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон келишув тарафлари бўлди. Янги ташкилот янада кенгайтирилган мақсад ва вазифаларга эга эди. Иштирокчи давлатлар МОҲТ доирасида илгари қабул қилинган келишувлар ва қарорларнинг узлуксизлигини таъминлашга келишиб олдилар.

Аммо янги ташкил этилган ташкилот кейинги босқичга чиқа олмади, ривожланиш секинлашди. 2001 йил 11 сентябрда халқаро муносабатларда янги давр – Афғонистондаги операция бошланди ва Марказий Осиё давлатлари ҳам Ғарб, ҳам Россия учун муҳим шерикларга айланди.

2004 йил 16 октябрда тарихий воқеа содир бўлди – Россия расман МОҲТга қўшилди, бу МОҲТ тушунчаси ва маъносини бузди. Бир йил ўтгач, 2005 йил 6-7 октябрда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган МОҲТда иштирок этувчи давлат раҳбарларининг саммити чоғида Россия Президенти Владимир Путин МОҲТни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) билан бирлаштириш ташаббусини илгари сурди.

Ушбу саммит иштирокчилари В. Путиннинг таклифини бир овоздан маъқулладилар. 2006 йил 25 январда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган ЕОИХ давлат раҳбарларининг навбатдаги йиғилишида МОҲТни тугатиш бўйича барча зарур расмиятчиликлар келишиб олинди. Мутахассисларга кўра, МОҲТ тугатилгандан сўнг, Марказий Осиёда интеграция жараёнлари ҳам моҳиятан тугади. Кейинги ўн йил ичида минтақа давлатлари Россия ва Хитой ҳомийлигидаги турли минтақавий ташкилотлар ва иттифоқларга қўшила бошлади.

*Марказий Осиёда интеграция жараёнларининг янги босқичи.* Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда ҳокимият тепасига келганидан сўнг, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи бошланди. Ўзбекистоннинг янги ҳукумати қўшнилар билан муносабатларни яқинлаштириш ва яхшилаш, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш йўлини белгилаб берди. Мутахассисларга кўра, Ўзбекистондаги ҳокимият ва сиёсий муҳитнинг ўзгаргани минтақа давлатлари ўртасидаги мулоқотнинг қайта тикланиши учун энг муҳим омил бўлди ва минтақа давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари учун сабаб бўлди.

*Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви.* 2018 йилнинг 15 март куни Остона шаҳрида йигирма йиллик танаффусдан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда муҳим бўлган жиҳат унинг формати бўлди – Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари биринчи марта учинчи томонлар иштирокисиз йиғилди. Учрашувда Президентлар Шавкат Мирзиёев, Нурсултон Назарбоев, Сооронбай Жеенбеков, Эмомали Раҳмон ва Туркменистон парламенти раиси Акжа Нурбердиева иштирок этди. Қозоғистоннинг Биринчи Президенти бундай учрашувни ўтказишда Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ўрни борлигини, учрашув

вақтини алоҳида таъкидлади: “Учрашувимиз халқларимиз учун умумий бўлган Наврўз байрами арафасида ўтказилаётгани чуқур рамзий маънога эга”. Н.Назарбоев шунингдек, бундан буён “Марказий Осиё муаммоларини учинчи томонларсиз ўзимиз ҳал қиламиз”, деб таъкидлади.

### **5.3. Ташқи акторларнинг Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига таъсири**

*Америка Қўшма Штатлари.* Марказий Осиё интеграцияси ҳақида гап кетар экан бунда ташқи акторларнинг ҳам ўрнини қайд этиб ўтиш жоиз. Хусусан, АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2019-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида Марказий Осиё давлатларини алоҳида-алоҳида, ҳам бутун минтақа сифатида суверенитет ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда Марказий Осиё минтақасида интеграцион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида иқтисодий соҳаларда амалий ёрдамлар кўрсатиш ўз аксини топган.

АҚШнинг собиқ президенти Джо Байден “Минтақа давлатларининг иқтисодий интеграциялашувини янада тезлаштириш мақсадида АҚШ “Транскаспий иқтисодий коридори” яратилишини ўзининг стратегик мақсадларидан бири деб билишини қайд этган.

Мамлакатнинг собиқ бош котиби Энтони Блинкен эса “Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлиги, ривожланиб бораётган иқтисодий фаровонлиги ва жамиятларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида минтақавий интеграцияни чуқурлаштиришни Вашингтон доимо қўллаб-қувватлайди”, дея таъкидлаб ўтган.

*Европа Иттифоқи.* Таъкидлаш жоизки, қўллаб мутахассисларга кўра, бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси интилаётган интеграция бу Европа Иттифоқи моделидаги интеграциядир. Шу нуқтаи назардан Европа Иттифоқининг минтақадаги интеграцион жараёнларга муносабати ва таъсири муҳимдир.

Еврокомиссиянинг ташқи ишлар бўйича спикери Петер Станога кўра, минтақавий интеграция Марказий Осиё тўқнашаётган барча муаммоларнинг ечимидир. Интеграция – бу миллатлар ва давлатлар ўртасидаги сунъий чегараларни олиб ташлайди. Минтақавий конфликтларни олдини олишда ва биргаликда барқарор ривожланишда интеграция муҳим омилдир. Шу жиҳатдан Европа Иттифоқи Марказий Осиёни интеграциялашувини қўллаб-қувватлайди ва ҳурмат қилади.

Шарль Мишель эса Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланиши натижасида минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий интеграцияни яхшилашда Европа Иттифоқи ўз тажрибаси ва ёрдамларини бўлишишга тайёр эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Жозеп Боррель “Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва хавфсизлиги – умумий манфаатимиздир”, деб қайд этиб ўтган.

*Россия Федерацияси.* Мутахассислар, гарчи РФ расмийларининг қатор баёнотларида минтақавий интеграцияни қўллаб-қувватлаш таъкидланса-да, Россия Федерациясининг Марказий Осиё минтақасидаги интеграцион жараёнларнинг ривожланишидан манфаатдорлиги бўйича иккиланишади.

Хусусан, РФ Президенти В. Путинга кўра, “Марказий Осиё ва РФ интеграциясига нисбатан сўнгги йилларда кўплаб “учинчи томон” давлатларидан билвосита қаршиликлар бўлмоқда. Минтақа давлатларини интеграция жонланиши учун РФ таклиф этаётган ташаббус ва таклифларга қўшилишларини чақириб қоламан. Ягона хавфсизлик тизимининг РФ ҳамкорлигида яратилиши минтақавий интеграцияни янада ривожлантиради”, деб қайд этиб ўтган.

РФ президенти матбуот котиби Дмитрий Песков эса Россия ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодиёти шу қадар бир-бирига боғланганки, минтақавий интеграция РФ иштирокисиз амалга ошмайдиган вазиятга айлангани, шунингдек, РФ минтақада органик жиҳатдан ўз ўрнига эга ва Марказий Осиё ҳам Россия иқтисодиётида шундай мавқега эгаллигини таъкидлайди.

Шу ўринда, Россия Федерациясининг ташқи сиёсий фаолият концепциясида қуйидагиларга урғу қаратилган:

- Марказий Осиёда РФнинг хавфсизлик тизимларининг муқобил вариантларини яратишга ва учинчи давлатларнинг ҳарбий иштирокига йўл қўймаслик;

- минтақа мамлакатлари иқтисодиётида РФ капиталлари ҳажмини ошириб бориш;

- РФ фуқаролари ва ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, рус тили ва маданияти ўрнини мустаҳкамлаш;

- минтақанинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро тузилмаларнинг мақомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳаракатларини бирлаштириш.

Шунингдек, РФнинг минтақавий интеграцион жараёндаги иштироки қатор минтақавий ташкилотларда ҳам намоён бўлади. Бир қатор россиялик экспертлар фикрича, Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлик тизими шу қадар Россия билан боғланганки, минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашувида РФ иштирокисиз ўз мақсадларига етиша олмайди. Марказий Осиё давлатлари хавфсизликни таъминлашда КХШТга тўлақонли аъзо бўлишмас экан, минтақавий интеграцияга эришиш имконсиз жараёндир.

Бошқа бир экспертлар гуруҳига кўра эса, Евроосиё иқтисодий иттифоқи бу шундай ташкилотки, Марказий Осиё давлатлари узоқ йиллардан буён амалга ошира олмаётган минтақавий интеграцияни тақдим этади. Интеграция ҳақида сўз борар экан, ЕОИИда буни амалга оширишга қулай шароитлар мавжуд.

*Хитой Халқ Республикаси.* ХХРнинг Марказий Осиё стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд қилиб ўтиш мумкин:

- савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш;
- минтақавий алоқаларни кенгайтириш;
- энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш;
- яшил инновацияларни рағбатлантириш;
- цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш;
- минтақада тинчликни сақлаш.

ХХР раиси Си Цзиньпинга “Дунёга барқарор, гуллаб-яшнаган, баркамол ва яхши боғланган Марказий Осиё керак. Марказий Осиёда интеграцион жараёнларни тезлаштириш учун Хитойнинг бутун дунёга таклиф этаётган “инсониятнинг умумий тақдири ҳамжамияти” ғояси асосида ҳаракат қилишимиз учун минтақа давлатларини ҳамкорликка чақириб қоламан”, деб таъкидлайди.

ХХР ТИВ раҳбари Ван И эса “Марказий Осиё ва Хитой қадимий тарихий алоқаларга эга қўшнилар ҳисобланади. Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий интеграция Пекиннинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ёрдамида ривожланишига биз ишонамиз, негаки иқтисодий манфаатларимиз бир экан, ХХР минтақадаги интеграцияда иштирок этишга тайёрдир”, деб қайд этади.

Қатор экспертларга кўра, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва минтақавий ҳамкорликнинг мавжудлиги, ШХТнинг ривожланишига ёрдам беради. Минтақа ташкилотнинг “ядро маркази” ҳисобланади. Шундай экан, Марказий Осиё давлатлари интеграциясида асосий институционал асосни бажарувчи ташкилот сифатида ШХТни белгилаш мумкин.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2024 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “*Марказий Осиёда тинчлик, ўзаро ишонч ва минтақавий ҳамкорлик*” резолюцияси қабул қилинди. Резолюцияга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш, минтақавий интеграцияда ҳамкорлик қилиш масалалари қайд этилган.

*БМТ бош котиби А.Гутерришга* кўра, Марказий Осиёдаги интеграция ва минтақавий ҳамкорликнинг ривожланиши кўплаб имкониятларни тақдим этади. Хусусан, халқаро терроризмга қарши курашишда, чегаралар хавфсизлигини таъминлашда, трансчегаравий сув муаммолари ва глобал таҳдидларни бартараф қилишда интеграция асосий ечимдир.

#### **5.4. Марказий Осиё интеграцияси истиқболлари**

Марказий Осиё – геосиёсий, геоиқтисодий ва геомаданий жиҳатдан муҳим минтақа ҳисобланади. Ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон – умумий тарих, тил ва маданиятга эга. Шу сабабли, минтақавий ҳамкорлик ва интеграция масалалари бугунги кунда нафақат амалий аҳамиятга, балки стратегик аҳамиятга ҳам эга.

Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгандан сўнг, ҳар бир давлат ўзининг миллий тараққиёт йўлини танлади. Аммо 1990-йилларнинг охири ва 2000-йилларда минтақавий ҳамкорлик масалалари кун тартибига кўтарилди. Турли ташаббуслар – масалан, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар орқали интеграция имкониятлари ўрганилди.

Тарихий жиҳатдан қаралганда, бу давлатларни умумий савдо йўллари, маданий алоқалар ва тил бирлиги боғлаб турган. Шунингдек, СССР таркибида бўлган даврда умумий инфратузилмалар, транспорт тизимлари ва иқтисодий боғлиқлик шаклланган эди.

Сўнги йилларда, айниқса 2016 йилдан сўнг, Ўзбекистондаги ташқи сиёсий очиклик сиёсати натижасида минтақавий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан қўшнилар билан чегара муаммолари ҳал этилди, савдо-иқтисодий муносабатлар фаоллашди.

2022 йилда Туркманистон пойтахти Ашхободда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммитида минтақавий интеграцияни чуқурлаштиришга оид муҳим қарорлар қабул қилинди. Саммитда транспорт, сув ресурсларидан фойдаланиш, энергетика ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлик устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

### ***Интеграция истиқболлари ва имкониятлари***

Марказий Осиё мамлакатлари катта табиий ресурс салоҳиятига эга. Минтақада нефть, табиий газ, уран, қимматбаҳо ва ноёб металллар каби углеводород хом ашёлари мавжуд бўлиб, бу ресурслар иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли саналади. Агар ушбу мамлакатлар иқтисодий соҳада ҳамкорликни йўлга қўйса, ташқи бозорлардаги рақобатбардошликларини сезиларли даражада оширишлари мумкин. Бундан ташқари, минтақавий электр энергияси бозорини шакллантириш, трансмиллий логистика ва инфратузилма тизимларини ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш сингари йўналишлар ҳам интеграция жараёнида муҳим ўрин тутди. Бу каби ташаббуслар нафақат иқтисодий ўсишни, балки инновацион ривожланишни ҳам рағбатлантиради.

Марказий Осиё геостратегик жиҳатдан жуда муҳим ҳудуд саналади – у халқаро савдо йўллари чорраҳасида жойлашган. Хитойнинг “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси доирасида Хитой – Марказий Осиё – Европа темир йўл йўналиши минтақавий интеграциянинг асосий устунларидан бирига айланиши мумкин. Шунингдек, Каспий денгизи орқали Туркия ва Европа бозорларига чиқиш имкониятлари кенгаймоқда, бу эса минтақанинг транспорт ва логистика салоҳиятини янада мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, минтақадаги йирик трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарё сув ресурслари бўйича ҳамкорликни талаб этади. Сувдан оқилна ва адолатли фойдаланиш минтақавий барқарорликнинг

муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, Орол денгизининг қуриши бутун минтақа экотизими учун катта экологик таҳдиддир. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида қўшма экологик лойиҳаларни амалга ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш орқали барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, айрим экспертларнинг таъкидлашича, минтақавий интеграция жараёнида қатор тўсиқлар мавжуд. Хусусан, айрим мамлакатлар ўртасидаги тарихий низолар, чегаравий баҳслар ва сиёсий ишончсизлик ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, минтақадаги мамлакатлар ташқи бозорларда бир-бири билан рақобатлашмоқда, бу эса ўзаро иқтисодий ҳамкорлик имкониятларини чеклаши мумкин. Ушбу ўринда ташқи таъсирларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, Россия, Хитой, АҚШ каби йирик геосиёсий ўйинчиларнинг минтақадаги таъсири ички интеграция жараёнларига тўғридан-тўғри таъсир қилмоқда. Ўз навбатида, минтақада транспорт, энергетика ва рақамли алоқа тизимлари етарли даражада бирлашмаганлиги ҳам иқтисодий интеграцияни секинлаштиради.

### **Хулоса**

Марказий Осиёда интеграцияни чуқурлаштириш – бу нафақат иқтисодий фойда, балки узоқ муддатли сиёсий барқарорлик ва минтақанинг умумий фаровонлигига хизмат қилувчи асосий восита ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда, ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик орқали қўшма мақсадларга эришиш мумкин.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш жоизки, минтақадаги интеграцияни қуйидаги шаклларда амалга ошириш лозим. Хусусан, соҳалар кесимидаги интеграция, яъни ягона ахборот макони яратиш, таълим соҳасида мулоқотни кучайтириш, туризмда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бошқалар орқали. Босқичма-босқич ёндашув, яъни дастлаб икки ёки уч томонлама битимлар асосида соҳавий ҳамкорликни ривожлантириш орқали умумий манфаатларга эришиш. Албатта, мазкур ўринда халқаро ҳамжамият кўмагини алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро ёш минтақа учун интеграцияни тўлиқ ва муваффақиятли амалга оширишда халқаро ташкилотлар ва йирик донорлар томонидан кўмак зарур.

Умуман олганда, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграция бугунги кунда нафақат эҳтиёж, балки стратегик заруратга айланган. Агар мамлакатлар мавжуд тўсиқларни енгиб ўтса ва ўзаро ишонч асосида ҳамкорликни йўлга қўйса, минтақа келажақда дунё миқёсида таъсирли ва мустақил сиёсий-иқтисодий маконга айланиши мумкин.

### Назорат саволлари:

1. Марказий Осиёда минтақавий интеграцияга таъсир этувчи омилларни сананг.
2. Марказий Осиё давлатларининг интеграция йўлидаги ҳамкорлигини қандай баҳолайсиз?
3. Ташқи акторларнинг Марказий Осиё минтақавий интеграциясига таъсирини қандай баҳолайсиз?
4. Марказий Осиё минтақавий интеграцияси истиқболи бўйича ўз фикрингизни билдириг.

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. Т.: “Шарқ”, 2005.—464 с.
2. Бобокулов И. Региональная безопасность Центральной Азии: вопросы теории и практики // Монография. – Ташкент, 2018. – 121 с.
3. Бобокулов И. Центральная Азия и постсоветское пространство. Учебное пособие. – Ташкент, Высшая школа, 2020. – 149 с.
4. Bobokulov I. Central Asia: is there an Alternative to Regional Integration? // Central Asian Survey. – London, 2006. – Vol. 25 No. 1–2, March–June. – Pp. 75–93.
5. “Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига хавф ва таҳдидлар”. Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Бобокулов И.И. ва бошқ. – Т.: СТИБОМ, 2016. – 170 б.
6. Европейский Союз и Центральная Азия // Монография. – Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010. – 220 с. (в соавторстве).
7. Сафоев С., Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.
8. Таджиев Ш.Ш. Центральная Азия в условиях трансформации мирового порядка: методологические и концептуальные подходы. Монография. – Т.: Complex Print, 2023. – 468 с.
9. Толипов. Ф.Ф. Большая стратегия Узбекистана в контексте геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. Ташкент: Фан. 2005. 154 с.
10. Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М.: 2004. – 189 с.

## **6. ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ГЕОСИЁСАТИ**

### **Кириш**

- 6.1. Марказий Осие минтақасининг геосиёсий аҳамияти**
  - 6.2. АҚШнинг Марказий Осиедаги мақсади ва стратегиялари**
  - 6.3. РФнинг Марказий Осиедаги манфаатлари**
  - 6.4. ХХРнинг Марказий Осиедаги манфаатлари**
  - 6.5. Европа Иттифоқининг Марказий Осиедаги стратегиялари  
ва лойиҳалари**
- Хулоса**

### **Кириш**

Бугунги кунда геосиёсат фан сифатида жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнлар моҳиятини ёритиб беради. Шу боис, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади, зеро жаҳондаги етакчи давлатлар ўз стратегияларини, жумладан Марказий Осие минтақасига нисбатан ишлаб чиқишларида, биринчи навбатда, геосиёсатнинг илмий назарияларига таянадилар. Сўнги ўн йилликларда минтақа давлатлари хавфсизликларига янги таҳдидларнинг юзага келиши, терроризм, наркобизнес ва диний экстремизмнинг авж олиши жаҳондаги етакчи давлатлар ва марказлар, ҳамда олим ва сиёсатшунослар томонидан қизиқишларининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осие тарихан йирик империялар тўқнашган ҳудуд сифатида танилган. Географик жиҳатдан Евроосие қитъасининг марказида жойлашган бу минтақа охириги йилларда яна глобал кучлар эътибор марказига айланди. Минтақанинг энергетика ресурсларига бойлиги, стратегик транзит салоҳияти, Афғонистон билан чегарада жойлашгани ва ташқи сиёсий таъсирларга очиқлиги боис бу ҳудудда геосиёсий рақобат тобора кучайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиеда геосиёсий рақобатнинг асосий иштирокчилари ҳисобланмиш АҚШ, РФ, ХХР ва Европа Иттифоқининг минтақадаги ҳаракатлари, таъсир воситалари ва стратегик мақсадларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

### **6.1. Марказий Осие минтақасининг геосиёсий аҳамияти**

Марказий Осие минтақаси, геосиёсий дуализм объектларидан бири сифатида, халқаро муносабатлар тизимига бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, Марказий Осие бутун Евроосие қитъасининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, чунки у қитъанинг асосий сиёсий ва этномаданий зоналари – Россия, Хитой, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон билан чегарадош. Бу ҳол минтақа нафақат АҚШ ва Россиянинг, балки ХХР, Эрон ва Туркия каби айрим бошқа

мамлакатларнинг “манфаатлар доираси” деб эълон қилинишига сабаб бўлди. Марказий Осиё барча – геосиёсий, геостратегик ва геоиқтисодий кўрсаткичларга кўра бир қатор афзалликларга эга бўлиб, минтақанинг янги мустақил давлатларида таъсир учун кураш айна шу ҳол билан боғлиқдир. Минтақа атлантистик ва континенталистик давлатлар ўртасида ўзига хос тўсиқ вазифасини бажаради. Марказий Осиё ҳудуди тахминан 4 млн кв. км ва аҳолиси қарийб 80 млн киши бўлган улкан минтақадир. Унинг геосиёсий роли жаҳон етакчи давлатлари перманент геосиёсий қарама-қаршилиги ареаллари – Хартлэнд ва Римлэнд ўртасидаги оралиқ ўрни билан белгиланади. Шу сабабли бугунги кунда халқаро муносабатларнинг бутунлай янги тизимини шакллантириш жараёнида иштирок этаётган барча мамлакатлар ер кўрасидаги кучлар нисбати Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари қайси йўлдан боришига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тан олмасликлари мумкин эмас. Бу йўлни танлаш, ҳеч шубҳасиз, ислом дунёсида юз бераётган мураккаб жараёнларнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги геосиёсий тизимларда Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларининг аҳамияти шу даражада каттаки, бу ерда юз бераётган жараёнлар жаҳоннинг йирик давлатлари, турли геосиёсий тузилмаларнинг манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳар қандай давлат ўз геосиёсатини шакллантиришда бу ҳолни ҳисобга олади ва бундан сиёсий, иқтисодий ва стратегик фойда олишга ҳаракат қилади.

11/09/2001 воқеаларидан кейин дунёдаги тартиб тизими бир лаҳзада тубдан ўзгарди ва жаҳон ҳамжамиятини халқаро муносабатлар парадигмасини қайта кўришга даъват этди. Натижада яқин вақтгача жаҳон сиёсатида иккинчи даражали ролни ўйнаб келган Марказий Осиё дунёда стратегик муҳим роллардан бирини ўйнай бошлади. Қозоғистонлик эксперт А. Имангазиевнинг фикрига кўра, “АҚШда 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудлари Афғонистондаги Толибон режимига қарши аксилтеррор операцияларни олиб боришда муҳим плацдарм сифатида АҚШ, РФ, ХХР, бошқа етакчи акторлар ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ягона иттифоқнинг шаклланишига олиб келди”<sup>1</sup>.

Марказий Осиёнинг иқтисодий тузилиши ва унинг сиёсий хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг географик жойлашуви билан тавсифланади. Бу борада хитойлик эксперт С. Сюй “Марказий Осиё мамлакатларининг яшаб қолиши ва тараққиёти кўп жиҳатдан бир нечта коридор ва боғловчи бўғинларни сақлаб қолишга боғлиқ” деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Имангазиев А. Геополитическая роль Центральной Азии в XXI веке // Обозреватель. № 9, 2007 – С. 61.

<sup>2</sup> Xu Xiaojie. The oil and gas links between Central Asia and China: a geopolitical perspective // OPEC review. 1999. – March. –P. 36.

Умуман олганда, Марказий Осиёнинг геосиёсий рақобат майдонига айланиши ва етакчи давлатларнинг минтақага нисбатан қизиқишининг ортиши қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан изоҳланади:

- *табиий энергоресурсларнинг кўплиги* – нефть, газ, уран ва бошқа минераллар каби табиий ресурсларнинг катта захиралари мавжуд. Хусусан, дунёда Туркменистон газ захиралари бўйича 5 (11,3 трлн м<sup>3</sup>), Қозоғистон – 14 (2,4 трлн м<sup>3</sup>) ва Ўзбекистон – 16 ўринларда (1,8 трлн м<sup>3</sup>), уран захиралари бўйича Қозоғистон – 2 (813 900 тонна) ва уни ишлаб чиқариш бўйича 1, Ўзбекистон – 11 (132 300 тонна) ва 5 ўринларда, олтин захиралари бўйича Ўзбекистон – 16 (390,7 тонна) ва Қозоғистон 20 ўринларда (287,9 тонна) туради;

- *транспорт ва логистика салоҳиятининг юқорилиги* – Марказий Осиё Европа ва Осиёни боғлайдиган транспорт йўналишлари учун стратегик минтақадир. Минтақадаги инфратузилма ва транспорт лойиҳалари унинг етакчи давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунда РФ собиқ Иттифоқ давридаги йўлга қўйилган транспорт маршрутларини сақлаб қолишга, Хитой “Бир камар, бир йўл” лойиҳасини амалга оширишга, Ғарб давлатлари эса “Транскаспий йўлаги” орқали савдони йўлга қўйишга интилмоқда;

- *иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш* – етакчи давлатлар Марказий Осиё билан иқтисодий алоқаларни фаол ривожлантирмоқда, минтақа иқтисодиётининг турли соҳаларига сармоя киритмоқда ва савдо алоқаларини ривожлантирмоқда. Хусусан, 2024 йил якунига кўра, Марказий Осиё давлатларининг Хитой билан савдо айланмаси ҳажми 94,8 млрд доллар, ЕИ билан 63 млрд доллар, Россия Федерацияси билан 44 млрд долларни ташкил этди;

- *хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш* – Марказий Осиё Афғонистон ва минтақанинг бошқа мамлакатларида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим ҳудуддир. Етакчи давлатлар Марказий Осиё давлатлари билан терроризм, экстремизм, сепаратизм, ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси, чегара хавфсизлиги, миграция ва бошқа таҳдидларга қарши кураш доирасида ҳамкорлик қилмоқда;

- *ўзаро маданий алоқалар* – Марказий Осиё актор давлатлар маданиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бой маданий меросга эга. Марказий Осиё санъати, адабиёти ва маданиятининг бошқа жиҳатлари етакчи давлатлар жамиятлари учун қизиқиш ва илҳом манбаи бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Марказий Осиё буюк давлатларнинг сиёсати ва иқтисодиётига таъсири нуқтаи назаридан дунёдаги энг муҳим минтақалардан биридир. Кўплаб таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё жаҳон сиёсий саҳнасида асосий ўйинчилардан бири бўлиб қолмоқда. Минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки,

у буюк давлатлар ўртасидаги рақобат маконига айланиб, уларнинг муносабатларига ва кучлар мувозанатига таъсир қилмоқда. Бу борада америкалик таниқли сиёсатшунос ва олим З. Бжезинский “АҚШнинг асосий манфаати ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлиш эмас, балки бу геосиёсий маконни назорат остига олишдан иборат бўлиши керак” деб таъкидлайди. Ўз навбатида Хитой ва Россия учта асосий стратегик мақсадга – минтақанинг энергия ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш, экстремистик ва сепаратистик ҳаракатларини жиловлаш, минтақада Ғарбнинг (шу жумладан АҚШнинг) кучайиб бораётган иқтисодий, ҳарбий ва стратегик мавжудлиги тийиб туришга интилоқда.

## **6.2. АҚШнинг Марказий Осиёдаги мақсадлари ва стратегиялари**

Марказий Осиё республикалари мустақилликни қўлга киритганидан сўнг дастлабки бир неча йиллар мобайнида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан муносабатларни фаол йўлга қўйгани билан тавсифланади. Ўз навбатида, АҚШнинг Марказий Осиё минтақасидаги манфаатлари Россия, Хитой ва “Ислом ёйи” давлатлари оралиғида стратегик ўрин эгаллаган ҳамда бой табиий ресурсларга, айниқса углеводородларга эга минтақанинг аҳамияти билан белгиланар эди.

Шундан келиб чиқиб, АҚШ мазкур мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш, шунингдек, БМТ, ЕХХТ, НАТО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш борасидаги уринишларини қўллаб-қувватлади. АҚШ стратегик жиҳатдан демократия институтларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди.

1992 йилда АҚШ Конгресси постсовет мамлакатларига иқтисодий, техникавий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун “Россия, Евроосиёнинг ёш демократиялари эркинлигини ва эркин бозорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонун (Freedom for Russia and Emerging Eurasian Democracies and Open Markets Support Act) қабул қилди. Бу ҳужжатда “АҚШнинг собиқ СССР давлатлари билан нормал муносабатларига монелик қилувчи барча қонун-қоидаларини ўзгартириш, АҚШ қонунларига тузатишлар киритиш, улар халқаро вазиятда юз берган ўзгаришларни акс эттиришига эришиш мақсадида” яратилгани айтиб ўтилди.

2001 йилда Афғонистонда ҳарбий операция бошланганидан кейин АҚШ минтақа ишларида янада фаолроқ иштирок эта бошлади. Мадад кўрсатиш дастурлари АҚШ маъмурияти учун Марказий Осиё давлатлари билан стратегик алоқаларни сақлаш воситасига айланди. АҚШ терроризмга қарши кураш бўйича операцияларни ўтказиш учун деярли барча постсовет давлатларидан мадад олди. Уларнинг аксарияти АҚШ ҳарбий самолётларига ўз ҳудуди орқали учиб ўтишига рухсат берди,

шунингдек, Америка қўшинларига ўз ҳудудида ҳарбий базалар ташкил этиш учун имконият яратди.

АҚШ қўшинларининг асосий қисми 2014 йил Афғонистонни тарк этиши Вашингтон ташқи сиёсати Марказий Осиё йўналишидаги манфаатлари бироз четга сурилди. Шунга қарамай, 2014 йилги Украина инқироzi ва юзага келган янги геосиёсий воқелик АҚШнинг минтақага қизиқишини яна бир бор оширди. 2015 йилда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан “C5+1” кўп томонлама ҳамкорлик форматининг тузилиши Америка маъмурияти минтақада узоқ муддатли манфаатларга эга эканлигини кўрсатиб берди. Ўша йили мазкур формат доирасида “Марказий Осиёнинг беш давлати ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация” (Joint Declaration of Partnership and Cooperation by the Five Countries of Central Asia and the United States of America) қабул қилинди<sup>1</sup>. “C5+1” доирасида асосий эътибор минтақавий хавфсизлик, экология ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, маданият ва таълим масалаларига қаратилган бўлиб, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишлари муҳокама қилинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2023 йил сентябрь ойида ушбу форматнинг президентлар иштирокидаги илк саммити Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтиши, унинг аҳамиятини янада оширди ҳамда узоқ вақт ҳал қилинмаган муаммоларни самарали ҳал этиш имконияти пайдо бўлди.

2020 йилнинг февраль ойида “АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2019-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси: суверенитетни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ривожлантириш” (United States Strategy for Central Asia 2019-2025: Advancing Sovereignty and Economic Prosperity) деб номланган янги стратегик ҳужжатнинг эълон қилиниши Вашингтон ташқи сиёсатида ушбу минтақанинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Стратегияга кўра, АҚШнинг минтақадаги асосий мақсадларидан бири республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолиш орқали уларнинг суверенитетини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу ҳужжат қуйидаги 6 та устувор йўналиш орқали АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатини олиб боришга қаратилган:

1. Марказий Осиё давлатларининг ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам бутун минтақа сифатида суверенитет ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.

2. Марказий Осиёда террористик таҳдидларни камайтириш.

3. Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш учун ёрдам кўрсатиш ва уларни кенгайтириш.

---

<sup>1</sup> Joint Declaration of Partnership and Cooperation by the Five Countries of Central Asia and The United States of America, Samarkand, Uzbekistan. U.S. Department of State. 01.11. 2015. // <https://2009-2017.state.gov/r/pa/prs/ps/2015/11/249050.htm>

4. Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

5. Қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлаш.

6. АҚШнинг Марказий Осиёга сармояларини жалб қилиш.

Мазкур стратегия АҚШнинг Марказий Осиёда ўз фаоллигини кучайтириш билан бирга минтақанинг халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида фаолият юритишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунингдек, стратегияда минтақа барча учун очиқ бўлишини ва бирор бир кучнинг устун бўлмаслигини алоҳида таъкидланади. Бунга эришиш маълум даражада минтақа давлатларининг актор давлатлар билан алоқаларида қандай сиёсат олиб боришига боғлиқ. Шунингдек, стратегия минтақада хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш ва демократлаштиришни рағбатлантирадиган кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга мувозанатли ёндашувга қаратилган.

Орадан кўп вақт ўтмай, 2022 йил сентябрь ойида АҚШ маъмурияти Украина инқирози шароитида “Марказий Осиёда иқтисодий барқарорлик ташаббуси” (Economic Resilience Initiative in Central Asia) деб номланган ҳужжатни эълон қилиб, ундан кўзланган асосий мақсад минтақада иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда Россия Федерациясига нисбатан қўлланилаётган санкцияларнинг минтақа таъсирини юмшатиш (иккиламчи санкциялар рўйхатида тушишнинг олдини олиш) ҳисобланади. Ташаббусни амалга оширишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

*савдо йўлларини кенгайтириш* – муқобил савдо йўлларни кўпайтириш ва бу борада минтақа давлатларига тавсиялар бериб бориш, юк ташиш имкониятларини ошириш ва трансчегаравий электрон тўлов тизимларини такомиллаштириш, транскаспий савдо йўли бўйлаб инфраструктурани яхшилаш, Марказий Осиёдаги муҳим порт, темир йўл ва денгиз логистика марказларини такомиллаштириш бўйича логистика бўшлиқларини аниқлаш ҳамда ҳукуматлар ва хусусий секторга тавсиялар бериш;

*хусусий секторни қўллаб-қувватлаш* – Ғарб трансмиллий компанияларининг Марказий Осиёга ҳаракатланишига қўмаклашиш ва қўшимча иш ўринлари билан таъминлаш, ўсиш салоҳиятига эга асосий тармоқларга эътибор қаратган ҳолда корхоналарнинг янги бозорларга киришини таъминлаш учун улар ўртасидаги алоқани қўллаб-қувватлаш, Марказий Осиё компанияларини минтақавий ва глобал қиймат занжирларига яхшироқ интеграция қилиш ва АҚШ билан савдони яхшилаш мақсадида уларнинг киберхавфсизлигини ошириш учун минтақадаги хусусий сектор компаниялари билан ишлаш.

*таълим ва касбий тайёргарлик орқали инсонларга инвестиция* – Марказий Осиё ёш мутахассисларини инглиз тилини ўрганишини рағбатлантириш ва шу орқали малакали кадрлар базасини

шакллантириш, минтақадаги ишчиларни, шу жумладан, хориждан қайтган меҳнат муҳожирларини талаб юқори бўлган кўникмаларга ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг минтақа ва ундан ташқаридаги бозорларда ишлаш қобилиятини ошириш.

Ушбу ташаббус АҚШнинг Марказий Осиё билан иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга бўлган интилишини акс эттиради. Шунингдек, у Хитойнинг “Бир камар, бир йўл” ташаббусига муқобил иқтисодий стратегия сифатида ҳам баҳоланади.

2022 йил октябрь ойида эълон қилинган АҚШнинг янги “Миллий хавфсизлик стратегиясида” (National Security Strategy) ҳам Марказий Осиё билан ҳамкорлик маслалаларига тўхталиб ўтилган. Хусусан, унда С5+1 формати орқали минтақа давлатларининг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, демократик ривожланишини давом эттириш, уларни иқлим ўзгаришига мослашишига кўмаклашиш, минтақадаги интеграция жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, унинг жаҳон бозорига чиқиши ва энергия ва озиқ-овқат хавфсизлигини рағбатлантириш ҳақида сўз боради.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатининг ҳозирги кундаги босқичининг *асосий мақсади* Россия ва Хитойнинг минтақадаги таъсир доирасини заифлаштириш, шунингдек, ушбу давлатларнинг Марказий Осиёдаги интеграция лойиҳаларига қаршилик қилиш ва минтақа давлатлари билан икки томонлама муносабатларига “қамчи” (Россия билан ҳамкорлик учун санкциялар қўллаш) қўйиб тўсқинлик қилиш, бундан ташқари “*ширин кулча*” (АҚШ ва унинг иттифоқчилари билан ҳамкорликка қайта йўналтиришнинг афзалликларини кўрсатиш учун мўлжалланган имтиёзларни тақдим этиш) усулларидадан фойдаланмоқда.

Шунингдек, Марказий Осиёда Россия ва Хитой билан рақобатда ҳамда ўз таъсир даражасини кучайтириш мақсадида АҚШ ташқи сиёсатда “*юмшоқ куч*”дан (soft power) фойдаланишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу борада АҚШ элчихоналари ва дипломатик тармоқлари ҳамда USAID ташкилоти, турли нодавлат ташкилотлар ва бизнес субъектлари фаол равишда кўмак бермоқда. Хусусан, USAID демократик институтларни ривожлантиришга, эркин сайловларни ҳамда мустақил оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларни шакллантиришга кўмаклашиб келган. Бу жараёнга сайловчиларни ўқитиш, сайлов жараёнларини кузатиш ва ҳуқуқий тизимни мустақамлаш каби лойиҳаларни молиялаштириш ҳам киритилган.

Умуман олганда, Қўшма Штатлар Вашингтон томонидан “дунё тартиботини ўзгартириш”га эга бўлган ягона рақиб сифатида тан олинган Хитой томонидан Марказий Осиё йўналишида амалга оширилаётган фаол ҳаракатларни эътибордан четда қолдира олмайди. Бундан ташқари, Вашингтон нуқтаи назарида, Американинг Яқин Шарқдаги манфаатларига асосий таҳдид бўлган Эроннинг минтақавий

позицияларининг мустаҳкамланишига йўл қўймаслик ҳам кўрсатиб ўтилган.

Америкалик экспертлар АҚШнинг Марказий Осиёдаги ролини қуйидагиларда кўрмоқдалар: 1) *чекланган шерик*, 2) *хавфсизлик соҳасида гегемон ёки* 3) *менеджер*. Уларнинг фикрича, АҚШ айти пайтда “хавфсизлик соҳасида менеджер” ролини ўйнаши ҳамда ўз сиёсатини Россия, Хитой ва Эрон манфаатларини инобатга олган ҳолда қуришлари лозим. Аксарият америкалик экспертлар АҚШ учун Марказий Осиё минтақасида ўз мавжудлигини таъминлаши ва кенгайтириши ҳаётий муҳим саналади. АҚШнинг минтақадаги мавжудлиги ва иштирокидан ҳар *иккала томон ютади*: АҚШ ўз хавфсизлигини таъминлаши, ҳарбий, геосиёсий ва энергозахираларга эришишга қаратилган манфаатларини таъминлаши, айти пайтда демократия ва фуқаролик жамияти ривожланишига ҳисса қўшиши; Марказий Осиё давлатлари эса ривожланаётган мамлакатлар учун ўта муҳим саналган Америка инвестицияларига эришиш, хавфсизликни таъминлаш ва глобал интеграциясига қўшилиш имконига эга бўлишлари мумкин. Бироқ мутахассислар бу борада АҚШ таклифлари Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон таклифларидан жозибалироқ бўлиши зарурлигини қайд этади.

Шундай қилиб, АҚШ Марказий Осиёга нисбатан алоҳида стратегия ишлаб чиққанлиги минтақанинг Қўшма Штатлар ташқи сиёсатида асосий ўринлардан бирига айланиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Расмий Вашингтоннинг Марказий Осиёдаги барча бешта давлатда ўз позицияларини максимал даражада мустаҳкамлаши АҚШ учун устувор вазифага айланмоқда. Бу вазифани амалга ошириш орқали Вашингтон, *биринчи навбатда*, Россияга Марказий Осиё давлатлари орқали санкцияларни четлаб ўтишга имкон бермасликка, *иккинчидан*, минтақада ўзининг асосий рақиб бўлган Хитойдан кўра рақобатбардошроқ ўйинчига айланишга, *учинчидан*, минтақа транзит салоҳиятини Ғарб манфаати йўлида ошириш мақсадида янги транспорт йўлаклари ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

### **6.3. РФнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари**

Россиянинг Марказий Осиё бўйича ташқи сиёсати бир қатор геосиёсий назариялар таъсирида шаклланган. Бунда қатор олимлар илгари сурган концепциялар минтақанинг Россия учун аҳамиятини белгилаб берган. Хусусан, “*Евроосиёчилик*” концепциясига кўра, Марказий Осиё Ғарб таъсирига қарши туриш учун Россия ва қўшни давлатларни бирлаштирувчи “*Евроосиё ҳудуди*”нинг бир қисми сифатида кўрилади. Ушбу концепция тарафдорлари сифатида Л. Гумилев (“*пассионаризм*”), А. Дугин (“*евроосиё ядроси*”), В. Цимбурскийларни (“*лимитрофа*”) келтириш мумкин. Шунингдек, “*Яқин хориж*” назарияси ҳам мавжуд бўлиб, С. Караганов (“*стратегик таянч*”), А. Казанцев (“*янги катта ўйин*”), Т. Шаклеиналар мазкур назарияни илгари суради.

Ушбу концепцияда Марказий Осиё постсовет худудининг бир қисми сифатида кўрилиб, Россия тарихий ва ҳуқуқий таъсирга эга эканлиги таъкидланади. Шу билан бир қаторда, “Кўп қутблилик” концепцияси ҳам Марказий Осиёни қамраб олиб, унда минтақа кўп қутбли дунёни шакллантиришда муҳим қисм эканлиги таъкидланади. Мазкур концепция асосчилари сифатида Е. Примаков, А. Воскресенский ва Д. Тренинларни айтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё одатда Россия Федерациясининг *ҳаётий муҳим миллий манфаатлари мавжуд* худуд сифатида эътироф этилади. Бу манфаатларнинг устуворлиги ва муҳимлик даражаси муайян босқичларда турли омиллар билан белгиланган. Шу боис Марказий Осиё давлатларининг ўз ташқи алоқаларини диверсификация қилиш ва халқаро майдонда янги шериклар топиш борасидаги саъй-ҳаракатлари Россияни жиддий ташвишга солиб, баъзи ҳолларда ўз эътирозларни очиқчасига айтишга олиб келмоқда.

Совет Иттифоқи парчаланганидан кейинги дастлабки йиллар Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан аниқ ва изчил сиёсати мавжуд эмас эди. Мутахассислар бу ҳолатни Россиядаги ички ва ташқи омиллар мажмуаси, шу жумладан, чуқур мафкуравий ўзгаришлар, сиёсий ноаниқлик, мамлакат ичидаги жиддий иқтисодий инқироз ҳамда минтақага нисбатан эътиборнинг сусайиши билан боғлашади. Ҳаттоки, Россиянинг айрим сиёсий доираларида Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари мамлакатнинг модернизация ва Ғарб билан интеграция бўйича саъй-ҳаракатларига тўсиқ ва юк бўлиши ҳақида фикрлар ҳам мавжуд эди.

2000 йилда В.Путин ҳокимиятга келганидан сўнг, Россия Марказий Осиёни ўзининг яқин ҳамкор минтақаси ва стратегик манфаатлар худуди сифатида кўра бошлаб, минтақадаги таъсирини тиклашга киришди. Айниқса, 11/09/2001 воқеалари ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида кучайган террорчилик таҳдидлари Россиянинг минтақавий сиёсатида хавфсизлик масалалари устувор аҳамият касб эта бошлади. Шунингдек, бу даврдаги сиёсатнинг муҳим жиҳати Москва иқтисодий, сиёсий ва интеграцион воситалардан фойдаланиб, минтақа мамлакатлари билан ўз ҳамкорлик усуллари ва соҳаларини диверсификация қилди. Россиянинг минтақага қайтиши уч йўналишда юз берди: 1) ўз ҳарбий базаларини ташкил этиш (Қирғизистон ва Тожикистон); 2) интеграцион тузилмалар ва кўп тарафлама хавфсизлик ташкилотлари (МДХ, КХШТ, ЕОИИ) доирасида ҳаракатларни фаоллаштириш; 3) икки тарафлама алоқаларни (минтақанинг барча мамлакатлари билан) ривожлантириш.

Умуман олганда, экспертлар бу даврдаги Россиянинг Марказий Осиёдаги *асосий мақсадлари* сифатида минтақа республикаларини ўз геосиёсий маконига қайтариш, уларнинг аввалги “хом ашё манбаи”

сифатидаги ролини тиклаш ва ташқи чегараларини қўриқлашни ўз қўлларида қолдириш, минтақа иқтисодиётига хорижий (РФга қарашли бўлмаган) капитал киришига ва унга дунёнинг бошқа, айниқса Ғарб давлатлари таъсир кўрсатишига монелик қилишни келтириб ўтади. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, ушбу мақсадларнинг аксарияти *ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган* ҳисобланади.

Геосиёсий, иқтисодий ва ҳарбий манфаатларнинг умумий мажмуида Россиянинг Марказий Осиёдаги сиёсатининг бош йўналишлари қуйидаги узоқ муддатли омилларга асосланади:

- Марказий Осиё Россия учун жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш контекстида одатдаги хавфсизлик минтақаси ёки “буфери” ҳамда кўпгина хавфли “қайноқ нуқталар”дан ажратувчи (“изолятор”) минтақа сифатида қаралади;

- Россия учун минтақанинг алоҳида аҳамияти газ ва нефть омили ҳамда Россиянинг Каспийда ўз таъсирини сақлаб қолиш нияти билан белгиланади;

- минтақа ҳудуди Россия учун яқин минтақаларда кенг миқёсда конфликтлар, шу жумладан ядровий можаролар юз берган ҳолда тегишли чоралар кўриш учун “стратегик чуқурлик”, яъни ҳарбий кучларни жойлаштириш зонаси сифатида кўрилади;

- минтақанинг асосий транспорт-коммуникация йўллари ва қувур йўллари устидан назоратни таъминлаш РФ учун катта ташқи сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этади;

- минтақадаги рус ва русийзабон аҳоли, рус тили ва маданиятининг муҳим сиёсий ролини сақлаш учун “жавобгарлик зонаси” ҳисобланади.

2022 йил февраль ойида Россия-Украина конфликти<sup>1</sup> бошланганидан бери турли таҳлилий марказлар РФнинг Марказий Осиёдаги *таъсири пасайиб бораётганини* таъкидловчи кўплаб материалларни эълон қилди. Ушбу манбаларда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Россияни қўллаб-қувватламагани ва санкциялар режимига риоя қилишга интилишгани алоҳида қайд этилади. Таҳлилларга кўра, ушбу конфликт минтақавий геосиёсатни жиддий ўзгартирди ва Москва мавқеига салбий жиҳатдан таъсир кўрсатди. Бундан келиб чиқадики, Марказий Осиё давлатлари Украина можаросига нисбатан бетараф позицияни сақлаган ҳолда Россия ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдан тийилиб, Ғарб санкцияларига амал қилишни маъқул кўрмоқда. Ушбу нейтралитет расмий Москва сиёсатида нисбатан эҳтиёткорлик билан масофа сақлаш ва Марказий Осиё давлатлари

---

<sup>1</sup> 2022 йил февраль ойида бошланган Россия-Украина конфликти рус ОАВларида ушбу низо “махсус ҳарбий операция” дейилса, Ғарб ОАВларида “агрессия” сифатида баҳоланади.

ўртасида Россияга нисбатан ишонч пасайганини акс эттирувчи ҳолат сифатида талқин қилинмоқда.

Айрим мутахассислар эса, аксинча Россия-Украина конфликтни расмий Москванинг Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсатини ижобий томонга ўзгартирганини ҳамда минтақа бозорларининг аҳамиятини оширганини таъкидлайди. Хусусан, ушбу конфликт натижасида G7 ва Европа Иттифоқи томонидан Россияга нисбатан жорий этилган савдо ва молия чекловлари (санкциялар) РФ ташқи савдосининг бир қисмини Марказий Осиё мамлакатларига йўналтиришга олиб келди. Қолаверса, 2022 йил октябрь ойида *“Россия – Марказий Осиё”* форматдаги биринчи саммит бўлиб ўтганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу саммитнинг ўзига хос жиҳати шундаки, Россия ташқи сиёсатида *Марказий Осиёни алоҳида минтақа (сиёсий макон ёки мустақил субъект) сифатида* тан олди. Зеро, бу вақтга қадар расмий Москва томонидан Марказий Осиё МДҲ маконининг таркибий қисми сифатида кўрилган. Шу маънода экспертлар мазкур форматнинг ташкил этилиши *Марказий Осиё давлатларининг ютуғи сифатида* эътироф этади.

2023 йилда қабул қилинган Россия Федерациясининг ташқи сиёсат концепциясида ҳам *Марказий Осиё биринчи марта тилга олинди* ҳамда куйидаги мақсадлар устуворлиги таъкидлаб қўйилди<sup>1</sup>:

*тарихий алоқаларни мустаҳкамлаш* – бунда Россия Марказий Осиёни ўзининг маданий ва тарихий маконининг бир қисми деб ҳисоблайди;

*хафсизликни таъминлаш* – бунда Афғонистондан кириб келадиган терроризм, наркотрафик ва экстремизмга қарши кураш масаласи ётади;

*иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш* – бунда Марказий Осиёнинг Россияга иқтисодий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида ЕОИИ каби интеграциявий лойиҳаларни ривожлантириш белгиланган.

*минтақага ташқи кучлар таъсирини камайтириш* – бунда Марказий Осиёда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва АҚШ ҳамда Хитойнинг таъсирига қарши туриш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бугунги кунда Россиянинг Марказий Осиёдаги сиёсатида ижобий таъсир қилувчи омиллар қаторига томонлар ўртасида юқори даражада *мунтазам конструктив сиёсий мулоқот* ўрнатилганлиги, муносабатлар *стратегик ва иттифоқчилик асослари шартномалари* билан боғланиши, *визасиз режим (Туркманистондан ташқари)* ва тилдаги *“тўсиқларнинг йўқлиги”*, минтақа давлатлари фуқароларнинг *Россия меҳнат бозорига қизиқиши*, РФ томонидан Марказий Осиё ёшларига *таълим грантлари сонининг йил сайин ошириб бориши* кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Концепция внешней политики Российской Федерации от 31.03.2023 г. // <http://www.kremlin.ru/events/president/news/70811>

Экспертларнинг фикрига кўра, Россия Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларни муваффақиятли ривожлантириши учун икки шарт бажарилиши лозим. Биринчиси, минтақа давлатларининг Россияга нисбатан ижобий муносабати, иккинчиси, расмий Москва минтақа давлатларининг *суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини тан олган ҳолда* уларнинг ички ишларига аралашмаслиги.

Мухтасар қилиб айтганда, Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати дастлаб аниқ белгиланган стратегия доирасида амалга оширилмаган бўлса, кейинчалик ҳокимият тепасига В. Путиннинг келиши билан минтақага нисбатан ташқи сиёсат тубдан ўзгариб, анча мақсадли ва фаол шаклда амалга оширила бошланди. Бу сиёсат Россиянинг минтақада етакчи ҳудудий давлат сифатидаги ролини мустаҳкамлашга ҳамда икки ва кўп томонлама институтлар орқали ўз манфаатларини илгари суришга йўналтирилган эди.

Замонавий босқичдаги Россиянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати Украина конфликти ва минтақада кучлар мувозанати ўзгариши натижасида юзага келган ҳамкорлик ҳамда рақобатнинг мураккаблиги билан характерланади. РФнинг Марказий Осиёга нисбатан бўлган муносабати сиёсий жиҳатдан бироз пасайгандек туюлса-да (маълум даражада иқтисодий ресурслар танқислиги сабаб), бироқ Москва ҳанузгача минтақани ўзининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳудуди сифатида баҳолаб, ўз таъсирини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда. Айниқса, минтақанинг иқтисодий жиҳатдан аҳамияти (Ғарб давлатлари санкцияларини айланиб ўтиш учун) долзарблигича қолмоқда. Бундай шароитда Марказий Осиё давлатлари кўп векторли ташқи сиёсатни амалга оширишда янада қатъиятли ҳаракат қилишни бошлаб, улар Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Туркия каби халқаро акторлар билан ҳамкорликка тайёр эканини намоён этмоқда ҳамда ўз шерикларини диверсификация қилиш ва Россияга боғлиқликни камайтиришга интилмоқда.

#### **6.4. ХХРнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари**

Хитой Халқ Республикаси ўз ташқи сиёсатида устувор аҳамият касб этиб келаётган минтақалардан бири сифатида Марказий Осиё эътироф этилади. Географик ва тарихий омиллар Хитой ва Марказий Осиё халқлари ўртасида манфаатлар муштараклигидан далолат беради. Хитой императорлари азал-азалдан Марказий Осиё минтақаси ҳудудларини Ғарбий ўлка номи билан атар эдилар. Бугунги кунда замонавий Хитой ташқи сиёсатида иқтисодий омилларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақасининг углеводород захираларига ҳамда табиий хом-ашё ресурсларига бой эканлиги Пекин раҳбарияти эътиборидан четда қолмайди албатта. Марказий Осиё

минтақаси ҳам географик, ҳам, энергетик омиллар сабабли халқаро муносабатлар тизимида ўз жозибасини ҳалигача йўқотганича йўқ.

Сўнги йилларда Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратга эришиши уни минтақа доирасида етакчи геосиёсий ўйинчилар сирасига кириш ҳамда минтақавий жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятини очиб берди. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари муносабатларида ўзаро манфаатдор ҳамкорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, сепаратизмни қувватлашдан воз кечиш, иқтисодий ҳамкорликда устуворлик тамойилларига алоҳида урғу беради.

Таъкидлаш жоизки, Хитой Марказий Осиё давлатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириб, уларнинг ҳукуматлари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада “Хитой – Марказий Осиё” саммити фаолиятини келтириб ўтиш муҳим ҳисобланади. Ушбу формат кўп томонлама ҳамкорлик платформаси бўлиб, иқтисодий, сиёсий, хавфсизлик ва маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Бугунга қадар ушбу форматнинг иккита саммити (2023 йил май ойида Сиань шаҳрида ва 2025 йил июнь ойида Остона шаҳрида) бўлиб ўтган. У “Бир камар, бир йўл” (One Belt, One Road) ташаббуси ва ШХТ билан узвий боғлиқ бўлиб, бир томондан, Марказий Осиё давлатларига иқтисодий ривожланиш имкониятларини юзага келтирса, бошқа томондан, геосиёсий рақобат ва минтақавий мувозанат масалаларини ҳам кун тартибига қўяди.

Бугунги кунда Хитой Марказий Осиёнинг энг йирик савдо ҳамкори, катта сармоячиси ва кредиторларидан бири ҳисобланади. Хитой сармоялари асосан энергетика (нефть ва газ қазиб чиқариш, қувурлар), инфратузилма (темир йўллар, автомагистраллар, аэропортлар), саноат (цемент, алюминий, нефтни қайта ишлаш), логистика ва савдо марказлари каби соҳаларга йўналтирилган. Пекиннинг минтақадаги иқтисодий иштироки узоқ муддатли, стратегик ва комплекс характерга эга бўлиб, бу орқали Хитой минтақада ўз таъсирини кучайтиришга интилмоқда. Мазкур жараён, бир вақтнинг ўзида, айрим мамлакатлар (Қирғизистон ва Тожикистон) учун ташқи қарз хавфини ва геосиёсий боғлиқлик хавфини ҳам юзага келтирмоқда.

Хитойнинг Марказий Осиё минтақасидаги сиёсатини фаол амалга ошириши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

*Биринчидан*, геосиёсий омилларнинг мавжуд эканлиги билан ифодаланади. Марказий Осиё минтақасининг Евроосиё “Хартлендида” жойлашганлиги ва шу билан бирга унинг транскоммуникация соҳасидаги жозибдорлигидир. Минтақанинг тарихий жиҳатдан “Буюк ипак йўли” чорраҳасида эканлиги ва Европа минтақасига қуруқлик орқали чиқишда муҳим дарвоза вазифасини ўташи Хитойнинг асосий диққат марказида турган жиҳат ҳисобланади.

*Иккинчидан*, Марказий Осиё минтақасининг табиий ресурсларига бой эканлигидир. Тез суръатларда ривожланаётган Хитой саноати ва

ишлаб чиқариши энергетика ресурсларига муҳтожлик сезади. Бу борада Хитой энергетик дипломатиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида Марказий Осиё минтақаси эътироф этилади. Пекиннинг углеводород саноатига бўлган қизиқиши Қозоғистон билан яқинлашишга ҳамда Туркменистон ва Ўзбекистон билан муносабатларни доимий равишда ривожлантириб боришга олиб келмоқда. Зеро, бугунги кунда “Қозоғистон-Хитой” нефть қувири ва “Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой” газ қувурларининг “А”, “В”, “С” тармоқлари фаол ишлаб турибди. Истиқболда “Туркменистон-Ўзбекистон-Тожикистон-Қирғизистон” газ қувурларини қуриш режалаштирилган. Ушбу йўналишда Хитой сиёсатини холисона таҳлил қилиш натижасида шундай фикрга келиш мумкин, расмий Пекин Марказий Осиё минтақасида углеводород захираларига тўлақонли “ташқи акторлар” иштирокисиз имкониятни қўлга киритишдан манфаатдор.

*Учинчидан*, “Бир камар, бир йўл” ташаббусини амалга оширишда Марказий Осиё мамлакатлари орқали МДҲ ва Европа мамлакатлари бозорларига чиқиш учун ишончли транспорт йўлларини таркиб топтириш. Хитойни минтақанинг бой табиий ресурсларидан ташқари, транспорт-транзит имкониятлари ҳам қизиқтиради. Марказий Осиё мамлакатлари ҳудуди МДҲ ва Европа мамлакатлари билан товар алмашинувини амалга ошириш учун энг яхши транспорт йўлларидан бири ҳисобланади. ХХР Қозоғистонга “Дружба” темир йўл станцияси ва “Хоргос” назорат-ўтказиш постидан автомобиль йўли орқали чиқиш имкониятига эга. Ҳозирда Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл магистралининг қурилиши жадал амалга оширилмоқда. Истиқболда эса Шимолий Шинжон темир йўл магистралидан Қозоғистоннинг Кульджи шаҳригача 296 км ўлчамга эга бўлган поезд қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилган. ХХР ўз саноатининг ривожланиш суръатларини ҳисобга олиб, Марказий Осиё минтақаси орқали кўп сонли транспорт йўллари қуришдан манфаатдордир.

*Тўртинчидан*, минтақада ташқи кучлар таъсири остида истиқболда Хитойнинг ҳаётий муҳим манфаатларига салбий оқибатлар келтириб чиқарувчи тузилмаларнинг тузилиш эҳтимолининг мавжуд эканлиги Пекинни ташвишга солади. Лекин ҳозирча Хитой муассислигида тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бундай сиёсий тузилма пайдо бўлишига ўрин қолдираётгани йўқ.

*Бешинчидан*, Хитой миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда минтақа давлатлари билан манфаатлар муштараклигининг мавжуд эканлигида намоён бўлади. Ушбу контекста биринчи навбатда Шинжон-уйғур автоном районидаги барқарор вазиятга таъсир кўрсатувчи кучларнинг пайдо бўлиши, Афғонистонда террористик ташкилотларнинг фаолияти, минтақада радикал кайфиятдаги ислом омилининг мавжуд бўлиши ва экстремистик ғояларнинг тарқалиши тушунилади.

*Олтинчидан*, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек минтақада дунёнинг етакчи давлатлари пайдо бўлиши билан ифодаланади. АҚШ, Россия ва Европа Иттифоқи давлатларининг минтақага қаратилган геосиёсий стратегиялари Хитойнинг иқтисодий манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан, ушбу мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий устунлигига қаршилик кўрсатиш Пекиннинг минтақадаги ташқи сиёсий фаолиятини кўп жиҳатдан белгиловчи асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

*Еттинчидан*, Хитойнинг ғарбий чегаралари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида, ҳудудий омил нуқтаи назаридан бирламчи аҳамият касб этади. Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан умумий чегара узунлиги 3700 км ташкил этади. Хитой ҳукуматининг фикрича, Тайвань сепаратистларидан ташқари, ғарбий ҳудудларда мамлакат миллий хавфсизлиги, барқарорлиги, ҳудудий яхлитлиги ва давлат суверенитетига раҳна солувчи таҳдидлар мавжуд. Бу борада Пекиннинг ташвиши асосан уйғурлар сепаратизми муаммосининг кескинлашуви билан боғлиқ. Шу муносабат билан Пекин учун устувор йўналиш сифатида минтақа давлатлари билан умумий чегараларни белгилаш, чегараларни демилитаризация қилиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги шартномани имзолаш ҳамда минтақада сепаратизмнинг ривожланишига йўл қўймаслик ва унинг сиртдан қўллаб-қувватланишини тўхтатишдир.

*Саккизинчидан*, ХХРнинг ғарбий ҳудудларини ривожлантириш режаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш. 1990-йиллар охирида Хитой ҳукумати мамлакатнинг ғарбий ҳудудини “очиш” стратегиясини ишлаб чиқди. Бу стратегия мамлакат ғарбидаги энг қашшоқ ва қолоқ ҳудудлар билан шарқдаги тараққий этган ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши аста-секин тенглашувиغا кўмаклашиши лозим. Шундай қилиб, Хитой ҳукумати миллий сепаратизмнинг иқтисодий омилларига барҳам беришга ва ғарбий ҳудудларининг кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечиш, шу жумладан, уларни Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кучайтириш ҳисобига эришишга умид қилмоқда.

Умуман олганда, ХХРнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари узоқ муддатли ва стратегик характерга эга. Бу манфаатлар нафақат иқтисодий фойда, балки ички барқарорликни таъминлаш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш ва минтақавий рақобатда устунликни таъминлаш мақсадида шаклланган. Хитой бу минтақада кўп қиррали ёндашув орқали таъсир доирасини кенгайтиришга интиломоқда.

## **6.5. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги стратегиялари ва лойиҳалари**

Бугунги кунда Марказий Осиёнинг халқаро майдондаги ўрни тобора ортиб, стратегик жойлашуви ва ресурс салоҳияти билан

эйтиборни тортаётган жаҳон давлатлари ўртасидаги фаол рақобат майдонига айланиб бормоқда. Минтақадаги фаол ўйинчилардан бири Европа Иттифоқи бўлиб, у минтақадаги ўз манфаатларини қайта кўриб чиқмоқда ва унга олдингидан кўра кўпроқ эйтибор қаратмоқда.

ЕИнинг Марказий Осиё давлатлари билан олиб бораётган кўп томонлама ҳамкорлиги ўзининг мустақкам *сиёсий-ҳуқуқий асосига* эга бўлиб, улар Иттифоқ томонидан ишлаб чиқилган ички сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда минтақа давлатлари билан ўзаро тенглик асосида имзоланган шартномаларда ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатлар қаторига “Шарқий Европа ва Совет Иттифоқининг янги давлатларини тан олишнинг раҳбарий қоидалари тўғрисида”ги декларация (1991 йил), “Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги янги давлатлар бўйича муносабатлари” стратегияси (1992 йил), Европа ҳамжамияти Комиссиясининг “Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар билан муносабатлар тўғрисида”ги Коммюникеси (1995 йил), “Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги резолюция (1999 йил), “Марказий Осиё учун 2002-2006 йиллар стратегик ҳужжати” (2002 йил), “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги ҳамкорлик стратегияси” (2007 йил) кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, “Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича глобал стратегияси” (2016 йил) деб номланган ҳужжатда Марказий Осиё минтақасига ҳам алоҳида урғу берилган. Унда минтақа давлатлари билан терроризм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтиш ҳамда транспорт, савдо ва энергетика соҳаларидаги ўзаро боғлиқликни кенгайтириш лозимлиги қайд этилган<sup>1</sup>.

Замонавий босқичда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича ташқи сиёсатини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири томонидан 2019 йилнинг май ойида қабул қилинган “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: ҳамкорликни мустақкамлашдаги янги имкониятлар” (The EU and Central Asia: New Opportunities for a Stronger Partnership) номли янги стратегияси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Янги стратегия Марказий Осиё жамиятларининг *бардошлилиги* (partnering for resilience), *фаровонлигини ошириш* (partnering for prosperity), *минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга* (working better together) қаратилган. Ҳужжатда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро минтақавий ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда энергетика, савдо-сотиқ, транспорт, ёшлар билан ишлаш, таълим каби соҳаларни ривожлантириш

---

<sup>1</sup> A Global Strategy for the European Union's Foreign and Security Policy. June 2016 // [https://www.eeas.europa.eu/sites/default/files/eugs\\_review\\_web\\_0.pdf](https://www.eeas.europa.eu/sites/default/files/eugs_review_web_0.pdf)

<sup>2</sup> The EU and Central Asia: New Opportunities for a Stronger Partnership. Brussels, 15.5.2019 // [https://www.eeas.europa.eu/sites/default/files/joint\\_communication\\_-\\_the\\_eu\\_and\\_central\\_asia\\_-\\_new\\_opportunities\\_for\\_a\\_stronger\\_partnership.pdf](https://www.eeas.europa.eu/sites/default/files/joint_communication_-_the_eu_and_central_asia_-_new_opportunities_for_a_stronger_partnership.pdf)

ва самарадорлигини ошириш борасида *ЕИ ўзининг тажрибаси билан бўлишига тайёрлиги* баён этилган.

Шунингдек, Стратегиянинг ўзига хос томонлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- *Афғонистоннинг тақдирини ҳал этишда*, у ерда тинчлик ўрнатишда Марказий Осиё давлатлари билан ЕИ ҳамкорлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. ЕИ “Марказий Осиёда яхши қўшничиликни барқарорлаштириш йўлида” *Афғонистоннинг минтақадаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга фаол иштирокини таъминлаш* сари интилади;

- ЕИ Марказий Осиё мамлакатлари билан *фозил бошқарув* (good governance), *ҳуқуқий давлатчилик ва инсон ҳуқуқлари* масаласида мазмунли мулоқотни давом эттириш зарурати мавжудлиги таъкидланади;

- минтақанинг сиёсий тизимини *агрессив равишда қайта қуриш уринишларидан тийилиши* ҳамда ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш учун *амалдаги минтақавий ҳукуматлар иштирокига таяниши* белгиланади;

- Европа Иттифоқининг олдинги стратегик ҳужжатларида кўпинча эътиборга олинмаган (ёки инкор этилган) минтақавий сиёсат субъектлари сифатида *КХШТ, ЕОИИ, ШҲТ ва Хитойнинг “Бир макон ва йўл ташаббуси”* эслатиб ўтилади;

- *бошқа давлатларнинг лойиҳаларига зарар етказадиган* Европа Иттифоқи билан эксклюзив муносабатлар ўрнатишдан тийилади (масалан, стратегия ЕИ ва минтақавий давлатлар ўртасида “Евроосиё иқтисодий иттифоқи” билан кенгайтирилган шериклик шартномалари зид эмаслиги таъкидланади).

Умуман олганда, соҳа мутахассислари ушбу Стратегияни умумий тавсифлар экан, уни Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги бошқа “минтақавий актор” давлатлар (РФ, ХХР, Туркия ва б.) билан муносабатларида *“зиддиятсиз стратегия”га* ўтишга уриниши сифатида эътироф этади.

Минтақалараро муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга эканлиги Марказий Осиё минтақаси давлатлари учун қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

- икки томонлама муносабатларда тенгликни таъминлайди;

- Марказий Осиё минтақасида жаҳоннинг кучли давлатларнинг манфаатлари тўқнашуви юз бериши эҳтимолини нисбатан камайтиради;

- минтақа давлатлари барқарорлиги ва суверенлигига таҳдид солувчи омилларнинг олди олинишида ва бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этади;

- Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини диверсификация қилишга ёрдам беради.

Қайд этиш керакки, Марказий Осиё мамлакатлари ягона минтақада жойлашган бўлса-да, улар тараққиётининг ўзига хос

жиҳатлари ҳам мавжуд. Шу боис Европа Иттифоқи Марказий Осиё мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни барқарор ривожлантиришга интилади. Минтақа давлатлари мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб ЕИ томонидан Марказий Осиёга нисбатан *бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда*. Хусусан, ТАСИС<sup>1</sup> дастури доирасида ЕИ ва Марказий Осиё ўртасидаги техник ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Мазкур дастур МДҲ давлатларига техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда мазкур давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида хавфсизликни таъминлашни мақсад қилган. ТАСИС дастури нафақат техник ёрдам, балки ТРАСЕКА<sup>2</sup> ва ИНОГЕЙТ<sup>3</sup> каби бошқа минтақавий кичик дастурларни ишлаб чиқиш имкониятини бергани билан ҳам аҳамиятга эга.

*ТРАСЕКА* дастури 1993 йил 3 майда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон ва Грузия давлатларининг транспорт ва савдо вазирлари иштирок этган Брюссель конференциясида ташкил этилган бўлиб, у *Европа, Кавказ ва Осиё ўртасидаги транспорт коридорини ривожлантириш бўйича халқаро дастурдир*. Унинг асосий мақсади Европа ва Осиёни боғловчи самарали, хавфсиз ва барқарор транспорт йўлакларини яратиш ва ривожлантиришдан иборат. Дастурнинг асосий вазифалари сифатида транспорт инфратузилмасини яхшилаш (темир йўллар, автомобиль йўллари, портлар, логистика марказлари), юк ташишни соддалаштириш (ҳужжатларни рақамлаштириш, чегарадан ўтишни тезлаштириш), транспорт хавфсизлигини ошириш, ҳудудий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги иқтисодий имкониятлар яратиш (экспорт ва транзит потенциалини ошириш) белгиланган. Дастурнинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти шундаки, у минтақанинг геосиёсий ва геоиқтисодий ролини оширади, транзит хизматлари орқали даромад тушумларини кўпайтиради, халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда логистика ва транспорт соҳаларини ривожлантиради.

1996 йилдан бери фаолият юритиб келаётган *ИНОГЕЙТ* дастури Европа Иттифоқи ва ҳамкор давлатлар – Арманистон, Озарбайжон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Украина ва Ўзбекистон билан амалга оширилган халқаро ҳамкорлик шакли бўлиб, у Евроосиё минтақасида нефть ва газ соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, энергия хавфсизлигини таъминлаш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш ва энергетик бозорларни интеграция қилишга қаратилган. ИНОГЕЙТ фаолияти тўртта асосий йўналишга қаратилган: 1) Европа Иттифоқи тамойиллари асосида

---

<sup>1</sup> TACIS – (Technical Assistance for the Commonwealth of Independent States)

<sup>2</sup> TRACECA – (Transport Corridor Europe-Caucasus-Asia)

<sup>3</sup> INOGATE – (Interstate Oil and Gas Transportation to Europe)

энергия бозорларининг конвергенцияси; 2) энергетик хавфсизликни ошириш; 3) барқарор энергетик ривожланишни қўллаб-қувватлаш; 4) умумий ва минтақавий манфаатларга эга энергетика лойиҳаларига (хусусан, барқарор энергетика лойиҳаларига) инвестицияларни жалб қилиш. Дастурнинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти нефть ва газ экспорт йўналишларини диверсификация қилиш, энергия самарадорлиги ва энергия истеъмолини камайтириш технологияларига эга бўлиш, ЕИнинг техник ва молиявий ёрдамни жалб қилиш, қонунчиликни Европа стандартларига мослаштириш ва инвестициявий муҳитни яхшилаш имкониятлари билан изоҳланади.

ЕИнинг хавфсизликка оид лойиҳалардан бири бўлган *ВОМКА*<sup>1</sup> минтақавий дастури Марказий Осиёда 2003 йилда ишга туширилган бўлиб, унинг *асосий мақсади* чегараларни яхлит бошқариш орқали барқарор иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва шу аснода минтақада хавфсизлик ва барқарорликни ошириш ҳисобланади. Шу боис, лойиҳа доирасида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва тажриба ўтказиладиган ҳудудларда чегара постларини яратиш, минтақада қонуний савдони ривожлантириш, одамлар ва товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишини камайтириш ҳамда минтақа давлатлари чегара хизмати ходимларини ўқитиш орқали Марказий Осиё давлатларининг чегаралари хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бериш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар дастур бўйича 9 та босқич яқунланган бўлиб, 2021 йилдан буён 10 босқич амалга ошириб келинмоқда.

Европа Иттифоқининг минтақада хавфсизлик соҳасидаги яна бир йирик ташаббусларидан бири Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларга қарши кураш – КАДАП<sup>2</sup> дастури бўлиб, гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Дастур орқали минтақа давлатларига техник ёрдам кўрсатилмоқда, минтақадаги гиёҳвандлик ҳолати мониторинг қилинмоқда, аҳоли ўртасида профилактика ва наркотик моддаларга чалинганларни даволаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур дастур қуйидаги таркибий элементлардан ташкил топади: *ОСАН* – лойиҳани умумий мувофиқлаштириш учун жавобгардир; *DAMOS* – наркотик эпидемиологияси бўйича маълумотларни йиғиш ва маълумотлар базасини ишлаб чиқиш; *TREAT* – даволаш услубияти; *MEDISSA* – Оммавий ахборот воситалари ва ахборотлар тарқатилиши билан боғлиқ ишлар. Ҳозирга қадар дастур бўйича 6 та босқич яқунланган бўлиб, ҳозирда 7 босқич амалга ошириб келинмоқда.

---

<sup>1</sup> *ВОМКА* – Border Management Programme in Central Asia

<sup>2</sup> *CADAP* – Central Asia Drug Action Programme

Шунингдек, 2021-2024 йиллар оралиғида ЛЕЙКА<sup>1</sup> дастури амалга оширилиб, унинг асосий мақсади Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатнинг эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш асосида миллий даражада техник ёрдам кўрсатиш, шунингдек, минтақавий даражада тематик тренинглар ўтказиш орқали давлат идораларининг терроризмга қарши курашдаги салоҳиятини оширишдан иборат. Мазкур дастур доирасида Европа ва Марказий Осиё минтақаларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида терроризмга оид аниқ ҳолатлар бўйича тезкор маълумотлар алмашинуви ҳамда дастур билан боғлиқ ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари ўртасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва барқарорликни сақлаш учун алоқалар мустаҳкамланди. Марказий Осиёда ҳуқуқ-тартибот ва суд органларининг халқаро ҳуқуқ ва қонун устуворлиги асосида террорчилик таҳдидига қарши курашиш салоҳияти кучайтирилиб, бунда ҳар бир ҳамкор давлатнинг миллий қонунчилигида террорчилик фаолияти билан боғлиқ конвенциялар, протоколлар ва резолюциялар такомиллаштирилди.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи томонидан Марказий Осиё давлатларига нисбатан амалга оширилаётган лойиҳалари минтақанинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва изчил ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга. Бу лойиҳалар нафақат иқтисодий ва инфратузилмавий соҳаларни, балки қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, чегара хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, экологик барқарорлик ва минтақавий ҳамкорликни ҳам қамраб олади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатлари ҳам ЕИ билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор ҳисобланади. Жумладан, Иттифоқ минтақада кескин геосиёсий манфаатлари мавжуд бўлмаган “нейтрал ўйинчи” сифатида кўрилиб, АҚШ, РФ ва ХХРга муқобил саналади. Қолаверса, ЕИ ўзининг “камтарин”, бироқ барқарор инвестициялари орқали минтақада узоқ муддатли ҳамкорликни сақлаб қолишга интилиши ҳам ўзаро манфаатли саналади. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилаётган нисбатан “ёш давлатлар” ҳисобланиб, минтақада кузатилаётган интеграция жараёнларида ЕИ тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Умуман олганда, Европа Иттифоқи учун Марказий Осиё стратегик минтақа сифатида нафақат иқтисодий ёки хавфсизлик нуқтаи назаридан, балки глобал барқарорлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Россия-Украина конфликти, Афғонистонда ҳокимият тепасига Толибон вакилларининг келиши ҳамда Россия ва Хитойнинг Марказий Осиё мантақасига интилишининг кучайиши каби геосиёсий воқеликлар шароитида Европа

---

<sup>1</sup> LEICA – Law enforcement in Central Asia

Иттифоқини минтақа бўлган стратегияни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

### **Хулоса**

Марказий Осиё бугунги кунда кўп қутбли геосиёсий рақобат марказига айланган. Минтақадаги давлатлар учун бу ҳолат имкониятлар ҳам, таҳдидлар ҳам яратади. Улар ташқи кучлар ўртасида мувозанат сақлаган ҳолда миллий манфаатлар асосида ҳаракат қилишга мажбур. Зеро, Марказий Осиё минтақасида турли муаммолар (сув, транспорт ва логистика, чегара) мавжуд бўлиб, уларни фақат минтақада геосиёсий мувозанат ва барқарорлик сақланган ҳолдагина ечиш мумкин. Шу сабабли, минтақавий интеграция ва прагматик ташқи сиёсат юритиш барқарор ривожланишнинг асосий кафолати ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, глобал хавфсизликни таъминлаш муаммосини ечишга қўшилган салмоқли ҳисса ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти (географик жойлашуви, углеводород ресурсларга бойлиги, муҳим транспорт артерияларининг ўтиши) туфайли етакчи давлатлар (АҚШ, Россия, ХХР, ЕИ) минтақадаги ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида рақобатлашишига олиб келмоқда. Бу рақобат минтақавий давлатларга янги имкониятлар (иқтисодий ривожланиш ва халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш) ҳам, янги хавфларни (ташқи босимларнинг ортиши, геосиёсий қарама-қаршилиқлар қурбони бўлиши) ҳам юзага келтириши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Марказий Осиё минтақаси қандай қилиб халқаро муносабатлар тизимига таъсир ўтказади?
2. Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий аҳамиятини айтиб беринг.
3. АҚШнинг Марказий Осиёдаги мақсади ва стратегияларини шарҳланг.
4. РФнинг Марказий Осиёда қандай манфаатлари ва таъсир ўтказиш инструментлари бор?
5. ХХРнинг Марказий Осиёда қандай манфаатлари ва таъсир ўтказиш инструментлари мавжуд?
6. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги стратегиялари ва лойиҳалари айтиб беринг.

## Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Алимов Р.М. Геополитический баланс в Центральной Азии и ключевые угрозы региональной безопасности. В кн. Центральная Азия: Общность интересов. - Т.: "Шарқ". 2005. – С. 60-90.

2. Абдурахмонов Қ.Н. АҚШнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ва сиёсий стратегияси // Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар. – 2020. – №4. – Б. 25-37.

3. Арбатов А.Г. Россия и Центральная Азия: новая реальность и вызовы безопасности. – М.: ИМЭМО РАН, 2018. – 288 с.

4. Бжезинский З. Стратегический взгляд: Америка и глобальный кризис. - М.: Астрель. 2012. – 285 с.

5. Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – М.: Международные отношения, 2007. – 265 с.

6. Князев А.А. Центральная Азия: геополитика, этнополитика, безопасность. – М.: Восточная книга, 2020. – 310 с.

7. Казанцев А.А. "Большая игра" с неизвестными правилами: мировая политика в Центральной Азии. - М.: 2008. - 381 с.

8. Лукьянов Ф.А. Стратегические интересы России в Центральной Азии // Россия в глобальной политике. – 2021. – №3. – С. 13-27.

9. Манкофф Д. Политика США в Центральной Азии после 2014 года // Pro et Contra. - М.: январь - апрель 2013. - С. 41-57.

10. Махмудов А. Проблемы региональной безопасности и регионального сотрудничества в политике США в постсоветской Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. – Швеция.: №3., 2012. - С. 108-121.

11. Николаев С. Россия - Центральная Азия: стремление к процветанию и безопасности // Международная жизнь. - М.: №6, 2009. - С. 29-40.

12. Рахимов М. Марказий Осиёда геосиёсий рақобат: Ўзбекистон ташқи сиёсатининг трансформацияси. – Т.: Фан, 2022. – 192 б.

13. Син Ли., Чэнсин Ван. Стратегия энергетической безопасности Китая в Центральной Азии // Сравнительная политика и геополитика. - М.: №2, 2013. - С. 50-59.

14. Таджиев Ш.Ш. Центральная Азия в условиях трансформации мирового порядка: методологические и концептуальные подходы. Монография. – Т.: Complex Print, 2023. – 468 с.

15. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. - Т.: Фан. 2007. - 171 с.

16. Шарипов Д. Халқаро муносабатларда кучлар мувозанати: Ўзбекистон ва етакчи геосиёсий акторлар. – Т.: ТИВ нашриёти, 2021. – 224 б.

17. Blank, S. U.S. Policy and Central Asia: Balancing Interests. – Carlisle: Strategic Studies Institute, 2020. – 90 p.
18. Hunter, S.T. Strategic Developments in Eurasia after 9/11. – London: Routledge, 2014. – 360 p.
19. Laruelle, M. China's Strategy in Central Asia: New Regionalism. – London: Routledge, 2012. – 198 p.
20. Peyrouse, S. The Influence of External Actors in Central Asia: Competition and Cooperation. – Brussels: EUCAM, 2013. – 32 p.
21. Starr, F. Central Asia in the Global Power Arena. – Washington: Johns Hopkins SAIS, 2015. – 60 p.
22. Trenin, D. Central Asia Between Moscow and Beijing. – Washington: Carnegie Endowment for International Peace, 2019. – 45 p.
23. Ulugbek A. Khasanov. Central Asia: Tackling new challenges. LAP Lambert Academic Publishing. London, 2023 – 396 p.

## **7. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ: РИВОЖЛАНИШ САЛОҲИЯТИ, МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ**

### **Кириш**

**7.1. Марказий Осиё мамлакатларининг умумий иқтисодий жиҳатлари**

**7.2. Қирғизистон иқтисодиёти**

**7.3. Қозоғистон иқтисодиёти**

**7.4. Тожикистон иқтисодиёти**

**7.5. Туркманистон иқтисодиёти**

**7.6. Ўзбекистон иқтисодиёти**

### **Хулоса**

### **Кириш**

Марказий Осиё Европа ва Осиё қитъалари кесишувида жойлашган стратегик аҳамиятга ва бой ресурсларга эга минтақа ҳисобланади. 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритган бешта давлат ўтган йиллар давомида турли траекторияларда ривожланиш йўлини босиб ўтди. Тараққиёт даражасида фарқлар кўзга ташланса-да, улар дуч келган ва келаётган муаммолар, ички ва ташқи омиллар шу даражада бир-бирига ўхшашки, кўпинча бир мамлакатга берилган тавсиф бутун минтақа учун ҳам тегишли бўлиб қолади. Буларга мисол тариқасида мураккаб география, табиий бойликлар, сиёсий ва иқтисодий институтлар, асосий савдо ҳамкорлари тузилмаси кабиларни келтириш мумкин. Шу нуқтаи назардан қуйида Марказий Осиё мамлакатларининг миллий тариққиёт йўллари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар узок муддатли давр кесимида ёритиб берилади.

**7.1. Марказий Осиё мамлакатларининг умумий иқтисодий жиҳатлари**

*Умумий тарих.* Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг бугунги ҳолатга келишида Совет Иттифоқида амал қилган иқтисодий тизим – режали иқтисодиёт ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мустақиллик даври тарих нуқтаи назаридан кичик бир эпизод бўлиб кўринса-да, 1991 йил беш қўшни республика учун туб бурилиш имкониятини тақдим этди. Маъмурий буйруқбозликка асосланган ва марказдан бошқариладиган тизим тугатилиб, ўрнига бозор иқтисодиёти модели танланди ва ўхшаш ислохотлар амалга оширилди.

Иттифоқда “миллий иқтисодиёт” жумласи ўрнига “халқ хўжалиги” ишлатилар, уни бошқаришда эса “Госплан” (Давлат режалаштириш қўмитаси) монополияси ўрнатилган. Унинг асосий вазифаси 5 йиллик ва йиллик режаларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилиши устидан назорат қилишдан иборат эди. Ҳозирда нима, қандай ва ким учун ишлаб чиқаришни бозордан келиб чиқиб тадбиркорларнинг ўзлари

белгиласалар, Иттифоқ даврида бу ишлар Госплан томонидан амалга оширилган. Табиийки, миллионлаб корхоналар учун аниқ ва самарали режалар ишлаб чиқиш, айнаи вақтда ички ва ташқи омилларни инобатга олиш имконсиз вазифа ҳисобланади. Бу ҳолат Госплан фаолиятида яққол кўзга ташланди: ташкилотда 2 млндан ортиқ таҳлилчилар ишлашига қарамай, саноат ишлаб чиқариши замон талабларига тез мослаша олмади, қаттиқ ҳисобдорлик сабабли статистик маълумотлар ошириб ёки тушириб кўрсатилди, талаб ва сифат ўрнига режанинг бажарилиши бош мақсадга айланди, бюрократия ва расмиятчилик ҳақиқий рағбатларни ўлдириб, самарасизликка олиб келди.

Парчаланишдан аввал Иттифоқ иқтисодийёти ягона марказлашган механизмни ифода этиб, умумсовет меҳнат тақсимотига асосланарди. Яъни, барча республикалар бир-бирига тузилмавий ва функционал жиҳатдан чуқур боғлиқ эди. Бир мамлакат ҳудудида ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжири яратилишига йўл қўйилмаган бўлиб, бу маҳаллий корхоналар учун мустақил фаолият юритиш имкониятини йўққа чиқарган. Масалан, Ўзбекистон ва Туркменистон углеводород ресурсларига бой бўлса-да, уларни қайта ишлаш кўпинча Россия ёки Украинада амалга оширилган. Тожикистон йирик гидроэнергетик потенциалга эгаллигига қарамай, электр энергияси таъминоти Сибир ёки Қозоғистон ҳисобидан таъминланган.

Иттифоқ даврида саноатни жойлаштиришда Россия, Украина, Беларус ва Болтиқбўйи мамлакатларига устуворлик берилган. Шу сабабли, тайёр маҳсулотларнинг асосий қисми, ҳатто оммавий истеъмол товарлари ҳам ушбу мамлакатлардан келтирилган. Марказий Осиё эса умумсовет меҳнат тақсимотида хом ашё етказиб беришга ихтисослашган.

Марказий Осиё мамлакатлари нисбатан периферик минтақада жойлашган бўлиб, бу омил иқтисодийётнинг таркибини белгилашда катта роль ўйнаган. Аксарият тайёр маҳсулот яратувчи завод ва фабрикалар Иттифоқнинг Европа ва унга ёндош ҳудудларида қурилган, марказдан узоқлашган сари эса заводлар сони камайиб борган. Мазкур принцип ишлаши оқибатида энг чекка республикалар ҳисобланган Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда саноат корхоналари ўта сийрак жойлаштирилди.

Иттифоқ республикаларининг мутлақ ўзаро боғлиқлиги сабабли, СССР қулагач, саноат ишлаб чиқариши бутунлай тўхтаб қолди, аҳоли фаровонлиги кескин ёмонлашди. Бундай кескин ва мавҳумий шароитларда қўрилган чоралар эса мамлакатларнинг кейинги ривожланиш йўлини белгилаб берди.

Мустақилликка эришгач, илк таркибий ислоҳотлар бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилди. Социалистик тизимда барча мулк давлатники ҳисобланса, бозор иқтисодийётининг энг асосий белгиси хусусий мулкнинг устуворлигида кўринади. Шу сабабли, минтақа давлатлари дастлабки ислоҳотларни давлат мулкни

хусусийлаштиришдан бошладилар. 1991-2000 йилларда хусусийлаштиришнинг биринчи тўлқини юз берди. Қозоғистонда бу жараён энг фаол тарзда кечиб, баъзи йирик давлат активларигача хусусий кўлларга топширилган бўлса, Туркманистонда фақатгина кичик объектлар билан чекланди. Қирғизистонда хусусийлаштириш жараёни фаол, лекин нисбатан тартибсиз олиб борилди ва асосан сиёсий ҳокимиятга боғлиқ бўлиб қолди. Натижада хусусийлаштирилган объектлар тақдири бир неча мартагача қайта кўриб чиқилди. Тожикистонда 1992-1997 йиллардаги фуқаролар уруши нафақат хусусийлаштириш жараёнини, балки бошқа ислохотларни ҳам тўхтатиб қўйди. Кейинги даврда амалга оширилган ишларга қарамай, иқтисодиётда давлатнинг етакчи роли сақланиб қолди. Ўзбекистонда ҳам хусусийлаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилди, бироқ аксарият йирик корхоналар давлат тасарруфида қолди.

Умуман олганда, 30 йилдан ортиқ бўлган хусусийлаштириш тарихи шуни кўрсатдики, Марказий Осиё мамлакатлари хусусийлаштириш жараёнида ўхшаш хатоларга йўл қўйдилар ва бу асосан хусусийлаштириш тажрибаси етишмаслиги билан изоҳланади. 2020 йилларга бориб Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда муайян даражада тажриба шаклланди ва хусусийлаштиришнинг яна бир янги тўлқини пайдо бўлди. Эндиликда улар жараёнларни энг илғор ахборот ва молиявий технологиялар, корпоратив маданият ва бошқарув қоидалари асосида ташкил эта бошладилар. Шундай бўлса-да, ислохотларнинг самарадорлиги асосий бўғин – иқтисодий институтларнинг сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

*Умумий география.* Марказий Осиёни географик жиҳатдан тўлақонли иқтисодий макон деб тавсифлаш мумкин. Мамлакатлар бир-бирини шу қадар тўлдирадик, улардан бирортаси ўз иқтисодий ёки табиий-географик потенциалини суиистеъмом қилишга қодир эмас. Тожикистон ва Қирғизистон чучук сув ресурсларининг асосий манбаси ҳисобланса, Қозоғистон ва Туркманистон энергия ресурслари бўйича дунё етакчиларидандир. Демографик потенциал, транспорт-логистика имкониятлари, барча қўшнилари билан яқин савдо алоқалари эса Ўзбекистонни том маънода Марказий Осиёнинг иқтисодий марказига айлантиради. Минтақа давлатларида очиқ денгизга чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу эса Европа, Шимолий Америка ва Шарқий Осиёдаги йирик бозорларга кириб бориш учун юқори транспорт ва вақт харажатлари кўринишидаги тўсиқлар яратади. Шундай экан минтақа тайёр маҳсулотлар савдосида яқин қўшилари (МДҲ мамлакатлари, Эрон ва б.) ва ўзининг ички талабига таянишга мажбур.

Минтақанинг яна бир умумий жиҳати бу қишлоқ хўжалиги учун қулай иқлимдир. Шу сабабли, Марказий Осиё узоқ даврлардан бери озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаб келмоқда. Бироқ сув ресурсларининг қисқариб, чўлланишнинг ортиб бориши минтақа иқтисодиёти ва

ижтимоий ҳаёти учун жиддий таҳдидлари юзага келтирмоқда. Сув танқислиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини ҳал қилишга бўлган объектив зарурият келгусида минтақада иқтисодий интеграция юзага келишига туртки берувчи омил сифатида кўрилмоқда.

*Замонавий умумийликлар.* Бугунги кунга келиб Марказий Осиё мамлакатларини бирлаштириб турувчи асосий тенденцияларга давлатнинг иқтисодиётдаги сезиларли роли, ресурслар экспортига боғлиқлик ва чекланган технологик мустақилликни киритиш мумкин.

Минтақа республикаларида давлат ўзини бош ислохотчи ва иқтисодиётнинг локомотиви сифатида кўради. Совет Иттифоқидаги гуманитар қарашлар ва мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликлар сабабли ҳукуматлар ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратдилар. Шу сабабли хусусийлаштириш жараёни энг муҳим товарларга нархларнинг ошиши ва фаровонликнинг камайиши билан ёнма-ён талқин қилина бошлади. Бунинг амалий ифодаси сифатида транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти ва ирригация тизимлари, электр энергияси, фойдали қазилмаларни қазиб олиш каби тармоқларда давлатнинг мутлақ ёки етакчи роли сақлаб қолинди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ушбу секторларни ҳам хусусийлаштириш ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, бу узоқ ва масъулиятли йўлни тақозо этади.

Кўп манбаларда Марказий Осиёнинг ер ости бойликларини тавсифлашда “Менделеев жадвалидаги элементларнинг барчаси мавжуд” жумласидан фойдаланилади. Табиий бойликлар, бир томондан, барқарор валюта тушуми, иқтисодий ўсиш ва давлат бюджетини тўлдириш воситаси сифатида қаралса, бошқа томондан, узоқ муддатли даврда миллий иқтисодиёт учун жиддий рискларни ҳам юзага келтириши мумкин. Фанда бу ҳолат “ресурслар лаънати”, “мўллик парадокси”, “голланд касаллиги” терминлари билан изоҳланади. Яъни, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда табиий ресурслар экспортига жиддий боғланиб қолиш оқибатида технологик жиҳатдан ортда қолиш кузатилади, миллий валютанинг алмашув курси ресурсларнинг жаҳон бозоридаги нархига боғлиқ бўлиб қолади. Марказий Осиёда ҳам бу ҳолатлар муайян даражада кўзга ташланади.

## **7.2. Қирғизистон иқтисодиёти**

Қирғизистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида мустақилликка эришгандан сўнг энг чуқур иқтисодий инқирозга дуч келган мамлакат ҳисобланади. Совет Иттифоқи даврида Қирғизистон қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, чорвачилик ва пахтачилик устувор тармоқлар ҳисобланган. Саноатлаштириш жараёнида эса мамлакатда тоғ-кон, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланди. Бироқ мустақилликка эришилгач, ишлаб чиқариш занжирининг йўқ бўлиб кетгани сабабли мамлакатда саноат инқирози кузатилди. Хусусан, 1990-2001 йилларда Қирғизистон ЯИМи 10,35 баравар қисқарди (Ўзбекистон

3,45 баравар) ва бу МДХ маконидаги энг йирик кўрсаткич сифатида қайд этилди.

2000-йиллардан мамлакатда иқтисодий ҳолат яхшилана бошлади. Бу ҳолатни кўпроқ иқтисодиётнинг табиий қонуниятлари билан изоҳлаш мумкин. Яъни, бошқа омиллар ўзгармаган ҳолатда иқтисодиёт ўзини-ўзи даволайди ёки бошқача айтганда, цикллар назариясига мувофиқ инқироз давридан сўнг албатта тикланиш жараёни бошланади. Қирғизистонда эса ҳукумат томонидан амалга оширилган бозор ислохотлар мамлакатдаги тикланиш жараёнига қўшимча импульс берди. Асосий ислохотларга солиқ тизимининг ихчамлаштирилиши, хусусийлаштириш (2010 йилгача 70% давлат активи сотилган), қишлоқ хўжалигида ерларни хусусий қўлларга топшириш ва халқаро молия ташкилотлари билан алоқаларнинг кучайтирилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунга қарамай, деиндустриализация оқибатида юзага келган ишсизлик янги ва узоқ муддатли муаммо – йирик ҳажмдаги ташқи меҳнат миграциясини юзага келтирди. Натижада мамлакат ЯИМнинг қарийб 1/3 қисми фуқароларнинг хориждан юборадиган маблағларига боғлиқ бўлиб қолди.

2010-йилларнинг бошида яққол сезилдики, иқтисодий ўсиш нафақат ташқи меҳнат миграцияси, балки “Қумтор” олтин кони билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бир томондан, 2012 йилда кон ҳудудидаги муз қатламларининг силжиши ва ер қимирлашлари сонининг ортиши сабабли ишлаб чиқаришнинг вақтинча тўхтатилиши, бошқа томондан конни бошқарувчи “Centerra Gold” компанияси (Канада) билан келишмовчиликлар сабабли инвестицион имижга жиддий зарар етиши шу йили миллий иқтисодиётнинг ўсишига йўл қўймади. 2013 йилда конда ишлаб чиқариш ишлари тиклангач, иқтисодиёт олдинги йилдаги йўқотишни ҳам компенсация қилиб 10,9% га ўсди. 2015 йилда Қирғизистон Евроосиё иқтисодий иттифоқига (ЕИИ) аъзо бўлди, бу ташқи савдо ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатди. Меҳнат миграциясидаги тушумлар барқарорлигида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Коронавирус пандемиясидан сўнг эса мамлакат ўзининг географик устунлигини ишга сола бошлади. Маълумки, Қирғизистон Хитойга қўшни мамлакат сифатида айна дамда ЕИИга аъзо давлат ҳам ҳисобланади. 2022-2023 йилларда автомобиллар импорти 4,5 баравар ўсиб, 190 минггага ёки 2,7 млрд долларга етди. Бунинг асосий сабаби қулай логистика ва соддалаштирилган божхона тартиб-қоидалари бўлиб, мазкур ҳолат мамлакатни ЕИИнинг бошқа мамлакатларига (асосан Россияга) автомобиллар импорт қилишда катта ҳабга айлантирган. Бироқ бу тенденция кўпга чўзилмади. Россия ва Қозоғистон чет элда ишлаб чиқарилган автомобилларга турли чеклов ва йиғимлар жорий қилиш орқали ушбу жараённи секинлаштирди. Шу ва бошқа сабабларга кўра 2024 йилда Чуй вилоятида Ўзбекистоннинг “UzAuto Motors” компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона (“Tulpar Motors”) ташкил этилди.

Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қирғизистон иқтисодиётини яққол ажратиб турувчи муҳим бир омил бу сиёсий жараёнларнинг иқтисодий муҳитга таъсиридир. 2005, 2010 ва 2020 йилларда содир бўлган давлат тўнтаришлари ва сиёсий инқирозлар оқибатида бизнес ва инвестиция муҳити жиддий зарар кўрди, иқтисодий ўсиш секинлашди, аҳоли фаровонлиги камайди. Мазкур воқеаларни бирлаштириб турувчи яна бир жиҳат мулкнинг қайта тақсимланишидир. Сиёсий ўзгаришлар сабабли ҳокимиятга келган гуруҳ ўзидан олдингисига оид мулкларни миллийлаштириш ёки олиб қўйиш билан шуғулланди. Оқибатда мамлакатга узоқ муддатли инвестиция киритиш rischi ортиб кетди, капитални хорижга олиб чиқиб кетишга мотивлар кўпайди, яширин иқтисодиёт авж олди.

2021 йилда Қирғизистон бошқарув шакли парламентар республикадан президентлик республикасига ўзгарди (олдинги ўзгариш 2010 йилда содир бўлганди). Сайланган президент С. Жапаров сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун жиддий ислохотларни амалга оширди. Ҳозирги кунда Қирғизистон ЕИИ мамлакатлари орасида энг юқори ўсиш суръатларини намоён этмоқда. 2024 йилда ЯИМ 9% га, саноат ишлаб чиқариши 5,5% га, қишлоқ хўжалиги 6,3% га ўсган. Молиявий барқарорлик ҳолати ҳам анча яхшиланиб, инфляция даражаси 6-7% лик коридорга қайтди. Давлат бюджетининг 2009 йилдан бери давом этиб келаётган сурункали тақчиллигига ҳам барҳам берилиб, 2023 ва 2024 йилларда профицит билан бажарилди.

Бундан кўринадики, Қирғизистон иқтисодиётида улкан ўсиш салоҳияти мавжуд бўлиб, ундан тўлақонли фойдаланиш учун сиёсий барқарорлик шароитида бирламчи шароит ҳисобланади.

### **7.3. Қозоғистон иқтисодиёти**

Қозоғистон иқтисодиёти Марказий Осиёнинг энг йирик иқтисодиёти ҳисобланади доимо қазилма бойликларга асослангани билан тавсифлаб келинади. Дарҳақиқат мамлакат ЯИМнинг 20% га яқини ва экспортнинг 60% дан ортиғи айнан қазиб олувчи саноат (айниқса нефть) ҳиссасига тўғри келади. Қозоғистон нефть экспорти бўйича дунёда 9-ўринда туради ва шунинг учун ҳам жаҳон бозорида нефть нархининг ўзгариши иқтисодий ўсишга бевосита таъсир қилади. Масалан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги тикланиш даврида, яъни 2011-2013 йилларда нефть нархи йилига ўртача 110 долларни ташкил этиб (бунгача 60-70 долл. эди), қозоқ ЯИМни 149 млрд.дан 236 млрд долларгача кўтариб юборди. 2015-2016 йилларда нарх 43 долларгача қулади. Оқибатда Қозоғистон ялпи ички маҳсулоти ҳам 138 млрд долл.гача қисқариб кетди.

Қайд этиш жоизки, мустақилликка эришилган 1991 йилда ҳам Қозоғистон Марказий Осиё республикалари орасида энг катта ЯИМга эга иқтисодиёт эди:

**Марказий Осиё давлатлари ЯИМ 1991 ва 2024 йилларда**  
(млрд долларда)<sup>1</sup>

№	Мамлакат	1991 йил	2024 йил	Ўсиш (марта)
1	Қозоғистон	24,9	288,0	11,6
2	Қирғизистон	2,5	17,5	7,0
3	Тожикистон	2,5	14,2	5,7
4	Туркменистон	3,2	64,7	20,2
5	Ўзбекистон	13,2	115,0	8,7

Иқтисодий тараққиёт даражасини солиштиришда ҳеч нарса тарихий статистиканинг ўрнини боса олмайди. 2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, нефть ва газ экспортига ихтисослашган мамлакатлар энг кўп ўсиш суръатларини кўрсата олган. Бунда олинган 34 йиллик даврда қазиб олиш ҳажми ва жаҳон бозорида нефть нархининг<sup>2</sup> каррасига ошганини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Миллий валюталарнинг кучсизлиги шароитида углеводородлар экспортидан тушумлар ушбу давлатлар учун сув ва ҳаводек зарур бўлгани, бошқа давлатларда эса бундай имконият деярли бўлмагани ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлардан биридир.

Мустақиллик йилларининг бошида Қозоғистонда дахшатли гиперинфляция кузатилди: 1992 йилда инфляция даражаси 2500% ни ташкил қилди. 1993 йил 15 ноябрда миллий валюта – тенге муомаллага киритилган вақтда ҳам инфляцион босим (ойига ўртача 30%) ўта юқори эди ва шунинг учун ҳам ҳукумат асосий эътиборни нархларни барқарорлаштиришга қаратди. Натижада 1995 йилга келиб йиллик инфляция 60% гача қисқарди.

Марказий Осиёнинг қолган мамлакатларида бўлгани каби 2000-йилларнинг бошидан иқтисодий ўсиш тиклана бошлади. Бунга айниқса нефть нархининг 5 бараваргача ошгани қўшимча импульс берди. Нефть экспортига боғлиқлик rischi 2007-2008 йиллардаги глобал инқироз фонида ўзини кўрсатди: 9-13% лик суръат билан ўсиб келаётган иқтисодиёт 2008 ва 2009 йилларда 1-3% га ўса олди холос. Бироқ юқорида таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиёти ва унга параллел равишда нефть нархининг тикланиши билан ўсиш суръатлари ҳам олдинги даражасига қайта олди.

2014 йилдан нефть нархи туша бошлагач, қозоқ иқтисодиётида ҳам ўсиш суръатлари анча камайди. Аммо, бу жараёнда кўзда тутилмаган бир омил миллий иқтисодиётга янги ўсиш манбаларини тақдим эта бошлади. У ҳам бўлса ички истеъмол бозорининг катталашиб

<sup>1</sup> Жаҳон банки маълумотлари // (data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD)

<sup>2</sup> 1991 йилда нефть (BRENT) нархи ўртача 20 долларни ташкил қилган.

кетгани эди. Гап шундаки, 2014 йилгача жадал ўсиш даврида аҳоли даромадлари ҳам кескин ўсиб (йилига 11% дан), харид қобилияти ортиб кетган эди. Экспорт босимга учрагач, йирик ички бозор ўзини кўрсатди ва иқтисодий ўсишнинг янги драйверига айланди.

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги вақтларда Қозоғистон иқтисодиёти ўсишнинг углеводород ресурслари экспортига боғлиқлик даражаси анча камайган. Бой аҳоли томонидан яратилган йирик ички истеъмол бозоридан ташқари, бу натижага эришишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл ҳосили ва жаҳон бозорида нархларнинг ўсиши, 2015 йилда ЕИИга аъзоликдан сўнг рус инвестициялари оқимининг ортиши ҳам ўз ҳиссасини кўшган. 2016 йилда Каспий денгизининг шимолида “Кашаган” мега-конида нефть-газ конденсатининг қазиб олина бошлаши эса нефть нархидаги тушишни миқдор билан компенсация қилиш имкониятини берди.

Нефть ҳақида гап кетганда, нефтни қазиб олувчи компанияларнинг кимга тегишли экани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Давлат нефтегаз секторида иштирок этиш учун “КазМунайГаз” миллий компаниясини ташкил этган бўлиб, қазиб олувчи энг йирик компанияларда унинг улуши қуйидагича (2025 йил 1 июль ҳолатига):

- “Тенгизшевройл” да – 20%;
- “Карачаганак Петролеум Оперейтинг” да – 10%;
- “Норт Каспиан Оперейтинг Компани Н.В.” (Кашаган) да – 16,9%.

Мазкур 3 компания ҳиссасига жами нефть-газ қазиб олишнинг қарийб 70% тўғри келади.

Табиийки, миллий бойликларда чет элликларнинг улуши 80%ни ташкил қилиши ҳукуматга аҳоли томонидан жиддий саволлар берилишига олиб келган. Шу сабабли, сўнгги йилларда ҳукумат соҳада жиддий ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2023 йилда янги йирик нефть-газ конлари лойиҳаларида миллий компаниянинг улуши 50% дан кам бўлмаслиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирда юқоридаги 3 компанияда қозоғистонлик ишчиларнинг учун 96%га етади. Шунингдек, соҳада 2000 дан ортиқ хизмат кўрсатувчи маҳаллий компаниялар мавжуд бўлиб, уларда 200 мингдан ортиқ ишчилар меҳнат қилади.

Нефть ва газга бой мамлакатлар одатда эҳтиёждан ортган маблағларни суверен фаровонлик фондларида (рус тилида – фонд национального благосостояния, инглиз тилида – sovereign wealth fund) жамлаб борадилар ва орқали энг муҳим миллий лойиҳаларни молиялаштирадилар. Қозоғистонда ҳам 2003 йилда “Самўрық-Қазына” (ўзбек тилида – семурғ хазинаси) инвестицион холдинг компанияси ташкил этилиб, унга давлат компанияларининг барча акциялар пакети тақдим этилди. 2024 йилнинг охирида унинг тасарруфидаги давлат активлари 80 млрд долларни ташкил қилган эди. Асосий мақсади давлат активларини самарали бошқариш бўлса-да, фонд давлат бюджетини

қўллаб-қувватлаш ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш била ҳам фаол шуғулланади. Ҳозирги вақтда “Самўрық-Қазына” ўз тасарруфидаги активларни хусусийлаштириш ишларини олиб бормоқда.

2013 йилда ҳукумат “Байтерек” миллий бошқарув холдинг компаниясини ташкил этди. Миссияси мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва улушли молиялаштириш экотизимини ривожлантиришдан иборат. 2025 йилда компаниянинг активлари 15,5 млрд долларга баҳоланган. Холдинг ўз ичига 7 та шўбани олади:

1. Қозоғистон тараққиёт банки.
2. Отбасы банки.
3. “Даму” тадбиркорликни ривожлантириш фонди.
4. Қозоғистон уй-жой компанияси.
5. Қозоғистон экспортни кредитлар агентлиги.
6. Қозоғистон инвестиция корпорацияси.
7. Аграр кредит корпорацияси.

Ушбу компаниялар фаолияти натижасида Қозоғистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ёки уни кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратилган. Таъкидлаш лозимки, “Байтерек”нинг фаолияти кичик ва ўрта бизнес вакилларига имтиёзли шартларда маблағ ажратиш билан чекланиб қолмайди. Уни кўпроқ бизнес ва давлат ўртасидаги воситаси сифатида кўриш мақсадга мувофиқ. Маблағга эҳтиёжмандлар “Байтерек” орқали давлатнинг йирик капиталига йўл топса, бошқа томондан холдинг тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ва жорий қилади, технопарк ва саноат зоналари ташкил этади, инновацияларни қўллаб-қувватлайди.

Қозоғистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи қишлоқ хўжалигидир. Жами қишлоқ хўжалиги ерлари 846 минг км<sup>2</sup>ни, шундан ҳайдаладиган ерлар 205 минг ҳамда ўтлоқ ва яйловлар 611 минг км<sup>2</sup>ни ташкил қилади (Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 20, 4 ва 11 минг км<sup>2</sup>дан иборат). 1980 йилларда мамлакат қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш ва чорвачиликка ихтисослашган бўлса, 1991-2012 йилларда ҳукумат соҳани диверсификация қила олди. Эндиликда ёғли ўсимликлар, картошка, сабзавотлар ва дуккакли экинлар ҳам асосий маҳсулот турига айланиб, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, мазкур диверсификация натижасида ўсимлик ёғи билан билан таъминланганлик даражаси 130% дан ошди. Агротехнологиялар ҳисобига мевачилик ва буғдойчиликда ҳосилдорлик ошиб, экспорт имкониятларини тақдим этди.

Одатда Марказий Осиё минтақаси Осиё ва Европа ўртасидаги “кўприк” сифатида баҳоланади ва бу орқали унинг улкан транспорт имкониятлари тилга олинади. Бироқ ушбу “кўприк”нинг 80% қисми Қозоғистондан ўтади. Ҳозирда қозоқ иқтисодиётининг 6-7% транспорт-логистика хизматлари ҳисобига шаклланади ва 2024 йилги кўрсаткичлар

бўйича соҳада яратилган қўшилган қиймат 18 млрд доллардан ортган. Мамлакат ҳудудининг катталигига мос равишда темир ва автомобиль йўллари тармоғи ҳам минтақада энг йириги саналади. Темир йўллар узунлиги 21 минг, автойўллар – 95 минг км.ни ташкил қилади (Ўзбекистонда мос равишда 6 ва 43 минг км).

Ҳукумат узоқ йиллардан бери транспорт хизматлари экспортини ўстиришга алоҳида эътибор қаратиб келади. Сўнгги йилларда шу ва ёндош мақсадларда йўналтирилган инвестициялар миқдори 7 млрд доллардан ортди. Географик жиҳатдан “кўприк”нинг Қозоғистонда жойлашгани ҳамда ривожланган инфратузилма шароитида Хитой ва Европа ўртасидаги темир йўл юк айланмаси тўлиғича ушбу республика ҳудудидан ўтади. Шунингдек, Ўзбекистонга Шарқий Осиёдан келтириладиган темир йўл юклари ҳам айнан Қозоғистон орқали кириб келади. Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси амалга оширилгач, Ўзбекистоннинг транспорт каналлари диверсификация қилиниб, экспорт салоҳияти ортади.

Россия иқтисодиётига чамбарчас боғлиқлик Қозоғистоннинг муҳим хусусиятларидан биридир. Мазкур боғлиқликни таркибий боғлиқлик деб ҳам тавсифлаш мумкин. Уртача кўрсаткичларга кўра Россия билан савдо Қозоғистон ташқи савдо айланмасининг 20% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич импортда 28-30%, экспортда 10-12% атрофида. 2024 йилда икки давлат ўртасидаги савдо 28 млрд долларга етган. Импортга катта боғлиқлик ва иқтисодий ҳамкорликнинг юқори даражаси шароитида тенге ва рубль ўртасида кучли корреляцион боғ шаклланган. Яъни, рублнинг кучайиши вақт оралиғи билан тенгенинг ҳам кучайишига олиб келади.

Умуман олганда, Қозоғистон иқтисодиёти барқарор ўсиш динамикасини кўрсатмоқда. Бироқ нефть ва газ секторига кучли боғлиқлик, инфляция босим, иккиламчи санкциялар эҳтимоли ва институционал муаммолар узоқ ва ўрта муддатли даврда асосий рисклар бўлиб қолади.

#### **7.4. Тожикистон иқтисодиёти**

Марказий Осиё мамлакатлари орасида аксарият макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича энг қуйи натижалар Тожикистонга тегишли. Бундай бўлишининг тарихий ва географик сабаблари бор. Совет Иттифоқининг периферияси ҳисобланган ушбу мамлакатга саноат энг кеч кириб келди, тоғли ландшафт сабабли транспорт инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалиги ривож чекланди, аҳоли сони камлиги ва бошқа омилларга кўра университетлар кам қурилди.

Мустақилликка эришгач минтақанинг қолган мамлакатлари сингари кескин гиперинфляция жараёнларини бошдан кечирди. 1992-1997 йилларда бўлиб ўтган фуқаролар уруши республика иқтисодиётини том маънода издан чиқариб юборди. Мавжуд инфратузилма объектлари вайрон қилинди, инвестициялар тўхтаб қолди,

аҳоли гуманитар инқироз шароитига тушиб қолди. Айнан уруш ва инқироз сабабли юз минглаб инсонлар миграция йўлини танлашга мажбур бўлди. Улар орасида рус ва бошқа миллатларга мансуб малакали мутахассислар катта улушни ташкил қилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётининг меҳнат мигрантлари пул ўтказмаларига кучли боғлиқлигининг (30-40%) туб илдизлари мазкур даврга бориб тақалади.

Фуқаролар урушининг иқтисодий оқибатларини статистик маълумотлардан-да яхшироқ тавсифловчи восита йўқ. 1997 йилда мамлакат ЯИМ 1991 йилга нисбатан 60% га қисқариб кетган эди. 1993 йилда инфляция даражаси 2600% ни, 1994-1996 йилларда эса ўртача 500% ни ташкил қилган. Уруш ва гиперинфляция молиявий соҳадаги ислоҳотларни ҳам тўхтатиб қўйди. Хусусан, миллий валюта – сомони фақатгина 2000 йилнинг охирига келиб муомалага киритилди. Бозор ислоҳотлари ҳам кўпроқ шу даврда амалга оширила бошлаган.

Тожикистоннинг табиий географик хусусиятлари мамлакатда транспорт тармоғининг нормал ривожланишига энг катта тўсиқ саналади. Темир йўллар тармоғи бор-йўғи 678 км.ни ташкил қилади ва шунга қарамай жами экспорт-импорт юklarининг 50 фоизи айнан темир йўл транспорти ҳиссасига тўғри келади. Бу транспорт турини ривожлантириш шимолдан Ўзбекистонга ўта боғлиқ саналади. Хусусан, 2011 йилда икки мамлакат ўртасида муносабатларнинг кескинлашуви фонида “Тожикистон темир йўллари” учун Ўзбекистон ҳудудидан (Сурхондарё вилояти) транзит мақсадида фойдаланиш имконияти чекланди. Шундан сўнг ҳукумат томонидан Ўзбекистонни айланиб ўтувчи йўллар тармоғини қуриш ишлари жадаллаштириб юборилди. Ўзбек-тожик муносабатлари қайта тикланиб, яқин қўшничилик алоқалари йўлга қўйилгач 2018 йилдан Сурхондарё вилояти орқали транзит ҳам қайта йўлга қўйилди. Ҳозирда расмий Душанбе олдидаги энг муҳим иқтисодий лойиҳалардан бири Қирғизистон орқали Хитой билан боғловчи темир йўл линиясини қуриш ҳисобланади.

Тожикистон иқтисодиёти ҳақида гап кетганда унинг энергетика тизимига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Мамлакат деярли тўлиқ гидроэнергетикага боғлиқ бўлиб, ГЭСлар ҳиссасига жами генерация қилинган электрнинг 90-95% тўғри келади<sup>1</sup>. Потенциал гидроэнергетик захиралар йилига 500 млрд кВт/соатдан ортади ва бу кўрсаткич бўйича у дунёда саккизинчи, Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Шундан техник жиҳатдан фойдаланиш мумкин бўлгани 200 млрд кВт/соатни ташкил қилса-да, амалда ушбу ҳажмнинг 7-8 фоизи фойдаланилмоқда<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу кўрсаткич бўйича Тожикистон тоза энергетика бўйича дунё етакчиларидан бири ҳисобланади.

<sup>2</sup> Қиёслаш учун: Ўзбекистонда йиллик электр энергияси истеъмоли 80-90 млрд кВт/соатни ташкил қилади.



**1-расм. Тожикистон темир йўллари схемаси (қизил рангда – лойиҳалаштирилган йўллар)**

Гидроэнергетик потенциалнинг асосий қисми Вахш, Панж ва Зарафшон дарёлари ўзанида жойлашган. Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган (қуввати 3000 МВт) ва 1979 йилда тўлақонли ишга туширилган Нурек ГЭСи ҳам айнан Вахш дарёсидан сув олади. Ҳозирда қурилиш ишлари давом этаётган мега-лойиҳа – Роғун ГЭСи (лойиҳа қуввати 3780 МВт) ҳам Вахш оқимида жойлашган бўлиб, минтақада баъзи хавотирларга сабаб бўлган. Биринчидан, кўпгина мутахассислар плотиналарнинг<sup>1</sup> тошли туз билан тўлган ёриқ устига қурилаётганини танқид қилсалар, Ўзбекистон томони ГЭС Вахш сувини тўсиб қўйиши ва оқибатда Амударё оқими пасайиб кетиб, мамлакатда озик-овқат, сув ва экологик таҳдидларни юзага келтиришини асос қилиб кўрсатган ҳолда лойиҳага қаршилиқ қилган. 2018 йилда расмий Тошкент лойиҳага нисбатан муносабатини ижобий томонга ўзгартириб, Роғун ГЭСи қурилишида иштирок этиш масалалари муҳокама қилинган. Лойиҳа режасига кўра, станциянинг қуриб битказилиши ва тўлиқ қувватга чиқиши 2035 йилга мўлжалланган.

Бироқ гидроэнергетикага боғлиқликнинг ҳам ўзига хос салбий томонлари мавжуд. Ёзда қорлар эриб, сув ҳажмининг ортиши билан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарилади ва истеъмолдан ортиқча энергия ҳосил бўлади. Бу энергия табиий-техник шароитларга кўра 3-5 млрд кВт/соатни ташкил қилиб, Афғонистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонга экспорт қилинади. Қишда эса деярли шунча миқдорда (2,5-4,5 кВт/с) энергия тақчиллиги кузатилади. Вазиятдан чиқиш учун электр

<sup>1</sup> Плотина – оқимни тўсиб, сувнинг кўтарилишига сабаб бўлувчи иншоот, бетон девор.

энергиясига чекловлар киритади, веерли ўчириш<sup>1</sup> ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, электр узатиш тармоқларининг эскилиги ва бошқа тижорий омиллар сабабли йўқотишлар 20% дан ортади ва бу энергосамарадорлик билан боғлиқ ўта жиддий муаммо ҳисобланади.

Тожикистон иқтисодиётига хос яна бир муҳим салбий жиҳат ташқи савдода импортга боғлиқликдир. Сўнги ўн йилликда Марказий Осиёда Қирғизистон ва Тожикистон сурункали равишда манфий ташқи савдо сальдосига<sup>2</sup> эга бўлиб келади. Сальдонинг ЯИМга нисбати импортга боғлиқликни кўрсатувчи энг яхши индикатор ҳисобланиб, у Ўзбекистонда 15-20%, Қирғизистонда 50-60%, Тожикистонда эса 20-30% ни ташкил қилади ва ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Тожикистон экспортининг асосий қисми (60-65%) фойдали қазилмалар, қимматбаҳо металллар, алюминий, пахта толаси ва электр энергияси ташкил қилади ва шунинг учун ҳам жаҳон бозоридаги нархлар ўзгариши миллий иқтисодиётга доимо жиддий таъсир қилади. Шунингдек, экспорт таркибида кам қўшилган қийматли<sup>3</sup> товарлар улуши ўта юқори бўлиб, бу қайта ишлаш саноатининг етарлича ривожланмагани ва иқтисодиётнинг технологик жиҳатдан ортда қолаётганидан дарак беради.

Импортда эса 3 ҳамкор давлат ҳиссасига жамининг 2/3 қисми тўғри келади: Россия – 30-32%, Қозоғистон – 18-20%, Хитой – 16-18%. Ташқи савдода бундай катта боғлиқлик ўзгарувчан геосиёсий жараёнларнинг тожик иқтисодиёти учун доимий рискка айланганини кўрсатади.

Тожикистон иқтисодиёти учун энг катта риск бу ташқи меҳнат миграциясидир. Миграция бир томондан ташқи ўтказмаларга боғлиқлик кўринишидаги рискларни келтириб чиқарса, бошқа томондан йирик имкониятлар манбаси ҳисобланади. Ўртача ҳисоб-китобларга кўра меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15% ёки ҳар етти кишидан бири ишлаш учун хорижга боради. Уларнинг 90% дан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Жами мигрантларнинг 85%ни эркаклар ва қолган 15% ни аёллар ташкил қилиб, улар асосан қуйи малака талаб этиладиган ва шунга мувофиқ кам иш ҳақи тўланадиган касбларда ишлайдилар. Миграцияга

---

<sup>1</sup> Веерли ўчириш (веер – елпиғич) - бу электр энергияси етишмовчилиги юзага келганда ёки электр тармоқлари ортиқча юкламага дуч келганда, аҳоли ёки корхоналар гуруҳларига навбатма-навбат электр таъминотини вақтинча узиб туриш.

<sup>2</sup> Манфий ташқи савдо сальдоси – мамлакатга импортнинг экспортдан кўплиги.

<sup>3</sup> Қўшилган қиймат – тайёр маҳсулот қиймати ва унга сарфланган оралиқ товар (хизмат)лар қиймати ўртасидаги фарқ. Масалан, очиқ маълумотларга кўра iPhone 14 Pro Max (128 GB) смартфонининг сотув нархи 1099 долл. бўлганда, унга сарфланган бутловчи қисмлар ва хизматлар 464 долл.ни ташкил қилган. Яъни, 1 та смартфоннинг қўшилган қиймати – 635 доллар (1099–464) ёки 58%. Пахта толаси экспортида эса вазият жуда жиддий: қўшилган қиймат 1-2% ни ташкил қилади.

умуман, Россия меҳнат бозорига эса хусусан боғлиқлик сўнги йилларда мигрантлар сони ва пул ўтказмаларининг барқарор динамикасини таъминлашда тез-тез қийинчилик келтириб чиқаради. Шундай бўлса-да, миграция тожик иқтисодиётидаги ички муаммолар (ишсизлик, камбағаллик, инфратузилма тақчиллиги)ни ҳал қилиш ва макроиқтисодий барқарорликни (миллий валюта барқарорлиги, давлат бюджети баланси) таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тожикистон 2013 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлган. Бироқ бу кутилган самарани бермади. Экспорт ўсишида тизимлилик кузатилмади, мамлакатга инвестициялар оқими жадаллашмади, кучли халқаро рақобат ва ислохотлар сабабли миллий иқтисодиётда сезиларли модернизация рўй бермади. Бу каби натижанинг юзага келишида аниқ ички сабаблар мавжуд бўлса-да, ташкилотга аъзолик умумий бизнес муҳитининг яхшиланишига ёрдам берди.

2015 йилдан бери эса кун тартибида эса Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиш масаласи туради. Аксарият иқтисодчиларнинг фикрича, ушбу аъзолик ҳозирги кунда Иттифоқнинг ўзи учун ҳам, Тожикистон учун ҳам манфаатли эмас. Масалан, тожикистонлик эксперт П. Чоршанбиевга кўра, ЕОИИ мамлакатлари Тожикистон аъзолигини наркотрафик ва жиноятчиликнинг ўсиш rischi билан боғласалар, расмий Душанбе нуқтаи назарида аъзолик йирик давлат корхоналари Иттифоқ ишлаб чиқарувчилари билан рақобатлашишга тайёр эмас.

Иқтисодий интеграция назарияси эса масалага янада осонроқ тушунтириш беради. Яъни, ривожланган транспорт алоқалари муваффақиятли иттифоқчилик гарови ҳисобланади. Яъни, Иттифоқнинг географик маркази ва Тожикистон ўртасида ЕОИИга аъзо бўлмаган Ўзбекистон жойлашган бўлиб, аъзолик тўғрисида қарор қабул қилишда муҳим омил ҳисобланади. Бошқача айтганда, Тожикистоннинг ЕОИИга аъзолигида бевосита ва билвосита Ўзбекистоннинг роли мавжуд.

Умуман олганда, Тожикистон Марказий Осиёда кўплаб иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича энг қуйи ўринни банд этади. Бироқ мамлакат юзага келаётган муаммоларга қарамай, жадал иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда.

### **7.5. Туркманистон иқтисодиёти**

Туркманистон иқтисодиётининг сўнги юз йилликдаги тарихи Ўзбекистонникига жуда ўхшаш. Совет Иттифоқи даврида мамлакат пахта хом ашёсини етказиб беришга ихтисослаштирилди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнги саноатлаштириш даврида эса асосан йирик нефть ва газни қазиб олиб, бирламчи қайта ишловчи корхоналар барпо этилди. Бироқ ушбу табиий бойликларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласи Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида амалга оширилди.

1980-йилларда табиий газни қазиб олиш ўзининг энг юқори чўққисига эришди – 80 млрд м<sup>3</sup>дан ортиқ. Бу ҳажмнинг катта қисми (75%) СССРнинг ғарбий ва шимолий ҳудудларига (Украина, Беларусь, Грузия, Арманистон). Туркман газининг муҳим хусусияти унинг таркибида метаннинг улуши ўта юқори (98-99%) эканлигида бўлиб, бу ўта юқори сифат белгиси ҳисобланади.

Мамлакат табиий газ захиралари (14 трлн м<sup>3</sup>)<sup>1</sup> бўйича дунёда Россия, Эрон ва Қатардан сўнг тўртинчи ўринда туради. Ҳозирда йилига ўртача 80 млрд м<sup>3</sup> табиий газ қазиб олинмоқда. Мамлакатда электр энергиясининг 99% иссиқлик электр станцияларида табиий газ ёқиш орқали генерация қилинади.

Туркменистон иқтисодиётини тавсифлашда табиий газга бунча эътибор қаратилиши бежиз эмас. Табиий газ саноати мамлакат ЯИМнинг 15-20%ни, экспортнинг 80% дан ортиғини ташкил қилади. Шу сабабли жаҳон бозорида табиий газ нархининг ўзгариши билвосита бўлса-да, иқтисодий кўрсаткичларни остин-устан қилиб юбориши мумкин. Масалан, 2014 йилда нархлар камида 30% га қулаганда, импортчи компания – “Газпром” (Россия) табиий газ етказиб бериш бўйича шартномаларни қайта кўриб чиқиш таклифини билдирди. Туркменистон томонидан розилик билдирилмагач, газ импорти кескин қисқартирилди, 2016 йилдан эса бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Маълумки, Туркменистонда миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси давлат томонидан ўрнатилади (бозор томонидан аниқланмайди). 2014 йилги воқеалар сабабли мамлакатга хорижий валюта оқими қисқариб кетди. Ҳукумат эса манатни девальвация қилишга мажбур бўлди: 1 АҚШ доллари 2,85 манатдан 3,5 манатгача қимматлади. Табиий газ экспорти қисқаришидан давлат бюджети ҳам кутилган даромадларни олмади. Натижада ҳукумат бюджет харажатларини қисқартиришга мажбур бўлди. Шу йили аҳоли тақдим этиладиган коммунал хизматлар лимити илк бор қисқартирилди.

Қайд этиш лозимки, Туркменистонда давлат нефть ва газ компанияларига тўлиқ эгалик қилади. “Туркменнебит” – нефть, “Туркменгаз” – табиий газ саноатини назорат қилади. Хорижий компаниялар эса хизмат кўрсатиш шартномалари ва маҳсулот келишувлари асосида ишлаши мумкин, лекин ресурсларга эгалик қилишга ҳақли эмас.

Ҳозирда туркман газни экспортнинг қарийб 80% Хитойга тўғри келади. Марказий Осиё давлатлари газни сотишда узоқ муддатли шартномалар тузиш усулидан фойдаланадилар. Хитойга сотилаётган табиий газнинг нархи 185-240 долл./1000 м<sup>3</sup> диапазонда жойлашади ва бу жаҳон бозоридаги нархлардан (Европада 400 доллардан юқори) анча арзонроқ ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби Хитой томонидан газ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистонда захиралар 1,5-1,9 трлн м<sup>3</sup>ни ташкил қилади.

куври курилишига киритилган инвестиция ва имтиёзли кредитлар ҳисобланади.

Транспорт логистикаси нуқтаи назаридан Туркменистон ўта қулай ва Марказий Осиёда стратегик жойлашган. Бир томондан Каспий денгизига чиқиш имкониятига эга бўлса, бошқа томондан минтақани Эрон орқали Яқин Шарққа боғлайдиган кўприқдир.



**2-расм. Туркменистон темир йўллари харитаси**

Марказий Осиё юқларининг жанубий денгизларга чиқишида Туркменистон темир ва автойўллари тенгсиз аҳамиятга эга. Айниқса, Эроннинг Бандар-Аббос порти Ўзбекистон учун Ҳиндистон, Хитой, Европа ва бошқа муҳим бозорларга сув йўли орқали чиқишнинг асосий йўли бўлиб хизмат қилмоқда.

Туркменистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўринга эга. Тармоқнинг мамлакат ЯИМидаги улуши нисбатан кичик (~15%) бўлса-да, ишчи кучининг қарийб ярми унда банд. Асосий экин сифатида пахта, чорвачилиқда эса эчкичилик (юнги ва териси учун) етакчилик қилади.

Марказий Осиёда экологик муаммолар энг кўп таъсир кўрсатган ҳудуд сифатида ҳам Туркменистонни кўрсатиш мумкин. Ерусти сувларининг 95% Амударёдан олинади. Шу сабабли, дарё сувининг ҳар қандай камайиши қайсидир ҳудудда ерларнинг суғорилмай қолиб кетишини англатади. Амударё суви йилдан-йилга шиддат билан камайиб бормоқда. Устига-устак Афғонистон шимолида Қўштепа каналининг курилиши, қуйи оқим ҳудудларида аҳоли сони ва иқтисодий ўсиш сабабли сув истеъмолининг ортиши сув муаммосини жиддийлаштириб боради. Бу эса минтақада, айниқса Туркменистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жиддий рискларни яратади.

Ташқи савдода Туркменистон йирик савдо профицитига эга. Мамлакат экспорт қилганидан анчайин камроқ импорт қилади. Хусусан,

2024 йилда ташқи савдо айланмаси қарийб 20 млрд долларга етиб, бунда экспорт 12,7 млрд, импорт эса 8,3 млрд долларни ташкил қилган. Табиий ва нефть маҳсулотларидан ташқари экспорт таркибида электр энергияси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (асосан қовун ва тарвуз), пахта ва тўқимачилик маҳсулотлари мавжуд. Бу эса, худди Тожикистон сингари, мамлакатда юқори қўшилган қиймат яратиш асосий муаммо эканини билдиради. Жамият ҳаёти ва иқтисодиёт тармоқлари учун керакли бўлган кимёвий ва технологик воситалар деярли тўлиғича импорт қилинади.

Миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётганига қарамай, турли халқаро рейтинг агентликлари томонидан мамлакат бизнес муҳити энг кам кўрсаткичлар билан баҳоланади. Бунга сабаб сифатида мамлакат иқтисодиётига оид очиқ ва ишонарли маълумотларнинг етишмаслиги, иқтисодиётда давлатнинг улкан роли ва институтлар сифатида боғлиқ муаммолар қайд этилади. Хусусан, ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда ҳам Туркманистон иқтисодиётига оид маълумотлар ва статистик кўрсаткичлар камлиги муайян қийинчиликлар келтириб чиқарди.

Ташқи сиёсатда доимий нейтралитет доктринасининг қўлланиши мамлакатнинг халқаро иқтисодий ташкилотлардаги фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари фаол иштирок этаётган ёки интилаётган ҳамкорлик платформаларига одатда қизиқиш билдирмайди. Ҳозиргача (2025 йил ҳолатига) Туркманистон ўз давлат суверенитетини чекловчи ҳар қандай интеграцион бирликлардан узоқ бўлиб келди. Ҳатто МДҲда тўлиқ аъзо саналмайди. Яъни, Ҳамдўстликнинг “юраги” ҳисобланган эркин савдо ҳудудига кирмаган. ЕОИИга аъзо бўлиш масаласи эса ҳали кўтарилмаган. Марказий Осиёда иқтисодий интеграция ташкил этиш масаласига салбий муносабат билдириб келади.

## **7.6. Ўзбекистон иқтисодиёти**

Марказий Осиёнинг қолган мамлакатлари каби Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги тузилиши Совет Иттифоқи даври билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида пахта ҳукмронлигини қайд этган ҳолда, минтақада Қозоғистондан кейинги ўринда энг кўп завод ва фабрикалар Ўзбекистонда қурилганини ҳам таъкидлаш зарур. Иккинчи жаҳон урушигача асосан тўқимачилик фабрикалари, пахта тозалаш заводлари ва қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш корхоналари қурилган. Уруш даврида эса Иттифоқнинг Европа қисмида заводларнинг бир қисми Ўзбекистонга кўчирилди. Урушдан кейинги саноатлаштириш даврида машинасозлик, кимё саноати, тоғ-кон металлургияси, энергетика ва енгил саноатга катта миқдорда давлат инвестициялари киритилди. Шу сабабли,

1980-йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг саноатлашган мамлакатига айланди<sup>1</sup>.

Суғориладиган ерларнинг 70 фоизига пахта экилар эди. Шунингдек, Ўзбекистон СССРдаги энг йирик пахта етиштирувчи ҳисобланиб, Иттифоқда етиштирилган пахтанинг 70 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келган. Бу эса Ўзбекистон пахтачилигини Иттифоқ даражасидаги стратегик тармоққа айлантирган ва шу сабабли ҳам марказнинг кучли назоратида бўлган. Пахтанинг юксак иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, у “оқ олтин” деб аталган.

Пахта етиштиришда давлат квоталаш усулидан фойдаланган. Режали иқтисодий бошқарувнинг асосий тамойили режани йилдан ўстириб бориш ва шу орқали самарадорликка эришиш ҳисобланади. Пахтачиликда эса ҳосилдорлик асосан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан бўлган. Миқдорий режа (квота) эса ҳар йили ошаверган, об-ҳаводаги ўзгаришлар, янги ерлардаги унумдорлик муаммолари эса деярли инобатга олинмаган. Масалан, 1970-йиллар бошида ўртача 3 млн тонна пахта етиштирилган бўлса, 1976 йилда пахта режаси 5,5 млн тоннани ташкил қилган. 1986 йилда эса режа кўрсаткичлари 6 млн тоннагача олиб чиқилган. Орол денгизи билан боғлиқ экологик инқироз ва 1983 йилдаги “пахта иши”нинг туб сабаблари ҳам айнан пахтанинг стратегик маҳсулот эканлиги билан боғлиқ.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ҳам бозор иқтисодиёти моделини танлади ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширди. СССР даврида қурилган заводларнинг йириклиги ва кўплиги, бошқа томондан уларни самарали бошқара оладиган салоҳиятли инвесторларнинг жуда камлиги сабабли бу жараён секинроқ суръатларда давом этди. Кичик давлат корхоналари эса 2000-йилларгача бўлган даврда (хусусийлаштиришнинг биринчи тўлқини) хусусий қўлларга топширилган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётини Марказий Осиёда узоқ муддат давомида бошқалардан алоҳида ажратиб турган омил бу хорижий валюта назорати ҳисобланади. Минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакат мустақилликнинг илк йилларида валюта етишмовчилиги муаммосига дуч келди. Бунга кўплаб сабаблар бор эди: саноатда таъминот занжирларининг узилиши ҳисобига корхоналар фаолиятининг тўхтаб қолиши ва экспортнинг қисқариши, жаҳон бозорида олтин ва пахта нархининг тушиб кетиши, гиперинфляция ва бошқалар. Кам бўлса-да, мавжуд валюта асосан истеъмол товарларини импорт қилишга сарфланарди. Шу сабабли, 1996 йилда хорижий валютанинг эркин конвертациясига кучли чеклов киритилди. Эндиликда валюта корхоналарга фақат давлат дастурлари доирасида, аҳолига эса

---

<sup>1</sup> Саноатнинг ЯИМдаги улуши 35-40% ни ташкил этган (2025 йилда – 26,5%). Қозоғистонда эса бу кўрсаткич 30% дан ошмаган.

белгиланган лимит доирасида берилди бошлади. Иқтисодиёт тиклана бошлагач, 2002 йилда валюта конвертацияси қисман эркинлаштирилиб, 2008 йилда яна чекловлар қайтарилган. Оқибатда мамлакатда хорижий валютанинг расмий ва норасмий бозор курслари пайдо бўлиб, турли муаммоларни келтириб чиқарган. Валюта конвертациясини тўлиқ либераллаштириш эса 2017 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ўртасидаги яна бир муҳим фарқ шундаки, 1991 йилдан то ҳозирги кунга қадар мамлакат ўзининг табиий бойликлар, пахта, қишлоқ хўжалиги ва миграцияга боғлиқлигини камайтириб, иқтисодиётини диверсификация қила олди ва бу жараён давом этмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион йўлини танлаган. Инсон капиталини ривожлантиришга ва инновацияларга йирик инвестициялар йўналтирилмоқда. Тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан қараганда, бу инвестициялар узоқ муддатли даврда ўз самарасини беради.

### **Хулоса**

Бир қараганда Марказий Осиёдаги миллий иқтисодиётлар бир-биридан ҳам ривожланиш, ҳам таркиб жиҳатдан кескин фарқланадигандек бўлиб кўринса-да, аслида улар бир-бирига жуда яқин. 1991 йилгача қарийб 70 йил давомида улар йирик бир мамлакатдаги ягона иқтисодий тизимнинг таркибий қисмлари эдилар. Совет Иттифоқи давридаги меҳнат тақсимоли ва ихтисослашув ушбу 5 мамлакатнинг мустақилликдаги ривожланиш йўлини белгилаб берди. Албатта, 35 йиллик мустақиллик даври тарихий хулоса қилиш ёки таққослаш учун жуда кичик муддат. Дарҳақиқат, ушбу мавзу орқали кўрдингизки беш кўшни давлатнинг барчасида иқтисодиётнинг асослари СССР даврида барпо этилган, мавжуд тизимли муаммолар ҳам айнан совет иқтисодиётининг тузилиши билан боғлиқ. Ҳозирда улар ушбу асослар устига ўз миллий ривожланиш моделини қуришга, янгидан-янги асослар қўшиш ҳисобига иқтисодиётни диверсификация қилишга уринмоқдалар.

Умуман олганда, Марказий Осиё ҳали тўлиқ ишга солинмаган улкан иқтисодий салоҳият минтақасидир. Миллий иқтисодиётларни ўзаро рақобатчи эмас, кўпроқ бир-бирини тўлдирувчи деб баҳолаш мумкин. Шунга кўра минтақада ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш барча учун манфаатли йўл ҳисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Совет Иттифоқидаги меҳнат тақсимоли Марказий Осиё республикаларининг иқтисодий ихтисослашувига қандай таъсир кўрсатди? Мисоллар келтиринг.

2. Мустақилликдан сўнг Қирғизистон ва Тожикистон иқтисодиётидаги инқирозлар нималар билан изоҳланади? Улардан қандай сабоқ олиш мумкин?

3. Қозоғистоннинг “ресурсларга асосланган иқтисодиёт” модели қайси жиҳатлар билан муваффақиятли, қайси жиҳатлари эса хавфли ҳисобланади?

4. Тожикистон ва Қирғизистонда меҳнат миграцияси ЯИМга қандай таъсир кўрсатмоқда? Бунинг ижобий ва салбий оқибатларини айтиб беринг.

5. Туркменистонда ташқи савдодан юқори профицит қайд этилса-да, нима сабабдан мамлакатда халқаро рейтинглар паст бўлиб қолмоқда?

6. Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий валюта сиёсатининг эволюциясини изоҳланг. Валюта конвертациясидаги чекловлар қандай иқтисодий оқибатларга олиб келган?

7. Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий интеграция қандай имкониятлар ва рисклар тақдим этади? Рискларни қандай йўллар билан бартараф этиш мумкин?

8. “Ресурслар лаънати” (resource curse) назарияси Марказий Осиёда қай даражада ўз тасдиғини топади? Мисоллар билан изоҳланг.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдымаликов К. А. Экономика Кыргызстана //учеб./К. Абдымаликов.–Бишкек: Бийиктик. – 2010.

2. Алиев Т. М. Структурные сдвиги в экономике Казахстана (1991-2011 гг.) //Мировая экономика и международные отношения. – 2013. – №. 8. – С. 62-70.

3. Астанов А., Бенько Е.В. Экономика туркмени: мифы и реальность // Будущее науки-2021. – 2021. – С. 50-52.

4. Аубакирова Г. М. Трансформационные преобразования экономики Казахстана //Проблемы прогнозирования. – 2020. – №. 1 (178). – С. 155-163.

5. Данков А. Г. Развитие экономики Туркменистана в первые годы независимости (1992-1998 гг.) //Вестник Томского государственного университета. – 2013. – №. 374. – С. 88-93.

6. Ершов Ю. С., Садриддинов М. И. Экономика Таджикистана в XXI веке – взгляд со стороны //Мир экономики и управления. – 2016. – Т. 16. – №. 3. – С. 125-135.

7. Кенешбаева З. М. и др. Особенности развития национальной экономики Кыргызстана после пандемии 2020 года //Вестник филиала РГСУ в г. Ош Киргизской Республики. – 2022. – №. 1 (25). – С. 100.

8. Кувалин Д. Б. и др. Экономика Казахстана: итоги непростого тридцатилетия //Развитие территорий. – 2022. – №. 1 (27). – С. 22-32.

9. Курпаяниди К. И. Сценарии развития экономики Узбекистана в условиях нестабильности // Экономика Центральной Азии. – 2023. – Т. 7. – №. 1. – С. 63-80.

10. Назаров Т. Н. Экономика Таджикистана: новое качество // Известия Академии наук Республики Таджикистан. Отделение общественных наук. – 2020. – №. 1. – С. 7-21.

11. Пирназарович А. Ҳ. Ўзбекистон иқтисодиёти мустақил тараққиётининг муҳим натижалари ҳамда истиқболли йўналишлари // Экономика и финансы (Узбекистан). – 2016. – №. 9. – С. 1-10.

12. Рахимзода Ш. Экономика Таджикистана: состояние и перспективы развития // Евразийский юридический журнал. – 2021. – №. 7. – С. 129-133.

13. Станчин И. М. Природно-экономический потенциал Туркменистана // Синергия. – 2016. – №. 3. – С. 51-62.

14. Эргешбаев У. Ж., Ешенова С. Е., Муратова Ч. К. Современная внешняя трудовая миграция населения Кыргызстана // Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия общественных наук. – 2016. – №. 1. – С. 38-47.

15. Amir O., Berry A. Challenges of transition economies: economic reforms, emigration and employment in Tajikistan // Social Protection, Growth and Employment. – 2013. – Т. 157.

16. Holz hacker H., Skakova D. Turkmenistan Diagnostic. – European Bank for Reconstruction and Development, 2019.

17. Kalyuzhnova Y. The Kazakstan Economy: Independence and Transition. – Springer, 2016.

18. Pechler M. C. The economies of Central Asia: A survey // Comparative Economic Studies. – 2008. – P. 30-52.

19. Tech J. E. T. Problems of Economic Sectors of the Kyrgyz Republic // Journal of Environmental Treatment Techniques. – 2019. – Т. 7. – №. 4. – С. 613-622.

## **8. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ҚУРИЛИШИ: ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **Кириш**

**8.1. Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари**

**8.2. Қирғиз Республикаси Қуролли кучлари**

**8.3. Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари**

**8.4. Туркменистон Қуролли кучлари**

**8.5. Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилишининг ўзига**

**хослиги**

### **Хулоса**

### **Кириш**

Тобора глобаллашиб бораётган дунёда куч марказлари ўртасидаги геосиёсий кураш оқибатида миллий манфаатлар қарама-қаршилиги янада кучаймоқда. АҚШ етакчи ақл марказларидан бири “Armed Conflict Location & Event Data Project” томонидан нашр этилган “Conflict Index-2023” ҳисоботида 2023 йили жаҳондаги ҳарбий тўқнашувлар сони 2020 йилга нисбатан 40 %га ошган. 168 та давлатда конфликтлар қайд этилган бўлиб, оқибатда 167 минг нафар инсонлар ҳалок бўлган<sup>1</sup>.

Жаҳонда юзага келган мураккаб халқаро вазиятни инобатга олган ҳолда қўшни мамлакатларнинг ҳарбий қурилишини Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш кесимида ўрганиш аҳамиятли ҳисобланади. Чунки мазкур масала Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг муҳим компонентларидан бири саналади.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, ҳарбий қурилиш масалалари улар учун долзарблик касб этди. Чунки, 1990-1993 йилларда дунёдаги мураккаб халқаро вазият ва Марказий Осиё атрофидаги геосиёсий муҳит, хусусан, Афғонистондаги қуролли конфликт минтақага таҳдид сола бошлаган эди. Шу боисдан, Марказий Осиё давлатлари сиёсий, иқтисодий, ҳарбий имкониятларидан ҳамда географик жойлашувидан келиб чиқиб, ҳарбий хавфсизлигини таъминлашни устувор давлат вазифаси сифатида белгилаб олдилар.

Даставвал, минтақа давлатлари собиқ Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг ўз ҳудудларида қолган қўшинлар асосида миллий Қуролли кучларини (ҚК) қуришни стратегик мақсад қилиб олди. Унга кўра, ҚКнинг ҳуқуқий, институционал ва моддий базасини яратилиши ўша давр учун бирламчи вазифага айланди. Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатларининг мустақиллик йилларида амалга ошириб келаётган

---

<sup>1</sup> Armed Conflict Location & Event Data Project маълумоти // Conflict Index 2023/. // <https://acleddata.com/conflict-index/>.

ҳарбий қурилиши, ўз навбатида, уларнинг хорижий давлатлар билан икки ва кўп томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлигини ҳам белгилаб берди.

### **8.1. Қозоғистон Республикаси Қуроли кучлари**

*Қозоғистон Республикаси Қуроли кучларининг ривожланиш тарихи.* Қозоғистон Республикаси Қуроли кучлари (ҚР ҚК) Қозоғистон ССР ҳудудида жойлашган ҳарбий объектлар базасида шаклланган бўлиб, бу объектлар СССРнинг Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий қисм ва кўшилмалари ҳисобланган, 1989 йилда Туркистон ҳарбий округига бирлаштирилган.

ҚР ҚК биринчи йиллардаги мустақил фаолияти даврида (1991-1992 йиллар) Совет Армиясининг тузилиши сақланиб қолинган бўлиб, Қозоғистон Ҳаво ҳужумидан мудофаа (ХҲМ) алоҳида корпуси, 56-Ҳарбий ҳаво кучлари (ХҲК) корпуси, 40-умумқўшин армияси, ракета ҳужумларини олдиндан аниқловчи дивизияни қисқартириш ҳамда айримлари фаолиятини тугатиш<sup>1</sup> натижасида Қозоғистон Республикаси ҚК 1992 йил 8 майда расман ташкил топди.

Кейинги босқичда ҚР томонидан ҳарбий қурилишнинг доктринал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди. ҚК фаолиятини тўлақонли ташкил этиш мақсадида давлат чегаралари, умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, мудофаа ва Қуроли кучлар, ҳарбий хизматчилар мақоми тўғрисидаги миллий қонунлар, энг асосийси, ҳарбий доктриналар қабул қилинди. Хусусан, мамлакатлар ҳарбий доктриналарини ўрганиш асносида ҳужжатларнинг ички ва ташқи омиллар таъсирида қабул қилингани маълум бўлди. Масалан, Қозоғистоннинг 1993, 2000, 2007 ва 2011, 2017, 2022 йиллардаги доктриналари<sup>2</sup> республикани геосиёсий босим остида қолган даврда ёки замонавий конфликтлар характериға кўра ўзгартириб турилган<sup>3</sup>.

Дастлаб, 1993 йилда Қозоғистон Ҳарбий доктринаси қабул қилинди. Унинг мазмунга кўра, 1994 йил 7 майда Қозоғистон Республикаси Давлат мудофаа комитети Мудофаа вазирлигига ўзгартирилди. 1997 йил ноябрда ҚР Президентининг “Қуроли кучларнинг ислоҳ қилишнинг кейинги чоралари тўғрисида”ги кўрсатмасига асосан Бош штаб – **ҚР МВ штаб бошлиқлари кўмитасига** ўзгартирилди (*Остонада жойлашган*).

---

<sup>1</sup> <http://www.mod.gov.kz>.

<sup>2</sup> Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги 1045-сонли қарори // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/U2200001045>

<sup>3</sup> *Изоҳ:* Семипалатинскда 1216 та ядровий заряд ва бир қанча стратегик бомбардимончи самолётлар бўлган. *Қаранг:* Дубцов Г.Ф. Военная безопасность Республики Казахстан: опыт, актуальные проблемы, основные направления обеспечения. – Астана, 2018. – 218 с. // <http://www.kisi.kz>.

2003 йилда ҚР ҚК уч ҳил турдаги – **Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳаво мудофаа кучлари ва Ҳарбий-денгиз кучларига** ажратилди. Мобил қўшинлар асосида янги қўшин тури **Аэромобиль қўшинлар** ташкил топди. Ана шу йили ҳарбий округлар янгидан “Марказ”, “Шарқ”, “Ғарб” ва “Жануб” минтақавий қўмондонликка ажратилди. 2007 йилда янги Ҳарбий доктрина қабул қилинди, бунда биринчи ўринда, ҚР ҚКни ҳарбий соҳадаги тенденциялар ва замонавий таҳдидларга мос равишда ривожлантириш зарурлиги белгиланди. Армиянинг мобил жанговар даражасини ошириш, тезкор ҳаракатланувчи кучларни риволантириш, махсус қўшинлар, партизанларга қарши тактикага эғалик, тоғ ва чўллардаги урушлар моҳиятига қаратилди. Шу билан бир қаторда, 2010 йил 6 июлдаги ҚР Президентининг “Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари тузилиши тўғрисида”ги фармонида кўра, Қозоғистон армияси икки кўринишдаги тузилишга (Умуммақсаддаги кучлар ва Ҳаво Мудофаааси кучлари)га ажратилди.

2011 йилда навбатдаги Ҳарбий доктрина қабул қилинди. Бу Доктрина мудофаа характериға эға бўлди. Доктринада кўрсатилишича, Қозоғистон Республикаси босқичма-босқич халқоро муносабатлар тизимига, ҳарбий кучларни минимал даражаға етказиб, давлатлар ўртасидаги мунозарали саволларға сиёсий, дипломатик ва ҳуқуқий инструментлар орқали ўзаро муносабатларға кириб боради.

2012 йил 12 июлда Қозоғистон Республикаси Президентининг 354-сонли “Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари тузилишини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги фармони тасдиқланди. Бу қарор “Қозоғистон-2050” стратегиясига асосланди. Унга кўра, ҚК тузилиши куйидагича кўринишға эға бўлди:

1) ҚК бошқарувининг олий ҳарбий-сиёсий орган – Олий бош қўмондонлик;

2) Ҳарбий бошқарув органлари:

стратегик – Мудофаа вазирлиги ва Бош штаб;

оператив-стратегик – ҚК турларининг бош қўмондонлик бошқармалари, ҚК ички таъминот бошлиғи, ҚК бош бошқармалари;

оператив-худудий – минтақавий қўмондонлик қўшинлари қўмондон бошқармалари;

оператив-тактик – ҚК қўшин турлари қўмондонлик бошқармалари;

тактик – Ҳарбий қисм ва қўшилмалар бошқармалари;

маҳаллий – департаментлар, мудофаа ишлари бўлинмалари ва бошқармалари.

Шунингдек, ушбу фармонда, Мудофаа вазирлиги штаб бошлиқлари қўмитаси **ҚР ҚК Бош штабига** ўзгартирилди. Бу ҳамкорлик ва муассасалараро координациялаш, биргаликда режалаштириш ролини кучайишиға олиб келди. Уруш даврида Олий бош қўмондонлик бошқарувни ҚР ҚК Бош штаби орқали амалға оширилиши белгиланди.

2022 йил 12 октябрда ҚР Президентининг қарорига асосан 2017 йилда қабул қилинган Ҳарбий доктринага<sup>1</sup> ўзгартиришлар киритилди. Ҳужжатнинг ўзгартирилишига мамлакатда кузатилган қонли январь воқеалари ва февраль ойида бошланган Россия-Украина конфликти асос бўлди. Ҳужжатда замонавий ҳарбий таҳдидлар ва хавфсизликка таъсир этувчи замонавий шароит ва омиллар акс эттирилган. Унга ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-стратегик соҳалардаги янги фаолият йўналишлари, ҳарбий соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва ҳарбий режалаштириш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар киритилган. Шунингдек, Ҳарбий доктринанинг янги таҳрири давлатнинг ҳарбий хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш борасидаги қарашларини замонавий талаб ва шарт-шароитларга мослаштириш, шунингдек, янги таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб бериш учун мамлакатнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш имконини беради.

**Қозоғистон Республикасининг ташқи ҳарбий таҳдидларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

1) Минтақа давлатларидаги ижтимоий-сиёсий беқарорлик ва қуролли провокациянинг эҳтимоли;

2) Ҳарбий конфликтлар ўчоғининг Қозоғистон чегаралари яқинида пайдо бўлиши;

3) Хориж давлатлари ва ташкилотлари томонидан ҳарбий босим ўтказилиши ва ўз манфатлари йўлида Қозоғистон Республикаси ички ишларига аралаштириш, янги технологиялар орқали ахборот-психологик таъсир ўтказилиши;

4) Ҳарбий-сиёсий ташкилотлар ва иттифоқчиларнинг кучайиши ва Қозоғистон ҳарбий хавфсизлигига зарар етказиши;

5) Қўшни давлатларда диний экстремизмнинг кучайиши, халқаро терроризм ва радикал гуруҳлар, ҳатто кибертерроризмнинг пайдо бўлиши;

6) Айрим давлатларнинг оммавий қирғин қуролларини қўлга киритиши ёки ишлаб чиқариш технологиялари ва қурилмаларини тарақатиши.

**Қозоғистон Республикасининг ички ҳарбий таҳдиди:**

1) Экстремистик фаолият, сепаратистик ҳаракатлар ва миллатчилик, ташкилот ва тузилмалари, мамлакатдаги ички нобарқарорликка йўналганлиги, қуролли куч ёрдамидан фойдаланиб, конституциявий тузумни ўзгартириш;

2) Ноқонуний қуролли тузилмалар фаолияти ва уни тузилиши;

3) Қурол, ўқ-дорилар, портловчи ва бошқа воситаларни террор актлари ва диверсия ҳаракатларида қўлаш учун тарқатилиши.

---

<sup>1</sup> <https://jscsto.org/upload/iblock/298/2988988bb0dee8507f2a96ce9a83fc50.pdf>

*ҚР ҚК қўлланилиши.* Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий низоларда қўшинлар ва ҳарбий қисмлар асосида қўлланилиши мумкин. Бунда кескинлик ўчоқларини бартараф қилиш, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, аҳолига керакли ёрдам кўрсатиш, умумхавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни ўрнатиш, вазиятни нормаллаштириш, ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш, низони дастлабки босқичиданоқ тинчлик йўли билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш назарда тутилади.

Бу вазифаларни амалга оширишда Қуролли кучларнинг доимий тайёр қисм ва қўшилмалари жалб қилинади. Заруратга қараб, улар бошқа ҳарбий қўшинлар билан кучайтирилиши мумкин, операцияларни бошқариш яқкабошчилик асосида амалга оширилади.

Ички қуролли низоларни тўхтатиш Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларига юклатилади. Уларни кучайтириш учун ҚР ҚК қисм ва қўшилмалари жалб қилиниши мумкин.

**ҚР ҚК уч ҳил турдаги – Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳаво мудофаа кучлари ва Ҳарбий-денгиз кучларига эга.**

*Қуруқликдаги қўшин* таркибига ҳарбий бошқарув органлари, минтақавий қўмондонлик, мотоўқчи қисм ва қўшилмалар, танк, ҳаво десанти, ракета, артиллерия, махсус ва аэромобиль қўшинлари, шунингдек техник ва ички таъминот қисмларидан ташкил топган.

*Ҳаво мудофаа кучлари (ҲМК).* 1992 йил 1 июнда ташкил топган. ҲМК ўз таркибига ҳарбий бошқарув органларини, ҳарбий-ҳаво кучлари қисм ва қўшилмаларини, радиотехник қўшин ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларини шунингдек, махсус техник ва таъминот қўшинларини олади.

Қозоғистон ҲМК ихтиёрида жанговар самолётлардан МиГ-29 фронт қирувчи, Су-25 штурмчи, Су-24 фронт бомбардимончи, Су-27 қирувчи, МиГ-31 и МиГ-25 қирувчи-тутувчи, МиГ-27 қирувчи-бомбардимончи, L-39 ўқув-жанговар самолётлари, шунингдек турли мақсадларда қўлланиладиган Ми-24, Ми-8, Ми-17, Ми-26 вертолётлари мавжуд<sup>1</sup>.

*Ҳарбий-денгиз кучлари.* Қозоғистон Республикаси Президентининг 2003 йил 7 май 1085-сонли “Қозоғистон Қуролли кучлари тузилишини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги фармонида асосан Ҳарбий-денгиз кучлари тузилди. ҲДК бош базаси – Актау денгиз порти ҳисобланади. Қўшимча порт – Атирау. Актау ҳарбий-денгиз институти уч йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлайди, булар: “штурман”, “электрик-дизелчи”, “радиотехник қуролчи ва аълоқачи”. ҲДК таркибига – соҳил қўриқчилари бригадаси (денгиз пиёдаси) ва соҳил артиллерияси ҳам киради.

---

<sup>1</sup> Калишевский М. Центральная Азия. Военный баланс // Постоянный адрес статьи – <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1349850240>.

ҲДК қуруллари: 3 та “SeaDelphin” типли артиллерия катери (Жанубий Корея), 4 та десант катери (АҚШ), 10 та соҳил қўриқчи катери, 2 та кичик гидрографик катер, 1 минг тоннадан ортиқ сув сиғимига эга 1 та кема ва “Қозоғистон” номли ракета-артиллерия кемаси (ҚР ишлаб чиқарилган).

Қозоғистон Республикасида “2025 йилгача мамлакат Ҳарбий-денгиз кучларини ривожлантириш Концепцияси” мавжуд бўлиб, бунга асосан Остона ўз группировкасини Каспий денгизда кучайтиришни мақсад қилган. Концепция доирасида назарда тутилган асосий тадбирлар ҲДКни босқичма-босқич 100 тоннагача сув сиғимига эга бўлган ҳарбий кемалар билан таъминлашдан иборат. Шунинг назарда тутиш керакки, Уралдаги “Зенит” кемасозлик заводида “Барс” лойиҳаси асосида 300 тоннагача сув сиғимига эга катерларни доналаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу катер 14,5 мм пулемет ва 30 мм автоматик пушкага эга.

**Аэромобиль қўшинлар** таркиби: учта алоҳида десант-штурм бригадаси (Кипчоқда 35-бригада, Остонадаги 36-бригада, Толдикўрғондаги 37-бригада) Олма-Отадаги 38-мотоўқчи бригадаси, “КазБриг” тинчликпарварлик бригадаси, Карагандадаги махсус тайинланган бригада, Атраудаги 390-соҳил мудофааси бригадаси (*ғарб. денгиз пиедалар бригадалари аналогиди*), Қипчоқдаги 232-алоҳида муҳандислик-сапёр бригадаси, Остона яқинидаги Вичеславка посёлкасидаги кимёвий ҳимоя бригадаси, реактив-артиллерия бригадаси, учта зенит-ракета ва пушкали артиллерия бригадаларидан иборат.

Шундай қилиб, уч ҳил кўринишдаги қўшин турлари минтақавий қўмондонлик масштабида қўшин группировкаси стратегик йўналишларга мос равишда “Жануб”, “Ғарб”, “Шимол” ва “Остона”га бўлинади.

#### **Қозоғистон ҳарбий қисмлари ва бошқа қўшинлар**

1) Махсус қўшинлар – ҳарбий бошқарув органлари, қўшилма, муҳандислик, кимёвий ва техник таъминот, радиоэлектрон кураш, алоқа, разведка қисмларидан ташкил топган;

2) Қурулли кучлар фронт орти қисмлари ҳарбий бошқарув органларини, қўшилма, муассаса ва қисмларни ўз ичига олади;

3) ҳарбий ўқув юртли ва ҚР ҳарбий-илмий муассасалари – Қозоғистонда Мудофаа миллий университети, Ҳаво мудофааси кучлари ва Ҳарбий-денгиз институтларида ҚКга офицер ва сержант лавозимлари учун мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, қозоғистонлик ҳарбийларнинг Россия, АҚШ, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатларда таҳсил олишлари йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон минтақада етакчиликни сақлаб қолиш ҳамда Шарқ ва Ғарб мулоқотида воситачи бўлишликка<sup>1</sup> оид

---

<sup>1</sup> Қозоғистон Республикаси президенти – Элбоши Н.А. Назарбоевнинг Қозоғистон халқига мурожаати. 14 декабрь 2012 йил. // <http://www.policy.asiapacificenergy.org>.

доктринал қарашларга кўра, Россия ва Коллектив хавфсизлик шартномаси тўғрисидаги ташкилот (КХШТ) билан яқиндан ҳамкорлик қилишни, Хитой, АҚШ ва НАТО билан алоқаларни кенгайтиришни устувор мақсад қилиб олган. Масалан, ХХМ қўшинининг ҳамон собиқ СССР техникалари билан бутланганлиги боис<sup>1</sup>, уларни РФ ёрдамида модернизация қилмоқда ҳамда замонавий зенит-ракета қурилмалари ва қирувчи самолётлар билан қуролланмоқда. 2015 йилдан буён Қозоғистон ва Россия ўртасида ташкил этилган Ҳаво ҳужумидан мудофаа ягона тизими фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тизим республиканинг энг йирик ва стратегик аҳамиятга эга шаҳарларини ҳаво ҳужумидан ҳимоялашга мўлжалланган. Қозоғистон ўз ҳудудидаги Россия ижарага олган стратегик объектлар<sup>2</sup> ва “Байконур” космодромидан биргаликда фойдаланиб келади<sup>3</sup>. Икки томон “Байтерек” номли ракеталарни учуриш майдонини<sup>4</sup> қуриш бўйича келишувга эришган<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, Қозоғистон ҳарбий қурилиш соҳасида Россияга боғланиб қолмаслик мақсадида ҚКни НАТО стандартидаги вертолётлар ва ҳарбий-транспорт самолётлари билан бутламоқда. ҲДК эса Жанубий Корея, Туркия ва АҚШ билан икки томонлама ҳамкорлик орқали кучайтирилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда минг тоннагача сув сиғимига эга кемаларни Қозоғистоннинг “Зенит” кемасозлик заводида ишлаб чиқаришни<sup>6</sup> йўлга қўйилгани ҳам диверсификацияга мисол бўлади.

Қозоғистон Республикасининг ҳарбий-саноат корхоналари таркибига 5 га яқин йирик машинасозлик заводлари киради. Улар миллий маҳсулотдан ташқари Россия буюртмаси бўйича бутловчи қисмларни ҳам етказиб беради. Заводларда ҚК эҳтиёжи учун жанговар катерлар, зирҳли техникалар ва снарядлар чекланган миқдорда ишлаб чиқарилади<sup>7</sup>. Улар фаолияти жанговар техникаларни модернизациясига

---

<sup>1</sup> *Изоҳ:* СССРда ишлаб чиқарилган “Круг”, “Куб”, “С-125” ва “С-200” русумидаги зенит-ракета қурилмалари Қозоғистон мустақилликка эришган кундан бошлаб жанговар навбатчиликда турган қуроллар ҳисобланади. // <http://www.mod.gov.kz>.

<sup>2</sup> Указ президента Республики Казахстан от 6 июля 2016 г. № 350 “Об образовании Министерства оборонной и аэрокосмической промышленности РК”. // <http://www.akorda.kz>.

<sup>3</sup> Россия и Казахстан планируют открыт СЭЗ на Байкануре. 12.09.2018. // [www.ca-news\(kz\)](http://www.ca-news(kz)).

<sup>4</sup> *Изоҳ:* Қозоғистон 2030 йилга келиб жаҳоннинг космик хизмат кўрсатиш жабҳасида ўз ўрнига эга бўлиш кераклиги “Стратегия-2050” ҳужжатида белгилаб қўйилган. // <http://www.policy.asiapacificenergy.org>.

<sup>5</sup> Россия и Казахстан создадут стартовый комплекс под новую ракету “Союз-5”. 23.08.2018. // [www.ca-news\(kz\)](http://www.ca-news(kz)).

<sup>6</sup> <http://www.mod.gov.kz>.

<sup>7</sup> Дубцов Г.Ф. Военная безопасность Республики Казахстан: опыт, актуальные проблемы, основные направления обеспечения. – Астана, 2018. – 218 с. // <http://www.kisi.kz>.

хам йўналтирилган<sup>1</sup> бўлиб, “Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида”ги ҳамда “Мудофаа саноати ва буюртмаси тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади. “Қозоғистон инжиниринг” ва “Казинжэлектроникс” компаниялари Франция, Исроил, Туркия, Италия, Украина, Хитой ва Жанубий Африка Республикаси компаниялари билан яқин алоқаларни ўрнатган. Бироқ кўрилаётган тадбирларга қарамасдан, республика дунё қурол импортёрлари ичида 36 ўринда туради. Импорт ҳажмининг 76% – Россия, 7% – Испания ва Украина улушига тўғри келади<sup>2</sup>.

Мамлакат чегараси бўйлаб – “Онтустик” (Шимол), “Солтустил” (Жануб), “Сиғиш” (Шарқ), “Батис” (Ғарб) ва “Қирғоқ кўриғи” чегара кўшинлари минтақавий бўлимлари тузилди<sup>3</sup>. Ҳар йили ҚҚнинг жанговар ўқув йиғинлари ўтказиб келинади<sup>4</sup>. Қозоғистон истиқболда тўлиқ шартнома бўйича армия<sup>5</sup> тузишни мақсад қилиб қўйган. Шу боис, 2018 йилда ҳарбий тайёргарликдан ўтган резервчилар<sup>6</sup> билан ҳарбий ҳолатда бутланадиган Ҳудудий мудофаа кўшини тузилди. Мазкур кўшин мамлакат мудофаасининг захира кучи ҳисобланади.

## **8.2. Қирғиз Республикаси Қуролли кучлари**

*Қирғиз Республикаси Қуролли кучларининг ривожланиш тарихи.*

Қирғизистон Қуролли кучлари собиқ Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисм ва кўшинлари асосида ташкил топган. ҚҚ Қуруқликдаги кўшинлар, Ҳарбий ҳаво кучлари ва Миллий гвардиядан иборат. Қуролли кучларга тегишли хавфсизлик кучлари Ички кўшинлар, Миллий хавфсизлик давлат кўмитаси ва Чегара кўшинларини ўз ичига олган.

Ҳарбий сиёсат республика раҳбарияти учун мустақилликнинг дастлабки беш йилида устувор ҳисобланмас эди. Қирғиз армияси ўзининг ривожланиш концепцияси ва Ҳарбий доктринасига эга бўлмаган. Ҳолбуки, ҚҚни ислоҳ этиш бўйича қилинаётган ишлар сиёсий раҳбарият қабул қилган раҳбарий кўрсатма ва директиваларнинг мажмуи ҳисобланган ҳолос.

Қирғизистонда биринчи ҳарбий доктрина 2002 йилда Россия ва АҚШнинг Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий фаоллигини инобатга олган

---

<sup>1</sup> В Казахстане планируют производить новые виды вооружения, включая боеприпасы. 19.01.2021. // <https://inbusiness.kz/ru/last/v-kazahstane-planiruyut-proizvodit-novye-vidy-vooruzheniya-vklyuchaya-boepripasy>.

<sup>2</sup> <http://www.sipri.org>.

<sup>3</sup> Erica Marat. Security Sector Reform in Central Asia. – Geneva Center for Democratic Control of Armed Forces, 2012. – P.14. // <http://www.dcaf.ch>.

<sup>4</sup> В Казахстане: войска командований “Юг” и “Астана” действовали друг против друга. 03.04.2013. // <http://www.centrasia.ru>.

<sup>5</sup> <http://www.cia.gov.;> <http://www.asker.kz>.

<sup>6</sup> [www.inform.kz](http://www.inform.kz).

ҳолда қабул қилинди. Доктрина 2007, 2013 ва 2023 йилларда янгиланган<sup>1</sup>.

Дастлаб ҚК 1992 йил 29 майда Қирғизистон Президенти А. Акаев янги республика ҳудудида жойлашган Совет Армиясининг барча тузилмалари ва қисмларини Москванинг эмас, балки Бишкекнинг тасарруфига ўтказувчи фармонни имзолаши билан шаклланди. Бугунги кунда *29 май ҚК куну сифатида* нишонланади. 1993 йилда Давлат мудофаа қўмитаси 17-армия корпуси штаби негизда Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Қирғизистон ҳарбий қурилиши 1998-1999 йилларда қуролланган террорчи гуруҳларнинг Боткент вилояти тоғли районларига суқилиб кириши шароитида жадаллашди. Хусусан, 8-гвардиячи Панфилов дивизияси асосида Балиқчида, Кой-Ташида ва Ўшда мотоўқчи бригадалар ва 2002 йилда эса шошилинч Чегара қўшини тузилди. Чунки Россия чегарачилари мамлакатни тарк этгач, чегара хавфсизлиги расмий Бишкек учун долзарб масалага айланган эди. 2006 йилда ХХК ва ХХМ қўшилиб, Ҳаво мудофааси кучлари сифатида ташкил этилди. Шу йили ҳарбий хизмат муддати 18 ойдан 12 ойгача (1 йил) қисқартирилди.

2008 йилда Мудофаа вазирлиги бошқаруви такомиллашди, унинг моддий-техник базаси янгиланди. 2010 йилда Қирғизистон ҳарбий қурилиши доирасида кўрилган чоралар, ўша даврда мамлакатда содир бўлган “рангли инқилоблар” ва мамлакат жанубидаги этник конфликт<sup>2</sup> шароитида кутилган натижани бермади. Юзага келган вазиятда жанубий қўшин группировкаси ўрнига жануби-ғарбий минтақавий қўмондонлик тузилди. Қирғизистон ҳудудининг тоғлар билан жанубий ва шимолий қисмларга ажралиб туриши боис, янги қўмондонлик ёрдамида жанубдаги барча ҳарбий қисмларнинг ягона бошқарувига эришилди.

2009 йилда Мудофаа вазирлиги аппарати ва қўшинларни бошқаруви такомиллаштирилди. Масалан, **жанубий группировка** ўрнига **жануби-ғарбий минтақавий қўмондонлик**, шимолда эса **Панфилов дивизияси** қайтадан тикланди. Ўш шаҳрида мотоўқчи бригадаси ва танкчи батальонидан иборат қўшилма таркиб топди. Ўшнинг Қора-сув районида С-75 русумли ракеталар билан қуролланган ҳаво ҳужумидан мудофаа бригадаси жойлаштирилди. Боткент районида тоғ-ўқчи батальони учун ҳарбий шаҳарча барпо этилди.

2013 йилнинг июнь ойида Қирғизистон Мудофаа кенгаши янги ҳарбий доктринани қабул қилди. Ҳужжатда ёзилишича, “доктринанинг қабул қилиниши дунёдаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзгариши, Қирғиз Республикаси хавфсизлигига таҳдидларни ортиши,

---

<sup>1</sup> Военная Доктрина Кыргызской Республики от 6.07.23. // <https://cbd.minjust.gov.kg/435095/edition/1270847/ru>

<sup>2</sup> The Pogroms in Kyrgyzstan, International Crisis Group, August 23, 2010. See also OSCE, Report of the Independent International Commission of Inquiry into the Events in Southern Kyrgyzstan in June 2010, May 2, 2011.

2010-йилнинг апрелидан бошланган мамлакатни демократик ривожлантириш ва 2013-2017 йилларга мўлжалланган миллий стратегияни қабул қилиниши билан боғлиқ”. Доктрина мудофаа характерига эга.

2014 йил февраль ойида Қуролли кучлар Бош штаби ҳарбий тизимни тўлиқ назорат қилиш учун ваколатлари кенгайтирилди, Мудофаа вазирлиги эса кичикроқ ва кўпроқ маъмурий вазифаларни бажарадиган давлат мудофаа қўмитасига айланди.

Қирғиз Республикаси ҳарбий қурилишининг замонавий босқичи мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар таъсирида ҳамда ташқи ёрдам эвазига амалга оширилмоқда. 2015 йилда Қирғизистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига (ЕОИИ) аъзо бўлиб кириши билан чегара қўшинлари ривожлана бошлади. Шу қаторида, бу жараёнга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг “Қирғизистон ҳукуматига чегара хавфсизлиги ва чегараларни бошқариш бўйича минтақавий ҳамкорликда кўмаклашув”<sup>1</sup> лойиҳаси доирасида ажратиладиган ёрдам ҳам туртки берди.

2021 йил февраль ойи бошида Мудофаа вазирлиги қайта ташкил этилди. Ўша йилнинг май ойида Қирғизистоннинг янги Конституцияси имзоланганидан сўнг, Президент С. Жапаров армияни ислоҳ қилишга, хусусан, “тоғ шароитида ҳарбий операцияларни ўтказиш учун тўлиқ тайёргарликдан ўтган ва технологик жиҳатдан жиҳозланган махсус бўлинмалар тамойили бўйича армияни ташкил этиш” зарурлигига чақирди. Шу билан бирга, у “халқ гвардияси”ни яратишга чақирди, унинг сўзларига кўра, бу чегара ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди.

2023 йилда навбатдаги Ҳарбий доктрина қабул қилинди. Янги доктринанинг долзарблиги дунёда ва Марказий Осиё минтақасида ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, ҳарбий хавфсизликка таҳдидлар кўламининг кенгайиши, Қирғиз Республикасининг ҳарбий ва давлат бошқаруви тизимидаги ўзгаришлар, шунингдек, ҳарбий хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш бўйича давлат қарашларини қайта кўриб чиқиш зарурати билан боғлиқ.

*Қуролли кучларнинг бошқаруви.* ҚК устидан ва мудофаа бошқарувини президент – **ҚК олий бош қўмондони** амалга оширади.

---

<sup>1</sup> *Изоҳ:* Қирғизистон чегара хизмати ЕХХТнинг шафелигида мамлакатнинг чегара ҳудудларида олдиндан огоҳлатирувчи гуруҳларни тузмоқда. Гуруҳ таркибига чегарачилар, маҳаллий ҳукумат вакиллари, жамоат фаоллари ва бошқа ҳарбий бўлинмалар командирлари киради. *Қаранг:* Проблемы и перспективы сотрудничества между КР и ОБСЕ (военно-политический аспект) // Международные отношения и мировая политика, 2018. – № 1; Соглашение о сотрудничестве МО КР и Центром ОБСЕ в области борьбы с терроризмом и контроля над вооружениями // Бюллетень Академии ОБСЕ, 2016. – № 4.

**ҚР Мудофаа вазирлиги** мудофаа масалалари билан шуғулланувчи, Қирғиз Республикасининг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, конституциявий тузумини ҳимоя қилишни таъминлашга мўлжалланган давлат ҳарбий сиёсатини ва Қирғиз Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи давлат ижро этувчи ҳокимият органидир.

**ҚК Бош штаби** мамлакат мудофаасини ташкиллаштириш, ҚК стратегик тайёрлаш ва қўллаш, ҳудудий мудофаани ташкил этиш масалалари бўйича шуғулланади. Ҳарбий бошқарувнинг марказий органи ҳисобланиб, мудофаа учун қолган вазирликлар куч ва воситалари бошқарувини мувофиқлаштиради.

#### **ҚКни қўллаш:**

- ҳарбий можароларда мустақил равишда ёки коалиция кучлари таркибида Қирғиз Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш, тажовузни қайтариш ҳамда тажовузкорни Қирғиз Республикасига қарши ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга мажбурлаш учун;

- ички қуролли можароларда халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизм кучларининг ноқонуний қуролли тузилмаларини йўқ қилиш мақсадида;

- тинчликни сақлаш ва тиклаш операцияларида қарама-қарши томонларнинг кейинги ҳарбий ҳаракатларининг олдини олиш, вазиятни барқарорлаштириш, адолатли тинч йўл билан ҳал этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида.

МВ қўшинлари ҚКнинг асосини ташкил этади. **Қуруқликдаги қўшинлар** қисқартирилган мотоўқчи дивизияси, тоғ-ўқчи бригадаси, алоҳида мотоўқчи бригадаси ва учта артиллерия дивизионидан иборат. ҚК шахсий таркиб билан 70%га шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутланган. Бу кўрсаткич махсус бўлинмаларда 100%ни ташкил этади. Қуруқликдаги қўшинларнинг қурол ва техникалари таркибига: Т-72 танк, бронетранспортер (БТ) ва пиёдалар жанговар машинаси (БМП), “Град” ва “Ураган” реактив системаси, артиллерия тўпи ва миномёт, шу жумладан, ўзиюрар гаубица.

**Ҳаво мудофааси қўшинлари** (ҲМҚ) собиқ хорижга авиация кадрларини тайёрлаб берувчи марказий курсга тегишли бўлган Луговой, Ново-Троицк Токмак, Кант ва 1-Бишкек номли аэродромлар базасида ташкил этилган.

#### **ҲМҚ таркиби:**

- алоҳида қирувчи-авиация полки – доимий жойлашув пункти Токмак шаҳри;

- алоҳида транспорт-авиация полки – Кант;

- вертолётполки – Бишкек;

- МВ ҳарбий ҳаво базаси – Бишкек.

Қирғизистон, Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг ҳаммаси бўлиб, 70 та Л-39 жанговар-ўқув самолёти, 48 та МиГ-21, 2 та АН-26 ва АН-12 ҳарбий-транспорт самолётлари, 4 та Ан-2 ва АН-12 самолётлари ҳамда 30 та Ми-8 ва Ми-24 вертолётлари (*эксплуатацияда 24 та*) ва 1 та Ми-8 МТВ вертолётига эга бўлган.

ҲМҚ таркибига зенит-артиллерия бригадаси, иккита С-175 ракеталар дивизиони, 4 та С-75 дивизиони, биттадан С-10 ва ЗУ-23-2 зенит қурилмалари дивизиони киритилган. Қуроллари: 30 та 57-мм зенит пушқалари, 30 та 100-мм зенит пушқалари, 4 та тўрт стволли зенит қурилмалари “Шилка” ва қўл зенит-ракета комплекси ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, 2009 йил Россия ҚР ҲМҚга ҳаво ҳужумидан мудофаа қурилмаларини таъмирлаш ва радиолокацион тизим ўрнатишга кўмаклашгани маълум.

**Чегара қўшинлари** 2002 йилга қадар МВ таркибида бўлган. Кейинчалик мустақил тузилма сифатида ажраб чиққан. Бугунги кунда чегара қўшинларининг сонини ошириш давлат дастури даражасига кўтарилган бўлиб, 10 минг кишини ташкил этиши мўлжалланган.

**ИИБ ички қўшини** бир жанговар бригада ва 525-махсус “Скорпион” номли отряддан ташкил топган. 2002 йилда жазони ўташ бош бошқармаси ва хорижий давлатлари ваколатхона ва элчихоналарини кўриқлаш батальони Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказилган.

**Миллий гвардия** бир батальон ва “Пантера”, “Илбирс” ва “Эдельвейс” махсус отрядлардан иборат.

Шунингдек, ДМХҚ қошида “Қалқон” ва “Альфа” номли аксилтеррор бўлинмалар ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, махусус қўшин операциялари чоғида юқорида санаб ўтилган вазирлик ва идоралар бўлинмалари **тахдидга тезкор жавоб зарбасини берувчи кучлар** номи остида бирлашадилар. Бунда “Скорпион” ва “Илбирс” махусус бригадалари бу кучларнинг ўзагини ташкил этади.

**ҚР ҳарбий ўқув юртлари ва ўқув марказлари.** Қирғиз Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий институти (Бишкек), Қирғиз Ички ишлар вазирлиги Академияси. Қирғизистон армияси учун кадрлар, асосан, Бишкек ҳарбий институтида, офицерлар учун малака ошириш маркази, сержантларни тайёрлаш мактаби ҳамда ва ҳарбий лицейларда тайёрланади. Лекин учувчи, сапёр, зенитчи, ҳарбий врач ва чегарачи мутахассислиги бўйича кадрлар ҳукуматлараро шартномаларга асосан Россия, Қозоғистон, АҚШ, Туркия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Франция, Буюк Британия ва Озарбайжондаги ҳарбий таълим муассасаларида бепул ўқитилади. Йилига 100 га яқин қирғиз ҳарбийлари хорижга таълим олиш учун юборилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Вооруженные силы Кыргызской Республики: преобразования и улучшения. ИАЦ “Кабар”. 29.05.2018 // [http:// www.kabar.kg.](http://www.kabar.kg;); Ратификация закона КР

Қирғизистоннинг “Айнур” акциядорлик корхонаси томонидан радиотўлқинли ва магнит ўлчовли қўриқлаш аппаратлари, Бишкек машинасозлик заводида патрон ишлаб чиқарилади. Зирҳли техникаларни таъмирлаш бўйича Қирғизистон ва Қозоғистон қўшма корхонаси ҳам мавжуд. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш объектлари кўп жиҳатдан Россия ҳарбий-саноат мажмуига боғлиқ. Мисол учун, РФ “Дастан” акциядорлик жамияти ва “Озеро” қўшма корхоналарининг йирик акциядори ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қирғизистон ҳарбий қурилишида Россия, Туркия ва Қозоғистоннинг кўмаги муҳим ўрин тутишини таъкидлаш лозим. Хусусан, Россия Қирғизистонга қиймати 238 млн АҚШ долларига тенг қуроллар, миномётлар, дала шароитида овқат пишириш печлари, госпиталь анжомлари ва алоқа воситалари, бронетранспортёрлар, Д-30 гаубицаси, жанговар техникалар учун эҳтиёт қисмларни етказиб берган. ҚР Чегара қўшини 125 та техника<sup>2</sup>, шу жумладан 2 та вертолёт ва радиолокацион ускуналарни беғараз ёрдам тариқасида олган<sup>3</sup>. Мазкур кўмак “Қирғиз Республикасини ЕОИИга қўшилиши доирасида ҳарбий-техник ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги икки томонлама келишувга<sup>4</sup> асосланади. Россиялик мутахассислар томонидан ҚҚдаги артиллерия ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қурилмалари таъмирланмоқда<sup>5</sup>. Қозоғистон ҳам Қирғизистонга миномёт ва зирҳли машиналар етказиб берган<sup>6</sup>. Шунингдек, республикадаги айрим ҳарбий қисм ва сержантлар мактабини қуриш ишлари АҚШ ҚҚ Марказий қўмондонлиги томонидан молиялаштирилган ҳамда қўтқарув марказида қирғиз ҳарбийлари учун тренинглар ташкил этилган<sup>7</sup>.

Шунингдек, Қирғизистон ўз ҳарбий учувчиларининг тайёргарлигини оширишда Россиянинг “Кант” ҳарбий авиабазаси имкониятларига таянади. Қуруқлик қўшини бўлинмалари КХШТ доирасидаги “Рубеж”,

---

“Соглашение о подготовке военных кадров для государств-членов ОДКБ” от 2.03.2005 г. // <http://www.cbd.minjust.gov.kz>.

<sup>1</sup> <http://www.vesty.kg>.

<sup>2</sup> Президент Жээнбеков принял военную технику от России. 15.01.2019. - // <http://www.kg.akipress.org>; В Кыргызстан поступила первая партия военной техники из России. 15.01.2019. // <http://www.zakon.org>.

<sup>3</sup> Россия подарила Кыргызстану 2 вертолета и средства ПВО. На что они способны. 27.11.2019. // <https://www.24.kg>.

<sup>4</sup> *Изоҳ:* “ҚР ва РФ ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорликнинг ривожлантириш шартномасини ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун 2017 йилда имзоланган // <http://www.vesty.kg>.

<sup>5</sup> “Кыргызстан очень нуждается в обновлении военной авиации и ПВО”. 13.08.2019. // <http://www.eurasia.expert>.

<sup>6</sup> В армиях СНГ. // Красная звезда от 20.05.2011.

<sup>7</sup> Kyrgyzstan: Recent Developments and U.S. Interests. Jim Nichol Specialist in Russian and Eurasian Affairs. August 30, 2013. Congressional Research Service. // <http://www.crs.gov>.

ШХТнинг “Тинчлик миссияси” каби ўқувларида иштирок этиш орқали жанговар шайлигини мустаҳкамлаб келади. Ҳозирги кунда жанговар машиналарни таъмирлаш ёки янгилаш, жанговар ва разведка дронлари билан қуролланиш ҚҚ раҳбарияти олдида турган долзарб масала ҳисобланади.

Хусусан, 2021 йилдан буён Қирғизистон хорижий ҳамкорларидан қурол-яроғ сотиб олиш орқали ўз ҳарбий салоҳиятини кучайтирмоқда. Энг муҳим ўзгариш дрон стратегияси билан боғлиқ. Унда Туркия билан яқин муносабатлари орқали илгари учувчисиз учиш аппаратлари (УУА) имкониятларига эга бўлмаган мамлакат, энди ҳужум ва кузатув дронлари тўпламига эга давлатга айланди.

Хусусан, Қирғизистон ҳукумати 2021 йил кузида илк бор Туркияда ишлаб чиқарилган ТБ2 Bayraktar дрон моделини харид қилди. Шунингдек, Бишкек Россиянинг “Orlan-10E” кузатув учувчисиз учиш аппаратларини ҳам харид қилганини маълум қилди. Бундан олдин эса, Қирғизистон Қуролли кучлари Хитойнинг WJ-100 кузатув учувчисиз аппаратларини сотиб олганди. Бу ҳаракатлар 2021 йил баҳорида қўшни Тожикистон билан чегара можароси кучайиб, унда тожик ҳарбийлари устунликка эришганидан сўнг амалга оширилди.

Харид қилинган учувчисиз учиш аппаратлари кейинги йили Тожикистон билан бўлган навбатдаги чегараолди қуролли можарада самарали ишлатилди. Bayraktar дронларига қўшимча Akinci, Aksungur ва Anka моделлари ҳам қўшилди. Бишкек ва Анқара ўртасидаги мустаҳкам хавфсизлик алоқалари, хусусан давлат раҳбарлари ва юқори лавозимдаги амалдорларнинг ўзаро ташрифи туфайли турк дронларининг етказиб берилиши кенгаймоқда.

Шу билан бирга, Қирғизистон ўзининг дронлар арсеналини тўлдириш мақсадида Россия ва Хитойнинг кичикроқ кузатув учувчисиз учиш аппаратларига ҳам маблағ сарфламоқда.

Бундан ташқари, 2023 йилда Беларуснинг С-125 Печора-2 БМ ҳаво ҳужумидан мудофаа ракета тизимларини сотиб олиш ва Совет Иттифоқида ишлаб чиқилган С-125 ракета тизимларини яқинда сотиб олинган Печора-2 БМ ракета тизимларига янгилаш режалаштирилган бўлиб, 2022 йилда Чегара хизмати учун 55 та “Тигр” зирҳли техникаси ва 50 та “КамАЗ” юк машинаси ва Бирлашган Араб Амирликларидан 40 та зирҳли техника сотиб олинди<sup>1</sup>.

### **8.3. Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари**

*Тожикистон Қуролли кучларининг ташкил топиш тарихи.* Тожикистон ҚҚ 1992-1993 йилларда турли қуролланган группировкалар

---

<sup>1</sup> Francisco Olmos (Марказий Осиё бўйича Лондонлик тадқиқотчи), THE DIPLOMAT: Kyrgyzstan’s Path to Rearmament. 08.08.2023. // <https://thediplomat.com/2023/08/kyrgyzstans-path-to-rearmament/>

асосида ташкил топган. 1993 йилнинг 23 феврида, республика худудида фуқаролар уруши бораётган бир пайтда, пойтахт гарнизонининг қисмлари Миллий фронтни қўллаб-қувватлаб, Душанбедаги ҳарбий парадда иштирок этадилар. 1994 йилнинг апрелида Тожикистон Олий кенгаши қарори билан ҚҚ ташкил топганлиги расмий тасдиғини топди. 1995 йилда “Мудофаа тўғрисидаги” қонун қабул қилинади.

ҚҚ олий бош қўмондони президент ҳисобланади. МВ эса армиянинг моддий, молиявий ва фронторти таъминоти билан шуғулланади. Бош штаб оператив бошқарувни амалга оширади.

Кейинчалик амалга оширилган ҚҚ ислоҳоти мамлакатдаги урушдан сўнг тинчликни мустаҳкамлаш давомида амалга оширилди. 1997 йилда Э. Раҳмон ва Бирлашган тожик муҳолифати миллий ярашув ва тинчликка келишувга имзо чеқдилар. Аста-секинлик билан ТРда мунтазам армияни қуриш бошланди. Бунда фуқаролар уруши вақтида пайдо бўлган ноқонуний қуролланган отрядлар қуролсизлантирилди.

Бироқ алоҳида дала қўмондонлари, айниқса, ТБАО ва Тавилдара районидаги отрядлар ўзини сақлаб қолишга уриндилар<sup>1</sup>. Бу қуролли тузилмалар республикадаги маҳаллий кланлар манфаатидаги объектларни қўриқлаш ишларига жалб қилинган.

Тожикистонда ҳарбий қурилишнинг навбатдаги босқичи фуқаролар урушидан кейинги – тинчликни мустаҳкамлаш даврига тўғри келди; мунтазам армияни қуриш жараёни янада тезлашди. 2000-йилдан шартнома бўйича ҳарбий хизмат бекор қилиниб, армия умумҳарбий мажбурият асосида бутлана бошлади<sup>2</sup>.

2002-2003 йиллардаги ислоҳотлар натижасида тоғ-ўқчи ва десант ҳарбий қисмлари асосида Мобил қўшинлар тузилди ҳамда ХХК ва ХХМ қўшинлари бирлаштирилди. Мобил қўшинлар 2009, 2010 ва 2021 йилларда тоғли районларда жойлашиб олган ва расмий ҳукуматга муҳолифатда бўлган айрим қуролли гуруҳларни бартараф этишга қатнашди. Чунки республикадаги маҳаллий уруғ-аймоқлар ўз манфаатлари йўлида улардан фойдаланаётган эди. Афғонистонда юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, 2016 йилда Чегара қўшинлари қошида махсус разведка бўлинмалари тузилди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Армия Таджикистана ориентирована на внутреннего врага // “Deutsche Welle”. 09.03.2010.[http://inosmi.ru/middle\\_asia/20100309/158507293.html](http://inosmi.ru/middle_asia/20100309/158507293.html)

<sup>2</sup> *Изоҳ:* Тожикистон сафарбарлик резерви (16-49 ёшдагилар) – 2 млн нафар, ҳарбий хизматга яроқли бўлганлар - 1,4 млн нафар, муддатли ҳарбий хизматга яроқлилар – 76 минг нафар кишини ташкил этади. Чақириқ ёши 18-27 ёш белгиланган. Йилига 7-9 минг тожик ёшлари ҳарбий хизматга чақирилади. Хизмат муддати 18 ой // *Қаранг:* [<http://www.cia.gov>]; [<http://www.militarybalance.com>].

<sup>3</sup> Маккамбаев П.А. Военно-политическая ситуация в Афганистане и её влияние на пограничную безопасность государств Центральной Азии. Монография. – Т.: “Адолат”, 2013. – С. 253-303.

*ТР ҳарбий доктринаси* 2005 йилда 3 октябрда қабул қилинган бўлиб, у мудофаа характериға эға. Ҳарбий доктринанинг мазмуни ҳарбий-сиёсий вазиятға, таҳдидлар характери ва президентнинг йиллик халқига мурожаатига кўра қайта кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

*Тожикистон ҚКнинг таркиби.* Бугунги кунда ТР ҚК уч таркибдан иборат, жумладан: **Қуруқликдаги қўшинлар, ҲХК ва ҲХМ, Мобил қўшинлар.** Техника ва шахсий таркиб билан бутлаш даражаси 80%ни ташкил этади. Офицерлар таркибини бутлаш 60%ға тенг. ТР ҚК таркиби қуйидагилардан иборат.

*Қуруқликдаги қўшинлар таркиби* – 2 та мотоўқчи бригадаси Қўрғон-тепа ва Хўжандда жойлашган; артиллерия бригадаси – Душанбеда; тоғ-ўқчи бригадаси – Душанбеда.

Қуруқликдаги қўшинларнинг қурол ва техникалари: Т-72 ва Т-62 танклари, БМП-1, БМП-2, БТР-60, БТР-70 ва БТР-80. Артиллерияда 122-мм Д-30 гаубицаси, БМ-21 “Град” реактив системаси, 120 мм миномёти ва Хитойдан сотиб олинган Dongfeng CS/SS4 82 миллиметрли ўзиюрар миномёт тизими<sup>1</sup> мавжуд.

*ҲХК ва ҲХМ.* ҲХК битта вертолёт полкидан иборат бўлиб, таркибида 11 та зарба берувчи Ми-24 вертолёти, 13 та Ми-8 транспорт-жанговар вертолёти бор<sup>2</sup>. Яқингача, ТР ҳарбий самолётларға эға эмас, деб ҳисобланилар эди, бироқ республика мустақиллигининг 20 йиллигига атаб ўтказилган парадда 3 та Л-39 ўқув-жанговар самолёти ва 2 та Ту-95 стратегик бомбардирмончи самолёт иштирок этди<sup>3</sup>. ҲХМ қўшинлари ҳали тўла шаклланиб улгурмаган. Фақат бу вазифани ҳозиргача биргина зенит ракета полки бажариб келмоқда. Полк 20та С-75 ЗРК, 17 та С-125 “Печора” ЗРК билан қуролланган.

Бундан ташқари, Тожикистон 2025 йил 23 февралда мамлакат Қуролли кучларининг 32 йиллигига бағишланган ҳарбий парадда биринчи марта яқинда сотиб олинган тўртта жанговар машина ва иккита транспорт-ўқлаш машинасидан иборат НQ-17АЕ қисқа масофаи зенит-ракета тизимини омма олдида намоиш этди<sup>4</sup>. Бу Тожикистоннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қобилиятини модернизация қилиш бўйича сўнгги саъй-ҳаракатларини яққол кўрсатади ва Хитой билан ҳарбий ҳамкорлиқнинг ўсиб бораётганини таъкидлайди.

*Чегара қўшинлари.* Чегара қўшинлари штаби Душанбе шаҳрида жойлашган бўлиб, бешта бригадadan ташкил топган. Учта бригада тожик-афғон чегарасини, иккитаси эса тожик-ўзбек ва тожик-қирғиз

<sup>1</sup> <https://polygonjournal.com/2020/02/27/tajikistan-has-purchased-dongfeng-cs-ss4-82mm-self-propelled-mortar-system/>

<sup>2</sup> История Вооружённых Сил Таджикистана // 2010. <http://www.desantura.ru/tj>

<sup>3</sup> Азия-Плюс: Таджикская армия. Что мы имеем, или Человек с дубьем? 21.02.2013. // <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1361461500>

<sup>4</sup> Дзен: Таджикистан впервые приобрел китайскую систему ПВО. 11.03.2025. // <https://dzen.ru/a/Z9AMnah8fAl5n0kp>

чегараларини кўриқлайди. Бригадалар АК-74 Калашников автомати, РПК-74 пулемёти, Макаров ПМ-9 мм пистолети, РПГ-7 гранатомёти, бронетранспортер, тунги кўриш мосламалари билан қуролланган.

*Мобил кўшинлар* Душанбеда жойлашган бўлиб, улар таркибига барча десант қисмлари, махсус бўлинмалар ҳамдатоғ-ўқчи бригадаси киради.

*ИИБ ички кўшинлари* алоҳида бир оператив махсус бригадadan ташкил топган бўлиб, таркибига оператив, махсус, мотоўқчи ва патруль-пост хизмати батальонлари киради. Шахсий таркиби – 2300 кишидан иборат. 70% офицерлардан ташкил топган. Бригада 10 та Т-72 танки, 14 та БМП-2, 22 та БТР-80, 10 та гаубица, 6 комплект зенит қурилмалари, 120мм миномёт батареяси ва 2 та Ми-8 вертолётни билан қуролланган. 2014 йилдан милицияни ислоҳ этиш бўйича Тожикистон ҳукуматининг қарори чиқди. Ислоҳотлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида ўтказилади.

Миллий хавфсизлик давлат қўмитасининг ҳарбийлашган бўлинмалари мотоўқчи полкидан (Кулоб) ва “Альфа” отрядидан (150 киши) ташкил топган.

*Президент гвардияси.* Президент гвардияси бригадadan иборат бўлиб, ТР президентининг резерв кучи ҳисобланади. Зирҳли техникалар ва махсус ва оддий ўқ отар қуроллар билан қуролланган.

Фавқулодда вазиятлар қўмитаси 1999 йилда тузилган. Ўша вақтда бирлашган тожик муҳолифат кучлари дала қўмондони Мирзо Зиёев вазир этиб тайинланган эди. Ҳозирги кунда вазирликка қарашли бўлинмалар сони 2-2,5 минг жангчидан иборат. Тожик-қирғиз ва тожик-ўзбек чегараларининг назорати билан ҳам шуғулланади.

*ТР ҳарбий ўқув юртлари ва ўқув марказлари.* Тожикистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий институти; Тожикистон Ички ишлар вазирлиги академияси; Чегара кўшинлари академияси.

Тожикистон Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда ҳамкорлик қилишдан манфаатдор<sup>1</sup>. Россия Федерациясининг ҳарбий олий ўқув юртларида Тожикистоннинг 600 га яқин ҳарбий хизматчиси таълим олмоқда ва 1200 дан ортиқ киши Россия армиясининг энг йирик хорижий объекти – Душанбедаги 201-Россия ҳарбий базасида кичик мутахассислар курсларини ўтамоқда. Шунингдек, тожикистонлик ҳарбийлар Ҳиндистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Хитой, Покистон ва Чехияда ҳам ўқиш, қайта тайёргарлик кўриш ва касбий маҳоратларини ошириш учун таҳсил олмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, Россия билан ҳамкорлик республикага замонавий Қуролли кучларни барпо этиш ва уларни зарур техника билан жиҳозлаш имконини берди. Хусусан, 2021 йилдан бошлаб Тожикистон

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Таджикистан Эмомали Рахмона парламенту. 22.04.2002. // <http://www.president.tj/node/6694>.

осмонини Россия билан бирлашган ҳаво муҳофазаси тизими ҳимоя қилмоқда. МДҲ давлатларининг бирлашган ҳаво муҳофазаси “проекцияси” ҳақида ҳам унутмаслик керак – бу 20 та авиация, 50 та зенит-ракета ва радиотехника қисмлари, 10 га яқин ҳаво муҳофазаси бригадаси ва радиоэлектрон кураш бўлинмаларидан иборат.

Тожикистондаги Россиянинг 201-ҳарбий базасини 2050 йилгача ижара муддатини узайтирилгани эвазига, РФ томонидан вақти-вақти билан беғараз ҳарбий ёрдамлар ажратилмоқда<sup>1</sup> (*маълумотларга кўра, 2025 йилгача Россия Федерацияси Тожикистон ҳарбий қурилишига 200 млн доллар сармоя киритишга, шунингдек, 1 млрд долларлик қурол-яроғ етказиб беришга ваъда берди ва Москва ўз ваъдаларини бажармоқда*<sup>2</sup>). Олинаётган қурол ва ҳарбий техника, ўқ-дорилар, аслаҳалар эвазига Тожикистон армияси бутланмоқда<sup>3</sup>.

2021 йил ҳолатига кўра, 201-ҳарбий базада 5000 нафар россиялик ҳарбий хизматчи, шунингдек, ҳарбий техника ва қуроллардан: 40 та Т-72Б1, 60 та БМП-2, 80 та БТР-82А, 40 та МТ-ЛБ, 18 та 2С1 Гвоздика, 36 та 2С3 Акация, 6 та 2С12 Сани, 12 та 9П140 Ураган дивизиони, 4 та Ми-24П, 4 Ми-8МТВ, 2 Ми-8МТВ-5-1 вертолётлар эскадрони ҳамда УУА мутахассислари батальони жойлашган.

Эрон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар 2020 йилдан буён катта тараққиётга эришди. 2022 йил 17 май куни Эрон Тожикистонда “Абабил-2” номли учувчисиз ҳарбий учиш аппаратини биринчи ишлаб чиқариш заводини очди<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, Тожикистон Марказий Осиёдаги қўшнилари қаторида Туркияда ишлаб чиқарилган Bayraktar ТБ2 учувчисиз жанговар ҳаво кемасини сотиб олди ва қўшни Қирғизистон билан чегара можаролари фонида дунёга машҳур дроннинг сўнги харидорига айланди<sup>5</sup>. Бу борада бир қатор турк оммавий ахборот воситалари

---

<sup>1</sup> Соглашение между Российской Федерацией и Республикой Таджикистан о статусе и условиях пребывания Российской военной базы на территории Республики Таджикистан от 05.10.2012 г. // [http://www.mid.ru/spd\\_md.ns.../twowebcantr?openview](http://www.mid.ru/spd_md.ns.../twowebcantr?openview).

<sup>2</sup> Дзен: Какое оружие Россия поставила Таджикистану. 22.02.2024. // <https://dzen.ru/a/ZdeH3Z4jISiiSW6g>.

<sup>3</sup> *Изоҳ:* Ми-8 ва Ми-24 вертолётлари, Л-39 самолётлари, шунингдек, Тожикистондаги 201-ҳарбий базасини қайта қуролланиши натижасида фойдаланишдан ечилган Т-62, Т-72 танклари, БМП-2, БТР-70 ва БТР-80, Д-30 гаубицалари, “Ураган” номли реактив ўт очиш системаси, 120-мм миномёт ва “Игла”, “Шилка” ва “Оса” зенит комплекслари етказиб берилган.

<sup>4</sup> ASIA-Plus: Tajikistan reportedly applies to purchase Iranian unmanned aerial vehicles. 20.10.2022. // <https://asiaplustj.info/en/news/tajikistan/security/20221020/tajikistan-reportedly-applies-to-purchase-iranian-unmanned-aerial-vehicles>.

<sup>5</sup> Ayshe Betul Bal, DAILY SABAH: Tajikistan mulled to buy Turkish drones amid border dispute with Kyrgyzstan. 28.04.2022. //

Тоҷикистон 10 дан ортиқ мамлакат захираларида бўлган Туркиянинг Байкар дрон магнати томонидан ишлаб чиқарилган УУАларни сотиб олгани ҳақидаги хабарларни эълон қилган.

Тоҷикистон Республикасининг ҳарбий қурилиши Афғонистондаги мураккаб вазият ҳамда хориж давлатлари томонидан кўрсатилаётган ёрдам шароитида амалга оширилмоқда. Жумладан, республика мудофаа вазирлиги қўшинлар жанговар тайёргарлик даражасини икки ва кўп томонлама халқаро ўқувларга қатнашиш орқали оширишга ҳаракат қилмоқда. МДХ доирасида ўтказиладиган “Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони”, КХШТнинг “Рубеж” ва “Марказ”, ШХТнинг “Тинчлик миссияси” номли кўмондонлик-штаб ва дала машқлари, шунингдек, тожик-афғон чегара ҳудудларида Россия ҳарбий бўлинмалари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган разведка-қидирув машқлари ҳамда “Искандер”ларни учириш ва авиация зарбаларини машқ қилмоқда. Тоҷикистон махсус бўлинмалари АҚШ ҚК Марказий кўмондонлиги шафелигида ташкил этиладиган аксилтеррор машқларида ҳам иштирок этиб келади.

Шунингдек, Тоҷикистон чегара хавфсизлигини таъминлаш учун АҚШнинг “Давлат чегараларини кўриқлаш ва назорат қилиш дастури” доирасида молиявий ёрдам олиб туради. Мисол учун “Фахрабод” ўқув полигони, “Яхчи-пун” тожик-афғон чегара заставаси ва республика таҳлилий маркази қурилиши АҚШ томонидан молиялаштирилган. Чегара қўшинига радиостанция, портатив радиоаппарат, дизель генератор, портатив компьютер, қишки кийим-бош ва автомашиналар етказиб берилган<sup>1</sup>. Тоҷикистон Ҳиндистон ва Хитой билан ҳам яқин ҳарбий ҳамкорлик ўрнатган. Масалан, “Айни” аэродроми инфратузилмаси хиндлар тарафидан таъмирланган. Хитой эса, Тоғли Бадахшон автоном вилоятининг Ишканим йўналишидаги чегара заставалари инфратузилмаларини янгилашга молиявий кўмак бериб келади.

#### **8.4. Туркменистон Қуролли кучлари**

*Туркменистон Қуролли кучларининг ташкил топиш тарихи.* Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг, Туркменистон тупроғида Совет Қуролли кучлари Туркистон ҳарбий округининг муҳим элементлари, жумладан, бир нечта мотоўқчи дивизиялар қолди. 1992 йил июнь ойида Россиянинг янги ҳукумати Туркменистон билан икки томонлама мудофаа шартномасини имзолади, бу янги Туркменистон ҳукуматини ўз Қуролли кучларини яратишга ундади, аммо уларни қўшма кўмондонлик остида жойлаштиришни шарт қилиб қўйди.

Шартномада Россия назорати остида қолган чегара қўшинлари ва ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларидан ташқари,

---

<https://www.dailysabah.com/business/defense/tajikistan-mulled-to-buy-turkish-drones-amid-border-dispute-with-kyrgyzstan>.

<sup>1</sup> <http://www.usinfo.state.gov>.

барча Қуrolли кучлар қўшма қўмондонлик остида бўлиши, бу эса аста-секин ўн йил давомида Туркменистоннинг миллий қўмондонлигига айланиши кўзда тутилган эди. Беш йиллик ўтиш даври давомида Россия Туркменистонга моддий-техник ёрдам кўрсатди ва махсус иншоотларни сақлаш ҳуқуқи учун ҳақ тўлади. Туркменистон эса уй-жой, коммунал хизматлар ва маъмурият харажатларини ўз зиммасига олди.

1992-1993 йилларда Туркменистон мамлакатда жойлашган ва Россия ёрдамига боғлиқ бўлган собиқ Совет 52-армияси негизда кичик миллий Қуrolли кучларни яратишга ҳаракат қилди. 110 000 кишидан иборат 300 та тузилма ва бўлинмалардан 200 таси Туркменистон қўмондонлигига ўтказилди.

Туркменистонда ҳарбий қурилишнинг ҳуқуқий асосини “Мудофаа тўғрисидаги” (1993), “Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида” (1993), “Туркменистоннинг доимий нейтралитети тўғрисида” (1995), “Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” (2008) қонунлар ҳамда Ҳарбий доктрина ташкил этади.

Туркменистоннинг 1994 йилда қабул қилинган ҳарбий доктринаси 2009 йилга келиб янгиланди<sup>1</sup>. Унда устувор соҳалар: замонавий ҚҚни қуриш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши кураш учун жанговар шайликни ошириш, ягона ва самарали ҳарбий бошқарув тизимини ташкил қилиш ва бошқалар белгиланган. Навбатдаги янги Ҳарбий доктрина 2016 йилда қабул қилинди. У мамлакатнинг мудофаа сиёсати, ҳарбий-сиёсий йўналиши ва хавфсизлик соҳасидаги асосий тамойилларини белгилаб муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ушбу доктрина Туркменистон Конституцияси ва мамлакатнинг нейтраллик мақомидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

*ТР ҚҚнинг бошқаруви.* ТР Президенти ҚҚ олий бош қўмондони ҳисобланади. ҚҚ устидан бевосита бошқарувни МВ амалга оширади. ҚҚ Бош штаби қўшинлар устидан оператив бошқарувни амалга оширади, ҳарбий операцияларни режалаштиради ва олиб боради. Бошқа қўшин турлари устидан бошқарувни вазирлик раҳбарлари бевосита олиб боради.

*ТР ҚҚнинг қўлланиши.* Агрессияга қарши бутун ҚҚ, яъни қуруқликдаги, ҳаводаги ва Каспий денгиздаги қўшинлар қўлланилади. Ички низоларни, террорчиликни баратараф қилишда ИИВ қўшинлари жалб қилинади.

*Туркменистон ҚҚ таркиби.* Туркменистон ҚҚ асосини Мудофаа вазирлигининг қўшинлари ташкил этади. ҚҚ 1992 йилда собиқ Туркменистон ҳарбий округидан қолган ҳарбий қисмлар базасида ташкил топган. Ўша даврда улар сирасига МОда энг йирик бўлган авиацион группировка кирган. Масалан, 156-қирувчи ва бомбардимончи авиация полки (Мари);

---

<sup>1</sup> Военная доктрина Туркменистана // *Нейтральный Туркменистан от 23 января 2009 г.*

179-қирувчи авиация полки (Небит-Тоғ); 152-қирувчи авиация полки (Оқ-Тепа); 366-алоҳида вертолёт эскадрильяси (Чаржоу); 217-қирувчи ва бомбардимончи авиация полки (Қизил-Арват); қуруқликдаги қўшинлардан - 68-мотоўқчи дивизияси (Қизил-Арват), мотоўқчи дивизияси (Кушка), 61-мотоўқчи дивизияси (Ашхобод), артиллерия бригадаси, реактив артиллерия бригадаси, танкка қарши артиллерия полки, муҳандислик бригадаси ТР юрисдикцияси остига олинган эди.

Бугунги кунда ТР ҚҚ – қуруқликдаги қўшинлардан (ҚҚ), ҳарбий ҳаво кучларидан (ҲХК) ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларидан (ҲХМ) ҳамда ҳарбий денгиз кучларидан (ҲДК) ташкил топган. Умумий сони 26 минг кишидан иборат. ҚҚ, ҲХК ва ҲХМ қўшинларида аскарлар 2 йил муддатли хизматни ўтаса, ҲДКда эса – 2,5 йил.

ТР МВ ислохотлар ўтказар экан, полк тизимидан бригада тизимига ўтишни давом эттирмоқда. Бироқ аксарият қисмлар шахсий таркиб билан фақат уруш даври сафарбарлигида бутланадиган бригадалар бўлиб қолмоқда. Қолаверса, ТРдаги уруғ-аймоқчиликнинг кучли эканлиги, қўшинларда офицерларнинг тез-тез ротацияга тушишига сабаб бўлмоқда.

ҚҚ сони 20 мингни ташкил этади. Айрим маълумотларга кўра,<sup>1</sup> ҚҚда қуйидаги қурол ва техникалар мавжуд.

Туркменистон ҳудудий Қуролли кучлари мамлакатнинг 5 та минтақага маъмурий бўлинишига мувофиқ 5 та ҳарбий округга бўлинган (Аҳал ҳарбий округи, Болқон ҳарбий округи, Дашоғуз ҳарбий округи, Лебап ҳарбий округи, Мари ҳарбий округи).

Ҳар бир ҳарбий округ таркибига округ ҳарбий қўмондонлик ва бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар, алоҳида ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар, этраплар ва этрап ҳуқуқига эга бўлган шаҳарларнинг ҳарбий комиссарликлари киради. Туркменистоннинг ҳудудий мудофаа қўшинлари ҳам минтақавий мақсадларда хизмат қилади.

**ҚҚ жойлашган ҳудудлар:** **Кушкада** – танкчи полки ва иккита мотоўқчи полки; **Қизил-Арват** яқинида – танкчи ва мотоўқчи бригадалар, артиллерия бригадаси; **Ашхободда** – учта мотоўқчи бригадаси, муҳандислик полки, мотоўқчи батальони; **Туркманбоши** атрофида – мотоўқчи бригадаси жойлашган.

ҲХК ва ҲХМда жами 4 мингта ҳарбий хизматчи мавжуд. Жанговар техника ва қуроллари: 22 та МиГ-29, 2 та МиГ-29УБ, 230 та МиГ-23М, 3 та МиГ-21, 24 МиГ-25ПД қирувчи самолётлари, 65 та Су-17М, 3 та Су-7Б, 46 та Су-25 штурмчи самолётлар, 2 та Л-39 “Альбатрос” ўқув-машқ самолёти, Ан-12, Ан-24, Ан-74, 10 та Ан-26 ва Ан-2 ҳарбий-транспорт

---

<sup>1</sup> Қаранг: Бурнашев Р., Черных И. Вооруженные силы Туркменистана: проблемы и направления развития // Центральная Азия и Кавказ №4 (28) 2003.; Военное сотрудничество стран СНГ (анализ)/Источник - Новая политика.13.02.2006.; По данным различных российских источников (“Независимое военное обозрение”, “Военно-промышленный курьер”.; Журнал “TheMilitarybalance” (2006-2012).

самолётлари. Вертолёт паркида 10 та Ми-24, 20 та Ми-8 ветолётлари бор. ҲХМ қўшинлари 48 та ЗСУ-23-4 зенит системаси, 40 та “Оса” ЗРК, 39 та “Стрела-1”, 80 та “Круг”, 94 та С-75, С-125 “Печора” ва С-200 зенит ракета комплекслари билан қуролланган.

Маълумотларга кўра, мавжуд техникалардан фақат 24 та МиГ-29/29УБ, 50 та МиГ-23М, 65 та Су-17М/УМ, 3 та Су-7Б, 43 та Су-25, 2 та Л-39, 1 та Ан-26, 10 та Ми-24 и 8 та Ми-8 уча олади. Қолган техникалар консервацияда сақланади ёки таъмир талаб ва бузилган ҳолда паркларда ётибди<sup>1</sup>.

Сўнги икки йил ичида ТР ғарб мамлакатлари техникасига эга бўлди. Мисол учун, АҚШдан S-70A/UH-60 “Блэк Хок” ва S-92 “Хелибрас” вертолётлари олинди. Италия компаниясидан “AW-101” вертолёт сотиб олинди<sup>2</sup>.

Мары-1 и Мары-2 авиабазасида – штурм авиация полки; Небит-Тоғда – қирувчи авиация полки; Оқ-Тепада – қирувчи авиаполк; Ашхободда – алоҳида авиаэскадрилья; Қизил - Арватда – қирувчи ва бомбардимончи авиаполк жойлашган. Ашхобод атрофида, шунингдек, вертолёт эскадрильяси ва зенит-ракеталари комплекси бригадаси мавжуд.

Илгари ТР учувчиларни Россия, Украина, Туркия ва Покистондаги билим юртларида тайёрлатган. Ҳозирги кунда туркман учувчилари Ашхободдаги МВнинг ҳарбий институтида ва 31-ҳарбий учувчилар мактаби (Туркманобод аэродроми) қошида тайёрланмоқда. Курсантлар сони 90 кишини ташкил этади<sup>3</sup>. 2012 йилда курсантларнинг тайёргарлиги учун Су-25 тренажёрини 3 млн долларга сотиб олди<sup>4</sup>.

ТР ҲДК 2010 йилдан кейин тузилди. Сони 2000 кишидан иборат. Денгизчилар МВ ҳарбий денгиз институтида тайёрланади. ҲДК асосий базаси Туркманбоши портида жойлашган. Амударёдаги флотилия базаси Келифда. 2015 йилга қадар ТР Туркманбоши портини йирик ҳарбий-денгиз базасига айлантирмоқчи<sup>5</sup>.

ҲДК 2 та “Меридиан” ва “Поинт Джексон” (АҚШ) катерлари; 10 та 40-тоннали “Гриф” патрул катерлари; 10 та 8-тоннали “Калкан-М” катер ва битта “Кольчуга-М” РЛС (Украина); “Корунд” ва “Сайгак” минна трали; 2 та “Гайратлы” ва “Эдермен” ракетали катерлар, 4 та кемага қарши

---

<sup>1</sup> Калишевский М. Центральная Азия. Военный баланс. 10.10.2012 <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1349850240>.

<sup>2</sup> Еженедельный обзор военно-технической информации “Монитор” № 16, 15-21 апреля 2013 г.

<sup>3</sup> 2009 йилда учувчилар сони 15 киши эди.

<sup>4</sup> IWPR: Нейтральный Туркменистан наращивает военную мощь // <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1278671940>.

<sup>5</sup> Ашхабад укрепляет позиции на Каспии. 12.10.2011. // [http://www.ng.ru/cis/2011.10.12/1\\_kaspiy.html](http://www.ng.ru/cis/2011.10.12/1_kaspiy.html)

“Уран-Е” тизими<sup>1</sup>; 2 та “УТКВ-400” (Туркия) патруль катерлари; битта “Аркадаг” – чегара кемасига эга<sup>2</sup>.

Туркманистон сўнги ўн йил ичида Туркиядан ўқ-дорилар ва ҳарбий техника сотиб олишни кенгайтди. 2010 йилдан буён Туркиядан патруль катерлари, тезкор ҳужумга учувчи кемалар, гидрографик кемалар ва қидирув-қутқарув кемаларини сотиб олди. Август ойида Туркманистон денгиз флотининг флагманлигини қабул қиладиган Туркиянинг Деарсан кемасозлик заводи томонидан қурилган 91 метрлик Дениз Қҳан корветини ўз флотига қўшди.

Шунингдек, 2021 йил 27 сентябрь куни мамлакат Совет Иттифоқидан мустақил бўлганининг 30 йиллигига бағишланган ҳарбий парад чоғида илк бор ўзининг Bayraktar TB2 жанговар учувчисиз учиш аппаратларини намоиш қилди<sup>3</sup>.

Туркманистон президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг давлат хавфсизлик кенгаши мажлисларидаги армияни модернизация қилиш бўйича кўрсатмаларига биноан, сўнги икки йил ичида қуруқликдаги қўшинлар, ҲХК ва ҲХМ қисмлари замонавий техникалар ва қуроллар тизими, шу жумладан, тактик учувчисиз учиш аппаратлари билан қайта қуролланмоқда. Бу очиқ ва пасттекислик рельефга эга Туркманистон ҳудудини, шунингдек, ҳаво маконини таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. ҲДК бошқа қўшин турлари каби бир хил ҳарбий техникалар билан бутланмаган. Каспий денгизи ҳуқуқий мақомининг қирғоқбўйи давлатлари томонидан белгилаб олинмагани бунинг асосий сабаби ҳисобланади. Расмий Ашхобод учун туркман-афғон чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш ўта муҳимдир. Ушбу йўналишда қўшинларни қўшимча бутлаш учун қисман сафарбарлик ўтказилмоқда ҳамда чегара ҳудудлари муҳандислик тўсиқлари билан жиҳозланмоқда. Бу борада Россия, Украина, Туркия, Хитой расмий Ашхободнинг етакчи ҳамкорлари саналади<sup>4</sup>.

## **8.5. Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилишининг ўзига хослиги**

Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилишида географик омил муҳим роль ўйнаган. Яъни, мамлакатлар ҳудудининг қуруқликдан иборат бўлганлиги боис, миллий ҚҚ асосини қуруқликдаги қўшин ташкил этади. Шунингдек, ҲХК ва ҲХМ кучлари ҚҚнинг муҳим бўғини саналади.

---

<sup>1</sup> Панфилова В. Ашхабад укрепляет позиции на Каспии//[http://www.ng.ru/cis/2011-10-12/1\\_kaspiy.html](http://www.ng.ru/cis/2011-10-12/1_kaspiy.html).

<sup>2</sup> Данные ЦАМТО // <http://www.armstrade.org/>

<sup>3</sup> Tayfun Ozberk, In first, Turkmenistan shows off Bayraktar TB2 drone. 01.10.2021. // <https://www.defensenews.com/unmanned/2021/10/01/in-first-turkmenistan-shows-off-bayraktar-tb2-drone/>

<sup>4</sup> TIV of arms exports to Turkmenistan, 1991-2017 // [http://www.armstrade.sipri.org/armstrade/html/export\\_values](http://www.armstrade.sipri.org/armstrade/html/export_values).

Умуман олганда, Марказий Осиё давлатларининг барча қўшин турлари минтақавий қўмондонликлар ёки маъмурий бирликлар ҳудудида жойлашган. Мисол учун: Қозоғистонда Марказ, Шарқ, Ғарб ва Жануб – минтақавий қўмондонликларда жойлаштирилган, Қирғизистонда – Марказ ва Жануб қўмондонлигида, Тожикистон ва Туркманистонда – вилоятларда.

Ҳарбий қурилишнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, Қозоғистон ва Туркманистонда ХДКга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, тоғли ҳудуддан иборат Қирғизистон ва Тожикистон учун мобил қўшинлар муҳим роль ўйнайди. Барча мамлакатларда ички қўшинлар, махсус хизматлар ва фавқулодда вазият вазирликлари ҳарбийлашган бўлинмалари ҳамда миллий гвардия ҚК таркибига киритилган.

Ҳарбий қурилишнинг молиялаштириш соҳасига оид маълумотлар таҳлили Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон ҳарбий харажатлари динамикаси ўзгариб турганлигини кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**Ҳарбий харажатларнинг 2020-2023 йиллардаги кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
	(млрд АҚШ доллари ҳисобида)			
Қозоғистон	1,5a	1,6a	1,13a	2,62b
Қирғизистон	0,131c	0,133c	0,150c	0,116b
Тожикистон	0,80d	0,82d	0,104d	0,90b
Туркманистон	номаълум	номаълум	номаълум	0,407b

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақа давлатлари ҳарбий қурилишида халқаро ҳарбий-сиёсий ташкилотлар алоҳида ўрин тутлади. Хусусан, Қозоғистон НАТОга аъзо-давлатлар билан тинчликпарварлик имкониятларини ошириш<sup>2</sup>, ҳарбий таълим соҳасида ва ўқувларда қатнашиш бўйича ҳамкорлик дастурлари<sup>3</sup> ва режаларига<sup>4</sup> эга.

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан: а) Global-Firepower world – <http://www.globalfirepower.com>; б) RANKING ROYALS – <https://rankingroyals.com>; в) TAKE-PROFIT.ORG – <https://take-profit.org>; д) Index mundi – <https://www.indexmundi.com> – манбалари асосида тузилган.

<sup>2</sup> *Изоҳ:* “Казбриг” БМТ шафелигида низоли ҳудудларида ташкил этилган тинчликпарвар миссияларда қатнашмоқда. // <https://www.nato.int>.

<sup>3</sup> “Ҳамкорлик индивидуал дастури” ва “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” номли НАТО дастурлари. *Қаранг:* Transatlantic Relations in the 21th Century. // <http://www.nato.int>; Справочник НАТО. – Бельгия. 2001 г. – С. 74-88.

<sup>4</sup> *Изоҳ:* ҚР ва АҚШ мудофаа вазирлиги ўртасида 2018-2022 йилларга мўлжалланган ҳарбий ҳамкорлик режаси мавжуд. *Қаранг:* Казахстан и США подписали очередной 5-летний план военного сотрудничества. 05.07.2017. // <http://www.factmil.com>.

Томонларнинг икки ва кўп томонлама форматда амалга ошираётган чора-тадбирлари Қозоғистоннинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга, энг муҳими, НАТО стандартларига мос ҳарбий тузилмалар, қурол ва техникаларга эга бўлиш<sup>1</sup> орқали ҳарбий қурилишни диверсификация қилиб боришга имкон яратади. Лекин Қозоғистон Республикаси ҳарбий қурилишида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида чегара хавфсизлиги ва мудофаа масалалари бўйича кенгашлар фаолияти<sup>2</sup> ҳамда КХШТга аъзолик стратегик аҳамият<sup>3</sup> касб этади.

Қирғиз Республикаси КХШТнинг аъзо-давлати бўлишига қарамасдан, 2007 йилдан буён НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурлари<sup>4</sup> доирасида ўз ҳарбий бўлинмаларини тайёрлаб келади. Ҳозирда пойтахт Бишкекда НАТО библиотека фонди фаолият юритади. Ўқув-услубий тренинглари, асосан, АҚШ, Туркия ва Германия вакиллари иштирокида ўтказиб келинади.

Тожикистоннинг КХШТ доирасида Россиядан кўмак олишнинг тожик-ағфон чегараларида вазият кескинлашганда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бу борада республикада ҳар йили ташкилотнинг “Рубеж” жанговар ўқувлари ўтказилишини ҳамда чегара қўшинларида россиялик мутахассислардан иборат маслаҳатчилар институти жорий этилганини таъкидлаш жоиз.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилиши истиқболига таъсир этувчи бош омиллар SWOT таҳлил асосида аниқланди (1, 2, 3, 4-иловаларга қаранг). Унга кўра, Қозоғистон ҳарбий қурилишининг “АҚШ/НАТО ва РФ/КХШТни тийиб туриш сиёсати” (муалл.) асосида амалга ошириб келинаётгани аниқланди. Ҳарбий-саноат комплекси ва Ҳаво мудофааси кучларини ривожлантириш масалалари Россия билан ҳамкорлик даражаси ва салмоғига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, Қозоғистон

---

<sup>1</sup> *Изоҳ:* “Казбриг” НАТО стандартига ўтган. “Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури” марказида тренинглари ташкил этилади. // <http://www.mod.gov.kz>; [www.nato.int](http://www.nato.int).

<sup>2</sup> Материалы международной конференции “Взаимосвязанность в Центральной Азии: вызовы и новые возможности” (г. Ташкент, 19-20 февраля 2019 г.). – Т.: Vaktria press, 2019. – С.198.

<sup>3</sup> *Изоҳ:* Қозоғистон ташаббуси билан КХШТда Коллектив тезкор кучлар тузилган. ҚРнинг десант қўшинлари ана шу кучлар таркибига киритилган. Ушбу ташкилотга аъзо сифатида, Россиядан имтиёзли нарҳда қурол ва техникалар сотиб олади. Қозоғистон ҚК айнан КХШТнинг оператив-тактик ва стратегик ўқувлари иштирокчиси ҳисобланади. *Қаранг:* Положение о Международном центре каталогизации предметов снабжения ВС государств-членов ОДКБ. 23.09.2013. // <http://www.odkb-csto.org>; Соглашение о льготных ценах закупки вооружений в рамках ОДКБ. 01.02.2003. // <http://www.odkb-csto.org>.

<sup>4</sup> *Изоҳ:* “Режалаштириш ва таҳлил жараёни”, “Ҳарбий таълимни ривожлантириш”, “Оператив салоҳият концепцияси”, “Тинчлик ва хавфсизлик йўлида фан” ва “Виждонийлик тизимини яратиш” номли НАТО дастурлари мавжуд. *Қаранг:* Relation with the Kyrgyz Republic. // <http://www.nato.int>.

ҳарбий қурилиши учун КХШТ стратегик аҳамият касб этади. Ҳарбий-денгиз кучларини янгилаш ва ҳарбий таълим йўналиши, халқаро тинчликпарвар миссияларда иштирокни таъминлаш бўйича НАТОга аъзо-давлатлар билан ҳамкорлик форматлари, расмий Остона олиб бораётган кўп векторли ҳарбий сиёсат билан изоҳланади.

Қирғизистонда ҳарбий қурилиш жараёни республикани ЕОИИга аъзо бўлиб кириши ва Россия билан ҳарбий-техник ҳамкорлик келишувлари каби омиллар таъсирида фаол босқичга ўтган. Қирғизистон учун ҳарбий қисмларни бутлаш, жанговар шайликни ошириш ҳамда Ўш ва Боткент вилоятлари – жанубий сарҳадлар ҳимоясини кучайтириш ислоҳот давомида устувор йўналиш бўлиб қолади.

Тожикистоннинг, гарчи кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорлик олиб бораётган бўлса-да, ҳарбий қурилишини иқтисодий, техник ва жанговар асослари Россия Федерацияси томонидан кўрсатилаётган салмоқли ёрдамга боғлиқ. Чегара қўшинидаги ислоҳотларда АҚШ, Европа Иттифоқи ва Хитой иштирокининг аҳамияти расмий Душанбенинг айнан шу соҳада Москвага боғлиқ бўлиб қолмаслик сабаби билан изоҳланади. Яъни, мазкур йўналишдаги диверсификация Тожикистонга ўз чегаралари хавфсизлигини ишончлироқ мустаҳкамлаш имконини бериши мумкин.

Туркманистон ҳарбий қурилиши бетарафлик мақомига бўлишига қарамай, ҚКни фаол қуроллантиришга йўналтирилган. Бу ҳолат расмий Ашхободнинг конфликтли Афғонистон билан умумий чегарага эгаллиги ҳамда Каспий денгизида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилаётгани билан изоҳланади.

Марказий Осиё давлатларидаги ҳарбий қурилишнинг ҳолати ва истиқболларига оид маълумотларни умумий тарзда қуйидагича изоҳлаш мумкин. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб, то ҳозирги кунгача ўз ҳарбий хавфсизликларини ишончли таъминлаш мақсадида ҳарбий қурилишни миллий армияни тузиш, уни халқаро майдондаги вазиятга ва минтақадаги барча учун умумий таҳдидлар: агрессия, терроризм, экстремизм ва маҳаллий урушларни бартараф этишга йўналтиргани маълум бўлди.

Жумладан, Қозоғистон раҳбарияти ички имкониятлар ва халқаро ҳарбий ҳамкорлик орқали жанговар шай армия тузишни, яъни ривожланган махсус кучлар, кибер таҳдидларга туриб бера оладиган, янги авлод алоқа воситалари, учувчисиз бошқариладиган аппарат ва роботлар билан бутланган ҚКга эга бўлиш ғоясини истиқболда амалга оширмақчи<sup>1</sup>. Қозоғистон ҳарбий қурилишида тизимсизлик, қўшин турларида НАТО ва Россия стандартларига оид қурол ва техникаларнинг

---

<sup>1</sup> *Изоҳ:* Қозоғистон Республикаси президенти К.Тоқаевнинг Парламент йиғилишидаги баёноти. 2.09.2019. // <https://www.kursiv.kz>.

жамланиши каби тўсқинлик қилувчи омиллар мавжудлиги кузатилади. Қозоғистон доимо Россиядан масофа ушлашга ҳаракат қилар экан, НАТО аъзо-давлатлари билан ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва ўқувлар ўтказиш йўналишларида алоқаларни мустаҳкамлаб боради. Бироқ ҳар қандай “Ғарбга оғиш” Москванинг стратегик соҳаларда Остонани узоқлашмаслиги учун “ён бериш сиёсати”ни қўллашга мажбур қилади. Албатта, бунда Қозоғистон учун Россия билан ўз манфаатларига мос ва имтиёзли ҳарбий-техник сиёсатни юргизиш имконияти сақланиб қолади.

Қирғизистон ҳарбий қурилишининг истиқболи Россия ва КХШТ давлатларидан келаётган ҳарбий-техник ёрдамга, яъни имкон яратувчи бирламчи омилга боғлиқ бўлади. Бироқ ҚҚдаги муаммолар, мамлакатдаги сиёсий беқарорлик, мамлакатда диний экстремистик ғояларнинг кенг тарқалиши ҳамда мамлакатнинг географик рельефи Марказий Осиёдаги ҲСВга тўсқинлик қилувчи омиллар сирасига киритиш мумкин.

Тожикистон ҳарбий қурилиши йўналишини белгилаб берувчи бирламчи омиллар – Россия ва Хитой ҳисобланиб, уларнинг республика ҳарбий ислоҳотларидаги фаол иштироки Афғонистондаги вазиятни кескинлашувига тўғри пропорционал бўлиб қолади.

Туркменистон ҳарбий қурилишининг истиқболи армияни сафарбарлиги, қайта қуроллантириш ва жанговар ўқувларни ўтказиш ҳисобига мустаҳкамлаб боришга қаратилади деган фаразни илгари суришга имкон беради. Туркман-афғон чегарасида хавфсизликни таъминлаш масалалари Туркменистоннинг хорижий ҳамкорлари билан икки томонлама муносабатлардаги кун тартибига айланади.

Минтақадаги қўшни давлатлар ҳарбий сиёсатининг фаоллашуви, ўз навбатида, улар ҳарбий қудратининг мустаҳкамланишига имкон яратмоқда.

Барча давлатларнинг ҳарбий қурилишига хос бўлган, бир-бирига ўхшаб кетадиган айрим ички жиҳатлари мавжуд, жумладан:

- ҚҚ таркиби ва турлари тўлиқ шакллантирилган;
- Ҳарбий-хаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларини ривожлантиришга катта эътибор берилган;
- жанговар шайликни мустаҳкамлаш тизими яратилган;
- миллий ҳарбий кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилган.

Шунинг билан бирга, ҳар бир минтақа давлатларининг ҳарбий қурилишига хос бўлган бир қатор муаммолар ҳам кузатилади. Уларни умумий жиҳатдан қуйидагича баён этиш мумкин:

- ҚҚ қурол ва техникаларининг 80-90 фоизи белгилаб қўйилган эксплуатация муддатларини ўтаб бўлган;
- Ҳарбий-хаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари мутахассислари, асосан, хорижда тайёрланади;

- ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлгани билан, улар ягона ҳарбий-саноат мажмуига бирлашмаган;  
- ҚҚда ижтимоий муаммолар сақланиб қолган.

Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳозирги тенденцияларидан бири – *минтақа давлатлари ҳарбий қурилишининг фаоллашуви* жараёнига хорижий кўмакнинг таъсир этувчи бирламчи омил сифатида юзага чиқаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Яъни, минтақа давлатлари ҳарбий қурилишининг кадрларни тайёрлаш, жанговар ўқувлар ва ҳарбий-техник соҳалари, асосан, Россия, АҚШ ва ХХР каби геосиёсий куч марказларининг иштироки туфайли фаоллашиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ташқи акторлари сифатида, улар ўртасидаги геосиёсий рақобатни минтақадаги ҳарбий-сиёсий жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига киритиш мумкин.

### **Хулоса**

Марказий Осиё давлатларининг ҳарбий қурилиши ҳар бирига хос сиёсий, иқтисодий ва геостратегик шароитлардан келиб чиқиб ривожланмоқда. Қозоғистон ва Ўзбекистон миллий муҳофаа салоҳиятини мустақил равишда мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Туркменистон нейтраллик сиёсатига содиқ қолиб, муҳофаавий стратегик курсни амалга оширмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон эса ташқи ёрдам ва халқаро ҳарбий ҳамкорликка асосланган тизим орқали хавфсизликни таъминламоқда.

Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилиши бўйича турли стратегик ёндашувларга эга бўлса-да, умумий мақсад – суверенитетни сақлаш, минтақавий барқарорликни таъминлаш ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тизим яратишдир. Минтақадаги ҳарбий ислоҳотлар ва ҳамкорлик истиқболлари хавфсизлик мувозанатига бевосита таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Умуман олганда, минтақавий хавфсизлик, трансчегаравий таҳдидлар ва халқаро рақобат шароитида Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилишини янада чуқурлаштириш ва ҳозирги замон талабларига мослаштириш зарур. Бу йўлда минтақавий ҳамкорлик ва маълум соҳаларда интеграциялашув ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Қозоғистон Республикаси Қуролли кучларининг ўзига хослигини айтиб беринг.
2. Қирғиз Республикаси Қуролли кучларининг ўзига хослигини айтиб беринг.
3. Тожикистон Республикаси Қуролли кучларининг ўзига хослигини айтиб беринг.

4. Туркменистон Қуrolли кучларининг ўзига хослигини айтиб беринг.

5. Марказий Осиё давлатлари ҳарбий қурилишининг ўзаро нисбатини тавсифлаб беринг.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев Ш. Марказий Осиёда хавфсизлик тизимини шакллантириш муаммолари. – Тошкент: Fan, 2021. – 214 б.

2. Абдурахмонов И. Марказий Осиёда ҳарбий ҳамкорлик ва хавфсизлик муаммолари. – Тошкент: Академнашр, 2022. – 210 б.

3. Asian Development Bank (ADB). Security and Development Nexus in Central Asia. – Manila: ADB, 2021. – 104 p.

4. Bailey, J. Central Asia: Defence Transformation and Regional Security. – London: Routledge, 2021. – 176 p.

5. Бобоев Р. Марказий Осиёда ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими: таҳлил ва истиқболлар. – Тошкент: МУ илмий нашрлари, 2023. – 134 б.

6. Имомов Ф., Холов А. Марказий Осиё давлатларида қуrolли кучларни ислоҳ қилиш жараёнлари // Жаҳон сиёсий таҳлили. – 2023. – №4. – Б. 27–35.

7. International Institute for Strategic Studies (IISS). The Military Balance 2024. – London: Routledge, 2024. – 504 p.

8. Kassenova N. Security in Central Asia: Challenges and Responses. – Washington D.C.: Carnegie Endowment, 2022. – 98 p.

9. Маматқулов Ф. Ҳарбий техника ва қуrolланиш соҳасида давлатлараро ҳамкорлик // Марказий Осиё таҳлили. – 2022. – №4. – Б. 32-40.

10. Мирзаев Б. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳарбий ҳамкорликнинг аҳамияти // Халқаро муносабатлар журнали. – 2023. – №1. – Б. 59-67.

11. NATO. Partnerships in Central Asia: Defence and Security Cooperation. – Brussels: NATO HQ, 2022. – 130 p.

12. RAND Corporation. Russian and Chinese Military Influence in Central Asia. – Santa Monica: RAND, 2023. – 140 p.

13. Саидов А. Марказий Осиёда ҳарбий харажатлар динамикаси // Иқтисод ва хавфсизлик. – 2022. – №3. – Б. 43-50.

14. Stockholm International Peace Research Institute (SIPRI). SIPRI Yearbook 2023: Armaments, Disarmament and International Security. – Oxford: Oxford University Press, 2023. – 780 p.

15. Турсунов И. Қирғизистон қуrolли кучларини ривожлантириш истиқболлари. – Бишкек: Мухлис, 2022. – 95 б.

16. Умаров К. Афғонистон омили ва унинг Марказий Осиё ҳарбий қурилишига таъсири // Тошкент давлат университети илмий хабарлари. – 2021. – №2. – Б. 38-45.

17. United Nations Office for Disarmament Affairs (UNODA). Regional Disarmament and Security in Central Asia. – New York: UNODA, 2021. – 88 p.

18. Халиков М. Марказий Осиё давлатлари ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимидаги ислоҳотлар // Миллий университет хабарлари. – 2023. – №1. – Б. 51-58.

## **9. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА СУВ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ**

### **Кириш**

**9.1. Сув хавфсизлиги тушунчасининг мазмуни ва моҳияти**

**9.2. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асослари**

**9.3. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

**9.4. Қўштепа канали қурилишининг минтақадаги вазиятга таъсири**

**9.5. Ўзбекистоннинг сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича сиёсати**

### **Хулоса**

### **Кириш**

Бутун дунёда кузатилаётган чекланган сув ресурсларига, шу жумладан, ер ости сувларига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бораётгани сув хавфсизлигини таъминлаш муаммосига тобора кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этмоқда. Иқлим ўзгариши қурғоқчилик ва чўлланиш каби глобал ҳодисалар билан боғлиқ хавфларни бошқариш, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар ва атроф-муҳитни етарлича сув билан таъминлаш масаласини долзарб қилмоқда.

Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳолатини белгилаб берувчи ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминланишининг асосий омиллардан бири бу трансчегаравий дарёлардан ҳамкорликда фойдаланиш соҳаси бўлиб, ҳозирги кунда минтақа давлатлари ўртасида ушбу соҳада баҳсли ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг асосий сув манбаини Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувлари ташкил этади. Орол денгизи ҳавзасидаги барча манбаларнинг ўртача кўп йиллик сув оқими 116 млрд м<sup>3</sup> ни ташкил этади, шундан 67,4 % Амударё ҳавзасида ва 32,6 % Сирдарё ҳавзасида шаклланади. Ер ости сувларининг умумий захираси 31,2 млрд м<sup>3</sup> ни ташкил этиб, унинг 52,8 % Сирдарё ҳавзасига, 47,2 % эса Амударё ҳавзасига тўғри келади. Амударё ва Сирдарё ҳавзаси давлатларидаги сувга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бориши натижасида минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

### **9.1. Сув хавфсизлиги тушунчасининг мазмуни ва моҳияти**

Сув ресурслари камайиб бориши ва етишмовчилиги натижасида юзага келаётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар муаммолар

юзасидан халқаро ташкилотлар, мутахассислар ва сиёсатчилар турли доиралардаги чиқишларида “сув хавфсизлиги” атамасидан кенг фойдаланмоқдалар. Шунингдек, сув хавфсизлиги масаласи сиёсий ва академик доираларнинг кун тартибидан тобора муҳим ўрин эгалламоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб “сув хавфсизлиги” тушунчаси сув таъминотининг ишончлилиги, сифати, миқдори, ундан хавфсиз ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш ҳамда экологик таъминот каби масалалар бўйича муаммоларни ифодалашга хизмат қилди. Ушбу тушунча Бутунжаҳон табиат фонди ва Бутунжаҳон иқтисодий форумидан тортиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ) қадар сиёсий доираларда тобора кўпроқ фойдаланилмоқда (Бутунжаҳон табиат фонди – 2009, БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури – 2009, Бутунжаҳон иқтисодий форуми – 2011, БМТ Сув ресурслари – 2013, ЮНЕСКО – 2013).

2009 йилда Бутунжаҳон иқтисодий форуми сув хавфсизлигини глобал хавф сифатида биринчи ўринга қўйди ва уни “глобал иқтисодиёт кейинги ўн йилликларда дуч келадиган озиқ-овқат, энергетика, иқлим, иқтисодий ўсиш ва инсон хавфсизлиги муаммоларини боғлайдиган ип”<sup>1</sup> сифатида таърифлади.

Халқаро сув ҳамжамияти бундан олдинроқ “сув хавфсизлиги” атамасини қўллай бошлаган. 2000 йилда ўтказилган II Бутунжаҳон сув форумида “сув хавфсизлиги дунёси – сув, ҳаёт ва атроф-муҳит ҳақидаги тасаввур” тўғрисидаги ўз қарашини билдирган ва “сув хавфсизлигига эришиш йўлида: ҳаракатлар платформаси” мақоласини тақдим этиб, сув хавфсизлигига “ҳар қандай даражада – маишийдан глобалгача – атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан бирга, ҳар бир инсон тоза, соғлом ва яхши яшаш учун арзон нарҳда, етарли даражада хавфсиз сувдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини англатади” – деб таъриф берган<sup>2</sup>.

БМТнинг сув масалалари бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи агентлиги (UN-Water) 2013 йилда тадқиқ этилаётган масала юзасидан ўзининг ишчи таърифини ишлаб чиққан, яъни ташкилот сув хавфсизлигини “аҳолининг турмуш тарзини, фаровонлигини, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, аҳолини сув билан ифлосланишдан ва сув билан боғлиқ офатлардан ҳимоя қилишни ҳамда сиёсий барқарорлик шароитида

---

<sup>1</sup> Илко ван Бик и Воутер Линклаен Арриенс. Водная безопасность: Применение концепции на практике. Тематическая публикация Технического комитета № 20 Глобального водного партнерства 2014 г. (переведено на русский язык Е.Абдрамоновой) // <https://www.gwp.org/contentassets/1180bf6f64e04732ac00717c1c643581/tec-20-ru-web.pdf>.

<sup>2</sup> Ўша манба.

экотизимларни сақлаш учун етарли миқдордаги сифатли сувдан барқарор фойдаланишни таъминлаш имконияти”<sup>1</sup> сифатида баҳолаган.

Ғарб олимларининг сув хавфсизлиги ҳақидаги фикрлари уларнинг тажриба ва тадқиқот соҳасига қараб фарқ қилади. Шу жиҳатдан уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

*Биринчи гуруҳ* олимлари (Жон Смит, Жейн Бартон, Марк Эдвардс) сув сифати ва унинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганишга эътибор қаратганлар. Хусусан, Жон Смит ўз тадқиқотларида сув хавфсизлиги аҳоли саломатлигининг асосий жиҳати ҳисобланишини, инсонлар ичадиган ва гигиена учун ишлатадиган сувнинг сифати уларнинг соғлиғи ва фаровонлигига бевосита таъсир қилишини, тоза сув ҳамма учун мавжуд бўлишини таъминлаш мақсадида сув сифатини назорат қилиш ҳамда ифлосланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган. Жейн Бартон эса сув хавфсизлиги халқаро миқёсда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва мувофиқлаштиришни талаб қиладиган глобал муаммо эканлигини, сув ресурсларини ҳимоя қилиш ва ҳаммага тоза ичимлик сувидан фойдаланишни таъминлаш учун биргаликда ишлаш кераклигини айтган. Марк Эдвардс таъкидлашича, сув хавфсизлиги нафақат жисмоний хавфсизлик, балки жамият саломатлиги ва фаровонлиги масаласидир. Ҳаммага тоза ичимлик сувини таъминлаш учун инфратузилма ва технологияларга сармоя киритиш керак.

*Иккинчи гуруҳ* олимлари эса (Анна Ли, Ханс Шмидт ва ҳ.к.) сувнинг ифлосланиши ёки иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ўрганишган. Жумладан, Анна Ли “сувнинг ифлосланиши ва иқлим ўзгаришини сув хавфсизлигига жиддий таҳдид” сифатида кўрган. Унинг фикрича, сув ресурсларининг барқарорлиги ва келажак авлодларга тоза сув мавжудлигини таъминлаш учун ифлосланишни камайтиришга ва иқлим ўзгаришига мослашишга ёрдам берадиган стратегия ва сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Ханс Шмидт сув хавфсизлиги Европанинг барқарор ривожланишининг асосий жиҳати ҳисобланишини таъкидлаб, тоза ичимлик сувидан фойдаланишни таъминлаш ва сув экотизимларини ҳимоя қилиш учун инфратузилма ва технологияларга сармоя киритиш лозимлигини қайд этган.

*Учинчи гуруҳга* кирувчи олимлар сув хавфсизлигининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларига ҳам эътибор беришган. Уларнинг таъкидлашича, тоза сувнинг нотекис тақсимланиши ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий муаммоларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, улар аҳолининг барча қатламлари учун сув ресурсларидан тенг фойдаланишни таъминлайдиган сиёсат ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишга чақирадилар.

---

<sup>1</sup> Water Security and the Global Water Agenda - A UN-Water Analytical Brief // <https://www.gwp.org/globalassets/global/toolbox/references/water-security-and-the-global-water-agenda-a-un-water-analytical-brief-2013.pdf>.

Жумладан, Мария Гонсалес ўз тадқиқотларида тоза сувдан фойдаланишнинг нотекис тақсимланишига ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий муаммоларга олиб келадиган жиддий муаммо сифатида қарайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш ва янада адолатли жамият яратиш учун аҳолининг барча қатламлари учун сув ресурсларидан тенг фойдаланишни таъминлайдиган сиёсат ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Яна бир европалик мутахассис Жан-Пол Морин сув Европа ҳаёти ва иқтисодиёти учун муҳим манба ҳисобланишини, сув хавфсизлигини таъминлаш ва унинг сифатини сақлаш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозимлигини таъкидлайди. Карла Фрей ўрганишлари давомида иқлим ўзгариши ва сувнинг ифлосланиши Европа учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаришини таъкидлаб, сув ресурсларини бошқариш ва таҳдидлардан ҳимоя қилишда инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш кераклигига урғу берган.

Юқорида санаб ўтилган олимларнинг сув хавфсизлиги борасидаги қараш ва ёндашувлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти, асосан сув хавфсизлигининг бир жиҳатига, яъни *шахс ва жамият соғлом турмуш тарзи кечериши учун сифатли ва етарли сувга эга бўлишига* эътибор қаратишган.

“Сув хавфсизлиги” тушунчасига нисбатан кенгроқ ёндашув ва уни баҳолаш 2013 йилги “Осиёда сув хўжалигини ривожлантириш шарҳи”да таклиф этилган. Шарҳда келтирилган натижалар, рейтинглар ва аниқ мамлакатларнинг шароитларини акс эттирувчи асосий маълумотлар инвестицияларни кўпайтириш, бошқарувни такомиллаштириш ва сув хўжалиги тузилмаларининг салоҳиятини мустаҳкамлашни тақозо этади. Ушбу шарҳнинг таҳлилий асосларини ишлаб чиқишда ишчи гуруҳ Осиё тараққиёт банки (ОТБ) кўмагида сув хавфсизлиги бўйича умумий қарашни тақдим этган. Уларнинг фикрига кўра, “мамлакатлар сув ресурслари ва хизматларини муваффақиятли бошқарсалар, сув хавфсизлигидан қуйидаги мақсадларда фойдаланишлари мумкин<sup>1</sup>:

- барча жамоаларда сув таъминоти ва канализация тизимларининг етарли даражада ишлашини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги, саноат ва энергетика каби соҳаларни қўллаб-қувватлаш;

- яшашга яроқли шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш;

- дарёлар ва экотизимларнинг экологик саломатлигини тиклаш;

- ўзгарувчан яшаш шароитларига мослаша оладиган жамоаларни шакллантириш.

ОТБ ва Осиё-Тинч океани сув форуми ўнлаб ахборот-таҳлилий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий сув хавфсизлиги учун

---

<sup>1</sup> Обзор водохозяйственного развития в Азии 2013: Оценка водной безопасности в Азиатско-Тихоокеанском регионе. Азиатский банк развития // [https://www.adb.org/sites/default/files/publication/30190/asian-water-development-outlook-2013-ru\\_0.pdf](https://www.adb.org/sites/default/files/publication/30190/asian-water-development-outlook-2013-ru_0.pdf).

комплекс асосни ишлаб чиққан. Бу ёндашув натижаларга эришишга йўналтирилган бўлиб, уй хўжаликларида, иқтисодиёт тармоқларида, шаҳар ва қишлоқларда, атроф-муҳит ва барқарор жамоаларда хавфсизликка эришиш муҳимлигини инobatга олган ҳолда сув хавфсизлиги тўғрисида кенг қамровли тасаввурни яратди. Ушбу асос сув хавфсизлигини бешта асосий параметрнинг миқдорий баҳосида кўради. Ушбу умумий қараш сув хавфсизлигининг янги, янада кенг қамровли таърифи учун асос яратди (1-расм).



### 1-расм. Осиё тараққиёт банки шарҳининг сув хавфсизлигини таърифлашга ёндашуви


Шу билан бирга, UN-Water томонидан таъкидланган сув хавфсизлигининг “аҳолининг сув билан боғлиқ офатлардан ҳимоя қилиниши” билан боғлиқ жиҳатини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Зеро, бу ҳолат дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Сувнинг нафақат инсоният учун, балки барча тирик организмлар ва бутун Ер сайёраси учун “ҳаёт-мамот” масаласи эканлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Сув, шунингдек, тошқинлар, кўчкилар ва селлар кўринишида одамлар ўлимига, вайронагарчиликларга, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг издан чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Дэвид Грей ва Клаудия В. Садоффлар сув хавфсизлигига таъриф берганда сувнинг эҳтимолий ҳалокатли таъсирига эътибор қаратишган. Улар берган таърифга кўра, сув хавфсизлиги – бу соғлиқ, даромад, экотизимларни сақлаш ва ишлаб чиқаришни таъминлаш учун сувнинг

етарли ҳажм ва сифатда мавжудлиги, шунингдек, одамлар, атроф-муҳит ва иқтисодиёт учун сув билан боғлиқ рискларнинг мақбул даражаси (1-чизма)<sup>1</sup>.

Россия фанлар академиясининг сув муаммолари институти ўз тадқиқотларида сувнинг талофатли жиҳатига ҳам эътибор қаратган. Институтнинг 2015 йилги ялпи докладада сув омилининг миллий хавфсизликка таҳдидининг учта манбаси келтирилган: 1) ғайритабиий гидрологик ҳодисалар туфайли ҳалокатли тошқинлар ва бошқа табиий офатлар; 2) сув ресурсларининг етишмаслиги; 3) аҳолининг аксарият қисми ичимлик суви ва бошқа сув хўжалиги хизматлари билан қониқарсиз таъминланиши<sup>2</sup>. Вақт ўтиши билан таҳдидларнинг учта манбаси ҳам ортиб бормоқда, бу улардан келиб чиқадиган хавфларнинг олдини олиш



чоралари етарли эмаслигини кўрсатади.

**1-чизма. “Сув хавфсизлиги” таърифи:  
сув ишлаб чиқариш ва фалокат манбаи сифатида**

Халқаро ташкилотлар ва олимларнинг сув хавфсизлиги ҳақидаги қараш ва ёндашувлари унинг аҳамияти ва уни таъминлаш чораларини кўриш зарурлигига ишора қилади. Улар сув хавфсизлиги соҳасида самарали стратегия ва сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун олимлар, давлат ташкилотлари, жамоатчилик ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик қилишга чақирадилар. Сув ресурслари камайиб бориши ва етишмовчилиги натижасида юзага келаётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар муаммолар юзасидан халқаро

<sup>1</sup> David Grey, Claudia W. Sadoff. Sink or Swim? Water security for growth and development. Water Policy // Official Journal of the World Water Council, Volume 9, Number 6, 2007, pp. 547-548.

<sup>2</sup> Данилов-Данильян В.И., Пряжинская В.Г. Пленарные доклады Института водных проблем РАН. Обеспечение водной безопасности – одна из важнейших задач. Москва, 2015 // 14-24\_str\_obespechenie\_vodnoj\_bezopasnosti\_strategy2015\_i\_003-485.pdf (мурожаат санаси: 20.01.2024).

ташкilotлар, мутахассислар ва сиёсатчилар турли доиралардаги чиқишларида “сув хавфсизлиги” атамасидан кенг фойдаланмоқдалар.

Олимларнинг сув хавфсизлиги ҳақидаги фикрлари уларнинг тажриба ва тадқиқот соҳасига қараб фарқ қилади. Умуман олганда, сув хавфсизлиги бир қанча таркибий қисмларни – сувнинг етарлилиги, сувнинг сифати, сувни бошқариш, экстремал иқлим ҳодисаларидан ҳимоя қилиш, сувга ижтимоий ва иқтисодий эришиш имконияти, институтчионал ва ҳуқуқий асос, технология ва инновациялар кабиларни ўз ичига олади (2-расм).

	- сувнинг сифати; - зарарли моддаларнинг йўқлиги.	- сув тошқинига бардошлилик; - қурғокчиликка мослашиш; - иқлим ўзгаришига мослашувчанлик.	- конунчилик; - сиёсий прода ва институтчионал қўллаб-қувватлаш; - халқаро ҳамкорлик.			
<b>Сувнинг етарлилиги</b>	<b>Сувнинг сифати</b>	<b>Сувни бошқариш</b>	<b>Экстремал иқлим ҳодисаларидан ҳимоя қилиш</b>	<b>Сувга ижтимоий ва иқтисодий эришиш имконияти</b>	<b>Институтчионал ва ҳуқуқий асос</b>	<b>Технология ва инновациялар</b>
- ҳажм жиҳатдан етарlilik;	- географик етарlilik;	- мавсумий етарlilik.	- сувни бошқариш самардорлиги; - сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш; - сув таъминоти инфратузилмаси.	- аҳолининг камбағал қатламлари учун эришиш имконияти; - сув ресурсларини адолатли тақсимлаш; - иқтисодий самардорлик.	- замонавий тозалаш ва мониторинг технологиялари; - сувни тежаш бўйича инновациялар.	

## 2-расм. Сув хавфсизлиги компонентлари

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш ўринлики, сув хавфсизлигини таъминлашни барқарор асосда яхшилаш, янада самарали ва ишончли сув тизимларини яратиш бўйича халқаро консенсус кучайиб бормоқда. Бироқ мазкур долзарб ва мураккаб муаммонинг таърифи ва унга бўлган ёндашув бўйича ҳали ҳам ягона тўхтамга келинмаган. Шундай бўлса-да, сув хавфсизлиги концепция сифатида турли тадқиқотчи ва мутахассислар учун ушбу масалага ёндашишнинг “ядриси” вазифасини бажармоқда.

### 9.2. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлашнинг шартномавий-ҳуқуқий ва институтчионал асослари

Марказий Осиё сув ресурсларига боғлиқ бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. Амударё ва Сирдарё дарёлари бу ҳудуддаги ҳаёт, иқтисодиёт ва экологиянинг асосий омилidir. Шунга қарамай, сўнгги йилларда сув тақчиллиги, трансчегаравий муаммолар ҳамда юқори давлатлар билан куйи давлатлар ўртасидаги қарашлар тобора фарқ қилмоқда.

Бундай шароитда минтақадаги тарангликни юмшатишда халқаро шартномалар муҳим ҳуқуқий асос сифатида намоён бўлиши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари сув хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини **халқаро ва минтақавий даражага** бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Халқаро даражада* сув хавфсизлигини таъминлашнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини давлатлар ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар шафэлигида ишлаб чиқилган халқаро шартномалар, келишувлар ва битимлар ташкил қилади.

1. 1966 йил 20 августда қабул қилинган **“Халқаро дарёлар сувидан фойдаланиш бўйича Хельсинки қоидалари”** (Helsinki Rules on the Uses of the Waters of International Rivers) халқаро ҳуқуқдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб, трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш принципларини белгилайди<sup>1</sup>. Таъкидлаш жоизки, бу қоидалар *юридик жиҳатдан мажбурий бўлмаса-да*, халқаро нормалар ва принциплар асосида ҳаракат қилиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Хельсинки қоидаларига кўра, барча давлатлар сувдан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши керак, бироқ бу тенглик ҳар доим бир хил тақсимот эмас, *балки эҳтиёж, аҳолиси сони, мавжуд инфратузилма ва тарихий фойдаланишга асосланиши лозим*. Шунингдек, унда давлатлар адолатли ва оқилона фойдаланиш, зарар етказмаслик, ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви, табиий муҳитни муҳофаза қилиш қаби принципларга риоя қилиниши баён этилган.

Мутахассислар Хельсинки қоидалари Марказий Осиё кесимида назарий ва юридик жиҳатдан татбиқ этилиши мумкинлигини қайд этишади. Хусусан, сўнгги йилларда минтақанинг айрим давлатлари томонидан бир томонлама йирик ГЭСлар ёки каналлар куриш ишлари олиб бораётган бир шароитда Хельсинки қоидалари мазкур давлатларга эҳтимолий салбий оқибатлар учун масъулият юклайди ҳамда ўз ҳаракатлари бўйича қуйи давлатларни олдиндан хабардор қилиш ва маслаҳатлашувни талаб қилади.

2. 1992 йил 17 мартда қабул қилинган **БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенцияси** (Convention on the Protection and Use of Transboundary Watercourses and International Lakes). Мазкур Конвенция трансчегаравий ер усти ва ер ости сувларини экологик жиҳатдан оқилона бошқариш ва муҳофаза қилиш бўйича трансчегаравий сув ҳамкорлиги ва чоратадбирларни мустаҳкамлайди ҳамда бутун дунё бўйлаб трансчегаравий сув соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шунингдек, унда давлатлар трансчегаравий сувлардан фойдаланишда адолатли ва оқилона фойдаланиш, зарар етказмаслик, ахборот алмашинуви,

---

<sup>1</sup> “Хельсинские правила использования вод международных рек” от 20 августа 1966 года // <https://www.cawater-info.net/library/rus/water/rules.pdf>

мақсадли ҳамкорлик, экологик барқарорлик каби тамойилларга риоя қилиши лозимлиги қайд этилган<sup>1</sup>.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Конвенцияда белгиланган адолатли фойдаланиш тамойили Қирғизистон ва Тожикистон (юқори давлатлар) ҳамда Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон (қуйи давлатлар) ўртасида *суб тақсимотини ҳуқуқий асосда мувозанатлаштириш имконини яратади*. Қолаверса, юқори давлатларга ўз ҳудудида амалга оширадиган фаолият (гидроиншоотлар қуриш) орқали қийи давлатлар учун *экологик ёки иқтисодий зарар етказмаслиги бўйича мажбурият юклайди*.

Умуман олганда, ушбу Конвенциянинг афзаллик томонлари шундаки, у минтақада сув ресурслари бўйича низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини яратади, давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, барқарор экологик сиёсат юритишни қўллаб-қувватлайди ҳамда техник ва молиявий ёрдам механизмларини фаоллаштиради.

**3. 1997 йил 21 майда қабул қилинган ва 2014 йилда кучга кирган БМТнинг “Халқаро сув оқимларидан кема қатновига оид бўлмаган тарзда фойдаланиш тўғрисида”ги конвенцияси** (Convention on the Law of the Non-navigational Uses of International Watercourses). Ушбу Конвенциянинг мақсадлари барча халқаро миқёсдаги чучук сувлардан, ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланишдан, уларни ривожлантириш, бошқариш ва сақлашни тартибга солишдан иборат. Шу билан бирга, Конвенция мослашувчан ва кенг қамровли глобал ҳуқуқий база бўлиб, халқаро сув оқимларидан фойдаланиш, бошқариш ва ҳимоя қилишда сув оқими давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий стандартлари ва қоидаларини белгилайди.

Мазкур Конвенцияни юқоридаги халқаро ҳужжатлар сингари Марказий Осиёдаги сув муносабатларига татбиқ этиш мумкин. Хусусан, Конвенциянинг “Адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда иштирок” деб номланган 5-моддасига кўра, *минтақа давлатлари тарихий, ижтимоий, иқтисодий, экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда сув тақсимоти белгиланиши керак*. “Катта талофат етказмаслик бўйича мажбуриятлар” деб номланган 7-моддасига кўра, юқори оқим давлатлари (Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон) трасчегаравий дарёлардан фойдаланиш жараёнида қуйи оқим давлатларига (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон) *катта ҳажмдаги зарар етказмаслик мақсадида ўз ҳудудларида барча чораларни кўриши лозим ҳисобланади*<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Convention on the Protection and Use of Transboundary Watercourses and International Lakes., Helsinki, 17 March 1992 // [https://treaties.un.org/pages/viewdetails.aspx?src=treaty&mtdsg\\_no=xxvii-5&chapter=27&clang=\\_en](https://treaties.un.org/pages/viewdetails.aspx?src=treaty&mtdsg_no=xxvii-5&chapter=27&clang=_en)

<sup>2</sup> Резолюция Генеральной Ассамблеи № 51/229 “Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков” от 21 мая 1997 года. // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercrs.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercrs.shtml)

Шунингдек, минтақа давлатлари ўртасида трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ низоли ҳолатлар юзага келганда Конвенциянинг 33-монддасига биноан, *икки ва кўп томонлама музокаралар, бошқа томонларнинг воситачилиги ёки БМТнинг Халқаро Судига мурожаат қилиш имкони* каби механизмлар орқали минтақадаги сув билан боғлиқ ихтилофлар халқаро ҳуқуқий йўллари асосида тинч йўл билан ҳал қилиниши мумкин.

**4. БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенциялар лойиҳалари (2017 йил).** Ушбу ҳужжатларда минтақа сув ресурсларининг умумийлиги ва бирлиги тан олиниб, трансчегаравий дарёларнинг юқорисида ва қуйисида турувчи давлатлар улардан оқилона фойдаланиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда минтақа давлатларининг трансчегаравий сувлардан фойланиш бўйича манфаатлари бирдек таъминланиши лозимлиги қайд этилди. Қолаверса, Конвенция лойиҳалари минтақа давлатлари ўртасидаги сув масалаларини ягона ҳуқуқий контекстдан тартибга солишни назарда тутди.

Юқоридаги белгиланган халқаро меъёрларга мувофиқ, Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларида жойлашган давлатлар ўз ҳудудларида трансчегаравий сув оқимларидан оқилона фойдаланишлари, уни зарур даражада муҳофаза қилишлари лозим. Барча давлатлар халқаро объектдан фойдаланиш, ўзлаштириш ва муҳофаза қилишда одилонани иштирок этиши керак. Улар сув манбасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бир қаторда, уни муҳофаза қилиш мажбуриятини ҳам ўз зиммаларига олишлари зарур.

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганларидан сўнг сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида бир-бирининг манфаатларига зарар етказмаслик ва муносабатларни мувофиқлаштиришни асосан ўртада имзоланадиган келишув ҳамда битимлар орқали таъминлашга ҳаракат қилдилар. Сув соҳасидаги алоқаларни тартибга солиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида минтақа давлатлари халқаро ташкилотларнинг кўмаги остида меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдилар. Бу ҳаракатларнинг натижасида қуйидаги **минтақавий ҳужжатлар** қабул қилинди:

**1. “Халқаро манбалар сув ресурсларини биргаликда бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги ҳукуматлараро шартнома (1992 йил 18 февраль).** Ушбу ҳужжатга асосан Марказий Осиё давлатларининг трансчегаравий сувлардан биргаликда фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Унга кўра, минтақа мамлакатлари сув ресурсларининг умумийлиги ва бирлигини эътироф этган ҳолда ундан фойдаланиш учун

бир хил ҳуқуқларга эга бўлиши қайд этилди. Шу билан бирга, иштирок этувчи томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида бошқа томонларнинг манфаатларига дахл қиладиган ва уларга зарар етказиши мумкин бўлган, сув сарфларининг келишилган миқдорларини ўзгартиришга ва сув манбаларини ифлослантиришга олиб келадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик ҳамда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича биргаликда иш олиб бориш мажбуриятини олди<sup>1</sup>.

Мазкур битимнинг яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, Марказий Осиё давлатлари сув ресурсларини тартибга солиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича **“Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси”**ни тенглик асосида тузиш бўйича келишувга эришди. Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- минтақада сув хўжалиги сиёсатини белгилаш, халқ хўжалигининг барча тармоқлари эҳтиёжларини, сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланишни, минтақани сув билан таъминлашнинг истиқболли дастурини ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда унинг йўналишларини ишлаб чиқиш;

- ҳар йили республикаларнинг ҳар бири ва умуман минтақа учун сув истеъмоли лимитларини, сув омборлари иш режимларининг тегишли жадвалларини ишлаб чиқиш ва сув хўжалиги вазиятига қараб уларга аниқлаштирилган прогнозлар бўйича тузатишлар киритиш.

Шунингдек, “Сирдарё” ва “Амударё” ҳавза сув хўжалиги бирлашмалари Комиссиясининг ижро этувчи ва идоралараро назорат органлари этиб белгиланди.

Битимнинг 11-моддасига кўра, Комиссия томонидан сув олишнинг белгиланган лимитларига риоя этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қабул қилинадиган қарорлар барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар учун бажарилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

**2. “Орол денгизи ва Оролбўйи муаммосини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар тўғрисида”**ги битим (1993 йил 26 март). Мазкур шартномага асосан, минтақа давлатлари ўз халқларининг зарур ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида Орол денгизи ҳавзасининг чекланган ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда дарёлар, сув ҳавзалари ва ер ости

---

<sup>1</sup> Соглашение между Республикой Казахстан, Республикой Кыргызстан, Республикой Узбекистан, Республикой Таджикистан и Туркменистаном “О сотрудничестве в сфере совместного управления использованием и охраной водных ресурсов межгосударственных источников” г. Алма-Ата, 18 февраля 1992 г. // [http://www.icwc-aral.uz/statute1\\_ru.htm](http://www.icwc-aral.uz/statute1_ru.htm)

манбаларида тозаланмаган саноат, коммунал-маиший, ифлосланган ва минераллашган коллектор-дренаж сувларининг оқизилишини қисқартириш ва кейинчалик уларга йўл қўймаслик ҳисобига сувнинг зарур сифатини сақлаб туришни умумий вазифалар сифатида белгилади.

Шунингдек, Орол денгизига унинг қисқартирилган, бироқ барқарор акваториясини экологик мақбул даражада сақлаб туриш ва шу тариқа денгизни табиий объект сифатида сақлаб қолиш имконини берадиган ҳажмларда сув етказиб берилишини кафолатли таъминлашга ҳамда Амударё, Сирдарё дельталари ҳудудида ва қуриган денгиз тубининг туташ участкаларида бузилган экотизимлар мувозанатини тиклаш, бу ерда сунъий барқарор ландшафт комплексларини яратишга келишиб олинди.

**3. “Марказий Осиёда Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисида”ги Низом** (1992 йил 18 февраль, янги таҳрири 2008 йил 18 сентябрь, Олмаота шаҳри)<sup>1</sup>. Ушбу низомда Марказий Осиё давлатлари Орол денгизи ҳавзаси давлатлараро манбаларининг сув ресурсларини бошқаришни *Интеграциялашган сув ресурсларини бошқариш* (ИСРБ)<sup>2</sup> тамойилини қўллаган ҳолда амалга оширишга келишиб олди.

Шунингдек, таъсисчи давлатлар сув хўжалигининг мавжуд илмий-техник салоҳиятини жалб этган ҳолда минтақавий сув хўжалиги муаммолари ва аҳамиятга молик лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан ҳал этиш бўйича қўшма тадқиқотлар бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда олинган натижаларни жорий этиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг ижро этувчи органлари сирасига куйидагилар киради:

- Котибият;
- “Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси;
- “Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси;

---

<sup>1</sup> Соглашение “О совместных действиях по решению проблемы Аральского моря и приаралья, экологическому оздоровлению и обеспечению социально-экономического развития Аральского региона” от 26 марта 1993 г. // [http://icw-aral.uz/statute13\\_ru.htm](http://icw-aral.uz/statute13_ru.htm)

<sup>2</sup> Интеграциялашган сув ресурсларини бошқариш (ИСРБ) – бу сув ресурсларини самарали, барқарор ва комплекс бошқаришга қаратилган концепция бўлиб, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг барча жиҳатларини ҳисобга олади. Бу ёндашув турли соҳалар ва манфаатдор томонларни (ҳукумат органлари, бизнес, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар ва ҳ.к.) бирлаштириб, асосли қарорлар қабул қилиш ва сув ресурсларидан мувозанатли фойдаланишга эришишни назарда тутди. ИСРБ асосий тамойиллари: комплекслик, барқарорлик, кўп даражали бошқарув, инклюзивлик, экотизим ёндашуви, мослашувчанлик ва адаптация.

- Сув ҳўжалиги муаммолари бўйича илмий-ахборот маркази (миллий филиаллари билан);
- Мувофиқлаштирувчи метрология маркази (миллий ташкилотлари билан);
- Тренинг маркази (филиаллари билан).

Халқаро ва минтақавий ҳужжатлар билан бир қаторда, Марказий Осиё давлатлари ўзларининг сув сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш мақсадида **миллий концепция ва стратегияларини** ҳам ишлаб чиққан. Жумладан, “Қозоғистон Республикаси сув ресурсларини бошқариш тизимини 2024-2030 йилларда ривожлантириш концепцияси”, “Қирғиз Республикасининг 2040 йилгача бўлган миллий сув стратегияси”, “Тожикистон Республикасининг 2040 йилгача бўлган даврга мўлжалланган миллий сув стратегияси”, “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”да минтақа давлатларининг миллий сув сиёсатини юритиш тартиби ва бу борада минтақавий ҳамкорликни амалга ошириш механизмлари тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтилган.

Марказий Осиё ҳудудида сув хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор институционал тузилмаларга ҳам асос солинган. Улар орасида Оролни қўқариш халқаро жамғармасининг (ОҚХЖ) фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Жамғарма 1993 йилда ташкил этилиб, минтақада сув ва экологик муаммоларни биргалиқда ҳал этиш учун асосий тузилма сифатида фаолият юритди ҳамда унинг таркибига Ижроия қўмита, Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси ва Давлатлараро экологик кенгаш кирди. 1999 йил 9 апрелда **“Оролни қўқариш халқаро жамғармаси унинг ташкилотлари мақоми тўғрисида”**ги битим Ашхобод шаҳрида имзоланди ва Жамғармага халқаро ташкилот мақомини расман берилди. Жамғарманинг асосий мақсади минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда адолатли сув сиёсатини амалга ошириш ҳамда Орол денгизи ҳавзасини экологик соғломлаштириш бўйича қўшма амалий ҳаракатлар ва истиқболли дастурларни молиялаштиришдан иборат. ОҚХЖнинг ўзига хос томони шундаки, у бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларини бирлаштирган *ягона халқаро ташкилот* ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, Марказий Осиёда сув масалалари билан маълум бир даражада шуғулланувчи халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга БМТ Тараққиёт дастури (United Nations Development Programme, UNDP), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (United Nations Economic Commission for Europe, UNECE), Марказий Осиё минтақавий экологик марказини (Central Asia Regional Environmental Centre, CAREC) киритиш мумкин.

Марказий Осиё минтақавий экологик маркази 2001 йилда Марказий Осиёнинг бешта мамлакатлари иштирокида ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси минтақада атроф-муҳитни, шу жумладан

трансчегаравий сувларни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш ҳамда манфаатдор томонлар ўртасидаги ушбу йўналишларда мулоқот ва ҳамкорликни илгари суриш ҳисобланади.

Умуман олганда, минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатлари билан ўтган давр мобайнида Оролбўйи минтақасида яхшилаш ва ҳавза аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини зудлик билан ҳал этиш ҳамда сувдан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва интизомини ошириш, сув хавфсизлигини таъминлашнинг минтақа учун умумий бўлган принципларини қўллашни назарда тутувчи тегишли давлатлараро ҳуқуқий ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

### **9.3. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

Айтиш мумкинки, бугунги кунда трансчегаравий сувларга бўлган муносабатига кўра, Марказий Осиё минтақаси давлатларини *икки гуруҳга* бўлиш мумкин – биринчи гуруҳга сув ресурсларига бой Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари кирса, иккинчи гуруҳга сув ресурслари кам, аммо, бошқа табиий бойликлари кўп Туркманистон, сув ресурсларидан асосан суғориш мақсадларида фойдаланишдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон киради.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида жойлашган давлатларнинг ушбу дарёдан фойдаланиш борасидаги ҳозирги кундаги ёндашувлари *миллий манфаатларнинг минтақавий умумий манфаатларга нисбатан устунроқ эканлиги* билан характерланади. Шу билан бирга, айрим давлатларнинг *миллий стратегияси минтақавий стратегия билан тўлиқ уйғунлашмаган* ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича ҳавза давлатларининг ёндашувлари бир-биридан фарқ қилади.

Хусусан, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон юқори оқим давлатлари бўлганлиги туфайли Амударё ва Сирдарё сувини эксплуатация қилиш ва уни бошқариш борасидаги ёндашувлари ўхшаш ҳисобланади. Ушбу давлатлар трансчегаравий дарёларни *асосий даромад манбаи* сифатида билишади (Қирғизистон ва Тожикистон сувдан энергия олиб уни сотишни мақсад қилган). Шу билан бирга, юқори оқимидаги мамлакатлар ўз ҳудудларидаги давлатлараро аҳамиятга эга бўлган *гидроузеллардан фойдаланиш харажатларини қоплашда ҳамда сув манбалари шаклланиш зонасини сақлаш харажатларида минтақанинг барча давлатлари иштирокида амалга оширишдан* манфаатдор ҳисобланади. Қуйи оқимдаги давлатлар эса сув ресурсларидан фойдаланишда *статус-квони сақлаб қолиш* ҳамда

халқаро ҳужжатларга мувофиқ экологик эҳтиёжларга риоя қилиш тарафдори ҳисобланади<sup>1</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда сув ресурсларидан фойдаланишдаги ўзаро ҳамкорлик қисқа муддатли муаммоларни ҳал қилишга асосланмоқда, бироқ экотизим ёндашуви асосида узоқ муддатли истиқболда сув ресурсларидан мувозанатли фойдаланишга камроқ эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, юқори оқим давлатлари деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ерларни мунтазам кўпайтириб боришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Тожикистон Амударё ёки унинг асосий ирмоқлари суви билан суғориладиган ер майдонларини 200 минг гектардан 500 минг гектарга етказган. Афғонистон эса Қўштепа каналини қуриш орқали чўл ҳудудларни аграр майдонларга айлантирмоқчи.

Қолаверса, Марказий Осиё мамлакатлари трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилмаётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, минтақа давлатлари орасида фақат Ўзбекистон ва Қозоғистон “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Халқаро сув оқимларидан кема қатновига оид бўлмаган тарзда фойдаланиш тўғрисида”ги конвенцияларни ратификация қилган. Қолаверса, иккала мамлакат БМТнинг Марказий Осиёда Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ томонидан трансчегаравий сувларни бошқаришга доир 2017 йилда ишлаб чиқилган конвенция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашини маълум қилган (1-жадвал). Бу эса ўз навбатида минтақада сув билан боғлиқ баҳсли ҳолатлар юзага келганда мажбурият ва жавобгарлик каби масалаларни очиқ қолишига олиб келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришнинг институционал асослари номукамаллиги билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ОҚХЖнинг самарали ротация механизмлари мавжуд эмас. Масалан, ротация асосида Жамғарманинг ижроия кўмитасига раислик қилиш бешта иштирокчи давлатнинг ҳар бирига навбатма-навбат ўтказилади. Бироқ раислик ўзгарганда нафақат раис, балки барча ходимлар ҳам ўзгаради ва ҳатто ишчи офис ҳам кўчиб ўтади. Бу ОҚХЖ ижроия кўмитасини минтақанинг жамоавий манфаатларига (ёки ҳатто барча мамлакатларнинг миллий манфаатларининг тўлиқ йиғиндисига) эмас, балки аниқ (аммо ўзгарувчан) шахслар, миллий филиаллар ва қабул қилувчи мамлакатларга боғлиқ қилади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Духовный В.А. Аспекты и перспективы долговременных соглашений между государствами в Аральском бассейне. [http://www.cawater-info.net/bk/water\\_law/pdf/dukhovny3.pdf](http://www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/dukhovny3.pdf)

<sup>2</sup> Пол Б. и соавт. Переосмысление водного вопроса в Центральной Азии: цена бездействия и преимущества водного сотрудничества. Berlin: Laserline Druckzentrum, 2017. – С. 16.

**Марказий Осиё давлатларининг сувга доир халқаро шартномалардаги иштироки**

Давлатлар	“Халқаро дарёлар сувидан фойдаланиш бўйича Хельсинки қоидалари” (1966 йил)	“Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенцияси (1992 йил)	“Халқаро сув оқимларидан кема қатновига оид бўлмаган тарзда фойдаланиш тўғрисида”ги конвенция (1997 йил)	БМТнинг Марказий Осиёда Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ томонидан трансчегаравий сувларни бошқаришга доир конвенциялари (2017 йил)
Ўзбекистон	-	+	+	+
Қозоғистон	-	+	+	+
Қирғизистон	-	-	-	-
Тожикистон	-	-	-	-
Туркманистон	-	-	-	-
Афғонистон	-	-	-	-

Марказий Осиёдаги асосий суғориш тизимлари ва сув иншоотларининг (каналлар, насос станциялари, гидротехник қурилмалар) аксарияти Совет Иттифоқи даврида қурилган бўлиб, улар *хизмат муддатини ўтаб бўлган ва бугунги кун талабларига жавоб бермайди*. Шунингдек, минтақадаги ирригация тизими *каналларининг катта қисми тупроқ ўзанли* бўлиб, сувнинг филтрация ҳисобига йўқолиши юқориликча қолмоқда. Натижада Марказий Осиё давлатлари ҳудудида тахминан *40-60% сув йўқотилишига* олиб келмоқда.

Марказий Осиёдаги сув билан боғлиқ муаммоларнинг янада таранглашувига сўнгги йилларда кузатилаётган табиий жараёнлар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, минтақанинг асосий сув манбалари асосан Помир ва Тянь-Шань музликларидан оқиб тушадиган ер юзи сувларига боғлиқ. Аммо сўнгги ўн йилликларда глобал иқлим ўзгариши туфайли мазкур музликлар жадал равишда қисқармоқда (айрим маълумотларга кўра, 1960-йиллардан буён 30-35% гача қисқарган) ва бу ҳолат сув оқимларининг мавсумий режимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Марказий Осиёдаги *демографик босим* сув хавфсизлигига изчил таъсир кўрсатмоқда. Минтақадаги беш давлатнинг умумий аҳолиси 1990 йилда 53 млн, 2000 йилда, 56 млн, 2010 йилда 64 млн ва 2024 йил ҳолатига кўра 80 млн ташкил этган ҳамда 2050 йилга бориб бу рақам 110 млнга етиши кутилмоқда. Бу демографик ўсиш энг аввало сув ресурслари ва сув инфратузилмасини қайта кўриб чиқишни талаб этади, қолаверса, суғориш, ичимлик суви таъминоти, санитария, экология ва энергетика соҳаларидаги босим сезиларли даражада ортади.

Марказий Осиёдаги воқеаларнинг сўнгги динамикаси, шу жумладан икки ва кўп томонлама шаклдаги олий даражадаги баёноتلар

минтақа давлатларининг трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масаласини ҳал қилиш бўйича ёндашувлари юмшаётганидан далолат беради. Бунда Ўзбекистон Республикаси минтақавий сув ҳамкорлигининг асосий катализатори бўлиб, унинг ёндашуви ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва оқилона муросаларга асосланади.

2023 йил сентябрь ойида Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида Қамбарота ГЭСини биргаликда қуриш ва ишга туширишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши трансчегаравий дарёларнинг юқори ва қуйи оқимидаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг жадаллашувидан яққол мисолидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томони “Тожикистон Республикасида гидроэнергетика иншоотлари, шу жумладан Роғун ГЭСи қурилишида иштирок этиш имкониятини, бундай объектларни қуриш бўйича умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга риоя қилишни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама кўриб чиқишга тайёрлигини” билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари Зарафшон дарёси ҳавзасида иккита ГЭСни биргаликда қуриш учун очик акциядорлик жамиятини ташкил этиш бўйича келишувга эришди<sup>1</sup>.

Умуман олганда, сув хавфсизлиги масаласи Марказий Осиёда тўлиқ ҳал қилинмаган стратегик муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ечими фақат техник ёки молиявий ресурсларда эмас, балки сиёсий ирода, шартномавий-ҳуқуқий келишув ва минтақавий ҳамкорликка асосланган мувозанатли ёндашувдир. Сув хавфсизлигини таъминлаш бу нафақат ресурсларни тақсимлаш, балки минтақавий барқарорликка ҳам эришиш демакдир.

#### **9.4. Қўштепа канали қурилишининг минтақадаги вазиятга таъсири**

Афғонистонда амалга оширилган ҳокимият трансформациясидан сўнг, 2022 йил март ойида мамлакатнинг шимолий қисмини (*Балх, Жаузжон ва Фарёб*) сув билан таъминлаш мақсадида Қўштепа канали қурилиши бошланди. Бу эса ўз навбатида, минтақа давлатларида сув хавфсизлиги билан боғлиқ таҳликали ҳолатларни юзага келтирди. Қўштепа канали Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон давлатларининг иқтисодий ривожланиши ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бевосита таъсир қилувчи трансчегаравий аҳамиятга эга Амударёнинг юқори қисмида барпо этилмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистан и Таджикистан создают структуру для строительства ГЭС на реке Зарафшан. 22.06.2021 // <https://yuz.uz/ru/news/uzbekistan-i-tadjikistan-sozdayut-strukturu-dlya-stroitelstva-ges-na-reke-zarafshan>



**4-расм. Қўштепа канали қурилишининг харитаси**

Бугунги кунда Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида Афғонистоннинг Амударёдан қанча миқдорда сув олиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатадиган ҳеч қандай келишув мавжуд эмас. Ваҳоланки, Толибон вакиллари бу канални қуриш бўйича минтақа давлатлари билан ҳеч қандай келишувга эришмаган. Толибон расмийларининг фикрига кўра, Афғонистон Амударё ҳавзасида жойлашган давлат бўлганлиги сабабли, дарё сувидан фойдаланишга тўлақонли ҳақлидир. Шу боис, улар Қўштепа каналини қуриш бўйича ҳавза давлатлари билан келишувга эришиши лозим эмас деб ҳисобламоқда<sup>1</sup>. Афғонистоннинг бундай ёндашуви ва халқаро ҳамжамият томонидан халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинмаганлиги, Амударё ҳавзаси давлатларининг трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича яқдил қарор қабул қилишига тўсқинлик қилмоқда.

Агарда Қўштепа канали тўлиқ ишга тушадиган бўлса, Афғонистон ҳукумати дастлабки беш йил ичида биринчи даражали ишларни амалга оширган тақдирда тахминан 4 млрд куб метр атрофида сув олиш имкониятига эга бўлади. Кейинчалик, бу миқдор 10 млрд куб метр бўлиши мумкин. Шу ўринда, Афғонистон Қўштепа канали орқали Амударёдан қанча миқдорда сув олса, Ўзбекистон иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги учун хавф туғдиришини билиш муҳим. Мутахассислар фикрига кўра, сўнгги йилларда Амударё ҳавзасида тахминан 60 млрд куб

<sup>1</sup> Абдул Латиф Мансур. “Толибон” ҳаракати Сув ва энергетика вазирлиги. Амударё суви бўйича қўшнилар билан ҳеч қандай келишув йўқ — “Толибон”. // <https://daryo.uz/k/2023/09/21/amudaryo-suvi-boyicha-qoshnilar-bilan-hech-qanday-kelishuv-yoq-tolibon>.

сув шаклланмоқда. Шундан 10% қисми парланиш ҳисобига йўқотилмоқда. Қолган 54 млрд куб сувдан 44 млрд кубу Карки гидропостида Ўзбекистон ва Туркменистонга тақсимланса, Орол денгизига атиги 2-3 млрд куб сув ўтказилади. Сув кам йилларда бу кўрсаткич яна ҳам пасаяди. Бундан ташқари, сув 10-20 фоизгача кам бўладиган йиллар кузатилади. Бунда яна 10 фоиз сувни йўқотиши мумкин. Натижада, сув кам бўлган йилларда 30 фоизгача сувсиз қолиш эҳтимоли ошади<sup>1</sup>.

Соҳа мутахассислари томонидан келтирилган рақамлардан келиб чиқиб, агарда Толибон Қўштепа каналини режага кўра 2028 йилда тўлиқ тамомлаб ишга туширадиган бўлса, дастлабки беш йилда, яъни 2033 йилга қадар 4 млрд куб метр сув олиши мумкин. Кейинчалик бу рақамнинг 10 млрд куб метр миқдорга кўчиши, албатта Толибон ҳукуматининг мамлакатда қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳасида амалга оширадиган ислоҳотларига боғлиқ. Масалага Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, Амударёдан Қўштепа канали орқали йилига 4-5 млрд куб сув олиниши мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳликали вазиятни юзага келтиради. Бу кўрсаткич миқдори юқорилашиб борган сари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги юзасидан хавф даражаси ҳам ошиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Иргашев фикрича, Афғонистон ҳам Амударё сувидан фойдаланишга ҳақли. Аммо бу борада ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча масалалар мавжуд. Масала шундаки, Амударёдан олинадиган сув ҳажми ва бу сув манбаидан фойдаланаётган мамлакатларнинг манфаатларини назарда тутиш муҳим<sup>2</sup>.

Афғонистон бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича

**Узунлиги** – 285 км (айрим манбаларда 340 км);

**Эни** – 100 м (айрим манбаларда 150 м);

**Чуқурлиги** – 8,5 м;

**Сув сиғими** – 10 км<sup>3</sup>;

**Лойиҳа қиймати** – 700 млн

доллар;

**Лойиҳа бошланиши** – 2022 йил (биринчи босқич – 108 км узунлиги 2023 йилда ишга туширилди);

**Лойиҳа якунланиши** – 2028 йил;

**Канал қурилишининг ўзига хослиги** –

бетонлаштирилмаган;

**Меҳнат ресурслари** – 5500 ишчи ва 3300 та техника.

<sup>1</sup> Ҳамраев Ш. Ўзбекистон сув вазири Қўштепа канали орқали Афғонистон Амударёдан қанча сув олиши мумкинлигини маълум қилди. 26.06.2023 // <https://www.gazeta.uz/uz/2023/06/26/water/>.

<sup>2</sup> Иргашев И. “Афғон халқининг ҳам Амударё сувидан фойдаланишга ҳаққи бор” – Президентнинг махсус вакили. 26.10.2024 // <https://www.gazeta.uz/uz/2024/10/26/qoshtepa-kanali/>.

Ўринбосари Мулла Абдулғани Бародарнинг таъкидлашича, Афғонистон Ўзбекистон халқининг сув бўйича манфаатларига путур етказмайди ҳамда қурилаётган Қўштепа канали икки мамлакат ўртасида ҳеч қачон адоватга айланмайди. Канални қуриш ва Амударё суви манбаларидан фойдаланишда Ўзбекистонни энг яқин ҳамкори сифатида эътироф этишини қайд этади<sup>1</sup>.

Албатта, Қўштепа каналининг қурилиши Амударё ҳавзаси давлатлари раҳбарларининг ҳам эътиборини тортган ва диққат марказидаги муҳим масалалардан биридир. Бунга мисол тариқасида мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев 2023 йил 15 сентябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашида моҳият-эътиборига кўра, минтақамизда сувдан фойдаланиш жараёнида бизнинг мамлакатларимиз билан ҳеч қандай мажбурият асосида боғланмаган янги иштирокчи пайдо бўлганлигини маълум қилди. Шу билан бирга, келгусида Амударё сувидан фойдаланиш ва уни ҳавза давлатларига тенг тақсимлаш масаласида Афғонистон томонини ҳам жалб этиш лозимлиги тўғрисида таъкидлади<sup>2</sup>.

Умуман олганда, Қўштепа канали қурилиши минтақадаги сув ресурсларидан фойдаланиш мувозанатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган стратегик лойиҳадир. Каналнинг Амударёдан катта миқдорда сув олиб қўйиши натижасида қўйи оқим давлатлари ҳисобланмиш Ўзбекистон ва Туркменистонда сув танқислиги, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулот ҳажмининг камайиши ва озиқ-овқат хавфсизлиги каби муаммолар вужудга келиши мумкин. Шунингдек, бу ҳолат экологик мувозанатнинг бузилиши, чўлланиш ва биоэкологик ҳалокатларни келтириб чиқариш эҳтимолига ҳам эга. Қолаверса, Толибон ҳукумати билан дипломатик муносабатларнинг мураккаблиги ва сув тақсимоли бўйича расмий келишув мавжуд эмаслиги, можаро хавфини янада оширади.

Шундан келиб чиқиб, конструктив минтақавий мулоқотни йўлга қўйиш ва сув дипломатиясини яхшилаш бўйича қатъий чоралар кўриш, унга Афғонистон томонини албатта жалб қилиш ва минтақавий ташкилотлар имкониятларини ишга солиш зарур, деган хулосага келиш мумкин. Ушбу масалада Афғонистонни трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқариш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги юридик жиҳатдан давлатлараро битимларга қўшиш устувор йўналиш ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Иргашев И. “Афғон халқининг ҳам Амударё сувидан фойдаланишга ҳаққи бор” – Президентнинг махсус вакили. 26.10.2024 // <https://www.gazeta.uz/uz/2024/10/26/qoshtepa-kanali/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Президенти Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасидаги ҳамкорлик истиқболларини кўрсатиб ўтди. 15.09.2023 // <https://president.uz/uz/lists/view/6661>.

## 9.5. Ўзбекистоннинг сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича сиёсати

Сўнги йилларда Ўзбекистонда давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини жадал ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида республиканинг сувга бўлган эҳтиёжининг ҳам кескин ортишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгаришлари, аҳоли сони ўсиб бораётгани, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кузатилаётган жадал ривожланиш ва улардаги сувга бўлган талаб ўсиши туфайли Ўзбекистонда сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, мавжуд чучук сув ҳажми қисқариши туфайли сув танқислиги ва қурғоқчилик хавфи сезиларли даражада ошмоқда.

Жаҳон банки тадқиқотларига кўра, 2050 йилга бориб, Сирдарё ҳавзасидаги сув ресурслари 2-5 % га, Амударё ҳавзасида эса 10-15 % га камайиши мумкинлиги прогноз қилинган. Ўз навбатида, тоза ичимлик суви танқислиги минтақа умумий ялпи ички маҳсулотининг 11 % га пасайишига, сув ресурсларидан фойдаланиш тартибининг мувофиқлаштирилмаслиги туфайли эса ҳар йили камида 1,75 млрд АҚШ доллари йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг *“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”*ги Қонунига асосан республикада сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасини янада такомиллаштириш, юзага келаётган янги таҳдидларга қарши самарали курашиш мақсадида соҳада бир қатор **институционал ва меъёрий-ҳуқуқий** ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йил 30 ноябрдаги УРҚ-733-сонли Қонун билан “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг сув муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, сув ва сувдан фойдаланишга доир бошқа дастурларни тасдиқлаш ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқлаш ваколатлари берилди.

Шу билан бирга, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2023 йил 23 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Натижада мамлакатимизда барча ер усти сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилиши ҳамда сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 31-мақсадида сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш ва шу орқали камида 7 млрд куб метр сувни иқтисод қилиш, сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш ҳамда сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида бошқариш назарда тутилган. Мазкур стратегиянинг 34-мақсадида эса республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 % га етказиш, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш белгиланган.

Шунингдек, 2023 йил 11 сентябрда “Ўзбекистон-2030” стратегияси қабул қилиниб, унинг 3-бўлимида сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ташкилий ва амалий чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, республикада сув ишлатиш самарадорлигини 25 % га ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш, узоқ муддатга мўлжалланган республиканинг сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизимини жорий қилиш, сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини 300 минг гектарга етказиш, барча ичимлик суви истеъмолчиларига ҳисоблагичлар ўрнатилишини

таъминлаш, ичимлик суви сифати, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, сув таъминоти ва канализация корхоналари самарадорлик кўрсаткичларини жорий этиш белгиланган (62-мақсад). Шу билан бирга, *ирригация тизими ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, соҳа бошқарувига хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш* назарда тутилган бўлиб, камида 100 та йирик сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш, Туямўйин сув омбори ҳажмини қўшимча 1 млрд куб метрга кенгайтириб, 1,2 млн гектарда сув таъминотини яхшилаш ва ичимлик суви захирасини яратиш белгиланган (64-мақсад).

2024 йилнинг 1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”*ги Қарори қабул қилиниб, унга кўра 2023 йилда мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

- *мавжуд сув ресурсларини сув истеъмолчилари орасида қатъий тақсимлаган ҳолда фойдаланиш;*

- *сувни тежайдиган технологиялар жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш;*

- *сув ресурсларининг бошқарувига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.*

Ушбу қарор билан 2025 йил 1 январдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида сув етказиб берувчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни ҳар ой якуни билан электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзолар орқали тасдиқлаш имконини берувчи *“Сув ҳисоби”* ахборот тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси сув хавфсизлиги таъминлаш масалаларига нафақат миллий, балки **минтақавий ва халқаро даражада** эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари доимий равишда турли хил саммитлар ва учрашувларда сув билан боғлиқ муаммоларга устувор аҳамият бериб, бунда жаҳоннинг мазкур соҳа бўйича етакчи экспертларини жалб этиш ҳамда халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлигини қайд этиб келмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ш. Мирзиёев БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган *“Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”*ги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашини билдириб, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир муаммолар, жумладан, минтақанинг умумий сув ресурсларидан биргалиқда фойдаланиш каби муҳим масалани эслатиб ўтди. Жорий йилнинг сентябрь ойида давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги

нутқида Ўзбекистон томони “Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими” таъсис этилишини қўллаб-қувватлашини ҳамда Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – сув ресурслари” механизмини ишга солиб, энг илғор технологияларни татбиқ қилиш лозимлигини таъкидлади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё учун Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенция лойиҳалари *Марказий Осиё минтақасидаги сув муаммосининг ечими сифатида минтақанинг барча давлатлари учун мақбул муқобил ҳужжат бўлиши мумкин*. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси минтақа давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг “Табиат чегарани билмайди: трансчегаравий ҳамкорлик – биологик хилма-хилликни сақлаш, тиклаш ва барқарор ишлатишнинг асосий омили”, “Барқарор ривожланиш учун сув 2018-2028 йилларга мўлжалланган саъй-ҳаракатларнинг ўн йиллиги бўйича ўрта муддатли БМТнинг ҳар томонлама кўриб чиқиш конференцияси” резолюцияларини қабул қилиш каби халқаро ва минтақавий ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳолатини белгилаб берувчи ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминланишининг асосий омиллардан бири бу **трансчегаравий дарёлардан ҳамкорликда фойдаланиш** соҳаси бўлиб, у бўйича минтақа мамлакатларининг қарашлари ҳар доим ҳам муштарак бўлмаган. Айниқса дарёнинг юқори ва қуйи оқимидаги давлатларнинг сув муносабатларида иккинчи томон манфаатларни етарли даражада инобатга олмаганликлари уларнинг иқтисодий, транспорт ва сиёсий мулоқотлар ҳамда ўзаро интеграциялашув жараёнининг ҳам суст кечишига сабаб бўлган. Шу жиҳатдан, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш масаласи минтақадаги давлатларнинг мазкур соҳадаги ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси сув масаласини, хусусан, *трансчегаравий сувлардан фойдаланишда барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, мавжуд муаммоларни биргаликда ва ўзаро келишган ҳолда бартараф этиш, ушбу йўналишда ўзаро муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга солишни ўз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўриб келмоқда*. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иккинчи маслаҳат учрашувида *минтақада қурғоқчилик ва сув ресурслари муаммоларини ҳал қилишга доир комплекс чоратадбирларни амалга ошириш* ҳамда 2024 йилнинг 4 августидан

Ашхободда Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари иштирокида уч томонлама саммитда *минтақада сув тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш ва ирригация тизимларини модернизация қилиш, сув ресурсларини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш, сел ва тошқин сувларини тўплаш ва сақлаш учун инфратузилмани биргаликда ривожлантириш* каби йўналишларда ҳамкорликни фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг ўрни ва ролини рад этмаган ҳолда Марказий Осиё минтақасида сув муносабатларини тартибга солишда **икки томонлама муносабатларга** ҳам алоҳида эътибор қаратиб, қўшни мамлакатлар билан ўзига хос *“сув дипломатияси”*ни ривожлантирмоқда. Хусусан, 2017 йил 6 ноябрдаги Ўзбекистон ва Қирғизистон “Косонсой сув омбори” имкониятларидан биргаликда фойдаланиш бўйича ўзаро келишувга эришди. Мазкур келишувда сув хўжалиги иншоотларининг хавфсизлиги, улардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва сув омборларидан томонлар ўртасидаги келишувга кўра белгиланган лимитларда сув билан таъминлаш масалалари ўз ифодасини топди. Ўзбекистон томони сув омборларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланишда, келишувга кўра олаётган сувига мос равишда молиявий харажатларни қоплашда иштирок этишига келишилди.

Бундан ташқари, минтақанинг яна бир сув ресурсларга бой давлати – Тожикистон билан ҳам ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Унга кўра, Ўзбекистон халқаро нормаларни тан олган ва халқаро стандартларга амал қилган ҳолда Тожикистонда гидроэнергетик иншоотлар, хусусан Роғун ГЭСининг ҳам қурилишида иштирок этиш имкониятларини ҳар томонлама кўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирди. 2020 йил январда икки давлат Тожикистонда 1,4 млрд кв қувватга эга бўлган 552 млн доллар миқдоридagi иккита гидроиншоотни биргаликда қуриш бўйича музокаралар ўтказишди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон глобал иқлим ўзгаришининг дунё музликларига, айниқса Марказий Осиёга салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда Тожикистон томонидан илгари сурилган 2025 йилни *“Халқаро музликларни ҳимоя қилиш йили”* деб эълон қилиш ва Халқаро музликларни ҳимоя қилиш жамғармасини тузиш таклифини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларининг камайиб бориши муаммоси ва Ўзбекистонда сув хавфсизлигини таъминлаш борасида нафақат расмий доира вакиллари, балки **маҳаллий ва хорижий экспертлар** ҳам ушбу масала хусусида фикр ва мулоҳазаларини баён этмоқда ҳамда турли ечимларни таклиф қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, сув ресурсларининг 80 фоизи бошқа давлатлардан оқиб келади, атиги 20 фоизи мамлакатимизда ҳосил бўлади. Бундан 30-40 йил аввал

яратилган инфратузилма эса жиддий модернизацияни талаб қилади. Унинг фикрига биноан, 2030 йилга бориб мамлакатимиз аҳолиси учун қарийб 7 млрд куб метр сув етишмаслиги эҳтимоли мавжуд. Boston Consulting Group бошқарувчи директори ва ҳамкори И. Алексеев сўзларига кўра, Ўзбекистонда сувни тежаш бўйича барча ташаббусларни амалга ошириш учун тахминан 19 млрд доллар сармоя талаб этилади. Шундан 4 млрд насос станциялари ва 6 млрд хўжалик субъектларига сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидияларга кетади.

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича қўмитаси раиси Борий Алихонов “экологик пандемия, иқтисодий ва сиёсий патологияни келтириб чиқарадиган вирусни қўзғатмаслик учун сувга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тўғрисида жамоавий тушунчани ривожлантириш керак”лигини таъкидлайди. Шунингдек, мутахассис фикрига кўра, 2040 йилларга келиб Амударё ва Сирдарё дарёлари оқимининг камайиши билан Ўзбекистонда сув ресурслари тақчиллиги 33% га етиши мумкин. Ўзбекистонлик сиёсатшунос, “Маъно” илмий-тадқиқот маркази директори Баходир Эргашев минтақанинг барча мамлакатлари учун сув масалалари бўйича ягона органи – Марказий Осиёда сув ва энергетика консорциумини яратиш лозимлигини таъкидлайди.

Германиялик сиёсатчи, Европарламент депутати Виола вон Крамон Ўзбекистондаги сув сиёсатига баҳо бириб, у сўнгги йилларда сув ресурслари нотўғри бошқарилаётгани, шаҳарлар заҳарли чангга ботгани ва мамлакат қисман чўлга айланиб бораётгани, агар бу жараёнлар тўхтатилмаса, Ўзбекистоннинг 36 млндан ортиқ аҳолисини экологик ҳалокат кутаётгани таъкидлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда сув хавфсизлигини таъминлаш нафақат ички ислохотларни, балки Марказий Осиё давлатларининг муштарак саъй-ҳаракатини талаб қилади. Ўзбекистон ушбу соҳада миллий қонунчиликни такомиллаштириш, минтақавий аҳамиятга эга бўлган ташаббусларни илгари суриш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали фаоллик кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон томони минтақадаги трансчеграравий дарёларнинг оқилона ва адолатли тақсимланишини кафолатловчи ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини таъминловчи тизимни яратиш ҳамда ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ фойдаланиш лозимлигини таъкидламоқда. Зеро, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўрган ҳолда, ўз вақтида етарли чора-тадбирларнинг кўрилиши минтақада, айниқса, чегараолди районларида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий низоларнинг олдини олиш, ўзаро интеграциялашув жараёнларини янада тезлаштириш имконини беради.

## **Хулоса**

Сув хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳар доим Марказий Осиё давлатлари кун тартибидаги энг устувор масала бўлиб келган. Ўтмишда давлатлар ўртасида трансчегаравий аҳамиятга эга сувлардан фойдаланишнинг устуворлиги бўйича кескин баҳс-мунозаралар ва қатъий ёндашувларша эга бўлган бўлса, ҳозирги вақтда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан муносабатлар ижобий томонга ўзгармоқда.

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланиш соҳасида давлатлар ўртасида фақатгина ҳуқуқий асоснинг ишлаб чиқилиши бу борадаги муносабатларни тўлиқ тартибга солиш учун етарли бўлмайди. Белгиланган ҳалқаро ҳуқуқий нормаларни давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқлаштириш ҳамда унинг талаблари ижросини амалий жараёнларда бажариш ижобий натижаларга эришилишига хизмат қилади.

Афғонистоннинг минтақавий сув тақсимооти ва уни бошқариш шартномалари ҳамда ташкилотларидан четда қолиши Марказий Осиё давлатлари учун минтақадаги трансчегаравий сув ресурсларини барқарор бошқаришга эришишни қийинлаштиради. Амударёдан фойдаланиш ва уни бошқариш ишларига Афғонистонни жалб қилиниши минтақада ишончли ҳамкорлик алоқаларинг мустаҳкамланишига замин яратади.

## **Назорат саволлари:**

1. Сув хавфсизлиги тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини айтиб беринг.
2. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асосларини айтиб беринг.
3. Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлаш муаммолари мисоллар билан изоҳланг.
4. Қўштепа канали қурилишининг минтақадаги вазиятга қандай таъсир кўрсатади?
5. Замонавий босқичда Ўзбекистоннинг сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича сиёсати нималардан иборат?

## **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахманов Қ.Н. Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурслари ва хавфсизлик муаммолари // Геосиёсат ва геостратегия. – 2021. – №2. – Б. 33–46.
2. Ахмедов И.Х. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш – минтақавий барқарорлик асоси. – Т.: Иқтисодийёт, 2020. – 152 б.
3. Баҳромов А.Р. Марказий Осиёда сув ресурслари: сиёсий ва

хуқуқий ёндашувлар. – Т.: Меҳнат, 2021. – 224 б.

4. Буторина О.В. Геополитика водных ресурсов в Центральной Азии. – М.: Аспект Пресс, 2018. – 168 с.

5. Водные ресурсы Центральной Азии: Проблемы и перспективы сотрудничества / Под ред. Нуржанова А.Б. – Алматы: КИСИ, 2021. – 272 с.

6. Ганиев Ф.Ў. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг сув ресурслари билан боғлиқ масалаларга ёндашуви // Халқаро муносабатлар журнали. – 2020. – №4. – Б. 17–29.

7. Голубев В.Г. Водная безопасность и устойчивое развитие региона Центральной Азии. – М.: Экон-Информ, 2017. – 214 с.

8. Духовний В.А., Соколов В.И., Мантритилаке Х. Интегрированное управление водными ресурсами: от теории к реальной практике. Опыт Центральной Азии / под ред. А.А. Иммангазиева. – Ташкент: Узбекистон, 2008. – 380 с.

9. Духовний В.А. Управление водными ресурсами Центральной Азии – на пути к водноэнергетическому согласию. – Ташкент: НИЦ МКВК, 2010. – 44 с.

10. Панов А.В. Водная дипломатия и региональная безопасность в Центральной Азии. – М.: Международные отношения, 2019. – 198 с.

11. Рахимов М. Марказий Осиёда сув хавфсизлиги ва Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устуворликлар // Жаҳон сиёсати ва хавфсизлик. – 2022. – №1. – Б. 14–28.

12. Тожибоев Ш. Трансчегаравий сув ресурслари бўйича минтақавий ҳамкорлик истиқболлари. – Т.: ТИВ нашриёти, 2021. – 176 б.

13. Dukhovny, V.A., & Schutter, J.D. (2011). *Water in Central Asia: Past, Present, Future* (1st ed.). CRC Press. // <https://doi.org/10.1201/9780429299926>

14. Grey D., Sadoff C. Sink or Swim? Water Security for Growth and Development. – Washington: World Bank, 2007. – 60 p.

15. Janusz-Pawletta B. Transboundary Water Cooperation in Central Asia: Legal Framework. – Berlin: Springer, 2015. – 175 p.

16. Norman E.S., Cook C., Bakker K. Water Without Borders? Canada, the United States, and Shared Waters. – Toronto: University of Toronto Press, 2013. – 296 p.

17. O'Hara S.L. Water and Development in the Aral Sea Basin. – Oxford: Oxford University Press, 2000. – 240 p.

18. Petersen A. The Aral Sea Basin Crisis: Policy Responses and Institutional Change. – London: Routledge, 2015. – 210 p.

## 10. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИ КЕСИМИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ОМИЛИ

### Кириш

10.1. Фарғона водийсининг географик жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти.

10.2. Фарғона водийсидаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги.

10.3. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги тизимида Фарғона водийси ўрнини белгилашда дин омили.

10.4. Фарғона водийсидаги чегара ва анклавлар муаммоси.

### Хулоса

### Кириш

Замонавий халқаро муносабатларда Марказий Осиё минтақаси ўзининг қулай географик жойлашуви, улкан табиий захиралари ҳамда 80 млнга яқин аҳолига эга катта бозор сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Табиийки, мазкур омиллар етакчи давлатларнинг бу минтақага суқилиб кириш, минтақа давлатларини турли ҳарбий-сиёсий иттифоқларга тортиш ҳамда ҳар хил кўринишдаги босимларни ўтказишга уринишларини кучайтиради. Айниқса, минтақанинг айрим давлатлари етакчи актор давлатларнинг кучли таъсирида эканлиги, ўз ташқи сиёсатларини юритишда тўлиқ мустақил эмасликлари минтақанинг умумий муаммоларини ҳал этиш ҳамда ўзаро интеграциялашувига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Албатта, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига тўсқинлик қилиш, уни доимо таъсир доирасида ушлаб туриш учун куч марказлари томонидан минтақанинг қатор заиф жиҳатлари муҳим таъсир этиш воситаси вазифасини ўтайди. Ушбу ўринда, Фарғона водийси Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигининг ана шундай заиф нуқталаридан бири ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг учта давлати – Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистонни ўзаро боғлаб турадиган Фарғона водийси минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган қатор муаммоларга эга. Хусусан, *мазкур минтақанинг ўзига хос географик жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти, кучли демографик таранглик, юқори даражадаги камбағаллик ва ишсизлик, аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши айниқса, ёшлар сонининг кўплиги, табиий ресурслар, жумладан, қишлоқ хўжалиги учун суғориладиган ерлар ҳамда яйловлар етишмовчилиги, дин омили, сув билан боғлиқ можаролар, тўлиқ келишилмаган чегара ва анклавлар муаммолари ҳамда ташқи кучларнинг бу ердаги жараёнларга аралашуви шулар жумласидандир.* Шунингдек, мутахассислар томонидан Марказий Осиёнинг стратегик аҳамият касб этувчи мазкур субминтақаси минтақа

нобарқарорлигининг потенциал ўчоғи, миллатлараро конфликтларнинг манбаи ҳамда минтақада “Исломизм бешиги” сифатида кўрилади<sup>1</sup>.

### **10.1. Фарғона водийсининг географик жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти**

Марказий Осиё минтақасида ўзига хос жойлашувга эга бўлган Фарғона водийси майдони 22 минг км<sup>2</sup>, ўраб турувчи тоғларнинг умумий майдони эса 80 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Водий ҳудуди эллипс шаклида шарқдан ғарбга 300 км. ва шимолдан жанубга 170 км.га чўзилган. Помир ва Тянь-Шань тоғ тизмалари оралиғидаги чўкмадан иборат бўлган мазкур субминтақа шимоли-ғарбда Қурама-Чотқол, шимоли-шарқда Фарғона, жанубда Туркистон ва Олой тоғ тизмалари билан ўралган<sup>2</sup>.

Фарғона водийсидаги деярли барча маъмурий бирликлар табиий чегаралар билан ўралган бўлиб, улар тегишли пойтахт шаҳарлар билан Анзоб, Шаҳристон (Тожикистон), Тюз-Ашуу (Қирғизистон) ва Қамчиқ (Ўзбекистон) каби доволар орқали боғланади. Мазкур тизимдаги узилиш Хўжанд дарвозаси, тор тоғ йўлаги (8-10 км) орқали водийни Мирзачўл билан боғлайди<sup>3</sup>.

Фарғона водийсининг геосиёсий аҳамиятини белгилаб берувчи қатор омиллар борки, улар водийнинг доимо минтақавий ва халқаро кучларнинг ушбу минтақага қизиқишига, унда кечаётган жараёнларга фаол аралашушига сабаб бўлади. Хусусан:

*биринчидан*, Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном райони (ШУАР) Фарғона водийсига жуда яқин жойлашган бўлиб, у Марказий Осиё цивилизациясининг ажралмас қисми ҳисобланади. ШУАРнинг аҳамияти чегара ҳудудларида яшаётган этник гуруҳларнинг яқинлиги билан ҳам белгиланади. Маълумотларга кўра, 350 мингга яқин этник уйғур Марказий Осиёнинг Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида истиқомат қилади.

Айниқса, Фарғона водийсидаги 90-йиллардаги турли сиёсий ва диний вазиятлар Марказий Осиё ва Хитой хавфсизлик муаммоларининг умумийлигини ҳам кўрсатади. Шу жиҳатдан, Хитойнинг Марказий Осиё стратегияси замирида “уч иллат”, яъни терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш ётади. Бундан ташқари, Марказий Осиё ва ШУАРнинг иқтисодиёти, транспорт коммуникациясининг ўзаро

---

<sup>1</sup> Matveeva Anna, ‘EU stakes in Central Asia’, Chaillot Paper, N 91, July 2006, Institute for Security Studies, European Union, Paris, p. 37.

<sup>2</sup> Хўжанов Б.А. Минтақашунослик атамалари луғати. – Т.: ЖИДУ, 2012. – 78 б.

<sup>3</sup> “Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига хавф ва таҳдидлар”. Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Бобокулов И.И. ва бошқ. – Т.: СТИБОМ, 2016. – 170 б.

боғлиқлиги ҳам Хитойнинг минтақа давлатлари билан алоқасида муҳим роль ўйнайди<sup>1</sup>;

*иккинчидан*, Фарғона водийсининг геосиёсий аҳамияти унинг минтақавий нобарқарорликнинг муҳим марказаларидан ҳисобланган Афғонистон, ўзига хос бошқарув ва ички сиёсий жараёнларга таъсирига кўра алоҳида ўрин тутувчи Тоғли Бадахшон автоном вилояти (ТБАВ) ҳамда Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлигининг муҳим нуқталари бўлмиш Кашмирга табиий яқинлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.<sup>2</sup> Субминтақа чегараси бўйлаб жойлашган ушбу ҳудудлар “ярим ойи”, шубҳасиз, Фарғона водийсидаги вазиятга ўз таъсирини кўрсатади. Фарғона водийсининг мазкур геосиёсий қиёфасининг вужудга келишида ўтган асрнинг 20-30 йилларида амалга оширилган миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати муҳим роль ўйнади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда Фарғона водийси республикаларининг ҳар бири бир-бирига нисбатан муайян геосиёсий устунликка эга. Жумладан, текислик, яъни минтақанинг қишлоқ хўжалиги учун яроқли ҳисобланган асосий ерлари ҳамда субминтақа транспорт тизимининг асосий қисми ҳамда ҳудудларни бир-бири билан боғловчи транспорт тугуни Ўзбекистонга тегишли. Асосан тоғли (ҳудуд) ҳисобланган Қирғизистон тасарруфига минтақанинг асосий сув-энергетика ресурслари ва инфраструктураси киради. Бироқ уларнинг самарали фаолиятдан, авваламбор, Ўзбекистон ва Тожикистон манфаатдор. Тожикистоннинг Сўғд вилояти ҳудудида Фарғона водийсини Марказий Осиёнинг бошқа қисмлари билан боғлаш имконини берувчи Хўжанд дарвозаси жойлашган. Шунингдек, минтақанинг ҳар бир давлати анклав ва эксклав ҳудудларга эга. Қайд этилган мазкур жиҳатлар минтақа давлатларининг бир-бирларига нисбатан таъсир этиш воситаси мавжудлигини кўрсатади. Бу эса уларни боғлаб турувчи муҳим элементлардан саналади<sup>3</sup>.

## **10.2. Фарғона водийсидаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги**

Фарғона водийсида Марказий Осиё умумий аҳолисининг 20 % (15 млн) истиқомат қилиб<sup>4</sup>, Марказий Осиёда 1 км<sup>2</sup>га ўртача 40 та аҳоли тўғри келган ҳолда, субминтақадаги бу кўрсаткич 1600 нафарни

---


<sup>1</sup> “Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига хавф ва таҳдидлар”. Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Бобокулов И.И. ва бошқ. – Т.: СТИБОМ, 2016. – 170 б.

<sup>2</sup> Долина проблем – Фергана. <https://www.dialog.tj/news/dolina-problem-fergana>

<sup>3</sup> Бобокулов И. Ферганская долина как ФАТА? Центральная Азия и Кавказ. Том 17 Выпуск 4. 2014. – С.7-8.

<sup>4</sup> Исходный рубеж: причины конфликтов в Ферганской долине. <https://mk-kz.kz/politics/2020/06/10/iskhodnyy-rubezh-prichiny-konfliktov-v-ferganskoy-doline.html>

ташкил этади. Бу эса уни нафақат минтақада, балки жаҳонда ҳам аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан бирига айлантиради. Хусусан, Жаҳон Банкининг 2021 йил маълумотларига кўра, водийнинг аҳоли энг зич жойлашган қисмида 1 км<sup>2</sup>га 2500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, бу ҳудудлар асосан Ўзбекистон улушига тўғри келади.



Source: World Bank, 2021

### 1-расм. Фарғона водийсидаги аҳоли зичлиги. Жаҳон Банки, 2021

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Фарғона водийси вилоятларининг ўзларига тегишли бўлган республикалар аҳоли сони кўрсаткичидаги ўрни ҳам анча юқори. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси субминтақасига кирувчи вилоятлари ер майдони (Андижон – 4,30 минг км<sup>2</sup>, Наманган – 7,44 минг км<sup>2</sup> ва Фарғона – 6,76 минг км<sup>2</sup>) республика умумий ҳудудининг атиги 4,3 %ни ташкил этса-да, бу ерда Ўзбекистон умумий аҳолисининг деярли 30% (10 млн) истиқомат қилади.

Шунингдек, Қирғиз Республикасининг Фарғона водийсига кирувчи вилоятлари ер майдони (Жалолбод – 33,7 минг км<sup>2</sup>, Ўш – 46,2 минг км<sup>2</sup> ва Боткен – 31,4 минг км<sup>2</sup>) республика умумий ҳудудининг 40,3 %ни ташкил этиб, бу ерда Қирғизистон умумий аҳолисининг 50%дан ортиғи яшайди<sup>1</sup>.

Фарғона водийсининг ғарбий қисмида Тожикистон Республикасининг 47,8 минг км<sup>2</sup> ҳудудга эга Сўғд вилояти жойлашган бўлиб, бу ерда Тожикистон умумий аҳолисининг тахминан 30% истиқомат қилади.

Минтақанинг Марказий Осиё хавфсизлик тизимида тутган алоҳида ўрнини белгилаб берувчи омиллардан яна бири бу унинг миллий-этник қиёфасининг ўзига хослигидир. Хусусан, бугунги кунда Фарғона

<sup>1</sup> Результаты переписи населения Кыргызстана в 2022 году. <https://ru.sputnik.kg/20230301/rezultaty-perepisi-naseleniya-kyrgyzstana-v-2022-godu-1073234149.html>

водийсида аҳолининг асосий қисми – 60 % (8,5 млн)ни этник ўзбеклар ташкил этса-да, ҳудудда 100 дан ортиқ бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам истоқомат қилади. Бу эса унинг ўзига хос “**миллатлар мозаикаси**”ни ташкил этади.

Мазкур кўрсаткич эса етарли инфраструктура яратилмаган ҳамда асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлган водийдаги ер, сув, яйлов каби табиий ресурслар етишмовчилигини келтириб чиқаради. Натижада, ушбу ҳудудда Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларига қараганда энг юқори камбағаллик даражаси кузатилади. Хусусан, Қирғизистоннинг жанубий вилоятлари – Ўш, Жалалобод ва Боткен ҳамда Тожикистоннинг Сўғд вилояти аҳолисининг камбағаллик даражаси мамлакатдаги бошқа ҳудудларга қараганда анча юқори бўлиб, ўртача 38-50 % ни ташкил қилади.

Камбағаллик даражаси бўйича Фарғона водийсининг Ўзбекистон вилоятларидаги кўрсатакичлар анча яхши бўлса-да, мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қиёслаганда бу ердаги вазият ҳам салбий эканлигини кўриш мумкин. Натижада, ёшлар орасида ишсизлик даражаси юқори бўлиб, маҳаллий аҳоли орасида меҳнат миграцияси асосий даромад манбаига айланиб қолмоқда. Жаҳон банкнинг 2020 йил маълумотларига кўра, Фарғона водийсида аҳолининг кунлик харажати 5,5 АҚШ долларидан кам бўлган кўрсаткичи қуйидаги кўринишга эга.

Шу ўринда, маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Фарғона водийси бўйича юқорида келтирилган мураккаб демографик вазият мазкур минтақа аҳолиси ўртасида миллий-этник ҳамда ҳудудий келишмовчиликларни, хусусан, суғориладиган ерлар, сув манбалари, яйлов, стратегик аҳамиятга эга йўллар, инфраструктуравий объектлар ҳамда бозор учун кескин рақобатга сабаб бўлади. Жумладан, 1991 йил Совет Иттифоқи парчалангандан буён Марказий Осиёда 30 та конфликт қайд этилган бўлса, уларнинг асосий қисми айнан Фарғона водийсида содир бўлган.

### **10.3. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги тизимида Фарғона водийси ўрнини белгилашда дин омили**

Дин омили Фарғона водийси хавфсизлик динамикасини таҳлил қилишда муҳим омиллардан бири саналади. Минтақа аҳолисининг динга мойиллиги анъанавий тарзда юқори бўлиб келган. Диний қадриятлар жамият ҳаётига чуқур кириб борган бўлиб, улар ёшларни тарбиялаш ва инсонлар тафаккурини шакллантиришда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, миллий менталитет, урф-одат ва анъаналарни ўзида ифода этган ушбу қадриятлар ички ва ташқи салбий таъсирларга қарши ҳимоя вазифасини ҳам ўтаб келган. Буни Собиқ Иттифоқнинг атеистик сиёсати маҳаллий аҳолининг диний эътиқодини синдира олмаганлигида ҳам кўриш мумкин. Айнан мазкур ҳудуддан кейинчалик ислом оламида катта шуҳрат қозонган диний уламолар етишиб чиққан.

Аммо, мазкур ўринда қайд қилиб ўтиш лозимки, мамлакатда исломий бошқарувни жорий қилиш, аҳоли ўртасида турли диний ғояларни тарғиб қилувчи турли радикал ва экстремистик гуруҳлар фаолиятининг дунёга келишида ҳам айнан Фарғона водийси алоҳида “ўрин”га эга. Хусусан, ҳозирда глобал жиҳодий ҳаракатда “машҳур” бўлган “Ўзбекистон исломий ҳаракати”, “Ислом жиҳоди иттифоқи” каби террористик ташкилотларнинг илдизи мазкур субминтақа билан боғлиқ<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, бугунги кунда Қирғизистон жанубий вилоятларида турли диний йўналишда фаолият олиб борувчи нодавлат ташкилотларнинг фаол ҳаракати, ислом дини ниқоби остида ҳаракатланувчи турли гуруҳлар фаолияти кучайиб бормоқда. Мазкур давлатда ўзига хос “демократия оролчаси” барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар нафақат диний, миллий ва этник, балки бошқа муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада, Марказий Осиё ислом дунёсининг тарихий муҳим марказларидан бири сифатида, радикал оқимларнинг ғоявий экспансия объектига айланмоқда. Шу жиҳатдан, ушбу минтақа ислом экстремизмининг марказларидан ва таянч нуқталаридан бирига айланиб қолишига, Марказий Осиё мамлакатлари дунёвий демократик давлат қуриш йўлидан қайтишига йўл қўймаслик давримизнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

#### **10.4. Фарғона водийсидаги чегара ва анклавлар муаммоси**

Марказий Осиёнинг тарихий ва маданий маркази (*эпицентри*) сифатида танилган Фарғона водийси Совет ҳукумати томонидан 1920 йилларда ўтказилган миллий чегараланиш сиёсатига қадар доимо битта (ягона) сиёсий бошқарув остида бўлган. Водийнинг ҳозирги чегараси унинг табиий, этник, тил ёки маданий чегарасини англамайди.

Табиийки, мазкур чегара чизиклари Собиқ Иттифоқ даврида ички чегара чизиклари ҳисобланган ва у билан боғлиқ муаммолар деярли кузатилмаган. Бироқ Иттифоқ парчаланиши натижасида янги республикаларнинг ташкил топиши, ички чегараларнинг эндиликда халқаро аҳамият касб этиши уларнинг аҳамиятини бир неча карра ортишига сабаб бўлди. Натижада, ўтган йиллар давомида минтақада чегараларни делимитация ва демаркация қилишда қатор муаммоларга дуч келинди. Айрим масалаларда эса қуролли конфликтлар ҳам юз берди. Бу эса минтақа хавфсизлиги тизимининг заиф нуқталаридан бирига айланди. Айниқса, чегара масаласи Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида анча мураккаблигича қолмоқда.

Албатта, минтақа чегара масаласининг мураккаблиги, айрим мутахассислар таъкидлаганидек, фақатгина минтақа давлатлари сиёсий

---

<sup>1</sup> “Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига хавф ва таҳдидлар”. Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Бобокулов И.И. ва бошқ. – Т.: СТИБОМ, 2016. – 170 б.

иродасининг етишмовчилиги билангина белгиланмайди. Бунда минтақада беқарор вазиятдан манфаатдор ташқи кучларнинг ҳам роли инкор этилмайди. Хусусан, Сўғд вилояти ҳукумат газетасининг бош муҳаррири Фарход Жўраев фикрига кўра, қирғиз-тожик чегарасидаги таранг вазият Россия ёки бошқа кучлар томонидан қўллаб-қувватланади. Бундан мақсад ер, сув ва миллий-этник муаммоларни бўрттириб минтақада нотинч вазиятни юзага келтириш, минтақа давлатлари интеграциясига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, чегара чизиқларини белгилаш борасида Тожикистон 1924-1939 йиллардаги, Қирғизистон эса 1958-1959 йилларда нашр этилган хариталарни асос қилиб олмақда. Натижада, 2000-йиллардан буён бошланган музокараларга қарамасдан, ҳозирга қадар мазкур масала бўйича эътиборга лойиқ икки томонлама шартномалар имзоланмаган.

Бундан ташқари, тожик-қирғиз чегарасини делимитация ва демаркация қилишнинг яна бошқа қатор ўзига хос мураккабликлари ҳам бор. Хусусан:

*биринчидан*, умумий 970 км бўлган чегаранинг атиги 512 км (52,7 %) демаркация қилинган бўлиб, бугунги кунда чегара туманларида 21 км<sup>2</sup> дан иборат 71 та баҳсли ҳудудлар мавжуд. Улар асосан Боткен вилоятининг Боткен ва Лайлак туманлари (Қирғизистон) ва Сўғд вилоятининг Исфара ва Жирғатол туманлари (Тожикистон)да жойлашган;

*иккинчидан*, чегара чизиқларининг атрофида зич аҳоли яшаш пунктлари жойлашган бўлиб, чегара чизиғи ўта нисбий, яъни аксарият ҳолатларда бир кўчадан ёки бир жамоат жойидан ўтган;

*учинчидан*, бугунги кунда чегара чизиқлари тортилиши керак бўлган кўплаб ҳудудларда икки давлат фуқаролари узоқ йиллар давомида яйловлардан, сувдан ва ердан бир хилда фойдаланиб келган. Натижада, эндиликда чегараларнинг белгиланиши уларнинг ҳам эътирозига сабаб бўлиши мумкин;

*тўртинчидан*, халқни руҳлантириш, ўз орқасидан эргаштириш, сиёсий мавқеини ошириш йўлида аксарият тожик ва қирғиз сиёсий элита вакиллари **“биз еримизни бермаймиз”, “она ватан тупроғининг ҳар бир қарич ери муқаддас”** шиорлари остида чегара муаммосидан сиёсий қурол воситаси сифатида фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.

Шунингдек, чегара масаласи мазкур давлатлардаги муҳолиф кучлар томонидан фойдаланиладиган асосий воситалардан бири ҳам ҳисобланади. Хусусан, Қирғизистон экспертларининг фикрига кўра, 2019 йил 22 июль куни Тожикистоннинг Ворух анклавидаги баҳсли ҳудудда Тожикистон байроғининг ўрнатилиши билан юзага келган низо Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг 26 июлдаги чегарани демаркация қилиш бўйича ўтказиладиган музокараларини бузиш мақсадида тожик муҳолифати томонидан қасддан уюштирилган

провакациядир. Тожикистон миллий хавфсизлик давлат қўмитаси чегара назорати хизмати томонидан берилган маълумотга кўра эса, мазкур масала икки мамлакат раҳбарларининг Исфара шаҳридаги учрашуви арафасида “қирғиз доиралари” томонидан содир этилган.

Шу билан бирга, чегара чизиқларини белгиланишидан манфаатдор бўлмаган турли жиноий гуруҳлар ҳам чегара масаласини ҳал этилишига таъсир этишга ҳаракат қилади. Хусусан, немис эксперти Беате Эшмент фикрича, Қирғизистон ва Тожикистон сиёсий элитасидаги давлат раҳбарларига кучли таъсир доирасига эга бўлган “наркобарон” ва жиноий гуруҳ вакиллари чегарада делимитация ва демаркация ишларини амалга оширилишидан манфаатдор эмас. Чунки чегарада давлат назоратининг кучайтирилиши наркотик моддалар ноқонуний айланиши ва контрабанда учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Хусусан, икки давлат чегара хизмати маълумотларига кўра, қирғиз-тожик чегарасида айнан тўқнашувлар вақтида чегара контрабандаси ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси сезиларли равишда ортади.

**Сув муаммолари.** Марказий Осиё сув таъминотининг бош бўғинида жойлашган Фарғона водийсининг ўзи ҳам мазкур муаммодан ҳоли эмас. Хусусан, сўнгги вақтларда минтақанинг “сув-донор” давлатлари бўлмиш Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида тез-тез кузатилаётган қуролли тўқнашувларнинг асосий сабабларидан бири ҳам сув муносабатларини тартибга солишдаги можаролар ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудида 40 га яқин ҳар икки томон ҳам фойдаланувчи каналлар мавжуд бўлиб, бу каналларнинг бир қисми Қирғизистонда бошланиб, Тожикистондан оқиб ўтса, қолганлари аксинча. Мазкур давлатлар ўртасидаги сув можароси ҳар йили апрелдан июнгача давом этувчи суғориш даврида, айниқса, кескинлашади. Томонлар бир-бирларини жуда кўп сув сарфлаётгани, дарёнинг қуйи оқимидаги деҳқонларга эса кам сув келаётганидан норозилик билдиради. Сув етишмовчилиги бўйича мазкур келишмовчиликларнинг бир қатор сабаблари мавжуд:

*биринчидан*, Қирғизистон-Тожикистон чегарасидаги мавжуд сув инфратузилмаси узоқ йиллар давомида таъмирланмаган ва уларнинг кўпчилиги аллақачон ишдан чиққан;

*иккинчидан*, баъзи гидротехника иншоотлари трансчегаравий ҳудудда жойлашган бўлиб, уларни реконструкцияси бўйича махсус ташкилот ёки келишувлар йўқ. Томонлар уларни таъмирлашни бир-бирига юклайди;

*учинчидан*, сув ресурслари кўпинча тожик ва қирғиз жамоалари ўртасида бир-бирига босим ўтказиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Чегара ҳудудларида тўқнашувлар содир бўлганда, томонлар бир-бирига

борувчи сув каналларини тўсиб қўяди, бу эса янги кескинликни келтириб чиқаради ва вазиятни янада оғирлаштиради<sup>1</sup>.

Умуман олганда, сув масаласи асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги бўлган Фарғона водийсининг хавфсизлик динамикасини белгилаб берувчи асосий факторлардан бири ҳисобланади. Хусусан, сўнгги йилларда Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида сув масаласида 200 га яқин катта-кичик можаролар бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

Юқоридагилардан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида доимий баҳсли масалалардан бўлган Фарғона водийсидаги анклавлар томонларни ўзаро низога тортувчи заиф нуқталардан ҳисобланади. Чегара яқинида ва анклавлар атрофида келишмовчиликлар ва низолар ер, яйлов, сув ресурслари ва ўтин учун дарахтларни кесиш, товарларни олиб ўтиш ва кўпинча контрабанда билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Фарғона водийси ҳудудида анклавлар СССРнинг турли даврларида вужудга келган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Фарғона водийси ҳудуди Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси (1918-1924) таркибига кирган. 1924 йилдаги миллий-давлат демаркацияси натижасида автоном республикалар ташкил топди. Улар 1930-йилларда Иттифоқ республикалари мақомини олди. Марказий Осиё мамлакатларида бир гуруҳ тарихчилар чегараларни делимитация қилиш ва миллий анклавларни яратиш болшевикларнинг махсус режаси бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа томондан, россиялик мутахассис Лев Королков фикрига кўра, бундай узоқни кўзлаган режаларни 1917 йилнинг октябрида ҳокимият тепасига келганлар билан боғлаб бўлмайди. Унга кўра, бу масала ўша давр нуқтаи назаридан қулай бошқарув ва инфратузилмани яратиш учун қилинган.

Бугунги кунда Фарғона водийсида еттита – Қирғизистонда тўртта ўзбек ва иккита тожик анклавлари, Ўзбекистонда битта Тожикистонга қарашли анклав мавжуд. Қирғизистондаги энг кўзга кўринган тожик анклави Тожикистоннинг Хўжанд вилоятидаги Ворух бўлиб, унда 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Асосан тожиклар истиқомат қилиши ва унда ҳеч қандай табиий бойлик йўқлигига қарамай, Ворух Қирғизистон вилоятларидан бирини мамлакатнинг қолган қисми билан боғловчи ягона автомобиль йўлида жойлашганлиги сабаб Қирғизистон ҳам унга даъво қилади<sup>2</sup>.

Ўз навбатида, Ворух анклави амалда на у ёки бу давлат ҳокимияти томонидан назорат қилинмаган ҳудуд ҳисобланади. Шу боис у

---

<sup>1</sup> Содиров М. “Фарғона — умумий уйимиз”. Қирғизистон ва Тожикистон чегара низосининг сабаблари нимада? // <https://kun.uz/news/2022/09/28/fargona-umumiy-uyimiz-qirgiziston-va-tojikiston-chegara-nizosining-sabablari-nimada> (5.10.2022)

<sup>2</sup> Эксперты: Анклавы в Ферганской долине - часть проблем. <https://www.dw.com/ru/%D1%8D%D0%B>

ерда кечаётган жараёнлар аслида ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди. Бу эса наркотик моддалар савдоси ва контрабанда учун қулай замин яратади. Тожикистонлик таҳлилчи Негматулло Мирсаидов Оасис интернет журналига берган интервьюсида Воруҳ каби қишлоқлар деярли барча тожик-қирғиз чегара ҳудудларида борлигини айтади.

Шундай қилиб, минтақада бу каби чегара муаммоларининг сақланиб қолиши бутун Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигига жиддий тўсиқ бўлади. Шунингдек, чегара муаммоси минтақа хавфсизлик калити ҳисобланган Фарғона водийси ҳудудига доимий таҳдид манбаи сифатида қаралади. Юқорида кўрсатилган салбий омиллар (*томонлар қарашларининг турли хиллиги, анклавлар, ер, сув ва аҳоли зичлиги, наркотик коридорлари, учинчи томон манфаати*) чегара муаммосининг ижобий ҳал бўлишини қийинлаштиради. Шунай бўлса-да, минтақа давлатлари раҳбарларининг кучли ирода кўрсатиши вазиятни юмшатишда яхши натижа бериши мумкин.

### **Хулоса**

Умуман олганда, Фарғона водийси мутахассисларнинг доимий эътиборида бўлиб келган муҳим тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Бироқ мавзуга оид замонавий тадқиқотларнинг характерли жиҳати шундаки, уларда Марказий Осиёнинг стратегик аҳамият касб этувчи мазкур субминтақаси минтақа нобарқарорлигининг потенциал ўчоғи, миллатлараро конфликтларнинг манбаи ҳамда минтақада “Исломизм бешиги” сифатида кўрилади.

Адолат юзасидан қайд қилиб ўтиш лозимки, ҳозирда глобал жиҳодий ҳаракатда “машҳур” бўлган “Ўзбекистон исломий ҳаракати”, “Ислом жиҳоди иттифоқи” каби террористик ташкилотларнинг илдизи мазкур субминтақа билан боғлиқ. Географик жиҳатдан водийнинг таркибий қисми ҳисобланган Қирғизистоннинг жанубида унинг янги тарихида икки маротаба қонли миллатлараро конфликт юз берди. Афсуски ҳозирга қадар ушбу конфликтларни келтириб чиқарган шарт ва шароитлар бартараф этилганича йўқ.

Шунингдек мазкур маконда минтақавий хавфсизликнинг асосий таҳдидлари ва далатлараро муносабатларда ечилмай қолаётган мавжуд муаммолар ўзининг мозаик кўринишига эга. Муайян шароитлар таъсири оқибатида экстремистик ва террористик ташкилотларнинг фаолияти минтақадан ташқарига ёйилди ва уларнинг глобал жиҳодий ҳаракат билан интеграцияси кучайди. Жараёнларнинг бу каби ривожланишида, авваламбор, Тожикистондаги фуқаролар уруши ва шубҳасиз, Афғонистондаги конфликт муҳим ўрин тутди. Айниқса, Афғонистондаги конфликтнинг трансмиллий тус олиши ва унга манфаатдор давлат ва нодавлат акторларнинг бевосита аралашуви диний экстремизм ва терроризм ғояларининг “интернационаллашуви” ва “глобаллашувига” замин яратди.

### Назорат саволлари:

1. Фарғона водийсининг географик/геосиёсий ҳолатини тасвирлаб беринг.
2. Фарғона водийси Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлиги кесимида қандай ўрин тутади?
3. Қирғизистон-Тожикистон ўртасида чегара муаммолари сабаблари нималардан иборат?

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Бобокулов И. Ферганская долина как ФАТА? Центральная Азия и Кавказ. Том 17 Выпуск 4. 2014. – С.7-8.
2. Долина проблем – Фергана. <https://www.dialog.tj/news/dolina-problem-fergana>
3. Исходный рубеж: причины конфликтов в Ферганской долине. <https://mk-kz.kz/politics/2020/06/10/iskhodnyy-rubezh-prichiny-konfliktov-v-ferganskoj-doline.html>
4. “Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига хавф ва таҳдидлар”. Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Бобокулов И.И. ва бошқ. – Т.: СТИБОМ, 2016. – 170 б.
5. Matveeva Anna, ‘EU stakes in Central Asia’, Chaillot Paper, N 91, July 2006, Institute for Security Studies, European Union, Paris, p. 37.
6. Результаты переписи населения Кыргызстана в 2022 году. <https://ru.sputnik.kg/20230301/rezultaty-perepisi-naseleniya-kyrgyzstana-v-2022-godu-1073234149.html>
7. Содиров М. “Фарғона — умумий уйимиз”. Қирғизистон ва Тожикистон чегара низосининг сабаблари нимада? // <https://kun.uz/news/2022/09/28/fargona-umumiy-uyimiz-qirgiziston-va-tojikiston-chegara-nizosining-sabablari-nimada> (5.10.2022)
8. Ferghana Valley: The Heart of Central Asia / Ed. by S.F. Starr, B. Beshimov, I.I. Bobokulov, P. Shozimov. – New York – London: M.E. Sharpe, 2011.
9. Хўжанов Б.А., Минтақашунослик атамалари луғати. – Т.: ЖИДУ, 2012. – 78 б.
10. Эксперты: Анклавы в Ферганской долине - часть проблем. <https://www.dw.com/ru/%D1%8D%D0%B>

## **11. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИ КЕСИМИДА АФҒОНИСТОН ОМИЛИ**

### **Кириш**

**11.1. Афғонистон – Марказий Осие минтақавий хавфсизлигининг тизим яратувчи элементи**

**11.2. Афғонистон 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг**

**11.3. “Афғонистон ислом амирлиги” ҳукумати: бошқарув тизими ва мафкураси**

**11.4. Афғонистондаги вазиятнинг Марказий Осие минтақасига таъсири**

**11.5. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари**

### **Хулоса**

### **Кириш**

Марказий Осие геосиёсий жиҳатдан мураккаб ва халқаро рақобат кучайиб бораётган ҳудуд ҳисобланади. Минтақадаги хавфсизлик мувозанати эса турли ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади. Ушбу омиллар ичида Афғонистон масаласи алоҳида стратегик аҳамият касб этади. Охириги ўн йилликларда Афғонистонда юз берган сиёсий ва ҳарбий жараёнлар нафақат Марказий ва Жанубий Осие, балки глобал хавфсизлик муҳитига ҳам бевосита таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу жиҳатдан Афғонистон “Осиенинг юраги” сифатида минтақадаги қўшни давлатларнинг миллий хавфсизлик сиёсатларини белгилаб берувчи асосий геосиёсий омил сифатида намоён бўлмоқда.

2021 йил август ойида “Толибон” ҳаракатининг ҳокимиятга қайтиши Марказий Осие давлатларини Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсат ва ҳамкорлик стратегияларини қайта кўриб чиқишга ундади. Гарчи минтақа давлатлари “Афғонистон Ислом Амирлиги”ни расман тан олмаган бўлсалар-да, прагматик мулоқот ва амалиётга асосланган муносабатларни йўлга қўймоқдалар. Афғонистондаги ҳокимият ўзгариши минтақавий сиёсий муҳитга таъсир кўрсатиб, қўшни мамлакатларни хавфсизлик, чегара назорати, миграция, савдо ва инфратузилмага оид ёндашувларини қайта шакллантиришга мажбур этди. Шу асосда, Афғонистон муаммоси Марказий Осиедаги минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

**11.1. Афғонистон – Марказий Осие минтақавий хавфсизлиги тизим яратувчи элементи**

Марказий Осие халқлари сиёсий мустақилликка эришган даврдан бошлаб, Афғонистон ва мазкур давлатдаги ички сиёсий вазият минтақа хавфсизлигининг тизим яратувчи элементи сифатида кўриб келинмоқда. Ушбу ҳолат, авваламбор, Марказий Осие ва Афғонистоннинг географик

яқинлиги, умумий чегарага эгалиги, Марказий Осиё ва Афғонистон халқлари тарихи, маданияти, тили, динининг умумийлиги билан изоҳланади. Давлатлараро ҳамкорликнинг фундаментал асослари бўлган ушбу омиллар мазкур мамлакатлар ва халқлар тақдирининг умумийлигини белгилаб беради.

Келиб чиқиши Афғонистондаги мураккаб вазият билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган *Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига замонавий таҳдидлар* яна бир муҳим омил ҳисобланади. Мавжуд ҳолат унга қўшни бўлган давлатларнинг хавфсизлик сиёсати мазмун ва моҳиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Афғонистондаги вазият Марказий Осиёда “хавфсизлик камари”ни яратиш, замонавий таҳдидларга қарши курашнинг институционал-ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган минтақавий ва миллий саъй-ҳаракатларнинг замирида ётади.

Шу билан бир қаторда, глобаллашув ва давлатлар иқтисодиётининг боғлиқлиги ўсиши шароитида Афғонистоннинг *“тинч салоҳияти”* ҳам юзага чиқмоқда. Ушбу маънода Афғонистондаги барқарор вазият Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигини таъминланиши ва миллий иқтисодиётлари ўсишининг муҳим кўмакчисига айланиши мумкин. Мамлакат Марказий Осиё минтақасининг углеводород ресурсларини жаҳон бозорига олиб чиқишда муқобил транспорт йўллари ва энергетик тизимларни яратиши ҳамда минтақалараро савдони ривожлантиришда *муҳим бўғинга* айланиши учун реал салоҳиятга эга. Бошқача айтганда, Афғонистон нафақат беқарорлик омили, балки минтақада узоқ муддатли барқарорликни таъминлашнинг “моддий асоси” ҳамдир. Бу Марказий Осиё ва Афғонистоннинг хавфсизлик борасидаги манфаатлари муштараклигини англатади.

Шу билан бирга, юқорида тилга олинган ижобий салоҳиятнинг моддийлашуви Афғонистонда сиёсий барқарорликни таъминланиши, қуролли муҳолифат билан сиёсий мулоқотни ўрнатилиши ҳамда этник ва диний гуруҳлар ўртасида келишувга эришиш билан бевосита боғлиқ.

Афғонистонда тинчлик ушбу мамлакатни икки ва кўп томонлама минтақавий ҳамкорлик тизимларига бевосита жалб этиш орқали таъминланиши мумкин. Уни минтақавий жараёнларга жалб этилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигининг тизим яратувчи элементи бўлиши қарамасдан, унинг ўзи ушбу тизимдан ташқарида қолмоқда: Афғонистоннинг асосий минтақавий ташкилотлардаги (ШХТ, МДХ) иштироки номинал; у кўпгина минтақавий форумларда (“Марказий Осиё+”, ЕИ дастурларида), энергетика, транспорт ҳамда савдони ривожлантиришга оид лойиҳаларида иштирок этмаяпти. Мавжуд ҳолат объектив равишда минтақа мамлакатлари манфаатларига мувофиқ келмайди ва уларнинг хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб бораётган чора-тадбирлари самарасини пасайтиради.

## 11.2. Афғонистон 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг

Афғонистон ўзининг географик ва геосиёсий жойлашувига кўра, тарихан империялар ва етакчи давлатлар сиёсатининг объектларидан бири бўлиб келган. Аҳмад шоҳ Дурроний 1747 йили асос солган ва кейинчалик унинг авлодлари томонидан бошқарилган афғон давлати XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, халқаро сиёсатнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Бу XIX-XX асрларни қамраб олган “катта ўйин” номи билан тарихга кирган геосиёсий курашнинг дастлабки босқичи (классик даври) даврига тўғри келади.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари АҚШ бошчилигидаги коалицион кучларни Афғонистонга кириб келишига сабаб бўлди. Бу ташқи ҳарбий аралашувнинг янги босқичи эди. Афғон муаммоси бўйича етакчи мутахассислардан бири, Аҳмед Рашид бу даврни “катта ўйин”нинг учинчи тўлқини – “янги катта ўйин” деб атайди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан 1999 йил 15 октябрда 1267-сонли резолюция қабул қилинди. Резолюцияда Ал-Қоида террорчилик ташкилотининг 1998 йилда АҚШнинг Кения (Найроби) ва Танзаниядаги (Дар-эс-Салом) элчихоналарига қарши амалга оширилган террорчилик актларига тўғридан-тўғри алоқаси борлиги белгиланди. Шунингдек, Толибон ҳукуматига унинг назоратидаги ҳудудда бошпана топган Ал-Қоида етакчиси Усама Бен Ладенни Қўшма Штатлар ҳукуматига топшириш талаби қўйилди.

2000-йилнинг 19 декабрь куни Хавфсизлик Кенгашининг 1333-сонли резолюцияси қабул қилинди. Резолюцияда “Толибон” ҳаракатига қуйидаги кескин талаблар қўйилди:

*биринчидан*, халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотларига бошпана беришни тўхтатишни назарда тутувчи 1267(1999)-сонли резолюцияни тўлиқ бажариш;

*иккинчидан*, Бен Ладенни АҚШнинг тегишли органларига топшириш;

*учинчидан*, ўз назорати остидаги ҳудудлардаги террорчиларни тайёрлаш бўйича барча лагерларни дарҳол ёпиш.

2001 йил 12 сентябрь куни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1368-сонли резолюцияси қабул қилинди. Унда террорчилик акти халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид сифатида баҳоланиб, халқаро ҳамжамият унга қарши курашишга чақирилди.

Юқоридаги ҳужжатнинг асосий жиҳатларини ривожлантирган ҳолда 2001 йил 28 сентябрда “Халқаро терроризмга қарши курашишнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги 1373-сонли резолюция қабул қилинди. Резолюцияда Хавфсизлик Кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг уч гуруҳи алоҳида ажратиб кўрсатилди:

- а) халқаро терроризмни молиялаштиришга қарши кураш;
- б) террорчилик актларини бартараф этиш;

в) терроризмга қарши курашда давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2001 йилнинг 7 октябрь куни Ал-Қоида ва Толибон режимига қарши “Енгилмас озодлик” номи билан ҳарбий операция бошланди. НАТО, АНЗЮС ва Америка давлатлари ташкилотининг БМТ Низомининг ўзини-ўзи (коллектив) мудофаа қилиш ҳуқуқи доирасида АҚШни қўллаб-қувватловчи тегишли қарорлари қабул қилинди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистон бўйича навбатдаги қарори 2001 йил 20 декабрдаги 1386-сонли резолюцияси бўлиб, унга кўра, Афғонистонда Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар (АЙСАФ) тузилди.

Давлатлар ҳамжамиятни Афғонистон ишларига навбатдаги аралашувини белгиловчи бир қатор ички омиллар ҳам мавжуд. Улар:

*биринчидан*, минтақа давлатлари томонидан узоқ йиллар давомида Афғонистон ҳудудида турли экстремистик ва террорчилик гуруҳларни қўллаб-қувватланиши натижасида бу ерда уларнинг барқарор моддий асоси вужудга келганлиги;

*иккинчидан*, Афғонистонда ўзаро курашаётган кучларнинг қўшни ва етакчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида “манфаатлар кураши”нинг кескинлашиб кетганлиги;

*учинчидан*, афғон жамиятида бошқарув тизими қадриятлари замонавий ўзгаришларга ўз вақтида мослаша олмагани оқибатида, давлатчиликнинг барча элементлари ҳам коммунистик, ҳам мужоҳидлар ҳукуматида керакли даражада шаклланмасдан қолганлиги кузатилди. Мазкур ҳолат ҳамда Афғонистон халқининг этник жиҳатдан хилма-хиллиги мамлакатда муқим ҳокимият фаолиятини жорий қилиш имконини бермади.

АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришига дунёнинг бошқа ҳеч бир етакчи давлати эътироз билдирмади. Мазкур ҳолат Қўшма Штатлар бошчилигидаги ҳарбий операциядан бошқа давлатларнинг ҳам манфаатдорлиги борлигидан далолат беради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

*биринчидан*, АҚШ, Покистон, Саудия Арабистони, БАА ва бошқа давлатларнинг Афғонистон йўналишидаги ташқи сиёсати афғон муаммосини мураккаблаштирган омиллардан бири ҳисобланади;

*иккинчидан*, XXI аср бошида Афғонистон ҳудудига хорижий ҳарбий контингент киришида терроризм таҳдидининг миллий даражадан халқаро даражага чиққанлиги билан бир қаторда, дунёнинг етакчи давлатлари ўртасидаги геосиёсий кураш ҳам муҳим роль ўйнади;

*учинчидан*, ўтган асрнинг сўнги ўн йиллигида Афғонистондаги нобарқарор вазият натижасида афғон муаммосини ҳал қилишда хорижий ҳарбий аралашувнинг зарурлиги объектив эҳтиёж даражасигача чиқди.

АҚШда содир бўлган 11 сентябрь воқеалари эса ташқи ҳарбий аралашувни ҳаракатга келтирувчи куч вазифасини бажариб берди.

### **11.3. “Афғонистон ислом амирлиги” ҳукумати: бошқарув тизими ва мафқураси**

*Бошқарув тизими.* 2021 йилда Толибон ҳаракати ҳокимиятни қўлга киритгач, Афғонистонда янги бошқарув тизими – “Афғонистон ислом амирлиги” ўрнатилди. Бу давлат тузилмаси теократия тамойилларига асосланган бўлиб, унда ҳокимият тўлиқ диний раҳбарлар қўлида жамланган. Аввалги республика тизимидан фарқли ўлароқ, АИАда сайлов йўли билан шаклланадиган органлар мавжуд эмас, қонунчилик эса фақат шариат ва анъанавий қабила меъёрларига таянади. Тизим демократик принципларга асосланмайди, лавозимларга тайинлашда садоқат ва диний эътиқод асосий меъёр ҳисобланади<sup>1</sup>.

Доҳа келишувларига мувофиқ, Толибон ҳаракати Афғонистонда инклюзив сиёсий бошқарувни шакллантириш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган эди. Бироқ амалиётда мамлакатда сиёсий инклюзивлик таъминланмаган ва бошқарув тизими фақат муайян ижтимоий-сиёсий доира ва мафқуравий гуруҳ вакиллари иштирокида шаклланган. Мазкур ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, халқаро ташкилотлар ва кўплаб давлатлар томонидан ҳукуматнинг қонуний субъект сифатида тан олинмаслигига сабаб бўлди. Шунингдек, Толибон раҳбариятининг кўплаб аъзолари БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган санкциялар рўйхатида қолмоқда. Мамлакатда олий сиёсий раҳбар сифатида “Амир ал-Мўминин” (мўминлар амири) институти жорий этилган бўлиб, ушбу лавозим 2021 йилдан буён Ҳайбатуллоҳ Охундзода томонидан эгаллаб келинмоқда.

Амир барча сиёсий, ижтимоий ва диний қарорларни қабул қилиш ваколатига эга бўлиб, у томонидан чиқарилган фармон ва кўрсатмалар муҳокамасиз амалга оширилиши белгиланган. Амир ваколатлари исломий шариат нормалари асосида шакллантирилгани расман эълон қилинган ва у давлат бошқарувининг барча соҳалари устидан мутлақ назоратни амалга оширади. АИАнинг энг муҳим бошқарув органларидан бири *Уламолар кенгаши* (Кветта Шўроси) ҳисобланади. Бу кенгаш Афғонистон Ислом Амирлиги Раҳбарий кенгаши, шунингдек, Раҳбари Шура деб ҳам аталади. Мазкур орган Толибон ҳокимиятга келганидан сўнг собиқ республика пайтида фаолият юритган парламент ўрнини эгаллаган. Кенгаш Толибон ҳаракатининг асосий ҳарбий-сиёсий органи бўлган ва бугунги кунда ҳам Афғонистон Ислом Амирлиги ҳукуматининг бошқарув органи ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Шафак Исаак Мухамед, «Перспективы развития политической системы в афганистане в условиях нового режима талибов» International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 4-1 (67), 2022

АИАда ижро ҳокимияти *бош вазир* раҳбарлигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда 26 та вазирлик фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий вазифаси юқори раҳбарият қабул қилган қарорларни ижро этишдан иборат. 2021 йил сентябрида Толибон ўзларининг муваққат ҳукуматини эълон қилди, унда асосан Толибоннинг юқори мартабали аъзолари ва уларга яқин шахслар вазифаларга тайинланган.

Ҳозирги кунда Афғонистонда мавжуд молиявий-иқтисодий муаммолар ва ижтимоий-гуманитар инқироз билан бир қаторда Толибон ҳукумати раҳбарияти ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг кучайиш тенденцияси долзарб бўлиб қолмоқда. Хусусан, ҳукумат сафларида нафақат қабилавий ва ҳудудий мансублик бўйича бўлиниш, балки хорижий давлатлар махсус хизматлари билан алоқада бўлган гуруҳларнинг шаклланиши ҳам кузатилмоқда. Бу гуруҳлар таъсири остида мамлакатнинг фаолият стратегияси ва сиёсати таъсир ўтказишга уринишлар амалга оширилмоқда.

БМТнинг таҳлилий қўллаб-қувватлаш ва санкцияларни кузатиш гуруҳи (S/2023/370) ҳисоботларига кўра<sup>1</sup>, Афғонистондаги ҳокимият икки *Қандаҳор* ва *Кобулдаги* раҳбарлар ўртасида тақсимланган.

*Қандаҳор гуруҳига* анъанавий диний қадриятлар, қабила урф-одатлари ва ўта консерватив қарашларни қўллаб-қувватлайдиган, шариат қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишни, шунингдек, аёллар ва миллий озчиликларга нисбатан қаттиқ сиёсат юритишни талаб қиладиган Ҳаракат аъзолари киради. Ушбу гуруҳнинг раҳбари Афғонистоннинг олий амири Ҳайбатуллоҳ Охундозода бўлиб, у мамлакатнинг сиёсий ва мафкуравий йўналишини яқин атрофидаги руҳонийлар билан маслаҳатлашган ҳолда белгилайди. Эътиборли жиҳати шундаки, Ҳ.Охундозода яқин вақтгача яширин шахс бўлиб келган, бироқ аста-секин ўз тарафдорлари сафини кенгайтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида кўрина бошлади ва ўзини Толибоннинг ҳақиқий етакчиси сифатида намоён этди (2024 йил ноябрь ойида унинг аҳоли билан учрашувлари ҳақида бир қатор видеолар эълон қилинди).

*Кобул гуруҳининг* асосий шахслари Сироҷиддин Ҳаққоний (Ички ишлар вазири вазифасини бажарувчи), Мулла Муҳаммад Ёқуб Умарий (Мудофаа вазирлиги раҳбари вазифасини бажарувчи) ва Абдул Ҳақ Вассиқ (разведка раҳбари вазифасини бажарувчи) бўлиб, улар ўзларини прагматик, халқаро тан олиш ва иқтисодий қўллаб-қувватлашга интилувчи раҳбарлар сифатида кўрсатишга уринмоқдалар. Шундай бўлса-да, уларнинг қарашларида ва иш фаолиятларида келишмовчиликлар кузатилмоқда.

---

<sup>1</sup> БМТ Хавфсизлик кенгаши S/2023/370 резолюцияси // <https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n23/125/38/pdf/n2312538.pdf>

БМТ экспертлари Ички ишлар вазирлиги раҳбари С.Ҳаққоний ва Қандаҳор гуруҳи вакили Мулла Абдул Ғани Бародар (Бош вазирнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи) ўртасидаги зиддиятни қайд этишмоқда. БМТнинг Таҳлилий қўллаб-қувватлаш гуруҳининг ўн тўртинчи ҳисоботида келтирилишича, Мулла А.Бародар ҳам толибларнинг халқаро тан олинисига эришиши, афғонларнинг хорихдаги музлатиб қўйилган активларини қайтариш ва ташқи ёрдамни кенгайтириш жараёнларини назорат қилишга интилаётган бўлса-да, можаронинг асоси молиявий ва табиий ресурсларни назорат қилиш имконини берувчи ҳукуматдаги лавозимлар учун рақобат, шунингдек, “Туркменистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон” газ қузури қурилиши ва тижорат юклари контрабандаси йўллари атрофида жамланган.

Айрим экспертларнинг фикрича, сўнгги йилларда Толибон ичида *ёш лидерлар гуруҳи* шаклланган бўлиб, улар анъанавий Толибон раҳбарларидан фарқли ўлароқ, радикаллиги ва мурасимлиги билан ажралиб туради. Толибларнинг ушбу тоифаси кўпинча ўзларининг катта ёшли сафдошларини ислохотларни амалга ошириш ва шариятга асосланган қатъий тартиб ўрнатишда сусткашлик қилишда айблайди. Баъзи ҳолларда ёш авлод шафқатсизликка мойил бўлса-да, янги технологиялардан фойдаланиш ва ахборот урушларини олиб боришда кўпроқ прагматик ёндашувни намоён этади. Норасмий ёшлар қаноти етакчилари Муҳаммад Ёқуб ва ҳукумат ахборот сиёсати раҳбари вазифасини бажарувчи Забиҳулла Мужоҳид ҳисобланади.

Юқорида баён этилганлар шуни кўрсатадики, раҳбарлар ўртасидаги келишмовчиликлар Толибон бирлиги учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса толибларнинг Афғонистон устидан назоратини заифлаштириб, мамлакат ичида ҳам, халқаро майдонда ҳам қаршиликнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Бундай қарама-қаршилик очиқ тўқнашувга айланиб, ҳудуд ва мамлакатдаги террорист гуруҳлар устидан назоратни сусайтириши, вазият ташқи кучларнинг аралашуви билан мураккаблашганда эса фуқаролар урушининг қайта бошланишига замин яратиши мумкин. Ушбу ҳолат халқаро ҳамжамиятнинг ишончига путур етказибгина қолмай, Толибон ҳукуматининг тан олинисига ва ташқи ёрдам олиш имкониятларини ҳам пасайтиради.

*Толибон ҳаракати мафкураси.* Толибоннинг мафкураси уч асосий асос – Деобандийлик таълимоти, Пуштунвали (пуштунларнинг анъанавий одоб-ахлоқ кодекси) ва маҳаллий миллатчиликка таянади. Бу элементлар уларнинг ғоявий тизимининг мустаҳкам асосини ташкил қилиб, Афғонистонда ўзгача сиёсий ва ижтимоий тузум яратишга хизмат қилди.

Толибоннинг мафкураси Деобандийлик (Деобандизм) таълимотига, яъни сунний исломнинг қатъий ва консерватив талқинига

асосланади. Деобандийлик таълимоти XIX асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган бўлиб, Қуръон ва Суннатнинг сўзма-сўз талқинини, дунёвий қадриятларни рад этишни ва шариатнинг устунлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Толибон бу таълимотни Афғонистон жамиятига мослаштириб, уни пуштун анъаналари билан бирлаштирди. Натижада, улар шариат қонунларига қатъий амал қилинувчи Ислом Амирлигини барпо этди. Бу тузумда демократия, инсон ҳуқуқлари ва плюрализм каби ғарб қадриятлари рад этилади, чунки улар “исломга хилоф” деб ҳисобланади. Масалан, аёлларнинг таълим ва иш ҳуқуқлари чекланиши, мусиқа ва замонавий кўнгулчар воситаларнинг тақиқланиши Деобандизмнинг қатъий талқинидан келиб чиқади.

Толибон мафкурасида пуштунларнинг ёзилмаган одоб-ахлоқ кодекси Пуштунвали муҳим ўрин тутди. Бу кодекс жасорат, қасос, меҳмондўстлик ва номус каби қадриятларга асосланади. Толибон бу анъаналарни шариат билан уйғунлаштириб, ўз сиёсатида пуштун устунлигини таъминлашга интилди. Масалан, ҳукуматдаги раҳбар лавозимларнинг аксарияти пуштунларга берилгани ва пашто тилининг устун қўлланиши бунинг намоён кўринишидир. Пуштунвали шунингдек, раҳбарга итоаткорлик ва қабилавий вафодорликни таъкидлайди, бу эса Толибоннинг иерархияга асосланган бошқарув тузилишини кучайтиради.

Толибон ўзини “хорижий босқинчиларга қарши курашувчи” куч сифатида кўрсатади. Совет истилосига қарши жиҳод ва 2001-2021 йилларда АҚШ ва НАТО кучларига қарши уруш уларнинг мафкурасида муҳим ўрин тутди. Бу қаршилик нафақат ҳарбий, балки маданий жиҳатдан ҳам кўринади: ғарб маданияти ва қадриятлари “исломга зарарли” деб рад этилади. Шу билан бирга, Толибонда пуштун миллатчилиги элементлари мавжуд бўлиб, улар Афғонистонни пуштунлар ҳукмронлигидаги суверен давлат сифатида кўради. Бу миллатчилик ғояси уларнинг ғайрипуштун миллатлар (тожиклар, ўзбеклар, ҳазоралар) билан муносабатларида зиддиятларга сабаб бўлмоқда.

Толибон мафкураси Афғонистон жамиятига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ижобий жиҳатдан, улар фуқаролар уруши даврида тартибсизлик ва қонунсизликдан чарчаган аҳолига муайян даражада хавфсизлик ва тартиб олиб келди. 1996 йилда биринчи марта ҳокимиятга келганда, Толибон қатъий шариат қоидаларини жорий қилиш орқали жиноятчилик ва коррупцияни камайтиришга эришди. Бироқ бу тартиб жамиятнинг эркинликлари ва тараққиётининг чекланиши эвазига амалга ошди.

Инсон ҳуқуқларининг бузилиши, аёлларнинг таълим ва иш ҳуқуқларининг чекланиши, қизлар учун мактабларнинг ёпилиши ва

---

<sup>1</sup> Бобоқулов И.И. “Афғонистон” луғат маълумотнома, -Т.: Complex Print, 2021. – Б. 87-88.

қатъий гендер дискриминацияси жамиятнинг ярмидан кўпроқ қисмини ижтимоий ҳаётдан четлатиб қўйди. Толибларнинг анти-модернист ёндашуви ва дунёвий таълимни рад этиши сабабли Афғонистонда саводсизлик даражаси юқориликча қолмоқда. Бу эса мамлакатнинг узок муддатли ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу билан бирга, пуштун устунлигига асосланган сиёсат ғайрипуштун миллатлар орасида норозилик ва қаршиликка сабаб бўлмоқда.

#### **11.4. Афғонистондаги вазиятнинг Марказий Осиё минтақасига таъсири**

*Иқтисодий таъсири.* Толибон ҳокимиятга келгач, Афғонистон иқтисодиёти жиддий инқирозга юз тутди. Аввало, хорижий молиявий ёрдам кескин қисқарди. Толибон ҳукумати халқаро ҳамжамият тан олмагани сабабли донорлар маблағ ажратишни тўхтатди. Толибон ҳокимиятидан олдин Афғонистон давлат бюджетининг тахминан 75 фоизи ташқи ёрдам ҳисобига таъминланар эди. 2021 йил августидан сўнг бу маблағлар музлатилиб, Жаҳон банки орқали бюджет асносида иш ҳақи тўланадиган ходимларининг ойликлари тўланмай қолди. Шунингдек, АҚШ ва Европа давлатлари Афғонистон Марказий банкининг хориждаги тахминан 9 млрд АҚШ доллари миқдоридаги захираларини музлатиб қўйди. Бу эса банк тизимини халқаро молиявий тизимдан узиб қўйди. Натижада мамлакатда ликвидлик (нақд пул) танқислиги кузатилди<sup>1</sup>. Иқтисодий фаоллик кескин тушиб, кўплаб малакали мутахассислар мамлакатни тарк этди. Ушбу омиллар туфайли иқтисодий кўрсаткичлар кескин ёмонлашди.

Афғонистондаги иқтисодий инқироз Марказий Осиё давлатларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бир томондан, Афғонистон иқтисодиёти емирилиши натижасида бу мамлакат билан савдо қилувчи қўшни давлатлар экспорт даромадларининг бир қисмини йўқотди ёки тўловларни ўз вақтида ундиришда қийинчиликларга дуч келди<sup>2</sup>. Иккинчи томондан, Марказий Осиё давлатлари Афғонистондаги иқтисодий вазият барқарорлашмаса, бу янада йирик гуманитар ва хавфсизлик муаммоларига (қочқинлар оқими, наркотик моддалар савдосининг кучайиши) олиб келишини тушуниб, Афғонистонга иқтисодий кўмак бериш йўлларини қидирмоқда. Халқаро ҳамжамият томонидан тўхтаб қолган молиявий ёрдамнинг бир қисмини қоплаш мақсадида БМТ ҳамда

---

<sup>1</sup> Human Rights Watch. "Afghanistan: Economic Roots of the Humanitarian Crisis." Human Rights Watch, Human Rights Watch, 1 Mar. 2022// [www.hrw.org/news/2022/03/01/afghanistan-economic-roots-humanitarian-crisis](http://www.hrw.org/news/2022/03/01/afghanistan-economic-roots-humanitarian-crisis).

<sup>2</sup> "Afghanistan in Hock to Uzbekistan and Tajikistan for Electricity." Eurasianet, 2022// [www.eurasianet.org/afghanistan-in-hock-to-uzbekistan-and-tajikistan-for-electricity](http://www.eurasianet.org/afghanistan-in-hock-to-uzbekistan-and-tajikistan-for-electricity).

Қозоғистон ва Ўзбекистон каби давлатлар Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини юборди<sup>1</sup>.

*Гуманитар инқироз таъсири.* Толибон ҳокимиятга келганидан кейин Афғонистон халқини гуманитар инқироз қамраб олди. Юқорида баён этилган иқтисодий инқироз ва аёлларнинг иш фаолиятидан четлатилиши оқибатида кўплаб оилалар даромадсиз қолиб, озиқ-овқат хавфсизлигига путур етди. БМТ Жаҳон Озиқ-овқат дастури (WFP) ва бошқа идоралар ҳисоботларига кўра, 2022 йилда аҳолининг камида 55 фоизи “озиқ-овқат хавфсизлиги инқироzi” ҳолатида, яъни ярмидан кўпи очлик ёқасида кун кечираётган эди. 2023 йилда ҳам вазият яхшиланмади, аксинча аҳолининг гуманитар ёрдамга муҳтож қатлами янада кенгайди. БМТ ташкилотларининг ҳисоб-китобига кўра, 2022 йилда 18,4 млн киши ёрдамга муҳтож бўлган бўлса, 2023 йил августига келиб бу кўрсаткич қарийб 29 млн кишига етди, яъни деярли 10 млнга ошди. Ушбу кўрсаткич Афғонистондаги гуманитар инқироз миқёси катта эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, агар Афғонистондаги гуманитар фалокат давом этса, қашшоқ ва оч одамлар турли радикал гуруҳлар таъсирига тушиши, ёки наркотик моддалар савдоси билан шуғулланишга мажбур бўлиши мумкин. Бу эса Марказий Осиёнинг узоқ муддатли хавфсизлигига раҳна солиши эҳтимоли бор. Шу боисдан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари халқаро ҳамжамиятни Афғонистонга нисбатан изоляция сиёсатини юмшатиб, оддий аҳоли яшаш шароитларини энгиллаштириш учун кўпроқ конструктив мулоқот ва ёрдам кўрсатишга чақириб келмоқда.

*Наркотрафик хавфининг ортиши.* 2022 йил апрель ойида Толибон олий раҳбари Ҳайбатуллоҳ Охунзода бутун мамлакат бўйлаб наркотик экинлар етиштиришни тақиқловчи фармон чиқарди. Ушбу фармонда гиёҳвандликка қарши кураш давлат сиёсати экани эълон қилиниб, кўкнори эканлар қаттиқ жазога тортилиши билдирилди. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) йиллик ҳисоботида қайд этилишича, Афғонистонда опиум етиштириш майдонлари бир йил ичида 95 фоизга қисқарган. 2023 йилги мавсумда 10 800 гектар ерда кўкнори экилган ва бу 2022 йилга нисбатан жуда кичик кўрсаткичдир<sup>2</sup>. Натижада опиум ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин тушиб кетди. 2022 йилда 6 200 тонна атрофида опий хом ашёси олинган бўлса, 2023 йилда 333 тонна олинган.

Бироқ 2024 йилда вазият бироз ўзгарди. Толибоннинг бошқарув сиёсати барқарор бўлиб қолиши учун мамлакат ичида муқобил даромад

---

<sup>1</sup> Toghrul Ali. “CPC | Central Asia’s Careful Engagement with the Taliban.” Caspian Policy Center, 5 Feb. 2023 // [www.caspianpolicy.org/research/security-and-politics-program-spp/central-asias-careful-engagement-with-the-taliban](http://www.caspianpolicy.org/research/security-and-politics-program-spp/central-asias-careful-engagement-with-the-taliban).

<sup>2</sup> Gul, Ayaz. “UN: Opium Cultivation in Afghanistan Plunges by 95%.” Voice of America, 5 Nov. 2023// [www.voanews.com/a/un-opium-cultivation-in-afghanistan-plunges-by-95-/7342235.html](http://www.voanews.com/a/un-opium-cultivation-in-afghanistan-plunges-by-95-/7342235.html).

манбаларини яратиш зарур эди. 2024 йил баҳорида кўплаб деҳқонлар яна яширин равишда кўкнори экишни бошлагани қайд этилди. UNODC маълумотига кўра, 2024 йилда Афғонистонда опиум экилган майдонлар 2023 йилга нисбатан 19 фоизга ошди (12800 гектарга етди). Эътиборга молик жиҳати шундаки, опиум етиштириш ҳудудлари географик жиҳатдан ўзгарди. Мамлакат жануби-ғарбида (анъанавий асосий ҳудуд – Ҳилманд, Қандаҳор каби вилоятлар) кўкнори деярли йўқ бўлиб кетган бўлса, шимоли-шарқий вилоятларда (Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон билан чегарадош ҳудудларда) экин майдонлари кескин кўпайди. 2024 йилда айнан Афғонистоннинг шимоли-шарқий минтақаси энг кўп кўкнори етиштирган ҳудудга айланди.

Афғонистондаги *наркотик моддалар* ишлаб чиқариш ва контрабандасининг ортиши Марказий Осиё давлатлари учун бевосита хавфсизлик масаласидир. “Шимолий йўлак” деб аталувчи наркотрафик йўналиши айнан Марказий Осиё орқали ўтади. Афғонистонда ишлаб чиқарилган опий ва героиннинг бир қисми Тожикистон ҳудудига олиб ўтилиб, у ердан Ўзбекистон ва Қирғизистон орқали Қозоғистон томон ва Россия ҳамда Европага транзит қилинади. 2000-йиллар ва 2010-йилларда Тожикистон-Афғонистон чегараси дунёдаги энг кўп “гиёҳванд модда ўтувчи” чегаралардан бири эди. Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Тожикистон халқаро ҳамкорлар (БМТ, Россия, АҚШ) ёрдами билан бу оқимга қарши курашиб келган. Шундай экан, Толибоннинг 2022 йилда кўкнорини тақиқлаши ва опий таъминотининг 2023 йилда 95% га қисқариши Марказий Осиё учун маълум маънода энгиллик бўлди. 2023 йилда Тожикистон Миллий хавфсизлик қўмитаси чегарада мусодара қилинган наркотик моддалар миқдори ўтган йилларга нисбатан камайганини билдирган.

Бироқ бу ҳолат барқарор эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз ҳисобланади. Биринчидан, опиум ишлаб чиқаришининг 2024 йилда шимолий ҳудудларда қайта жонлангани Марказий Осиё учун янги чақириқдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, эндиликда Афғонистоннинг Тожикистон ва Туркманистон билан чегарадош вилоятлари (Бадахшон, Жузжон, Фароб каби) кўкнори етиштириш масканига айланиши мумкин. Бу эса наркотик моддалар айнан Марказий Осиё чегаралари орқали олиб чиқилишини осонлаштиради. Тожикистон Давлат чегара хизмати 2024 йил ёзида Бадахшон йўналишида бир нечта йирик героин партияларини қўлга олганини маълум қилди. Бу наркокуррьерлар шимолга йўналиш олаётганидан далолат беради. Иккинчидан, опиум тақиқлангани билан, Афғонистонда бошқа наркотик моддалар ишлаб чиқарилиши муаммоси пайдо бўлиши мумкин. Айрим кузатувларга кўра, сўнгги пайтларда Афғонистонда синтетик наркотик – метамфетамин ишлаб чиқариш кўлами ошган. Агар опиум ўрнини синтетик гиёҳванд моддалар эгалласа, бу моддалар ҳам Марказий Осиё орқали ташилиши эҳтимоли

мавжуд. Марказий Осиё мамлакатлари учун синтетик наркотиклар оқими янги хавф ҳисобланади.

*Терроризм хавфининг сақланиб қолиниши.* Марказий Осиё давлатлари учун Толибон билан муносабатларда террористик гуруҳларнинг мавжудлиги ва фаолияти асосий хавотир манбаи бўлиб келмоқда. Толибон ўзининг расмий баёнотларида Афғонистондан минтақага таҳдид соладиган террористик гуруҳларга қарши курашишга ваъда берган бўлса-да, амалиётда бу ваъдаларнинг бажарилмаётганлиги кузатилмоқда. Бу эса Марказий Осиё давлатларининг Толибонга нисбатан ишончсизлигини оширмоқда ва уларнинг хавфсизлик сиёсатида мураккаб дилеммаларни келтириб чиқармоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши мониторинг гуруҳи хабарига кўра, Толибон “Ал-қоида” ва “Техрик-е Толибон Покистон” (ТТП) билан ҳамон “кучли ва симбиоз” алоқаларни сақлаб қолган. Яъни, Толибон ва мазкур гуруҳлар ўзаро манфаат асосида ҳамкорлик қилиб, бир-бирига бошпана ва ёрдам бериб келмоқда. Шу билан бирга, Толибон режими даврида бошқа қатор террорчи уюшмалар ҳам эркин ҳаракатланиш имкониятига эга бўлгани ва натижада Афғонистон ва минтақа учун терроризм таҳдиди ошгани қайд этилган. Бундан ташқари, Толибон анъанавий равишда Марказий Осиёдан чиққан гуруҳлар – “Ўзбекистон Ислом Ҳаракати” (ЎИХ), “Исломий Жиход Иттиҳоди” (ИЖИ), “Шарқий Туркистон Исломий Ҳаракати” (уйғур жангари гуруҳи) ва “Ансоруллоҳ жамоаси” (тожик террористик гуруҳи) билан алоқаларни узмаган. Бу ҳолатлар Афғонистондан минтақа давлатларига терроризм таҳдидлари мавжудлигини тасдиқлайди.

Энг жиддий таҳдид сифатида “Ислом давлати-Хуросон вилояти” (ИДХВ) террористик гуруҳи алоҳида эътиборга лойиқ. БМТга аъзо давлатлар ИДХВни айни пайтда Афғонистоннинг ўзига ҳам, қўшни давлатлар ва бутун Марказий Осиёга ҳам энг хатарли террорчи таҳдид деб баҳолаган. 2022-2023 йил давомида бу гуруҳ Афғонистон ичида ўз ҳаракат эркинлиги ва фаолият имкониятларини кенгайтириб олди. ИДХВ асосан Толибон ҳукуматига қарши кураш олиб бормоқда ва ўз таъсир доирасини нафақат мамлакат ичкараси, балки ташқарида ҳам кенгайтиришни кўзлайди. 2022 йил кузида ИДХВ жангарилари Қобулдаги Россия ва Покистон элчихонасига террор ҳужумлари уюштирди. ИДХВ шу тариқа Толибон ҳокимиятини беқарорлаштириш ва уларнинг хориж билан муносабатларига путур етказишга интиломоқда. Мазкур гуруҳнинг ҳужумлари масштаби ортган. 2022 йилдан буён ИДХВ ўз ҳисобига 190 дан ортиқ ҳужумларини олган бўлиб, бу ҳужумларда жами 1300 га яқин киши ҳалок бўлган ёки яраланган. Шунингдек, 2023 йил март ойида ИДХВ жангарилари Афғонистонда Толибон ҳокимиятидаги муҳим шахсларга (жумладан, Балх вилояти волиийи ва мудофаа вазири вазифасини бажарувчи Мулла Якубга) суиқасд қилишга урингани, юқори

мартабали Толибон амалдорларини ҳам нишонга олаётгани қайд этилган. Бундай вазиятда, агар Толибон ИДХВни тўла жиловлай олмаса, унинг жангарилари қўшни давлатларга ҳам ҳужумлар уюштириши мумкинлиги хавотир уйғотмоқда.

### **11.5. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари**

Афғонистондаги вазиятнинг ҳал этилиши бу биринчи навбатда минтақавий масала ҳисобланади. Минтақа уни ташкил этувчи давлатларнинг бевосита алоқага киришувчи ҳудуд ҳисобланади. Ушбу алоқаларнинг кооператив ёки антагонистик бўлишидан қатъи назар, улар минтақа давлатларининг “ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг муҳим детерминантлари” ҳисобланди (Ж. Най). Шу боис, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда алоқалар қанча кучли бўлса, давлатлараро муносабатлар шунча барқарор бўлади.

Афғонистонда барқарорликни ўрнатиш ва тинчликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётининг гаровидир”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг, хусусан, Афғонистон йўналишида қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- яқин қўшни давлатларга нисбатан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш;

- ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойиллари асосида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашиш;

- хавфсизлик ягона ва бўлинмаслиги ҳамда уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш;

- халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб бўлмаслик.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича расмий қарашлари қуйидаги икки муҳим тамойил негизида шаклланган: а) муаммонинг ҳарбий ечими йўқлиги; б) муаммони ҳал этиш ва Афғонистонни тиклашга йўналтирилган дастурларда иқтисодий омил ўрни ва аҳамиятини оширишнинг зарурлиги.

Таъкидлаш лозимки, Афғонистонда кузатилган узоқ йиллик нотинчлик даврида ҳам Ўзбекистон томони бир қатор аҳамиятга молик таклиф ташаббусларни илгари сурган. Хусусан, 1997 йили

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. 27.03.2018 // <https://president.uz/uz/lists/view/1601>

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов афғон муаммосини ҳал этиш бўйича “6+2” мулоқот гуруҳини яратиш ташаббуси билан чиқди. Бу гуруҳга олти давлат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳамда Россия ва АҚШ кирди. 1999 йил Тошкентда ушбу мулоқот гуруҳи доирасида Тошкент конференцияси ўтказилди ва афғон муаммосини тинч ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида “Тошкент декларацияси” қабул қилинди.

Мазкур формат Ўзбекистонга Афғонистон бўйича ўз ташқи сиёсатини самарали амалга оширишда ҳамда манфаатларни таъминлашда бир қанча устунликлар берди. *Биринчидан*, мулоқот гуруҳи ташаббускори Ўзбекистон ҳисобланади. Бу музокаралар майдонини Ўзбекистон манфаатларига мос жойда ташкил этиб, унинг кун тартибини белгилаш ва формат доирасида қарорлар қабул қилиниш жараёнига таъсир қилиш имкониятларини оширди. *Иккинчидан*, мазкур ташаббуснинг амалиётга татбиқ этилиши, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлашдаги етакчилик ролини мустаҳкамлаб, унинг халқаро майдондаги имижига ижобий таъсир ўтказди.

Сўнги йилларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига интеграция қилиш масаласига устувор аҳамият бериб келмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббуслари куйидаги бир неча йўналишда намоён бўлади.

*Сиёсий-дипломатик ташаббуслар.* 2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида халқаро конференция, 2021 йилнинг 15-16 июль кунлари эса, “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида юқори даражадаги халқаро конференциялар ташкил этилди. Тадбирлар доирасида “Тошкент декларацияси” ва Ташқи ишлар вазирларининг Қўшма баёноти қабул қилиниб, бу мамлакатимиз томонидан Афғонистонда тинчлик таъминлаш борасида амалга ошираётган ишларининг ёрқин ифодаси бўлди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу каби юқори даражадаги тадбирлар Ўзбекистон томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари ўзининг халқаро ташкилотлар (БМТ, ШҲТ, МДҲ) доирасидаги нутқларида ҳамда олий даражадаги учрашувларда доимий равишда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида барча учун тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистон кераклигини таъкидлади. Шу муносабат билан,

дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишга ва бу борада БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ва конструктив позицияни белгилашга чақирди<sup>1</sup>.

*Ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларидаги ташаббуслар.* Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш орқали унинг барқарорлигига хизмат қилишини таъкидламоқда. Электр энергияси, темир йўл, логистика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик афғон иқтисодиётининг қайта тикланишида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Термиз логистика маркази орқали Афғонистон билан транзит ва савдо алоқалари янги босқичга кўтарилмоқда. Жумладан, 2022 йилда “Термиз карго маркази” терминали Афғонистон ва Жанубий Осиё мамлакатларига юк оқимларига хизмат кўрсатувчи халқаро кўп функцияли логистика хаби мақомини олди. Бу ўз навбатида, унинг халқаро гуманитар инфратузилмадаги мавқеини оширди (2025 йилдан бошлаб у БМТ Қочқинлар бўйича олий комиссари бошқармасининг Глобал таъминот тармоғига интеграция қилинди) ва гуманитар ёрдам етказиб бериш географиясининг кенгайишига ҳисса қўшди (2022 йилда Термиздан Покистондаги сув тошқинидан жабрланганларга гуманитар ёрдам ҳаво йўллари орқали етказилган, 2021-2022 йилларда БМТ ҚБОКнинг Термиздаги минтақавий гуманитар логистика маркази Афғонистонга 217 та юк машинасини энг зарур нарсалар билан жўнатди). Таъкидлаш жоизки, Термиз инфратузилмаси халқаро ташкилотлар томонидан Жанубий Осиёга озиқ-овқат ва дори-дармонларни етказиб бериш учун фаол жалб этилмоқда, бу эса ижтимоий кескинликни камайтириш ва гуманитар инқирозлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган можаролар кучайишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, 2024 йил август ойида қулай ишбилармонлик ва логистика муҳитини яратиш, маъмурий жараёнларни соддалаштириш ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитларни яратишга мўлжалланган “Термиз” халқаро савдо марказининг очилиши, бир томондан, шаҳарнинг иқтисодий жозибдорлигини оширса, иккинчи томондан, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ўсишини рағбатлантиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 3 мингта савдо нуқталари жойлашган ушбу Марказ ҳудудида (Афғонистон билан чегарадан 500 метр узоқликда ва 37 гектар майдонда жойлашган) ташриф бурувчилар учун 15 кунлик визасиз режим жорий этилган.

Қолаверса, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Афғонистон фуқаролари учун таълим маркази ташкил этилди. Мазкур таълим муассасаси 17 та олий таълим йўналиши ҳамда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида нутқ сўзлади. 20.09.2023 // <https://president.uz/uz/lists/view/6679>

16 та ўрта махсус ва касб-хунар таълими йўналиши бўйича фақат афғонистонликларга таълим берадиган дунёдаги ягона таълим муассасаси ҳисобланади. Унинг фаолияти давомида Афғонистоннинг 700 га яқин фуқароси ўқитилиб, улардан 200 дан ортиғини қизлар ташкил этади.

Муассаса БМТ Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқи, Германия, Словакия, Ҳиндистон каби донор мамлакатлар ва хорижий ташкилотлар билан халқаро алоқалар ва ҳамкорликни фаол қўллаб-қувватлайди. Жумладан, 2023 йил январь ойида ушбу таълим муассасаси негизида Афғонистон фуқароларини ўқитиш ва тайёрлаш учун “ЕИ билим маркази” очилди (бу ҳамкорликда ишлаш, ўз-ўзини ўқитиш ва касбий алоқаларни ўрнатиш учун платформа тақдим этувчи коворкинг майдони ҳисобланади). Термиз шаҳрида Афғонистон учун таълим марказининг ташкил этилиши ушбу мамлакат фуқаролари учун сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, касбий тайёргарлик учун таълим муҳити ва технологияларни таъминлаш имконини беради.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий тикланиши ва минтақавий интеграциясига хизмат қилмоқда. Бу ташаббуслар прагматик, инклюзив ва инсонпарвар ёндашув асосида шакллантирилган бўлиб, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

## **Хулоса**

Афғонистон масаласи Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигида ҳал қилувчи геосиёсий омил сифатида намоён бўлиб, мамлакатдаги ҳар қандай ички сиёсий ўзгаришлар бутун минтақанинг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Афғонистонда узоқ йиллар давом этган беқарорлик, ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий ноаниқлик қўшни давлатларнинг чегара хавфсизлиги, миграция оқимлари ва ноқонуний фаолиятларга қарши курашида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

2021 йилда “Толибон” ҳаракатининг ҳокимиятга қайтиши минтақада янги воқеликни юзага келтирди. Бу воқеа Марказий Осиё давлатларини Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсий ёндашувларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Гарчи минтақадаги давлатлар “Афғонистон Ислом Амирлиги”ни расман тан олмаган бўлсалар-да, амалда мулоқот ва прагматик ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий ва транспорт лойиҳаларига жалб этилиши, унинг Марказий Осиё билан узвий алоқаларини мустаҳкамлаш орқали хавфсизликка таҳдидларни камайтириш имконини беради. Хусусан, транспорт коридорлари, савдо муносабатлари ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик Марказий Осиёни Афғонистон орқали Жанубий Осиёга боғлаш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Афғонистон омилини инкор этиш имкони йўқ – у Марказий Осиёдаги барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва хавфсизликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, минтақа давлатлари томонидан инклюзив сиёсий ечимларни қўллаб-қувватлаш, инсонпарвар ҳамкорлик ва иқтисодий интеграция орқали Афғонистонни минтақавий тизимга жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом эттирилиши зарур.

### **Назорат саволлари:**

1. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистондаги вазиятни тавсифлаб беринг?
2. “Афғонистон ислом амирлиги” ҳукумати бошқарув тизими ва мафкурасининг ўзига хослигини айтиб беринг.
3. Афғонистондаги вазиятнинг Марказий Осиё минтақасига қандай таъсири мавжуд?
4. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ташаббусларига тўхталинг.
5. Афғонистондаги вазиятнинг истиқболи тўғрисида қандай фикрдасиз?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. 27.03.2018 // <https://president.uz/uz/lists/view/1601>
2. Ахмед Рашид. Талибан. Ислам, нефть и новая большая игра в Центральной Азии. - Т.: 2003.
3. Бобоқулов И.И. “Афғонистон” луғат маълумотнома, -Т.: Complex Print, 2021. – 248 б.
4. Бобоқулов И.И. Политический диалог, внутриафганская стабильность и региональная безопасность Центральной Азии. // Международные отношения. – Ташкент, УМЭД, 2019. - № 3-4.
5. Гиляждинов Р.Т. Новая военно-политическая реальность в Афганистане и ее влияние на военную безопасность Республики Узбекистан. Монография. – Т.: Академия ВС РУ, 2022 – 299 с.
6. Коргун В. История Афганистана. – М.: ИВ РАН, “Крафт+”, 2004.
7. Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. - Т.: Издательство «Фан» АН РУз. 2004.
8. Thomas J. Barfield. Afghanistan: a Cultural and Political History. – Princeton & Oxford. Princeton University Press, 2010.
9. Thomas Ruttig. “Nothing is agreed until everything is agreed”: First steps in Afghan peace negotiations // Afghanistan Analysts Network, 2019.

## **12. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

### **Кириш**

**12.1. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда транспорт омилини ўрганиш методикаси.**

**12.2. Марказий Осиё давлатлари транспорт соҳасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари.**

**12.3. Асосий минтақавий транспорт коридорлари: имкониятлари ва муаммолари.**

**12.4. Минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги манфаатларига таҳдидлар.**

### **Хулоса**

### **Кириш**

Марказий Осиё минтақаси ўзининг стратегик жойда жойлашганлиги, табиий хом ашё захирасининг кўплиги, жумладан, нефть, газ, олтин, уран, мис, вольфрам ва шу каби ресурсларга бойлиги, савдо-сотиқ учун қулайлиги ҳамда транзит юкларни ташишдаги ягона транспорт тармоғининг мавжудлиги билан йиллар давомида етакчи давлатларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон геосиёсий ва иқтисодий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлган минтақани ташкил этади. Бу давлатлар транспорт соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликни ривожлантириш орқали нафақат савдони, балки ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ҳам таъминламоқда. Марказий Осиёдаги транспорт алоқалари, биринчи навбатда, географик ва иқтисодий ўзаро алоқага асосланган. Глобаллашув ва интеграция жараёнлари транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликнинг стратегик аҳамиятини оширмоқда. 2023 йилда Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо айланмаси 27 млрд АҚШ долларига етди. Транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш учун 2024 йилда 4 млрд АҚШ доллари сармоя киритилган. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда замонавий логистик марказлар қуриш учун халқаро молия институтлари томонидан 2 млрд АҚШ доллари йўналтирилган.

Минтақа давлатлари транспорт тизимларининг интеграциялашуви динамик жараён ҳисобланиб, унинг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Ушбу омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) шарт-шароит яратувчи омиллар:

- иқтисодиётнинг глобаллашуви;
- халқаро савдонинг либераллашуви;
- халқаро савдонинг трансмиллийлашуви;

- ишлаб чиқариш қувватларининг ишчи кучи ва инфратузилмаси арзон бўлган мамлакатларга кўчирилиши;
- минтақа давлатларининг ўзаро иқтисодий боғлиқлиги;
- сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг уйғунлиги;
- минтақанинг географик жойлашуви ва халқаро транспорт коридорларининг минтақадан ўтиши ва бошқ.

## 2) тўсқинлик қилувчи омиллар:

- давлатлар ўртасидаги иқтисодиётнинг маълум тармоғи юзасидан муносабатларда ўзаро келишмовчиликларнинг мавжудлиги, шунингдек геосиёсий ҳамда геоиқтисодий манфаатларнинг мос келмаслиги;
- трансчегаравий таҳдидлар, хусусан терроризм ва наркотрафик муаммосининг мавжудлиги;
- техник тўсиқларнинг (инфратузилманинг мавжуд эмаслиги ёки ривожланмаганлиги, техник стандартлардаги тафовутлар) мавжудлиги ва бошқ.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан минтақа транспорт интеграциясини ривожлантириш бўйича муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев транспорт ва коммуникация ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш мақсадида Марказий Осиё Минтақавий ўзаро транспорт-коммуникация боғлиқлиги ривожланиш марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва 2021 йил августда Туркменистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан маслахатлашув учрашувида бу ташаббус қўллаб-қувватланди. Иккинчи маслахатлашув учрашувида Президент Ш.М. Мирзиёев БМТ шэфелигида МЎТКБР Марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва бу ташаббус Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди. Хозирда ушбу ташаббусни амалга ошириш бўйича мулоқотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясида Марказий Осиё давлатларини бирлаштирадиган умумий хусусиятлар сирасига “сув артериялари, транспорт коммуникациялари ва энергетика захираларининг умумийлиги” келтирилган.

Бугунги кунда минтақа давлатларида юз бераётган ички ва ташқи сиёсий жараёнларнинг ўзгариб туриши, жумладан, Афғонистондаги нотинч ҳарбий-сиёсий вазиятнинг сақланиб қолиши ҳамда хавф ва таҳдидларнинг кучайиб бориши минтақа хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Ушбу муаммолар нафақат минтақада хавфсизликни таъминлашга, балки, давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга, чет эл инвестицияларини жалб этишга, минтақада йирик стратегик лойиҳаларни амалга оширишга, транспорт

коммуникацияларини такомиллаштиришга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бироқ бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг транспорт тармоғини ривожлантириш юзасидан олиб бораётган сиёсатида кузатилаётган номувофиқликлар, ягона минтақавий транспорт тизимини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса минтақанинг “ёпиқ” (double locked) ҳолатда жойлашган бир пайтда, денгиз портларига чиқиш имкониятини чекламоқда.

*Бундан ташқари, мазкур соҳада бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:*

- *биринчидан*, минтақа транспорт инфраструктурасининг талаб даражасида эмаслиги;
- *иккинчидан*, минтақа мамлакатлари ҳудудидан ўтувчи халқаро трансконтинентал йўллардаги транзит юклар оқимининг камайиш тенденцияси;
- *учинчидан*, минтақавий транспорт муаммолари сиёсий даражадаги келишмовчиликларга сабаб бўлаётганлиги;
- *тўртинчидан*, транспорт билан боғлиқ турли трансчегаравий таҳдидларнинг сақланиб қолаётганлиги.

*Мазкур муаммоларга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:*

- Марказий Осиё давлатларининг транспорт соҳасидаги олиб бораётган ташқи сиёсатининг мос келмаслиги;
- йирик транспорт лойиҳаларини амалга оширишда молиявий инвестицияларнинг етишмовчилиги;
- минтақанинг айрим давлатларидаги иқтисодий ҳамда сиёсий нобарқарорликнинг давом этаётганлиги;
- “афғон” муаммоси;
- ташқи кучлар аралашуви;
- айрим минтақа давлатларининг манфаатидаги ва мос равишда минтақанинг бошқа давлатлари манфаатларига зид лойиҳаларнинг илгари сурилиши ва қурилиши.

*Салбий оқибатлари:*

- минтақа транспорт тизими интеграциясига путур етиши (дезинтеграцияси);
- минтақа давлатлари ўртасидаги транспорт ҳамда бошқа соҳалардаги давлатлараро низоларнинг келиб чиқиши.

## **12.1. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда транспорт омилини ўрганиш методикаси**

Транспорт тизимини таҳлил қилишда индикатив ёндашувдан фойдаланишнинг муҳим талабларидан бири – бу мамлакат ёки

минтақанинг транспорт соҳасидаги сиёсатини, манфаатларини, унга таҳдидларни ва таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади.

Транспорт соҳасида давлат ёки минтақавий сиёсат қуйидаги асосий вазифалар асосида юритилади:

- транспорт соҳасидаги миллий ва минтақавий манфаатларни белгилаш, уларнинг уйғунлигини таъминлаш;
- транспорт соҳасидаги миллий ва минтақавий манфаатларга ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш;
- ушбу таҳдидларни келтириб чиқараётган ва унга шарт-шароит яратиб бераётган омилларни аниқлаш ва мониторингини юритиш.

Ушбу маърузада минтақавий манфаатлар кесимида таҳдидлар аниқланилиб, улар тегишли индикаторлар ёрдамида белгиланди.

Шунингдек, ушбу ёндашув объект ҳолатини баҳолашда юқори аниқлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир индикатор<sup>1</sup> миқдорий тавсиф, тегишли ўлчов бирлиги ва чегаравий қийматга эга. Индикаторларнинг мавжуд қийматларини уларнинг чегаравий қийматларига солиштириш орқали, соҳанинг барқарорлик тизими, унинг мустақил жабҳалари ёки алоҳида соҳаларининг реал ҳолати бўйича ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларини олиш мумкин.

Миқдорий баҳолаш транспорт тизими ҳолатини жорий қиймати билан унинг аввалги қийматини солиштириш, вазиятнинг ўзгариш динамикасини аниқлаш, ёки турли мамлакатларнинг транспорт тармоғи ҳолатини баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари, минтақадаги давлатлар тегишли миқдорий кўрсаткичларини умумлаштириш орқали, минтақавий транспорт тизимига сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳо бериш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, транспорт соҳаси индикаторларини қуйидагича шакллантириш мумкин:

- минтақа давлатлари ЯИМда транспорт хизматининг улуши, %;
- минтақа давлатлари транспорт тармоғига киритилган инвестиция, *ЯИМга нисбатан*, %;
- минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги низолар сони, *марта*;
- транзит тарифлар ўртасидаги номувофиқликлар, *марта*;
- минтақа ҳудудидан юк ва йўловчи ташишнинг ўсиш суръати (транспорт турлари бўйича мамлакатлар ва минтақа ичида, транзит, халқаро), %;

---

<sup>1</sup>Индикаторлар – тизимнинг (тармоқнинг) фаолият кўрсатиши ва ривожланиши кўрсаткичи бўлиб, тизимга ва унинг таркибий қисм (элемент)ларига таҳдидларнинг таркиби, қамрови ва миқёсини тўлиқ тавсифлаб беради.

- халқаро юк ва йўловчи ташувларда минтақа давлатлари ташувчиларнинг улуши (транспорт турлари бўйича минтақа ичида, транзит, халқаро), %;
- минтақавий (халқаро) транспорт коридорлари ўтказиш имкониятларининг ўсиш динамикаси, %;
- халқаро транспорт коридорларида минтақа давлатларининг улуши (транспорт турлари бўйича), %;
- транспорт соҳасида асосий фондларнинг эскириш коэффициенти (транспорт турлари бўйича), %;
- йўл транспорт ҳодисалари (ҳалокатлари) динамикаси, %;
- атроф-муҳит ифлосланишида транспортдан чиқадиган заҳарли газлар миқдори, *г/км*.

Шу билан бирга, ўрганилаётган объект (транспорт тизими) билан боғлиқ муаммоларни аниқлашда индикаторлар билан бир қаторда уларнинг чегаравий қийматларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни соҳадаги муаммоларнинг қай даражада кескинлиги чегаравий қийматларда намоён бўлади (*1-жадвал*).

1-жадвал

**Минтақа транспорт тизимини баҳолаш индикаторлари**  
(*транспорт турлари бўйича*)

№	Индикаторлар	Ўлчов бирлиги	Меъёр	Инқироз олди ҳолати			Инқироз ҳолати		
				ПК1	ПК2	ПК3	К1	К2	К3
				бошланғич	ривожла- наётган	критик	бошланғич	хатарли	фавқулодда
1.	Минтақа давлатлари ЯИМда транспорт хизматининг улуши	%	>9	9	7,5	6	5	4	3
2.	Минтақа давлатлари транспорт тармоғига киритилган инвестиция, <i>ЯИМга нисбатан</i>	%	>1,5	1,5	1	0,6	0,4	0,3	0,2
3.	Минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги низолар сони ( <i>1 йилда</i> )	<i>марта</i>	0	1	2	3	4	5	6
4.	Юк ва йўловчи айланмаси ҳажмининг ўсиш суръатлари	%	>6	6	5	4	3	2	0
5.	Юк ва йўловчи ташишда минтақа давлатлари ташувчиларнинг улуши	%	100	85	80	70	60	55	50

<b>6.</b>	Транспорт тармоқларининг зичлиги (аҳоли сонига нисбатан)								
6.1.	Автомобиль йўллари	км/ 1000км <sup>2</sup>	>200	200	180	160	130	100	60
6.2.	Темир йўллар	км/ 1000км <sup>2</sup>	>15	12	9	7	5	3	1
7.	Минтақа ва халқаро транспорт коридорларининг ўтказувчанлик қобилиятини ўсиш динамикаси	%	>6	6	5	4	3	2	0
8.	Халқаро транспорт коридорларида минтақа давлатлари улуши	%	>40	40	30	20	15	10	5
9.	Транспорт соҳаси асосий фондларининг эскирганлик коэффициенти	%	<10	10	20	30	40	50	70
10.	Транспорт соҳаси асосий фондларининг янгиланиш коэффициенти	%	>10	10	8	6	4	2	0
11.	Транспорт соҳасининг рентабеллиги	%	>10	10	8	6	4	2	0
12.	Юк ва йўловчи ташишда нархларнинг ўзгариши динамикаси	%	<20	20	30	40	60	80	100
13.	Асосий транзит давлатларда бож ва тўловларнинг ўсиш суръатлари	%	<20	20	30	40	60	80	100
14.	Транзит тарифлар ўртасидаги номувофиқликлар, ўртача халқаро меъёрга нисбатан	марта	<2	2.5	3	3.5	4	4.5	5
15.	Минтақа асосий экспорт товарлари таннархида транспорт харажатларининг улуши (ўртача ҳисобда)	%	<10	10	20	30	40	50	60
16.	Йўл транспорт ҳалокатларининг ўсиш динамикаси	%	0	5	10	15	20	25	30
17.	Атроф-муҳит ифлосланишида транспортдан чиқадиган заҳарли чиқиндилар миқдори								
17.1	Бензинли автомобиллар учун, СО миқдори	г/км	1,0	1,4	1,6	2,0	2,5	3	3,5
17.2	Дизелда ҳаракатланувчи автомобиллар учун, NOx	г/км	0,8	1,0	1,2	1,4	1,8	2,5	3

## 12.2. Марказий Осиё давлатлари транспорт соҳасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари

Марказий Осиё (МО) давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиги минтақадаги иқтисодий, ижтимоий ва геосиёсий ривожланишда муҳим ўрин тутди. Минтақа ичидаги транспорт инфратузилмаси, логистика тармоқлари ва трансчегаравий ҳамкорликнинг сўнгги йилларда кузатилаётган асосий тенденциялар таҳлил қилинди ва бу жараёнлар нафақат давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда, балки глобал транспорт коридори сифатида МО позициясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қуйида минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлигининг (2017-2024) хронологияси таҳлили келтирилган:

2017 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар: 2017 йил март ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида “Тошкент-Олмаота” тезжурар йўловчи поезде қатнови йўлга қўйилди. Шу йили Амударё ўзанида Туркменистон-Ўзбекистон чегарасида Туркманобод-Фароб янги темир йўл кўприги фойдаланишга топширилди, бу икки мамлакат ўртасидаги юк ташиш қувватини 2,5 баробарга оширди. Давлатлараро келишувлар: Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл тармоғини қуриш бўйича музокаралар жадаллаштирилиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида стратегик аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар: 2017 йилда Туркменистон-Ўзбекистон чегарасида Туркманобод-Фароб янги автомобиль кўприги ҳам очилди. Бу Марказий Осиёдан Каспий минтақасига тўғридан-тўғри йўлак яратиб, транзит салоҳиятини оширди. Давлатлараро алоқалар: 2017 йил сентябрда Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасидаги “Дўстлик” назорат-ўтказиш пункти қайта очилиб, икки давлат ўртасида автомобиль қатнови тикланди. минтақавий ташаббус: ноябрда Туркменистон Афғонистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркия билан “Lapis Lazuli” транспорт йўлагини яратиш бўйича битим имзолади – у орқали Марказий Осиё давлатларини Афғонистон орқали Кавказ ва Европа билан боғловчи автомобиль ва темир йўл маршрутлари ташкил этилади.

2018 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар: 2018 йил март ойида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2012 йилдан бери ёпиқ турган Ғалаба – Амузанг – Хушади темир йўл йўналиши қайта ишга туширилди. Бу тарихий қадам икки қўшни давлат ўртасида тўғридан-тўғри темир йўл алоқасини тиклади. Минтақавий ташаббуслар: май ойида Хитой – Қозоғистон – Туркменистон – Эрон темир йўл коридори бўйлаб илк

контейнер поезди юборилди – унинг икки ҳафтача вақтда манзилга етиши денгиз йўлига нисбатан икки барабар тез эканини кўрсатди. Бу Марказий Осиёдан Форс кўрфазига янги тезкор йўлак сифатида синовдан ўтди.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар ва келишувлар: 2018 йил давомида Ўзбекистон ва Тожикистон чегарадаги саккизта автомобиль ўтказиш пунктларини (жумладан, Самарқанд – Панжакент йўлидаги “Жартепа” пунктин) қайта очди. Шунингдек, 9 март куни икки мамлакат ҳукуматлари халқаро автотранспорт қатнови тўғрисида битим имзолаб, юк ва йўловчи машиналарнинг ўзаро қатновини қайта тикладилар. Минтақавий лойиҳалар: 2018 йил февралда биринчи бор “Тошкент – Андижон – Ўш – Иркештам – Қашғар” автомобиль коридори расман очилди – эндиликда Марказий Осиё юк ташувчилари тўғридан-тўғри автомобиль орқали Хитойга чиқа олиш имкониятига эга бўлдилар. Бу минтақавий савдо-юк логистика алоқаларида янги давр бошланганини аниқлатди.

2019 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Минтақавий ташаббуслар: марказий осийлик юк ташувчилар учун Россиядан четлаб ўтувчи Ғарб йўналишларини ривожлантириш бошланди. Хусусан, 2019 йилда Қозоғистон ва ҳамкорлар Кавказ орқали Европага боғловчи Боку – Тбилиси – Карс янги темир йўл коридорида илк контейнер юк ташувларини амалга оширдилар. Бу орқали Туркия ва Европа бозорларига чикувчи транспорт йўлагининг амалий синови ўтказилди.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар ва келишувлар: 2019 йил апрель ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон “Марказий Осиё” ҳудудлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик марказини чегарада барпо этиш бўйича меморандум имзоладилар. Лойиҳага кўра, Гулистон – Атамекен назорат чизиғи яқинида 100 гектар майдонли савдологистика мажмуаси қурилиб, икки мамлакат ўртасидаги чекка ҳудудлар савдо алоқаларини кучайтириш ва юкларни тезкор қайта ишлашга хизмат қилади.

2020 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Ҳамкорлик чоралари: COVID-19 пандемияси шароитида Марказий Осиё давлатлари темир йўл транзити узлуксизлигини таъминлаш учун яқин ҳамкорлик қилди. 2020 йил 29 сентябрда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси қошида ўтказилган махсус минтақавий мулоқотда Марказий Осиё давлатлари транспорт вазирлари халқаро темир йўл тармоқларини интеграциялаш, етишмаётган боғламларни барпо этиш ҳамда мультимодал ташувларни ривожлантиришнинг муҳим эканини биргаликда таъкидладилар.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Ҳамкорлик чоралари: пандемия даврида Марказий Осиё ҳукуматлари автомобиль юк ташиш учун “яшил йўлак” тартибларини жорий этди, чегара назоратларини энгиллатишга ҳаракат қилдилар. 2020 йил кузида

ўтказилган минтақавий анжуманларда карантин чекловларига қарамай халқаро транспорт коридорларининг барқарор ишлашини таъминлаш иқтисодий барқарорлик учун ҳаётий аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бундай ҳамкорлик туфайли озиқ-овқат ва зарур товарларнинг мамлакатлар ўртасида узлуксиз транзити мумкин бўлди.

2021 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Давлатлараро лойиҳалар: 2021 йил февраль ойида Термиз – Мозори-Шариф – Қобул – Пешавор йўналишидаги 573 км лик трансфғон темир йўлини қуриш бўйича Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ҳукуматлари йўл харитасини имзоладилар. Ушбу ташаббус амалга ошса, Марказий Осиё темир йўл тармоғи Ҳинд океани портларигача тутшиб, янги жанубий йўлак пайдо бўлади. Минтақавий режалар: шу йили Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учинчи маслаҳат учрашувида (Туркменистон, 2021) минтақавий транспорт боғлиғлигини кучайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Йиғилиш баёнотида қўшни давлатлар ўртасида янги темир йўл ва автомобиль йўлларини барпо этиш, чекка ҳудудларда логистика зоналарини яратиш ва транспорт тартиб-қоидаларини уйғунлаштиришга интилиш билдирилди.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Ҳамкорлик ва интеграция: Марказий Осиё давлатлари 2021 йил давомида қатор икки томонлама келишувлар орқали автомобиль транспорти соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштирди. Хусусан, Ўзбекистон ва Қирғизистон чегара масалалари бўйича тарихий келишувга эришиб (2021 йил март), ўзаро автомобиль қатновини енгиллаштиришга замин яратди. Шунингдек, минтақавий форум ва анжуманларда йўл инфратузилмасини ривожлантириш, янги халқаро автомагистралларни қуриш масалалари келишилди. Масалан, шу йил Тошкентда ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик” халқаро конференциясида минтақа мамлакатлари янги транспорт йўлаклари лойиҳаларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

2022 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Давлатлараро келишувлар: 2022 йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасида Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистон Оққўрғон темир йўл (СКУ) лойиҳасини амалга ошириш бўйича тарихий келишувга эришдилар. Томонлар узоқ йиллик режани реал лойиҳага айлантиришга келишиб, уни молиялаштириш ва техник жиҳатларини мувофиқлаштиришни бошлади. Йирик лойиҳалар: Қозоғистон ва Ўзбекистон ушбу йил чегарада янги “Дарбаза Мақтаарал” темир йўл линиясини қуриш режасини тасдиқладилар (лойиҳанинг амалий қурилиши 2023 йилда бошланди). Бу келишув икки мамлакат ўртасидаги темир йўл ўтказувчанлигини оширишга ва келгусида Россияни четлаб ўтувчи транзит йўлаklarидан фойдаланишга замин яратди.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Минтақавий ташаббуслар: 2022 йил геосиёсий ўзгаришлари сабаб Марказий Осиё давлатлари ўз юк ташувларини Россия ҳудудидан четлаб, альтернатив йўлакларга йўналтиришга эътибор қаратди. Жумладан, Транскаспий “Ўрта коридор” бўйича ҳамкорлик кучайди – Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан транспорт алоқалари фаоллашди. 2022 йилдан бошлаб Тошкент Боку билан стратегик ҳамкорликни кенгайтиришга киришди ва Ўзбекистон “Ўрта коридор” доирасида муҳим иштирокчига айланди. Натижада Марказий Осиё – Кавказ – Европа оралиғидаги юк ташишлар сезиларли жадаллашди.

2023 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар: 2023 йил ноябрь ойида Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамкорликда “Дарбаза-Мақтаарал” янги темир йўл йўналишини қуриш ишларини бошлади. Узунлиги 152 км бўлган ушбу линия икки мамлакат чегарасида янги ўтказиш пунктларини очиб, Сариағач–Тошкент орқали ўтувчи мавжуд темир йўл участкаси юкмасини сезиларли камайтиради ва Марказий Осиёдан Эрон ҳамда жанубий давлатлар томон транзит имкониятларини кенгайтиради. Давлатлараро келишувлар: 2023 йил Душанбе шаҳрида Марказий Осиё транспорт вазирларининг биринчи учрашуви ўтказилиб, ер устки транспорти боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида кўп томонлама келишув имзоланди. Ушбу битим хорижий савдо юклари транзитини енгиллаштириш, қонуний базани уйғунлаштириш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшма чоратadbирларни назарда тутди.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Лойиҳалар ва ташаббуслар: 2023 йил якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлараро комиссияси чекка ҳудудлардаги “Марказий Осиё” умумчегара саноат кооперация марказини барпо этиш тўғрисидаги келишувни тасдиқлади. Ёишткўприк – Атамакен назорат-ўтказиш ҳудудида қурилаётган бу йирик савдо-логистика маркази учун ҳар икки томон 50 гектардан ер ажратди. Лойиҳа 2024-2025 йилларда босқичма-босқич амалга оширилиб, чегара орқали юкларни ўтказиш тезлигини ошириш, “Шимол – Жануб” коридори доирасида саноат кооперациясини рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратиш каби мақсадларга хизмат қилиши кутилмоқда. Шунингдек, 2023 йилда Қирғизистон-Тожикистон ўртасида чегара масалалари бўйича келишувга эришилиб, бир неча йил ёпиқ турган ўтказиш пунктлари қайта очилди – бу ҳам минтақа ички автомобиль алоқаларининг тикланишига ёрдам берди.

2024 йил:

Темир йўл соҳасида ҳамкорлик: Давлатлараро келишувлар: 2024 йил 6 июнь куни Пекинда Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари (Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон) темир йўлини барпо этиш бўйича тарихий битимни расман имзоладилар. Юқори даражадаги маросимда уч

давлат раҳбарлари лойиҳани “стратегик” деб эътироф этиб, 523 кмлик янги магистрал қурилишини молиялаштириш ва 2025 йилда бошлаш режасини маъқулладилар. Минтақавий ҳамкорлик: 2024 йил 8 август куни Остона шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари транспорт вазирларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар транспорт-логистика марказлари бўйича ҳамкорлик меморандумини имзолаб, келгуси йилларда инвестиция жалб этиш, инфратузилмани ривожлантириш ва қонунчиликни такомиллаштиришда биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олдилар. Учрашув якунида қабул қилинган “Остона коммуниқеси” минтақавий транспорт соҳасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ниятини тасдиқлади.

Автомобиль транспорти соҳасидаги ҳамкорлик: Йирик лойиҳалар: 2024 йил октябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси (Ўзбекистон) ҳудудида Қозоғистон билан чегарадги Довут-Ота автомобиль чегара терминали қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. 6 гектар майдонни эгаллаган ушбу замонавий терминал бир вақтнинг ўзида 350 та юк машинасига хизмат кўрсата олади. Йўловчилар ва ҳайдовчилар учун меҳмонхона ва техника хизмат кўрсатиш шохобчалари билан таъминланган. Терминал очилиши Қонират – Бейнеу автомагистралининг тугалланиши билан бир вақтга тўғри келди – бу эса Довут-Ота орқали ўтувчи савдо юкларининг самарадорлигини оширди.

Марказий Осиё давлатлари мамлакат транспорт стратегиясини ишлаб чиқишда устувор йўналишларни ички транспорт транзити салоҳияти ва географик жойлашувидан келиб чиқиб белгиламоқда.

Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Европа, Осиё ва жанубий йўналишдаги денгиз портларига қисқа йўл билан чиқишни таъминловчи йўналишлар бўйича юк ташувлари амалга оширилмоқда, шу билан биргаликда экспорт-импорт юк ташувларини асосан қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бормоқда:

- мамлакат ичида транспорт-коммуникация ва фазовий боғлиқликни таъминлаш;
- Марказий Осиё, МДҲ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан транспорт алоқаларини кенгайтириш ва ташқи савдо транспорт йўлакларини диверсификация қилиш;
- маҳаллий транспорт-логистика компанияларининг рақобатбардошлигини ошириш ва ички ҳамда ташқи бозорларда уларнинг имкониятларини кенгайтириш;
- транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш;
- темир йўл инфратузилмасини электрификация қилиш даражасини 60 %га етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини тезлаштирилган равишда ривожлантириш;

- ташқи савдони амалга ошириш учун “яшил йўлаклар” ва транзит имкониятларини кенгайтириш, шунингдек йиллик транзит юк айланмасини 15 млн тоннага етказиш.

Ўзбекистоннинг транспорт сиёсатини белгиловчи асосий ҳужжатлар: 2030 йилгача мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг тегишли бандлари – пассажир ва юк ташиш ҳажми ҳамда сифатини ошириш, транспорт сектори бошқарувини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек янги ёндашувларни жорий этишни назарда тутди.

**Қозоғистон Республикаси** транспорт стратегияси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат асосий эътиборни экспорт ва транзит салоҳиятини оширишга ҳамда халқаро транспорт коридорларини ривожлантиришга қаратмоқда.

Қозоғистон халқаро транспорт лойиҳаларини ривожлантиришда куйидаги йўналишларга эътибор қаратмоқда:

- Каспийдан Осиё-Тинч океани минтақасига, хусусан Хитойга энергия манбаларини ташиш учун логистика инфратузилмасини шакллантириш;
- Осиё товарларини Европага экспорт қилиш ва орқага ташиш бўйича транспорт йўлаги лойиҳаларини ривожлантириш (бунинг доирасида Қозоғистон-Хитой чегарасидаги Достикъ ва Хоргос темир йўл ўтиш пунктлари аллақачон фаолият юритмоқда);
- Эрон билан қуруқлик орқали савдо кўпригини ташкил этиш;
- Европага етказиб бериш маршрутларини диверсификация қилиш<sup>1</sup>.

Қозоғистон ўз транспорт стратегиясини амалга оширишда Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларнинг маблағларидан фойдаланади. Охириги 15 йил ичида транспорт соҳасига тахминан 35 млрд АҚШ доллари инвестиция қилинди. Ушбу маблағлар ҳисобига 2,5 минг км янги темир йўл қурилди, 13 минг км автомобиль йўллари қайта тикланди ёки модернизация қилинди.

Қозоғистон транспорт сиёсати куйидаги ҳужжатларда ҳам акс этган:

“Қозоғистон-2050” стратегияси – бу ҳужжат Қозоғистоннинг келгуси ривожланиш йўналишларини белгилайди, мамлакатни жаҳон иқтисодиёти тизимига фаол интеграция қилиш, инфратузилма ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилишни назарда тутди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, “Маъно” тадқиқотлар ташаббуси маркази. Транспортная политика Центральной Азии Отчёт-2022. Ташкент 2023.

“Нурли жол” инфратузилмани ривожлантириш бўйича давлат дастури – ушбу дастур доирасида йўллар қурилиши амалга оширилмоқда.

Алмати-1 – Шу, Буржақти – Ерсай темир йўл линиясини реконструкция қилиш ва Курыкт портдаги паром ўтиш пунктини модернизация қилиш “Хоргос – Шарқий дарвоза” эркин иқтисодий зонаси – бу ҳудудда транспорт-логистика марказларини ривожлантириш режалаштирилган. 8289 км узунликдаги халқаро транзит автомобиль йўллари коридорларини модернизация қилиш.

“Халқаро чегара ҳамкорлик марказини ривожлантириш концепцияси”– бу асосан Хитойдаги Хоргос порти ва Урумчи – Ланьжоу – Ляньюньган темир йўл магистрали орқали юк ташишни ривожлантиришга қаратилган.

“Кучли минтақалар – мамлакат ривожланишининг драйвери” миллий лойиҳаси – бу лойиҳа транспорт салоҳиятини ошириш, барча турдаги транспорт тармоқларини халқаро стандартларга мослаштириш ва инфратузилмани модернизация қилишни ўз ичига олади.

**Туркменистон Республикасининг** миллий транспорт сиёсатига кўра, асосий эътибор жаҳон бозорига чиқишни енгиллаштириш ва мамлакат транспорт тизимини ривожлантириш ҳамда мамлакат транзит салоҳиятини оширишга қаратилмоқда. Шунингдек, Туркменистонда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган бўлиб, мамлакатни Покистон билан боғловчи транзит йўллари лойиҳаларини Эрон билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

“Тажан-Серахс-Машҳад” темир йўлининг йиллик ўтказиш қобилияти 3 млн тонна транзит юки бўлиб, ушбу транспорт коридори орқали Туркменистон ҳудудида транзит юкларнинг олиб ўтиши мамлакатга ҳар йили 40-50 млн АҚШ доллари миқдорида даромад келтирмоқда. Мамлакат ҳукумати “Тажан-Серахс-Машҳад” темир йўлини Покистон ва Эрон темир йўллари тизими билан боғлаш мақсадида Эрон ҳукумати билан ҳамкорликда «Карман-Бам-Зоҳидон» темир йўлини қуришни режалаштирмоқда.

Айни пайтда темир йўллар орқали мамлакат ташқи экспорт-импорт фоалиятини асосан 5 та чиқиш йўлаклари – Туркманбоши – Актау – Порт (Қозоғистон орқали), Туркманбоши – Баку (Азәрбайжон орқали), Туркманбоши – Махачкала (Россия орқали), Тажан – Серахс – Машҳад (Эрон орқали), Чоржўй – Бухоро (Ўзбекистон орқали) бўйича ҳаракатланади.

Бугунги кунда мутахассислар **Қирғизистон** ҳукумати томонидан олиб борилаётган транспорт сиёсати кўп томондан қўшни давлатларга, хусусан Ўзбекистон ва Қозоғистон транспорт сиёсатига боғлиқ бўлиб қолганини қайд этишмоқда.

Қирғизистон Республикада амалга оширилаётган ва амалга оширилган асосий стратегик ҳужжатлар:

2017-2025 йиллар учун автомобиль йўллари ривожлантириш йўналишлари;

2017-2023 йиллар учун фуқаролик авиациясини ривожлантириш дастури;

2021-2025 йиллар учун темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш концепцияси.

Ушбу стратегик ҳужжатлар асосида Қирғизистоннинг узоқ муддатли мақсади – экологияга зарар етказмайдиган “яшил” ва автоматлаштирилган халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва интеграция қилишдир.

Бунинг асосий мақсади – мамлакатнинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш ва маҳсулот ҳамда хизматлар бозорига аҳолининг кириш имкониятини яхшилашдир. Бу мақсадга эришиш учун устувор йўналишлар белгилаб олинган:

- халқаро транспорт йўлаклари ва ички йўллар инфратузилмасини тиклаш ва сақлаш;

- темир йўл магистралларини ривожлантириш ва мамлакатнинг шимолини жануби билан боғлаш;

- халқаро ва ички аэропортларни модернизация қилиш ҳамда авиация бозорини ривожлантириш.

Транспорт соҳасида Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой темир йўли лойиҳаси устувор йўналишлардан бири сифатида қаралади.

Жумладан, Қирғизистон ахборот агентлигининг маълумотига кўра, қуриладиган темир йўлдан Қирғизистон асосий манфаатдор давлат ҳисобланиб, ҳар йили темир йўлдан 12-14 млн тонна транзит юк ташилиб, мамлакат учун фақат транзитдан тушадиган фойда 200-280 млн АҚШ долларини ташкил қилади. Шу билан бирга, мазкур темир йўли лойиҳасининг 260 км узунликдаги қисмини қуриб битказиш мамлакат темир йўл тизими учун муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур коридорни Хитой томонидан мамлакатдаги олтин, алюминий ва темир рудаларига эга бўлган Тераккон, Давонли, Сандиқ ва Жетим конларидан фойдаланиш эвазига инвестициялар ажратиши ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш таклифи киритилмоқда. Қирғизистонлик экспертлар ушбу экспорт товарларни транспортда ташиш вақти ва масофасини унга рақобатчи бўлган йўлларга таққослаганда 7-8 кун ва 900 км.га камайтириш имконини беришини таъкидлашмоқда. Қолаверса лойиҳа ишга тушса мамлакатда кўшимча 50 минг ишчи ўрни яратилиши тахмин қилинмоқда.

Қирғизистон асосан халқаро юк ташувини автомобиль транспорти орқали амалга ошириб, Шимол-Жануб, ТРАСЕКА, Трансхитой магистралли йўналишларига алоҳида эътибор бериб, шунингдек қуйидаги коридорлардан фойдаланмоқда.

- Бишкек – Норин – Тўруғарт – Хитойга;

- Бишкек – Олмаота;

-Тожикистон орқали – Корамик – Саритош – Иркештом – Хитойга;

-Бишкек – Ош – Андижон;

-Бишкек – Чалдовар – Қозоғистон орқали;

-Ош – Исфана – Тожикистон орқали.

**Тожикистон Республикасининг** транспорт йўллари географик жойлашувиға кўра, уч қисмдан иборат: Шимолий қисми – Суғд вилоятида, Марказий қисми – Душанбеда ва Жанубий қисми – Хатлон вилоятида жойлашган. Таъкидлаш лозимки, мавжуд транспорт йўлларининг ҳар учала қисми бир-биридан ажралиб қолган. Улар ўртасидаги ташиш жараёни кўшни давлатлар, асосан Ўзбекистон орқали амалга оширилади.

Тожикистоннинг транспорт соҳасидаги стратегик мақсади – мамлакатнинг транзит салоҳиятини ривожлантириш. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

- транспорт инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш;
- халқаро транзит транспорт йўлакларини шакллантириш;
- миллий иқтисодиёт учун муҳим бўлган саноат зоналарига транспорт кириш имкониятларини ошириш, айниқса, инвестиция лойиҳалари доирасида;
- янги иш ўринлари яратишга қаратилган транспорт соҳасини ривожлантириш ва миллий иқтисодиёт тармоқларининг самарадорлигини ошириш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшувчи транспорт ва логистика инфратузилмасини яхшилаш;
- аҳоли учун маҳаллий аэропортлар, кичик ва ўрта авиация тармоғини сақлаш ва ривожлантириш орқали ҳаво транспортига кириш имкониятини ошириш;
- ногиронлиги бор шахслар учун жамоат транспортидан фойдаланиш имкониятини яхшилаш;
- атроф-муҳит ва инсон саломатлигига транспортнинг салбий таъсирини камайтириш.

Тожикистоннинг замонавий транспорт сиёсатини белгилайдиган асосий ҳужжатлар:

- 2030 йилгача бўлган Тожикистон Республикасини ривожлантириш Миллий стратегияси – мамлакатнинг транзит салоҳиятини ошириш, электр энергиядан самарали фойдаланиш ва аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад қилади.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, “Маъно” тадқиқотлар ташаббуси маркази. Транспортная политика Центральной Азии Отчёт-2022. Ташкент, 2023.

- 2020 йилда қабул қилинган Тожикистон Республикасининг Автомобиль транспорти кодекси.

Тожикистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт концепцияси – иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, транспорт соҳасида ҳам замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш стратегиясини ўз ичига олади.

Асосий эътибор мамлакат транспорт тизимини берк (тупик) ҳолатидан чиқишга қаратилган.

Умуман олганда, Марказий Осиё давлатлари транспорт стратегиясини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар сифатида мамлакат ҳудудида ягона транзит тизимини шакллантириш ҳамда денгиз портларига яқин бўлган транспорт коридорларидан фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда минтақа давлатларининг транспорт транзити соҳасидаги устувор йўналишлари сифатида қуйидаги магистрал ва коридорларни кўришимиз мумкин:

- **Қозоғистон:** Шимол-Жануб, ТРАСЕКА, Трансosiё темир йўл магистрали;
- **Ўзбекистон:** Трансафғон, ТРАСЕКА, Трансхитой магистрали;
- **Тожикистон:** Трансафғон, Трансхитой коридорининг жанубий йўналиши;
- **Қирғизистон:** Шимол-Жануб, ТРАСЕКА, Трансхитой коридорининг шимолий қисми;
- **Туркменистон:** Шимол-Жануб, Транскавказ, Трансхитой.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг транспорт соҳасидаги муносабатларини яхшилашдаги устувор вазифаларни шартли равишда қуйидаги иккита ўзаро боғлиқ йўналишларга ажратиш мумкин:

биринчиси – Марказий Осиё давлатларининг транспорт соҳасидаги интеграциялашувини оптималлаштириш имкониятларини топиш, уни янги сифат даражасига кўтариш;

иккинчиси – Евроосиё минтақасининг йирик юк жўнатувчи ва қабул қилувчи етакчи иқтисодий марказлари билан транспорт соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳамкорликни минтақавий ягона транспорт тизими сифатида йўлга қўйиш.

Ҳар икки йўналишда ҳам минтақавий транспорт тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилиб, «минтақавий транспорт тизими» тушунчаси талқинида турлича ёндашувлар мавжуд ва унга ягона тўлиқ таъриф берилмаган.

Биринчи ёндашувга кўра, маълум бир минтақада жойлашган давлатлар томонидан ўзаро ҳамкорликда ички транспорт тизимларидан фойдаланиш мақсадида яратилган механизмни минтақавий транспорт тизими деб аташ мумкин. Бу каби минтақавий транспорт тизимлари халқаро транспорт тизимини муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Айтиш жоизки,

хар бир минтақанинг транспорт тизими турлича даражада ривожланган ва интеграциялашган. Масалан, Европа Иттифоқи транспорт тизимини ягона транспорт тизими<sup>1</sup> сифатида қаралиши мумкин ва транспорт интеграциясининг юқори босқичларига эришган. Бундан ташқари, Шимолий Америка давлатлари ўртасида тузилган транспорт тизими ҳам мукамал минтақавий транспорт тизимига мисол бўла олади. Ўз навбатида, бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари транспорт тизимида дезинтеграция босқичи кузатилиб, мавжуд тизим самарасиз фаолият юритмоқда.

Иккинчи ёндашувда эса, минтақавий транспорт тизими деганда бир давлат ичидаги ҳудудларнинг транспорт тизимлари назарда тутилади.

### **12.3. Асосий минтақавий транспорт коридорлари: имкониятлари ва муаммолари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг олиб бораётган кўп томонлама ташқи сиёсати, ташқи савдони ривожлантириш ва иқтисодийётдаги ўрнини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар шуни кўрсатмоқда-ки, транспорт коридорларини аҳамияти жиҳатидан халқаро ва минтақавий транспорт коридорларини аҳамияти ортиб бормоқда. Буни, йирик давлатларнинг янги бозорларни очишга интилишлари ва жаҳон савдо бозорининг Жануби-Шарқий Осиё минтақасига кўчишининг бошланганлиги ҳамда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдодаги улушлари ортаётганлиги (Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо 2,6 баравар – 2016 йилдаги 4,2 млрд доллардан 2022 йилда 11 млрд долларгача ошди) билан изоҳлаш мумкин.

**Шимоли-Жанубий темир йўл коридори:** Россия ва Марказий Осиёни Эрон билан боғлайди ва кейинчалик Форс кўрфази ва Жанубий Осиёга чўзилади. Ўзбекистон ушбу йўлак бўйлаб ҳал қилувчи транзит нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

**Шимол-Жануб халқаро автомобиль транспорт коридори (ИНСТС):** Ҳиндистон, Эрон, Марказий Осиё ва Россияни боғловчи кема, темир йўл ва автомобиль йўлларининг кўп модалли тармоғи, Ўзбекистон билан қуруқликдаги йўлнинг бир қисмини ташкил этади.

**Хитой – Марказий Осиё – Ғарбий Осиё иқтисодий коридори:** Хитойни Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон билан боғлайдиган ва Ғарбий Осиёга чўзиладиган йўл тармоғи.

---

<sup>1</sup> Ягона транспорт тизими энг кам сарф харажатлар эвазига транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжни максимал даражада қондириш мақсадида барча транспорт турлари мувофиқлашган фаолиятини ва ривожини таъминлайди. “Ягона транспорт тизими» тушунчаси одатда алоҳида давлат учун ишлатилади. // *Троицкая Н.А. Единая транспортная система: Учебник для студентов учреждений сред. проф. образования. — М.: Издательский центр «Академия», 2003. — 240 с.*

**Савдо коридорлари:**

Хитой – Марказий Осиё – Ғарбий Осиё иқтисодий йўлаги: Ўзбекистон асосий транзит мамлакат сифатида Хитой, Марказий Осиё ва Ғарбий Осиё ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш. Транс-Европа транспорт тармоғи (ТЕН-Т): Европа ва Осиё ўртасида транспорт алоқаларини таъминлаш, Ўзбекистон Марказий Осиёни Европа билан боғлашда роль ўйнайди.

**Шарқий-Ғарбий йўлаклар:** Транскаспий йўлаги: Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб, шарқ-ғарбий йўналишда Марказий Осиёни Европа билан боғлайди.

**Шимоли-Жанубий коридорлар:** Шимоли-жанубий темир йўл коридори: Россиядан Эронга ўтувчи, Ўзбекистон ҳудудидан шимол-жануб йўналишида ўтади. Бундан ташқари, бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг веб-саҳифасида Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиладиган (экспорт қилинадиган) товарлар учун транспорт йўлаклари харитаси тақдим қилинган бўлиб, унга кўра, қуйидаги йўналишлар кўрсатилган (1-жадвал).

**1-жадвал****Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиладиган (экспорт қилинадиган) товарлар учун йўлаклар**

№	Йўналиши	Масофа		Сарфла- надиган муддат (кун)
		П	А*	
1	Ўзбекистон-Қозоғистон-РФ-Европа Иттифоқи	4300	4800	15-17/18
2	Ўзбекистон-Туркменистон-Озарбайжон- Грузия-Туркия	4900	4800	25-30/18- 24
3	Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон	2830	2900	16/17
4	Ўзбекистон-Қозоғистон-Россия (Находка)	8850	8800	26/14
5	Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой	5950	5900	20/22
6	Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой (Пяньюньган порти)	4950	5000	31/20
7	Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон (Карачи порти)	3100	3100	21/8

Транспорт воситалари (автомобиль ва поезд) ҳаракат йўналишидан келиб чиқиб, транзит ҳаракат қилиши учун мўлжалланган 99 та, шунингдек, темир йўл транспорти транзит йўлакларининг 78 та йўналишларни кўрсатиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, 2010-2023 йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудидан транзит олиб ўтилган юklar ҳажми жами бўлиб

126.390,1 минг тоннани ташкил қилган. Шундан энг кўп транзит юк ўтказилган транспорт коридорлари:

- Келес-Бекабод;
- Келес-Ғалаба;
- Келес-Қудуқли.

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларига зид ҳисобланган Ўзбекистонни айланиб ўтувчи бир қатор транспорт коридорлари мавжуд:

- 1.“Ғарбий Европа-Ғарбий Хитой” автомобиль транспорт коридори.
- 2.“Қозоғистон-Туркменистон-Эрон” темир йўли.
- 3.“Туркменистон-Афғонистон-Тожикистон” темир йўли.
- 4.“Россия-Қозоғистон-Қирғизистон-Тожикистон” темир йўли.
- 5.“Тожикистон-Қирғизистон-Хитой” автомобиль ва темир йўли.

Ўзбекистон иштирокидаги бир қатор транспорт коридорлари мавжудки, улар Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларига тўла мос келади.

Жумладан, **ТРАСЕКА дастури** (1-расм) АҚШ-Россия муносабатларидаги ўзгаришлар даврида қора денгиз портлари (Поти, Батуми), Грузия ва Озарбайжон темир йўллари, Каспий паромлари (Боку/Алят – Туркманбоши ва Боку/Алят – Оқтау/Курик) орқали Европадан Марказий Осиё, Хитой ва Мўғулистонга темир йўл, денгиз, ҳаво ва автомобиль транспорти коридорини ривожлантиришни, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Хитой темир йўл тармоқларини, шунингдек, Тинч океани соҳилидаги Хитой портларини Европа билан боғлашда бутун йўналиш учун турли транспорт турларидан ягона транспорт ҳужжати билан фойдаланишни назарда тутлади.



1-расм. ТРАСЕКА коридори

*Маълумот учун:* ТРАСЕКА 1993 йилда Брюссель декларацияси асосида ташкил этилган. Дастур аъзолари Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон, Молдова, Мўғулистон, Украина, Туркия, Руминия, Болгария ва Эрон. ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссияси котибияти Бокуда жойлашган. Дастурни молиялаштириш Европа Иттифоқи томонидан амалга оширилади. Россияда транзит темир йўл транспорти Украинадаги махсус операция туфайли логистика муаммолари ва санкциялар фониди фаоллашмоқда. Хитой Россия ҳудудини четлаб ўтиб, Европага янги йўналишларни яратмоқда: 2022 йилда Қора ва Каспий денгизи орқали Европа – Кавказ – Осиё транспорт йўлаги орқали 3 минг ТЕУ ташилди, бу 2021 йилга нисбатан учдан бир қисмга кўпдир. Геосиёсий нуқтаи назаридан ҳар бир давлат халқаро мусонабатларда ёки халқаро майдонда доимо биринчи ўринга ўз манфаатларини қўйиб келишини инобатга олиб, шуни таъкидлаш мумкинки, доимо ҳам яратилаётган транспорт кордорлари Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилавермайди. Шундай транспорт коридорлари борки, улар Ўзбекистон иқтисодиётидаги миллий манфаатларга хавф (тахдид даражасидан) ҳисобланади.

**Транскаспий халқаро транспорт йўналиши** (ТМТМ ёки Middle Corridor, 2-расм) Хитой орқали ўтадиган халқаро транспорт йўлаги (Лианюнганг порти, Циан шаҳри) Актау/Курик – Баку/Алят – Батуми/Поти. Кейинчалик йўналиш Боку – Тбилиси – Карс орқали Туркия (Измир, Мерсин ва бошқалар), Полша, Руминия, Украинага боради.



## 2-расм. Транскаспий коридори

*Маълумот учун:* Мувофиқлаштирувчи қўмитанинг штаб-квартиралари Нурсултон шаҳрида жойлашган. 2017 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда 3,9 млн тонна юк ташилган. Доимий аъзолари: “Озарбайжон темир йўллари” АЖ (Озарбайжон), “Озарбайжон Каспий денгиз кемаси компанияси” АЖ (Озарбайжон), АЖ Актау халқаро денгиз



денгизи ва Қора денгиз портларига темир йўл ва денгиз йўллари ёрдамида юкларни ташишни назарда тутди. Ушбу лойиҳани молиялаштириш масалалари АҚШ, Туркия ва Европа Иттифоқи каби халқаро сиёсат акторлари иштирокида муҳокама қилинади.



#### 4-расм. Лазурет коридори

*Маълумот учун:* Ушбу лойиҳа бўйича биринчи ишчи гуруҳнинг учрашуви 2014 йил ноябрь ойида Ашхободда 5 та иштирокчи мамлакат вакиллари билан бўлиб ўтди. Транспорт йўлаги шартномаси 2015 йил сентябрь ойида Кобулдаги РЕССА-ВИ конференциясида имзоланган.

Ушбу йўлакнинг ривожланиши Ғарб мамлакатларининг ҳозирги “Россияни тўсиб қўяди” режаларига мос келади, шунингдек, Ҳиндистон-Покистон-Афғонистон / Эрон-Туркменистон-Озарбайжон-Грузия/Туркия-Европа Иттифоқи мамлакатларининг муқобил йўналишини шакллантириш имконияти пайдо бўлади. 2100 км узунликдаги Хитой-Қирғизистон-Тожикистон-Афғонистон-Эрон темир йўл линияси Хитойни Эрон денгиз портлари (Чабаҳар, Бандар Аббос), шунингдек Эрон ва Туркия орқали Европа билан боғлайди. 1435 мм ўлчовли стандарт билан лойиҳани амалга ошириш билан Хитой ва Европа Ўзбекистонни четлаб ўтиб, юк кўтармайдиган қуруқлик йўлагини очилади.

*Маълумот учун:* 2010 йилда Хитой, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Эрон транспорт вазирлари йиғилишида Хитой – Қирғизистон – Тожикистон – Афғонистон – Эрон (беш миллат йўли) темир йўлини қуриш лойиҳаси келишиб олинди. 1148 км йўл Афғонистоннинг олтита вилоятдан (Қундуз, Балх, Жаузжан, Фаряб, Бадгис ва Ҳирот) ўтади. Эрон 2020 йилда 1435 мм йўл билан ҲАФ – Ҳирот темир йўлини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини якунлади. Бир қатор мамлакатларни Хитой ва Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа, ва 1435 мм колеяли Беш миллат темир йўллари ўртасидаги чорраҳага айлантира оладиган лойиҳаларни амалга ошириш оқибатида, Хитой, Ҳиндистон ва Европа Ўзбекистонни айланиб ўтувчи ортиқча юкмасиз бўлган қуруқликдаги коридорга эга бўлади. Тат, Мозори-Шариф – Ҳирот, Ҳирот – Диларам – Қандаҳор – Чаман темир йўллари қуриш лойиҳалари, иштирокчи мамлакатлар манфаатларини кўзлаб,

шунингдек, Хитой, Европа ва Эрон манфаатларини кўзлаб Трансевроосиё темир йўлининг таркибий қисмлари ҳисобланади, шу билан бирга Хитойнинг тез ривожланаётган Шарқий қисмининг Ҳиндистон ва Африка мамлакатларига чиқишини таъминлайди.

Транспорт коридорларини ривожланиши албатта давлатларнинг иқтисодий ривожланиши экспорт қилинадиган табиий бойлик, товарлар ишлаб чиқариш ва бошқа давлатларга экспорт қилиш ҳажмининг ортиши билан боғлиқ. Масалан, Беларус Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2023 йилда Покистон Ислом Республикасига ташрифи давомида “глобал чақириқлар фониди” икки давлат халқаро минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш, айниқса ШХТ доирасида кенгайтириш масалалари, шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, шунингдек, ишбилармон доиралар ва икки мамлакат раҳбарияти ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинган. Ҳамкорликда асосий эътиборни икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка янги суръат бағишлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, логистика, фан ва таълим соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган “2025 йилгача ўзаро савдо айланмасини ошириш бўйича йўл харитаси” келишишиб олинган.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ўсиши ва Беларус Республикасида ишлаб чиқарилувчи қишлоқ хўжалиги транспортларига бўлган талаб туфайли Беларус – Россия – Қозоғистон – Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон янги мультимодал транспорт коридорини шакллантириш (яратиш) билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда. Бу транспорт коридори Ўзбекистон миллий манфаатлари кесимида манфаатли лойиҳа ҳисобланади. Шунингдек, “Хитой – Қирғизистон – Тожикистон – Афғонистон – Эрон” транспорт коридори лойиҳаси Ўзбекистон миллий манфаатларига тўла мос келувчи лойиҳа ҳисобланади. “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли ва “Хитой – Қирғизистон – Тожикистон – Афғонистон – Эрон” транспорт коридори лойиҳаси Ўзбекистон учун жуда манфаатли ҳисобланади. Чунки, мазкур иккала транспорт коридорлари орқали Ўзбекистон Жанубий Осиё давлатларига чиқа олади, бундан ташқари Покистоннинг денгиз портларидан фойдаланиш имкони ҳам вужудга келади.


Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти доирасида мазкур иккила транспорт коридорлари орқали Ўзбекистон Ҳиндистон ва Покистон давлатларига чиқиш имконияти ва шимолдан ушбу давлатларга (йирик бозорларга) транзит юк ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида: “Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур... Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилмани яхшилаш,

мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 млн тоннадан 16 млн тоннага етказиш имконияти мавжуд”<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси” ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган Стратегиянинг иккинчи барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш устувор йўналишида республика ҳудуди орқали транзит юklarини ташиш ҳажмини 16 млн тоннага етказиш мақсадли кўрсаткичи белгиланган. Мазкур кўрсаткичга эришиш мақсадида бугунги кунда транспорт сиёсатида кун тартибда турган коридорлар сифатида Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон ва Трансафғон транспорт коридорларини айтиш мумкин.

**Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон** транспорт коридори 20 йилдан ортиқ вақт давомида муҳокама қилиниб, мультимодаль тарзда ишлаб турган коридорнинг темир йўл қисми қурилиши бошланиш арафасида бўлиб, темир йўлни қуриш бўйича ягона компания тузишга келишиб олинган.



### 5-расм. “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли ишга тушса, Ўзбекистон жуда катта транзит имкониятига эга бўлади. Бу темир йўлни Транскаспий ва Трансафғон коридорига улаш мумкин. Ушбу йўналиш Трансафғон коридорига боғланса, Ҳинд океанига чиқиш имкониятини беради. Ўзбекистон эса асосий боғловчи – транзит давлат бўлади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>2</sup> Умарова Н. “Муқобил коридорлар қанча кўп бўлса, шунча яхши – ИХТдаги фаоллашув нега муҳим?” <https://kun.uz/kr/news/2023/11/10/muqobil-koridorlar-qancha-kop-bolsa-shuncha-yaxshi-ihtdagifaollashuv-nega-muhim>.

**Трансафғон транспорт йўлаги (ТАТК)** Марказий Осиёни Афғонистон орқали Жанубий Осиё билан боғлашга мўлжалланган улкан лойиҳадир. “Трансафғон” транспорт коридори турли йўналишлардаги тармоқлардан иборат. Назарий жиҳатдан транспорт турига қувур транспорти ҳам киритилади. Шунга таянган ҳолда, кўпчилик хорижлик мутахассислар Туркменистон – Афғонистон – Покистон – Ҳиндистон (ТАПИ) газ қувири лойиҳасига ҳам “Трансафғон” атамасини ишлатишади. Трансафғон транспорт коридори ва уни яратиш ташаббуси дастлаб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бўлиб, 2003 йил 17-18 кунлари унинг Техронга ташрифи давомида Эрон Ислом Републикаси Президенти С.Ҳотамий ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Х.Карзайлар ўртасида уч томонлама “Трансафғон халқаро транспорт коридорини яратиш тўғрисида”ги битим имзоланган эди.

Унга кўра, Трансафғон транспорт коридори Ўзбекистоннинг Термиз шаҳридан бошланиб, Афғонистоннинг Мозори-Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эроннинг Бандар Аббос ва Чохбаҳор портларига олиб чиқувчи транспорт йўлаклари назарда тутилган. Ўзбекистон учун ТАТК савдо имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун муҳим имкониятдир. Афғонистонда инфраструктура жиҳатидан автомобиль йўллари мавжуд. Мамлакатда йирик шаҳарларни боғловчи халқасимон шаклдаги Мозори-Шариф – Ҳирот – Қандаҳор – Кобул автомобиль йўллари ҳамда мазкур шаҳарларни чегарадош давлатлар транспорт тизими билан туташтирувчи йўналишлар ётқизилган.



6-расм. Трансафғон транспорт коридори

Бугунги кунда арзон транспорт воситаларидан бири ҳисобланувчи темир йўллар қуруқликдаги юкларни ташишда энг қулай ва арзон ҳисобланади. Шу тўғрисида Афғонистондан ўтувчи транспорт коридорларини темир йўллар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги вақтга қадар Афғонистонда Туркменистон ва Ўзбекистон билан боғловчи иккита темир йўл тармоғи мавжуд:

биринчиси, 1960 йил қурилган масофааси 10 км бўлган Туркменистоннинг Кушка ва Афғонистоннинг Тургунди аҳоли пунктлари туташтирувчи темир йўли бўлса;

иккинчиси, 1982 йил қурилган Ўзбекистоннинг Термиз шаҳридан Афғонистоннинг Хайротон аҳоли пунктларини боғловчи темир йўл тармоқлари ҳисобланади.

Трансафғон транспорт коридорининг Ўзбекистон учун муҳим тармоқлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Термиз-Мозори Шариф-Ҳирот-Хаф-Бафк-Бандар Аббос;
- Термиз-Мозори Шариф-Ҳирот-Дилором-Милак-Чохбаҳор (2298 км);
- Термиз-Мозори Шариф-Ҳирот-Дилором-Милак-Бандар Аббос (2308 км);
- Термиз-Мозори Шариф-Ҳирот-Қандаҳор-Чаман-Кветта-Карачи;
- Термиз-Мозори Шариф-Ҳирот-Қандаҳор-Чаман-Кветта-Гвадар;
- Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Жалолобод-Торхам-Пешавар-Карачи;
- Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Жалолобод-Торхам-Пешавар-Карачи;
- Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Жалолобод-Торхам-Пешавар-Гвадар;
- Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Қандаҳор-Чаман-Кветта-Карачи;
- Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Қандаҳор-Чаман-Кветта-Гвадар.

Ушбу транспорт коридоридан айнан юқорида санналган йўналишларнинг Ўзбекистон учун муҳим ва манфаатли эканлигига биринчидан, денгизга чиқиш портлари билан боғланиши бўлса, иккинчидан Ҳиндистон субконтинентига юк ташишда Ўзбекистоннинг транзит имкониятлари кенгайишидадир.

Транспорт коридорларини ривожлантириш ҳар бир давлатнинг ҳаётий муҳим манфаати эканлигидан келиб чиқиб, ёндашув ва қарашлар турлича бўлишига қарамасдан, барчаси учун умумий жиҳат бу – транспорт коридорлари фақатгина иқтисодий категория ҳисобланмасдан, давлат сиёсатида стратегик аҳамиятга эга. Транспорт коридорларини ўрганишда бир нечта мезонларга асосан таснифлаб ўрганиш, улардан фойдаланиш мақсад ва стратегияларини белгилаб беришда асосий восита ҳисобланади.

## **12.4. Минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги манфаатларига таҳдидлар**

МО минтақаси кесимида минтақавий манфаатлар тўғрисида сўз борганда, уни қуйидагича шакллантириш мумкин: *минтақа давлатлари аҳолисига арзон ва сифатли транспорт хизматини ташкил этилишини таъминлаш, мавжуд минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга транспорт йўлларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, шунингдек янги транспорт коридорларни қуриш орқали Европа ва Осиёни боғловчи минтақавий транспорт комплексини ривожлантириш ҳамда унинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.*

Бугунги кунда, мазкур манфаатларни амалга оширишда асосий таҳдидлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- минтақа мамлакатлари транспорт инфратузилмасининг эскирганлиги;
- халқаро ташишларда хавфсизликнинг етарли даражада таъминланмаганлиги;
- транспорт хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги;
- асосий транзит давлатларда транзит тўловларининг ошиб кетиши;
- минтақадаги ҳарбий – сиёсий беқарор вазиятнинг мавжудлиги;
- айрим давлатларнинг ўзаро сиёсий низоларининг мавжудлиги;
- давлатларнинг транспорт тармоғини ривожлантиришда ажратилаётган маблағларнинг етишмаслиги;
- айрим ҳамкор давлатлар транспорт инфраструктурасининг талаб даражасида эмаслиги;
- минтақа давлатлари транспорт сиёсатининг турличалиги, хусусан, Ўзбекистон транспорт тизими техник ва сифат стандартларининг бошқа ҳамкор давлатлар транспорт тизимидан фарқ қилиши;
- айрим халқаро лойиҳаларни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги;
- транспортда наркотик ва бошқа контрабанда молларининг ташалиши;
- Ўзбекистонни четлаб ўтувчи альтернатив коридорларнинг ривожланиши.

МО давлатларининг темир йўл транспортида юкларни ташуви назорат ўтказиш пунктларида юкларни қабул қилиш ва топшириш орқали ҳамда чегара, божхона, санитар, ветеринар ва зарур бўлганда фитосанитар назоратларини амалга оширган ҳолда бажарилади.

Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган логистика сифати индексида кўра, минтақа давлатларидаги савдо сифати ва транспорт инфраструктурасининг талаб даражасида эмаслиги, логистика хизматлари тизимининг ривожланмаганлиги ҳамда божхона фаолияти даражасининг пастлиги қайд этилган.

Жумладан, Жаҳон банкининг 2023 йилги Логистика Самарадорлиги Индекси (Logistics Performance Index, LPI)да Марказий Осиё давлатларининг натижалари қуйидагича (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Марказий Осиё давлатларида логистика сифатининг индекси

Давлат	Умумий балл	Рейтингдаги ўрни
Қозоғистон	2.81	71
Қирғизистон	2.75	108
Тожикистон	2.40	134
Ўзбекистон	2.6	88

Шунингдек, МО давлатларидаги маъмурий буйруқбозликнинг мавжудлиги ҳам ўз навбатида транспорт тизимининг такомиллашишига таҳдид бўлиб қолмоқда. Ушбу маъмурий – буйруқбозликлар асосан транзит юкларни давлат чегараларидан кесиб ўтишда юзага келмоқда. Европадан Осиёга кириб келаётган товарларнинг жами вақтидан 40 фоизи асосан чегарада туриб қолишларга сарфланмоқда. Бу ўз навбатида чегараларда коррупциянинг ривожланишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, минтақа давлатларининг транспорт фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича олиб бораётган сиёсатларининг турличалиги ҳам таҳдид сифатида қаралиши мумкин.

Бундан ташқари, Афғонистондаги беқарор сиёсий вазиятнинг кучайиб бориши ўз навбатида минтақа транспорт тизими ва коридорларининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, ўзбекистонлик экспертларнинг фикрларига кўра, Термиздан Мозори Шарифгача бўлган темир йўл террористик кучларнинг эътиборини ҳам тортиши ва минтақада вазиятнинг салбийлашиши ҳамда террористик гуруҳларнинг Ўзбекистонга суқилиб киришига ва таҳдиднинг кучайишиги олиб келиши мумкинлигини қайд этишмоқда. Лекин бу мавжуд вазиятнинг бир томони ҳисобланса-да, бошқа томондан бундай лойиҳалардан воз кечиб бўлмайди. Чунки, бу каби стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ва унда иштирок этиш Ўзбекистон учун Афғонистоннинг шимолида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қулай позицияларни эгаллаш имконини яратади.

МО давлатлари томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларда асосан миллий манфаатларга устувор аҳамият қаратилаётганлиги ва уларнинг ўзаро мувофиқлашмаганлиги, шунингдек, айрим халқаро конвенцияларнинг ратификация қилинмаганлиги минтақанинг транзит салоҳиятини оширишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, минтақа давлатлари транспорт стратегиясини ишлаб чиқишда ва устувор вазифаларни белгилашда асосий мақсад этиб мамлакатнинг транзит имкониятларини ривожлантиришга ҳамда денгиз

портларига яқин бўлган транспорт коридорларидан фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Форс кўрфази мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон ўртасида Каспий орқали Шарқий ва Марказий Европа ва Скандинавия мамлакатлари билан алоқа ўрнатиш учун мўлжалланган Шимол-Жануб коридори ҳамда Трансафғон коридорининг МО мамлакатлари учун истиқболли лойиҳалар эканлигини айтиш мумкин.

Юқоридаги қайд этилган таҳдидларни минтақа давлатларининг биргаликда бартараф этиш юзасидан ўзаро ҳамжиҳатликнинг йўқлиги ҳамда тегишли чора-тадбирларни кўрилмаслиги минтақанинг иқтисодий жиҳатдан янада қоқоқ бўлиб қолишига олиб келади ва бу ўз навбатида етакчи давлатлар учун ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишдаги воситасига айланиб қолиши мумкин.

Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, халқаро транспорт коридорларида минтақа давлатлари улуши бунги кунда атига 1-2 фоизни ташкил этаётганлигини инобатга олиб, ушбу кўрсаткични инқироз ҳолатининг фавқулодда (КЗ) эканлигини қайд этиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юкларни ўз вақтида ва тегишли манзилга хавфсиз етиб боришини таъминлашда транспорт воситаларининг ҳолати муҳим ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда МО давлатлари транспорт соҳаси асосий фондларининг эскириш коэффициенти юқори даражадалиги мазкур кўрсаткич инқирознинг фавқулодда ҳолатида (КЗ) эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, йўл транспорт ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги ўз навбатида транзит юкларнинг манзилга ўз вақтида ва хавфсиз етиб боришига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ умумий олганда МО давлатларидаги йўл транспорт ҳолатини инқирознинг бошланғич (К1) ҳолатида эканлигини кузатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақа мамлакатлари транспорт инфратузилмасининг эскирганлиги, халқаро ташишларда хавфсизликнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, ҳарбий-сиёсий беқарор вазиятнинг мавжудлиги ҳамда транспорт сиёсатининг турличалиги истиқболда мазкур соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабдан мазкур таҳдид ва муаммоларни бартараф этиш учун минтақа мамлакатлари учун хос бўлган ягона транспорт стратегиясини қабул қилиш ва ушбу стратегияга мувофиқ тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## **Хулоса**

Бугунги кунда МО транспорт тармоғини ривожлантириш давлатларнинг миллий иқтисодиётини кўтариш билан бир қаторда минтақавий ҳамкорликнинг кучайишига, шунингдек, минтақа

давлатларининг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

МО минтақавий транспорт сиёсатига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар таъсир доирасининг юқорилиги, шунингдек, давлатларнинг транспорт тармоғи билан боғлиқ манфаатларига таҳдидлар ҳисобланган минтақа давлатлари ўртасида транспорт соҳасидаги низоларнинг мавжудлиги, халқаро транспорт коридорларида минтақа давлатлари улушининг камлиги, транзит тарифлар ўртасидаги номувофиқликлар, асосий фондларнинг эскирганлиги, трансчегаравий ва шу каби таҳдидлар мавжудлиги транспорт тармоғининг ривожланишига таъсир этмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, МО давлатлари транспорт тармоғи минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, ижобий томони сифатида, минтақада транспорт коммуникациясини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун шарт-шароитлар, инфратузилмалар ҳамда ягона транспорт тармоғининг мавжудлиги, ғарб ва шарқни ўзаро боғлашда қулай стратегик жойда жойлашганлигини, шунингдек, минтақа давлатлари иқтисодий салоҳиятининг ўсиб бориши натижасида етакчи молиявий ташкилотлар томонидан ушбу минтақага ажратилаётган инвестициялар миқдори ва лойиҳалар сонининг ошиб бораётганлигини қайд этиш мумкин.

Шу билан бирга, салбий томони сифатида, минтақа давлатлари транспорт сиёсатининг турличалиги, транспорт фаолиятларини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш бўйича ягона ташкилотнинг йўқлиги, транзит тарифларининг турличалиги, юкларни олиб ўтишда қўшимча тўловлар ва коррупциянинг мавжудлиги кабиларни қайд этиш мумкин.

Бундан ташқари, сўнги йилларда МО давлатлари ўртасида юзага келаётган низоларда транспорт билан боғлиқ келишмовчиликлар улушининг катта салмоққа эгалиги, ушбу соҳанинг минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллашини англатади.

Шунингдек, бугунги кунда айрим транспорт коридорлари минтақа давлатларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, трансчегаравий таҳдидларнинг кириб келишига ҳам сабаб бўлмоқда:

– *биринчидан*, наркотик моддаларни олиб ўтишда асосий транзит коридорларидан бири ҳисобланади;

– *иккинчидан*, одам савдоси ва инсон аъзоларини чет давлатларга ўтказиш;

– *учинчидан*, минтақа давлатларида ноқонуний миграциянинг кучайишига ҳам олиб келмоқда. Бу каби салбий жиҳатлар ўз навбатида минтақавий хавфсизликни таъминлашга, хавф ва таҳдидларни ўз вақтида бартараф этишга таъсир кўрсатади.

Истиқболда минтақа транспорт тармоғининг жанубий йўналиши Ўзбекистон ва унга қўшни давлатлар манфаати учун ҳам Форс кўрфазига

чиқувчи коридор ҳисобланиб, бу коридорнинг ривожланиши ўз навбатида МО давлатларининг Европага чиқишида, ўзаро савдо-сотиқнинг ривожланишига, минтақа иқтисодий салоҳиятининг ошишига ҳамда сиёсий жиҳатдан ўз мавқеини мустақамлашга олиб келади.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Баходиров И.Б. Марказий Осиё давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиги: имконият ва истиқболи. – Т.: СТИБОМ, 2024 йил, – 120 б.

2. Бекмагамбетов М.М. Использование транзитно-транспортного потенциала стран Центральной Азии: вызовы и возможности. Алмата, 2009. – 64 с.

3. Зоҳидов А.А. и др. Автомобильно-дорожный сектор государств Центральной Азии: проблемы и перспективы развития. – Т.: «Алишер Навои», 2011 г. – 200 с.

4. Зоҳидов А.А. Трансафганский коридор: Интересы государств и перспективы его развития // Центральная Азия и Кавказ. - Швеция.: №2. 2012.– С.74-83.

5. Зоҳидов А.А. Альтернативные транспортные коридоры в Центральной Азии: факторы, взаимозависимость и проблемы интеграции// *Центральная Азия и Кавказ.* - Швеция.: №1. 2014.– С.167-177.

6. Зоҳидов А.А. Европа ва Осиё ўзаро транспорт коммуникациялари: лойиҳалар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари // *Международные отношения.* - Т.: №2, 2011. - Б. 59-65.

7. Зоҳидов А.А. Минтақа давлатларининг транспорт стратегияси // *Жамият ва бошқарув.* - Т.: №1, 2011. - Б. 109-111.

8. Зоҳидов А.А. Современные логистические центры: сущность, особенности и тенденции развития // *Экономическое возрождение России.* М.: №1, 2012. - С. 214 -220.

9. Зоҳидов А.А. Минтақавий транспорт лойиҳалари: аҳамияти, муаммо ва истиқболлари (Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой темир йўли мисолида) // *ТошТЙМИ Ахборотномаси.* - Т.: №3. 2011. – Б. 81-84.

10. Зоҳидов А.А. Европа ва Осиё ўзаро транспорт коммуникациялари: лойиҳалар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари // *Международные отношения.* - Т.: №2, 2011. - Б.59-65.

11. Мирзаев Р.С. Геополитика нового Шелкового пути. – М.: Известия, 2004.

12. Рустамов Ж.И. Ўзбекистон миллий манфаатлари кесимида халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш муаммо ва истиқболлари, – Т.: СТИБОМ, 2024 йил, – 100 б.

13. Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари электрон базаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz);

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси электрон базаси. – [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

15. Транспорт тармоғига алоқадор маҳаллий ва хорижий вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар электрон сайтлари.

16. “Экономическое обозрение” журнали. – [www.review.uz](http://www.review.uz).

17. S.Frederick Starr. The New Silk Roads: Transport and Trade in Greater Central Asia. Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program. 2007.– 514 p.

#### **Назорат саволлари:**

1. Минтақавий транспорт тизими ҳолатига баҳо берувчи индикаторларни айтиб беринг.

2. Минтақа давлатлари транспорт соҳасидаги муаммоли вазиятларни изоҳланг.

3. Минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини изоҳланг.

4. Асосий ҳамда уларга муқобил минтақавий транспорт коридорларини қиёсланг, уларнинг устувор жиҳатларини келтиринг.

5. Минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги манфаатларига таҳдидларни санаб беринг.

## ХУЛОСА

Ўқув қўлланманинг назарий қисмларида қайд этилганидек, “минтақавий хавфсизлик” фақат таҳдидлардан ҳимояланган ҳолат эмас, балки давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, барқарор ҳамкорлик, ҳуқуқий кафолатлар ва барқарор ривожланиш шароитида намоён бўладиган мувозанатли муносабатлар тизимидир. Демак, хавфсизликни таъминлаш учун нафақат ҳарбий сиёсат, балки иқтисодий интеграция, савдо алоқалари, маданий-гуманитар ҳамкорлик, сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби омиллар ҳам муҳим ўрин тутди.

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги муаммоси бугунги кунда нафақат минтақанинг, балки кенгроқ халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий кун тартибида турибди. Ушбу ўқув қўлланмада олиб борилган таҳлиллар ва назарий амалий асосдаги фикрлар шундан далолат берадики, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш – кенг қамровли, кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ жараён бўлиб, у геосиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва экологик омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи навбатда, минтақа давлатлари учун хавфсизлик тушунчаси энди анъанавий – ҳарбий таҳдидларга қарши курашиш билан чекланиб қолмайди. Ҳозирги шароитда хавфсизликнинг энергетик, транспорт, озиқ-овқат, кибер, демографик ва экологик хавфсизлик каби янги ўлчовлари тобора долзарб тус олмоқда. Бу эса минтақавий хавфсизликка комплекс ёндашувни талаб қилади. Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизликнинг кенг қамровли, кўп даражали ва интеграциялашган моделини ишлаб чиқиш зарурлиги олдида турибди.

Ўқув қўлланмада қайд этилганидек, минтақа мамлакатлари мустақилликка эришганидан сўнг ташқи сиёсатда турлича йўл тутдилар. Бу ҳолат уларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги иштирок даражаси, хавфсизлик масалаларига муносабати ва стратегик устуворликларида намоён бўлди. Афсуски, бугунги кунда ҳам минтақа мамлакатлари ўртасида хавфсизлик бўйича тўлиқ келишув ва умумий позиция шаклланмаган. Ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари, ташқи сиёсий йўналиши ва хавфсизлик стратегиясидаги фарқлар минтақавий миқёсда ягона ёндашув ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шунга қарамай, кейинги йилларда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик кайфияти сезиларли даражада ўзгарди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг очиқ, прагматик ва ҳамкорликка интилувчи ташқи сиёсий йўналиши минтақадаги сиёсий муҳитни ижобий томонга ўзгартирди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида юзага келган сиёсий мулоқот, ҳудудий лойиҳалар ва хавфсизлик соҳасидаги маслаҳатлашув механизмлари ушбу йўналишда илк қадамлар сифатида баҳоланиши мумкин. Бу тенденция келгусида тўлиқ минтақавий хавфсизлик архитектурасини барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Минтақада хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бу – халқаро-ҳуқуқий ва институционал механизмларни такомиллаштиришдир. Айни вақтда Марказий Осиё давлатлари бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар (ШХТ, КХШТ, ЕХХТ, МДХ ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Аммо улардаги иштирок даражаси ва таъсирчанлик турлича бўлиб, бу ташкилотларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги самарадорлигини чеклайди. Шу сабабдан, фақат ташқи ташкилотларга суянмасдан, минтақа давлатлари ўртасида мустақил, минтақа ичида шаклланган хавфсизлик платформаларини яратиш долзарб вазифа сифатида кўзга ташланади.

Ўқув қўлланма доирасида таҳлил қилинган яна бир муҳим жиҳат трансчегаравий муаммолар (терроризм, экстремизм, сув, миллий-этник зиддиятлар ва ҳ.к.) ҳисобланади. Уларни фақатгина умумий ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар орқали бартараф этиш мумкин. Марказий Осиё давлатлари бу борада ўзаро ҳамкорлик ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш механизмларини йўлга қўйиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш – бу фақат бир давлатнинг эмас, балки бутун минтақанинг биргаликдаги вазифаси ва масъулиятидир. Ушбу ўқув қўлланманинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, хавфсизлик соҳасидаги самарали интеграция, ишонч ва мувофиқлаштириш орқали Марказий Осиё минтақаси барқарор ва жаҳон ҳамжамиятида таъсирчан геосиёсий акторга айланиши мумкин. Бу жараёнда энг муҳим жиҳат минтақа давлатларининг сиёсий иродаси, стратегик тафаккури ва мустақил, узоқ муддатли мақсадларга йўналтирилган ҳамкорлик салоҳияти ҳисобланади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

### I. Миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – 80 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни, 1995. // <https://lex.uz/docs/4193761>

1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Давлат чегаралари тўғрисида»ги 820-И-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/31166>

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий актлар тўғрисида»ги Қонуни, 2000. <https://lex.uz/docs/5378966>

1.5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги ЎРҚ-471-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/3610935>

1.6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги ЎРҚ-458-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/3495885>

1.7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2012 йил 30 августдаги СҚ-314-И-сонли ““Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида” // <https://lex.uz/docs/5269488>

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // <http://lex.uz/docs/3107036>

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/6600413>.

1.11. Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси // <https://lex.uz/docs/4892953> (мурожаат санаси: 18.02.2024).

1.12. Устав Организации Объединенных Наций // Действующее международное право. В 3-х томах. Составители: Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1996. – 864 с.

1.13. “Хельсинские правила использования вод международных рек” от 20 августа 1966 года // <https://www.cawater-info.net/library/rus/water/rules.pdf>

1.14. Резолюция Генеральной Ассамблеи № 51/229 “Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков” от 21 мая 1997 года. // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercrs.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercrs.shtml)

1.15. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН № 72/283 “Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе” от 22 июня 2018 года. // [https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/a\\_res\\_72\\_283\\_r.pdf](https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/a_res_72_283_r.pdf);

1.16. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН № 78/147 “Центральная Азия перед лицом экологических проблем: укрепление региональной солидарности во имя устойчивого развития и процветания” от 19 декабря 2023 года. // <https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n23/418/83/pdf/n2341883.pdf>.

1.17. Соглашение между Республикой Казахстан, Республикой Кыргызстан, Республикой Узбекистан, Республикой Таджикистан и Туркменистаном “О сотрудничестве в сфере совместного управления использованием и охраной водных ресурсов межгосударственных источников” г. Алма-Ата, 18 февраля 1992 г. // [http://www.icwc-aral.uz/statute1\\_ru.htm](http://www.icwc-aral.uz/statute1_ru.htm)

1.18. Соглашение “О совместных действиях по решению проблемы Аральского моря и приаралья, экологическому оздоровлению и обеспечению социально-экономического развития Аральского региона” от 26 марта 1993 г. // [http://icwc-aral.uz/statute13\\_ru.htm](http://icwc-aral.uz/statute13_ru.htm)

1.19. Хартия Шанхайской организации сотрудничества // [http://russian.china.org.cn/international/txt/2002-06/12/content\\_2033359.htm](http://russian.china.org.cn/international/txt/2002-06/12/content_2033359.htm).

1.20. Соглашение о создании СНГ // <http://www.cis.minsk.by/webnpa/text.aspx?RN=N09100001>.

1.21. Convention on the Protection and Use of Transboundary Watercourses and International Lakes., Helsinki, 17 March 1992 // [https://treaties.un.org/pages/viewdetails.aspx?src=treaty&mtdsg\\_no=xxvii-5&chapter=27&clang=\\_en](https://treaties.un.org/pages/viewdetails.aspx?src=treaty&mtdsg_no=xxvii-5&chapter=27&clang=_en)

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентларининг асарлари**

2.22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

2.23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи // <https://www.gazeta.uz/oz/2020/09/23/bmt/>

2.24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясидаги нутқи // <https://www.gazeta.uz/oz/2021/09/22/un-assembly-76/>

2.25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/6679>

2.26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1227>

2.27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1601>

2.28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4484>

2.29. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/6968>

2.30. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023. – 440 б.

2.31. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

### **III. Монография ва махсус адабиётлар**

3.32. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: “Шарк”, 2005;

3.33. Бобоқулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2019. – 115 б.

3.34. Бобоқулов И.И. Афғонистон. Луғат-маълумотнома / – Тошкент: “Complex Print”, 2021 – 248 б.

3.35. Бобоқулов И.И. Центральная Азия как региональный комплекс безопасности. Сборник научных статей – Т.: Высшая школа, 2025. – 237 с.

3.36. Бобоқулов И.И. Хавфсизлик. Луғат-маълумотнома / Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Олий мактаб, 2024 – 161 б.

3.37. Арон Р. Мир и война между народами /Под общей ред. В.И.Даниленко – М.: NOTA BENE,2000. – 459 с.

3.38. Ахмедов К.М. «Миллий манфаатлар» категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётида ақс этиши: Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2001. – 156 б.

3.39. Бартош А. Эволюция стратегии национальной безопасности России. Национальная безопасность в эпоху глобализации // Обозреватель. – М.: 2016. – №7. – С. 21-32.

3.40. Верещагина А.В., Самыгин С.И., Шевченко О.М. Система комплексной безопасности современного общества и основные аспекты национальной безопасности России в условиях новых вызовов и угроз. М.: Русайнс, 2016. – 152 с.

3.41. Вода для людей, вода для жизни. Доклад ООН о состоянии водных ресурсов мира. Обзор. - М.: Весь мир, 2003.

3.42. Военная сила в международных отношениях: учебное пособие / коллектив авторов; под общ. ред. В.И. Анненкова. – М.: КНОРУС, 2011. – 493 с.

3.43. Дубцов Г.Ф. Военная безопасность Республики Казахстан: опыт, актуальные проблемы, основные направления обеспечения. – Астана, 2018. – 218 с.

3.44. Духовний В.А., Соколов В.И., Мантритилаке Х. Интегрированное управление водными ресурсами: от теории к реальной практике. Опыт Центральной Азии / под ред. А.А. Иммангазиева. – Ташкент: Узбекистон, 2008. – 380 с.

3.45. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст). Т.: Академия, 2007 – 252 б.

3.46. Жўраев Т., Аюбиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик (ўқув қўлланма). Т.: Академия, 2007. – 106 б.

3.47. Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизими: миллий манфаатлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: СТИБОМ, 2014. – 230 б.

3.48. Зоҳидов А.А. Альтернативные транспортные коридоры в Центральной Азии: факторы, взаимозависимость и проблемы интеграции// Центральная Азия и Кавказ. - Швеция.: №1. 2014. – С.167-177;

3.49. Казанцев А.А. “Большая игра” с неизвестными правилами: мировая политика и Центральная Азия. – М.:МГИМО-Университет, 2008.

3.50. Каплан Ричард, Международное управление разрушенных войной территорий: правление и реконструкция, Оксфорд: OUP, 2005.

3.51. Касенов У.Т. Безопасность Центральной Азии: глобальные, региональные и национальные проблемы. – Алматы: Университет “Кайнар”, 1998.

3.52. Логунов А.Б. Региональная и национальная безопасность: Учебное пособие. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 432 с.

3.53. Маккамбаев П.А. Актуальные проблемы обеспечения военной безопасности Республики Узбекистан. – Т.: Ташкентский государственный юридический институт, 2010.

3.54. Маккамбаев П.А. Международно-правовые проблемы пограничной безопасности Республики Узбекистан. – Т.: Ташкентский государственный юридический институт, 2009.

3.55. Международные отношения: теория, конфликты, организации: Учебное пособие / Под ред. проф. П.А. Цыганкова. – М.: Альфа-М, 2004. (Серия «Спецкурс»). – 288 с.

3.56. Олимов Ю.Ю. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик. Илмий мақола. Ахборотнома 6-сон, СТИБОМ. 2017 й.

3.57. Рахманов А.Р. Международно-правовые аспекты всеобъемлющей безопасности // Государство и право, 2003. – № 2.

3.58. Рахманов А.Р. Проблемы безопасности. – Т.: Академия, 2009.

3.59. Ричмонд О.П. и Фрэнкс Дж., Либеральные мирные переходы: между государственным строительством и миростроительством, Издательство Эдинбургского университета, 2009.

3.60. Саломов А.С., Олимов Ю.Ю. Методика изучения проблем военной безопасности. Учебно-методическое пособие. ВШСАиП. – 2016. – 42 с.

3.61. Сафоев С., Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.

3.62. Таджикиев Ш.Ш. Центральная Азия в условиях трансформации мирового порядка: методологические и концептуальные подходы. Монография. – Т.: Complex Print, 2023. – 468 с.

3.63. Хавфсизлик асослари [Матн] : дарслик / И.И. Бобокулов ва бошқалар. – Тошкент: Complex print, 2025. – 280 б.

3.64. Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М.: 2004. – 189 с.

3.65. Хужанов Б.А. Геосиёсат атамалар луғати – Т.: «Complex Print», 2024. – 316 б.

3.66. Цыганков П.А. Теория международных отношений: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Гардарики, 2007. – 316 с.

#### **IV. Хорижий тиллардаги адабиётлар**

4.67. Barry Buzan, Ole Waever. Regions and Powers: the Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 564 p.

4.68. Barry Buzan. People, States, and Fear: An Agenda for international security studies in the post-cold war era. – London: Lynne Rienner Publishers, 1991. – 262 p.

4.69. Barry Buzan. Security: a New Framework for Analysis /by Barry Buzan, Ole Waever, and Jaap de Wilde. – London: Lynne Rienner Publishers, 1998. – 237 p.

4.70. Central Asian Security: the New International Context /Roy Allison and Lena Jonson, editors. - London, Washington, D.C.: Royal Institute of International Affairs, Brookings Institution Press, 2001.

4.71. Centrasia and the Caucasus after the Soviet Union: Domestic and International Dynamics / edited by Mohiaddin Mesbahi. – Florida: University Press of Florida, 1994.

4.72. Central Asian Transition: Dilemmas of Political and Economic Development /edited by Boris Rumer. - New York, London: M.E. Sharpe, 1996.

4.73. Khasanov U.A. Central Asia: tackling new challenges. – London: LAP LAMBER Academic Publishing, 2023. – 396 p.

4.74. Louise Fawcett. Exploring Regional Domains: A Comparative History of Regionalism //In: International Affairs, 2004. - Vol. 80. No. 3.

4.75. Martha Brill Olcott. Central Asia's New States: Independence, Foreign Policy, and Regional Security. - Washington, DC: United States Institute of Peace Press, 1996. - Pp. 52-53.

4.76. Olivier Roy. The New Central Asia: the Creation of Nations. - New York: New York University Press, 2000; Central Asian Security: the New International Context /edited by Roy Allison and Lena Jonson. - London, Washington, D.C.: Royal Institute of International Affairs, Brookings Institution Press, 2001.

4.77. Polat Necati. Boundary Issues in Central Asia. – New York: Transnational Publishers, 2002;

4.78. Political Community and the North Atlantic Area /Karl W.Deutsch, ed. - Princeton: Princeton University Press, 1957.

4.79. Roy Allison. Regionalism, Regional Structures and Security Management in Central Asia; Annette Bohr. Regionalism in Central Asia: New Geopolitics, Old Regional Order.

4.80. Security Communities /Emanuel Adler and Michael Barnett, eds. - Cambridge: Cambridge University Press, 1998.

4.81. Starr Harvey. Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict /International Studies Review, Vol. 7, 2005.

## **V. Интернет-сайтлар**

5.82. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz) (сайт Министерства иностранных дел Узбекистана).

5.83. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (сайт национальной законодательной базы).

5.84. [www.un.org](http://www.un.org) (официальный веб-сайт ООН).

5.85. [www.dkb.gov.ru](http://www.dkb.gov.ru) (официальный веб-сайт ОДКБ).

5.86. [www.sectesco.org](http://www.sectesco.org) (официальный веб-сайт ШОС).

5.87. [www.nato.org](http://www.nato.org) (официальный веб-сайт НАТО).

5.88. [www.osce.org](http://www.osce.org) (официальный веб-сайт ОБСЕ).

5.89. [www.cis.solo](http://www.cis.solo) (официальный веб-сайт СНГ).

5.90. [www.ca-c.org](http://www.ca-c.org) (Центральная Азия и Кавказ).

5.91. [www.iiss.org](http://www.iiss.org). (Международный институт современной политики).

- 5.92. [www.ipmb.ru](http://www.ipmb.ru) (Институт проблем международной безопасности).
- 5.93. [www.asiastrategy.ru](http://www.asiastrategy.ru) (Фонд стратегических исследований ЦАР).
- 5.94. <http://afghanistan.ru> (Новости Афганистана).
- 5.95. <https://www.afghanistan-analysts.org> (Afghanistan Analysts Network).
- 5.96. <http://www.understandingwar.org> (Institute for the Study of War).
- 5.97. <http://www.imemo.ru> (Научно-исследовательский институт мировой экономики и международных отношений имени Е.М.Примакова РАН (РФ)).
- 5.98. <http://www.rand.org> (Аналитический центр РЭНД (США)).

## Қозоғистон ҳарбий қурилишининг SWOT таҳлили

<b><i>Кучли томони</i></b>	<b><i>Кучсиз томони</i></b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚКни жанговар шай ва резерв кучларга ажратилиши;</li> <li>- Ҳаво мудофаа кучларини кучайтирилиши;</li> <li>- ҳарбий ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги;</li> <li>- ҲХМ кўшинида замонавий қуролларнинг мавжудлиги;</li> <li>- кўп векторли ҳалқаро ҳарбий ҳамкорлик.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қурол ва техника импортининг асосан РФга боғлиқлиги;</li> <li>- қуруқликдаги кўшинлар янгиланишини ортда қолаётгани;</li> <li>- ҳарбий ишлаб чиқаришда тизимлиликнинг йўқлиги;</li> <li>- Казбриг бўлинмаларидан бошқа кўшинларда амалий жанг кўникмасининг йўқлиги.</li> </ul>
<b><i>Имкониятлар</i></b>	<b><i>Тўсиқлар</i></b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚРнинг инвестицион потенциали;</li> <li>- 169,8 млрд долл. миқдоридаги ЯИМ;</li> <li>- 5% га йиллик иқтисодий ўсиш;</li> <li>- Ҳарбий ҳаво мудофааси кўшинини Россия ва Қозоғистон ягона ҲХМ тизими ичида ривожланиши;</li> <li>- ҲСКнинг мавжуд, лекин фойдаланилмаётган салоҳияти;</li> <li>- хорижий давлатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорлик;</li> <li>- ҳалқаро ҳарбий-сиёсий ташкилотларга аъзолиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚҚдаги муаммолар;</li> <li>- ҲСКни РФдаги ишлаб чиқаришга боғлиқлиги;</li> <li>- кўшин турларини модернизациялашдаги дисбаланс;</li> <li>- РФ ва ХХР билан умумий чегаранинг мавжудлиги;</li> <li>- ҚРдаги мавжуд НАТО ва ОДҚБ стандартларига оид қуроллар ва техникалар.</li> </ul>

## Қирғизистон ҳарбий қурилишининг SWOT таҳлили

<b>Кучли томони</b>	<b>Кучсиз томони</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- жанговар шай махсус бўлинмаларнинг тезкор кулчарга бирлаштирилгани;</li> <li>- Ҳаво мудофаа кучларининг РФ “Кант” авиабазаси билан интеграцияллашуви ва бошқ.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚҚни янги техникалар билан бутланмаганлиги;</li> <li>- артиллерия ва ҲХМ қўшинлари жанговар тайёргарлик даражасининг пастлиги;</li> <li>- жанговар самолётларнинг йўқлиги;</li> <li>- ҚҚни озиқ-овқат, ёқилғи ва ўқ-дори билан таъминлашдаги етишмовчилик;</li> <li>- ҚҚ академиясининг йўқлиги.</li> </ul>
<b>Имкониятлар</b>	<b>Тўсиқлар (риск)</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- РФ кўрсатаётган молиявий ва техник ёрдам;</li> <li>- НАТОга аъзо етакчи давлатлар билан ҳамкорлик;</li> <li>- КХШТ аъзолиги;</li> <li>- СССРдан қолган ҳарбий саноат корхоналарининг мавжудлиги;</li> <li>- ҚРнинг ЕОИИга аъзо бўлганлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚҚдаги коррупция ва уюшган жиноятчилик;</li> <li>- Қирғизистондаги сиёсий беқарорлик;</li> <li>- ҳарбий қурилишни РФга боғлиқлиги;</li> <li>- ҚРда диний экстремистик ғояларнинг кенг тарқалиши;</li> <li>- ҳарбий бошқарувдаги муаммолар;</li> <li>- мамлакатнинг географик рельефи.</li> </ul>

## Тоҷикистон ҳарбий қурилишининг SWOT таҳлили

<b>Кучли томони</b>	<b>Кучсиз томони</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- жанговар шай махсус бригадалар ва мобил қўшиннинг мавжудлиги;</li> <li>- ТР ҚК жанговар тизимининг РФ 201-ҳарбий базасига боғланганлиги;</li> <li>- ҚКни ҳар йилги КХШТ доирасидаги “Рубеж” жанговар ўқувларида давомий иштирок этиши;</li> <li>- офицерлар таркибининг кўп қисми жанговар операцияларни режалаштириш ва ўтказиш кўникмасига эга ва бошқ.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚКни соз техникалар билан бутланмаганлиги;</li> <li>- муддатли ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳолати;</li> <li>- жанговар самолётларнинг саноклиги;</li> <li>- ҚКни озиқ-овқат, ёқилғи ва ўқ-дори билан таъминлашдаги етишмовчилик;</li> <li>- ҳарбий-корхоналарининг йўқлиги;</li> <li>- ҚКдаги ижтимоий муаммолар;</li> <li>- аксарият маблағ фақат ҚКни боқишга йўналтирилган;</li> <li>- ҚК академиясининг йўқлиги.</li> </ul>
<b>Имкониятлар</b>	<b>Тўсиқлар (риск)</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- РФ кўрсатаётган ҳарбий ва ҳарбий-техник ёрдам;</li> <li>- хорижий давлатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорлик;</li> <li>- КХШТ ва ШҲТга аъзолиги;</li> <li>- РФнинг 201-ҳарбий базасини янгидан қуролланаётгани.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚКдаги коррупция ва уюшган жиноятчилик;</li> <li>- ҳарбий қурилишни, асосан, РФга боғлиқлиги;</li> <li>- ҚК шартнома асосида бутлашнинг йўқлиги;</li> <li>- Чегара қўшин фаолиятини турли хориж давлатларидан олинаётган кўмакка асосланганлиги.</li> </ul>

## Туркменистон ҳарбий қурилишининг SWOT таҳлили

<b>Кучли томони</b>	<b>Кучсиз томони</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҚК замонавий қуроллар билан бутланмоқда;</li> <li>- самолёт ва вертолётларни хорижий кўмак эвазига таъмирлаш йўлга қўйилган;</li> <li>- мудофаага тааллуқли идора ва вазирликлар ўртасида ҳамкорликдаги машқлар ўтказилмоқда;</li> <li>- ҳарбий кадрлар, асосан, маҳаллий ҳарбий таълим муассасаларида тайёрланмоқда.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Қуруқликдаги қўшинларда офицерларни етишмаслиги;</li> <li>- муддатли ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳолати;</li> <li>- амалий кўникмага эга ҳарбий учувчиларнинг етишмаслиги;</li> <li>- ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг йўқлиги;</li> <li>- ҚК академиясининг йўқлиги;</li> </ul>
<b>Имкониятлар</b>	<b>Тўсиқлар (риск)</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- туркман газининг экспорти;</li> <li>- катта миқдордаги қурол ва техникалар захираси мавжуд;</li> <li>- хорижий давлатлар билан фаол ҳарбий-техник ҳамкорлик;</li> <li>- иқтисоддаги йиллик 10%га ўсиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ТРнинг нейтраллик мақоми;</li> <li>- Чегара қўшинида интизом даражасининг пастлиги;</li> <li>- Туркменистон ҳукуматининг авторитар бошқаруви;</li> <li>- ҚК сафида диний экстремистик ғояларни тарқалиши;</li> <li>- Каспийдаги кескинлик;</li> <li>- ҚКга хорижий кўмакнинг тўхтатилиши ёки кечикиши.</li> </ul>



# МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

**Масъул муҳаррир:** профессор Атаев М.И.,  
Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни  
белгилаш олий мактаби бошлиғи.

**Муаллифлар:** Бобокулов И.И., ю.ф.д., проф.; Гуламов А.Г.,  
с.ф.ф.д. (PhD), доц.; Зоҳидов А.А. и.ф.д., проф.;  
Йўлбарсхўжаев У.Ш. с.ф.ф.д. (PhD); Муқимов Ш.А., и.ф.ф.д. (PhD);  
Олимов Ю.Ю., с.ф.ф.д. (PhD), доц.

© Муаллифлар жамоаси, 2025  
© Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил  
ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2025

